

М. Й. ДЎСТМУҲАМЕДОВ

МУҲАНДИСЛИК ГЕОДЕЗИЯСИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
маҳсус таълим вазирлиги маъқуллаган*

**ТОШКЕНТ
“ЎЗБЕКИСТОН”
1998**

“Мұхандислик геодезияси” номли бу китоб олий техника ўқув юртларининг дастурига биноан ёзилган дарслык бўлиб, асосан темир йўл транспортни ва автомобиль йўллари институти талабаларига мўлжалланган.

Дарслик 15 бобдан иборат бўлиб, уларда геодезия фанининг вазифалари, топографик тарҳ ва хариталар билан ишлаш, тас-ғирлов усуллари, геодезик асбоблар, уларни ишлатиш усуллари келтирилган. Геодезик асбоблар таснифи ва мавжуд геодезия асбоблари бўйича ГОСТлар берилган. Дала материалларини ишлаб чиқиши, транспорт йўли иншоотлари қурилишидаги мұхандислик-геодезик ишлар ва уларни автоматлаштириш келтирилган. Жойнинг риёзий андазалари ва харита тузиш усулларидан маълумот берилган. Чизиқли иншоотларни лойиҳалаш, қидирув ишлари, қурилиши ва ишлатилишидаги геодезик ишлар баён этилган. Кўприклар ва тоннеллар қуриши жойидаги геодезик ишлар, режалаш ишларини бажариш ҳамда лазерлик асбоблар билан ишлаш баён этилган.

Бу дарсликдан тегишли ихтисосликдаги колледж ва лицей ти-пидаги ўқув юртларининг ўкувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Тақризчилар: Тошкент Архитектура-қурилиш институти “Амалий геодезия” кафедрасининг мудири т.ф.н. доц. Н. М. НИШОНБОЕВ, ТТИМО “ИПСЖД ва Геодезия” кафедрасининг катта ўқитувчиси Х. Т. ҚАЮМОВА.

Муҳаррир: Н. УМАРОВ

ISBN 5-640-01799-6

1804090000 – 44
Д ————— 98
351(04)98

© “ЎЗБЕКИСТОН” нашриёти, 1998 й.

*Ватан уруши ногирони раҳмат-
ли падари бузрукворим Йўлчи ота
хотираларига бошгашлайман.*

СЎЗ БОШИ

Ушбу “Муҳандислик геодезияси” дарслиги геодезия фани ва бу фан соҳасида сўнгги йилларда эришилган янгиликларни назарий ва амалий жиҳатдан эътиборга олган ҳолда ҳамда муаллифнинг кўп йиллик тажрибаси, сўнгги 20 йил давомида бажарилаётган давлат ва хўжалик шартномаларининг амалий натижалари асосида ёзилди.

Китоб ҳажмини оширмаслик мақсадида амалий мисоллар зарур ўринлардагина кўрсатилди ва баъзи бир геодезик ишлар бўйича маълумотлар ихчамланди.

Дарслик темир йўл транспорти ва автомобиль йўллари олийгоҳи талабаларига мўлжалланган, китобдан муҳандис-геодезистлар, лойиҳа институти ходимлари, қурилиш институтлари ва тегишили ихтисосликдаги коледж ва лицей типидаги ўқув юртларининг талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Дарсликдаги баъзи бир номлар, иборалар ўзбек тилида биринчи бор келтирилганлигидан, у айрим камчиликлардан холи эмас, албатта. Шу боисдан дарслик тўғрисидаги танқидий фикр ва мулоҳазаларни мамнуният билан қабул этиман.

Дарсликни тайёрлашда қимматли маслаҳатлари ва ёрдамлари учун доц. А. В. Воҳидов, А. А. Аҳадов, катта ўқитувчи Х. Т. Қаюмова ва доцент Н. Нишонбоевга ўз миннадорчилигимни билдираман.

МУАЛЛИФ

Биринчи бўлим

I боб

МУҚАДДИМА

I.I. ГЕОДЕЗИЯ ФАНИ

Геодезия — грекча сўз бўлиб, ер бўлиш деган маънни билдиради. Геодезия қадимий фанлардан ҳисобланиб, у инсониятни кундалик ҳаёт зарурияти натижасида вужудга келган ва тез суръатлар билан ривожланган. Шубоис у ўзининг дастлабки таърифидан фарқли ўлароқ кўп масалаларни ўз ичига олади.

Ҳозирда геодезия, риёзиёт, физика, механика, оптика, жуғрофия каби фанларнинг ютуқларига асосланган ҳолда фаолият кўрсатадиган кўпқиррали фан ҳисобланади.

Турли иншоотларни қуриш, улар қурилишини доимий кузатиш ва ишлатиш даврида, жойни тасвирашда тарҳ, харита ва кесимларни тузишда, темир йўллар чегарасини ажратишда бажариладиган барча ишлар, асосан, геодезиянинг ютуқларига таянган ҳолда олиб борилади.

Ернинг тузилиши ва ички қатламлари ҳолатини, қутбларни, океан, денгиз қирғоқларининг ўзгаришини, айрим жойларни, иншоотларнинг силжиши ва чўкишини аниқлашда геодезия фани муҳим ўрин эгаллайди.

Геодезия фанининг асосий илмий ва техникавий вазифалари қўйидагилардир:

1. Ернинг шакли, тортишиш майдонини ва ўлчамини ўрганиш;
2. Қабул қилинган координатлар системасида Ер юзидаги айрим нуқталар ўрнини топиш, тарҳ ва хариталар тузиш;
3. Лойиҳалаш, қурилиш ишларида ва тайёр иншоотларда фойдаланишда зарур геодезик ўлчашлар олиб бориш;
4. Мамлакат мудофааси учун геодезик маълумотлар тайёрлаш.

Шундай қилиб, геодезия турли усуулар билан ўлчаш натижасида, Ернинг шакли ва ўлчамини ўрганадиган, ер юзасини тарҳ, харита ва кесимларда тасвирлаш билан шуғулланадиган, турли иншоотларни лойиҳалаш ва қурилишида ҳамда иншоотларни ишлатишда бажариладиган геодезик ишлар олиб борадиган фан ҳисобланади. Шу тифайли геодезия фанига талаб ошди ва бу фан тез ривожланиб, бир неча бўлимларга, яъни:

Олий геодезия — Ернинг шакли, ташқи тортишиш майдони ва катталигини аниқлаш, энг аниқ астроном, гравиметрик, нивинирлаш тармоқларини барпо этиш, ҳамда бир системада ер юзидағи нуқталар координаталарини аниқлаш;

Геодезия ёки топография — ер юзасидаги кичик майдонларни қофозда тарҳ ва кесимлар тарзида тасвирлаш;

Картография — ер юзасидаги катта майдонларни қофозда харита тарзида тасвирлаш;

Ер фотографияси — майдонни ердан туриб суратга олиш билан тарҳ тузиш;

Аэрофото — тасвирлов — осмондан самолёт ёрдамида жойни суратга олиб, тарҳ ва харита тузиш;

Фазовий геодезия хариталари тузиш учун фазодан туриб ерни суратга олиш;

Маркшейдерия — ер ости қурилишидаги геодезик ишларни бажариш;

Муҳандислик геодезияси — турли иншоотлар лойиҳасини тузиш, уларни куриш, ишлатиш даврида керак бўлган геодезик ишларни бажариш билан шуғулланадиган фанларга бўлинди.

Кейинги йилларда геодезия фанини ривожлантиришда бир неча илмий текшириш институтлари олимлари томонидан улкан геодезик ишлар бажарилди. Геодезия, аэрофотосъёмка ва картография марказий илмий текшириш институти (ЦНИИГАиК) ходимлари томонидан МДҲ (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги) да давлат геодезик шохобчалари барпо этилди ва 1:1.000.000 масштабда МДҲ территориясининг рангли харитаси тузилди. Ҳозирда МДҲ территорияси 1:1.000.000 масштабли харитага туширилди, юқори аниқликда нивелирлаш шохобчалари тузилди. Шу билан бирга муҳандислик геодезияси ҳам тез ривожланиб кетди. Индустрiali қурилишда, метрополитен, тоннеллар, катта

баландликдаги иншоотлар — ойнаи жаҳон миноралари, канал ва станция қурилиши, мукаммал агрегатлар ўрнатилиши билан боғлиқ бўлган ҳамма ишлар муҳандислик геодезиясининг ютуқларига таянган ҳолда бажарилди.

Геодезия фани олдига қўйилган масалаларни ечишда кўпгина олимларимизнинг илмий ва амалий ишлари қўл келди. Беруний, Улугбек, Ф. Н. Красовский, Ф. В. Дробишев, А. А. Изотов, Н. Г. Кеель, П. И. Шилов, А. С. Чеботарев, М. С. Черемисин ва бошқалар шулар жумласидандир.

Геодезия фанини ривожланишида жумхурият олимлари илмий ва амалий ҳисса қўшдилар. Тошкент темир йўли транспорт муҳандислари институтида К. Н. Норхўжаев, А. В. Воҳидов, А. А. Аҳадов, Р. А. Акчурин, Тошкент меъморчилик ва қурилиш институтида Т. Кўзибоев, Н. М. Нишонбоев, Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш институтида А. Назиров, Х. Мубораков шулар жумласидандир.

Нашрга таёrlаниб, талабаларга тақдим этилган К. Норхўжаевнинг “Инженерлик геодезияси” (Т. “Ўқитувчи” нашриёти, 1984), Т. Кўзибоевнинг “Геодезия” (Т. “Ўқитувчи” нашриёти, 1984), Н. Нишонбоевнинг “Амалий геодезия, меъморчилик обидаларини таъмирлашга оид геодезик ишлар” (Т. “Ўқитувчи”, 1992), “Амалий геодезия, мақбул усулларда ечиладиган геодезик масалалар” (Т. “Ўқитувчи”, 1992), А. Назировнинг “Геодезия” (Т. “Ўқитувчи”, 1978) дарслик ва қўлланмалари жумхуриятда юқори малакали талабалар етиштириш масаласини ечибгина қолмай, балки қурувчи муҳандислар, геодезия муҳандислари, лойиҳалаш институти ходимларига кундалик амалий ва зарур қўлланма бўлиб келмоқда.

Муҳандислик геодезиясининг келгусида ҳал қиласидан вазифалари анчагина. Булар — жумхуриятимиз олдида турган улкан ишларни амалга ошириш учун хизмат қилиш ва анъанавий геодезик масалаларни ечиш билан бир қаторда:

а) геодезик ўлчаш ишларининг аниқлигини илмий асослаб бериш;

б) турли иншоотларнинг чўкиши ва силжишини олдиндан аниқлаб берадиган усуллар яратиш ва тегишли асбоблар ишлаб чиқариш;

- в) ҳар томонлама қулай ва арzon замонавий асбоблар яратищда ҳамкорлик қилиш;
- г) замонавий асбоблар билан геодезия ишларини илмий асосда олиб бориш;
- д) бутун геодезия ишларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш кабиларни амалга оширишdir.


Шу билан бирга космик геодезия, океан ва қирғоқ тублари тасвирини яратищда бажариладиган геодезик ўлчаш, ҳисоблаш ишларини ривожлантириш ва автоматлаштирилишини юқори поғонага күтариш ҳам муҳандислик геодезиясининг галдаги вазифалари қаторига киради.

II боб

ЕР ЮЗАСИНИ ТАРҲ ВА ХАРИТАДА ТАСВИРЛАШ

II. I. ЕРНИНГ ШАКЛИ ВА ЎЛЧАМЛАРИ

Геодезияда Ернинг шакли сифатида тинч ҳолатда турган океан сувлари сатҳини фикран давом эттиришдан ҳосил бўлган шарсимон шакл қабул қилинади. Бу шакл геоид — Ер шакли деб юритилади. Сатҳий юза Ернинг ҳар қандай нуқтасидаги шовун чизигига перпендикулярдир, шунинг учун у ҳамма жойда горизонтал деб қабул қилинади. Ернинг ҳақиқий шакли мураккаб бўлиб, бу шакл ҳозиргача риёзий тенгликлар билан аниқ ифодаланган эмас. Лекин геоид ўрнига, юзаси риёзиётда аниқланадиган ўзи эса, геоидга энг яқин келадиган шакл — эллипсоид қабул қилинади. Эллипсоид юзаси эллипс PQP_1Q_1 нинг PP_1 ўқ атрофида айланишидан ҳосил бўлади (II. I — шакл). Ер эллипсоидининг айланиш ўқи орқали ўтган текисликларнинг сфероид сиртининг кесишидан ҳосил бўлган чизиқларга меридиан (1)лар ва айланиш ўқига перпендикуляр бўлган текисликларнинг кесишиши-



II.1-шакл

дан ҳосил бўлган чизиқларга параллел (2)лар дейилади. Ер эллипсоидининг асосий элементлари: катта ярим ўқ $a = QQ_{1/2}$, кичик ярим ўқ $b = PP_{1/2}$ ва қутб бўйича сиқилиш $\alpha = \frac{a - b}{a}$ ҳисобланади.

Бу элемент сон қийматлари турли вақтда ва турли мамлакат олимлари томонидан турли усуллар билан ҳисобланган. Бизда ер шакли деб қабул қилинган эллипсоид — олим Ф. Н. Красновский референц эллипсоиди дейилиб, куйидаги қийматларга эгадир:

$$a = 6378245 \text{ м}, \quad h = 6356863 \text{ м} \quad \alpha = 1 : 298,3.$$

Катта аниқлик талаб қилинмайдиган геодезик ишларда Ер радиуси 6371,1 км га teng бўлган курра деб қабул қилинади. МДҲ ва Америкада учирилган сунъий йўлдошлар орқали олиб борилган изланишлар Ер шакли ва ўлчамини аниқлашга катта ҳисса қўшди. Бунда ернинг шимолий қутби сатҳий юзасидан 15 м га кўтарилганини, жанубий қутби эса 15 м га пасайгани аниқланди. Бундан ташқари, шимолий ярим шарнинг ўртача кенгламасида 7,5 м га пасайиш, жанубий ярим шар ўртача кенгламасида эса 7,5 м га кўтарилиш борлигига холоса ясалди. Шунга кўра Америкада Ерни “ноксимон” шаклда деб юрита бошланди.

Кейинги даврда олим М. С. Молоденский Ер шаклини аниқлашда гравиметрияни татбиқ этиб, Ер шакли сифатида геоид юзаси ўрнига унга яқин “Квазигеоид” (сохта геоид) шаклини таклиф қилди.

1980 йилдаги Бугун жаҳон Геодезик ва геофизик иттифоқи (МССГ)нинг XVII Бош ассамблеяси томонидан референц эллипсоид ўлчамларини $\alpha = 6.378137$ м ва $\alpha = 1 : 298,257$ га teng деб қабул қилинди.

II. 2. ЕР ЮЗАСИНИ СФЕРА ВА ТЕКИСЛИКДА ТАСВИРЛАШ

Ер юзасидаги нуқталар турли баландликда бўлиб, уларни сфера (сатҳий юзада) ёки текисликда тасвирилашда тўғри бурчакли (ортогонал) проекциялаш усули қўлланлади. II. 2-шаклда жойдаги A, B, C ва D нуқталари билан чегараланган $ABCD$ тўртбурчак шаклидаги жойнинг

проекциясина топишда бурчак учларидан шовун чизиклари ўтказилиб MN сатхий юза билан кесишган a, b, c ва d проекциялари топилади. Шунда $abcd$ күпбурчакли жойдаги $ABCD$ күпбурчагининг сатхий юзасида проекцияси бўлади.

Энди унча катта бўлмаган сатхий юзасидаги A, B, C, D тўртбурчакликни $M'N'$ горизонтал текислигига проекцияласак, текисликда проекциялари тўғри чизик бўлган $abcd$ тўртбурчаклик ҳосил бўлади (II. 3-шакл).


ab, bc, cd ва da кесмалар геодезияда чизикларни горизонтал қўйилиши дейилади. Кўриниб турибдики, чизикларнинг горизонтал қўйилиши олингандан эгри чизик тўғри чизик билан бир мунча ўзгарган ҳолда (фарқ билан) тасвирланди. Шунга кўра, ўзгариши (фарқни) камайтиришни кўзда тутиб, бутун Ер сфероиди бўлак-бўлак шаклларда текисликда проекцияланади.

Бунда ясси картографик проекциялаш усули қўлланилади.


a, b, c ва d проекциялари асосида жойнинг кўриниши ва характеристики белгилаш учун уларни $M'N'$ горизонтал текисликдаги ўрнини қабул қилинган координатлар системасида аниқлаш, нуқталарнинг сатхий юзадан баландлигини топиш ва сферик сатхий юзани ясси картографик проекциялаш керак бўлади.

II. 3. ЕР ЭГРИЛИГИННИГ ГОРИЗОНТАЛ ВА ТИК МАСОФАГА ТАЪСИРИ


II. 4-шаклга кўра $\Delta d = \frac{1}{3} \frac{d^3}{R^2}$ ва $\Delta h = \frac{d^2}{2R}$ ларни ёзиш мумкин.



II.2-шакл



II.3-шакл



II.4-шакл

Бу ерда: Δd Ер эгрилигининг горизонтал масофага таъсири, Δh Ер эгрилигининг тик масофадаги таъсири.

Агар А ва С нуқталар оралиғи $d = 10$ км ва $R = 6371$ км деб қабул қилин-

са, $\Delta d = 1$ см ёки $\frac{\Delta d}{d} = \frac{1}{1.000.000}$ чи-

қади. Бу хато чизиқнинг $1 : 1.000.000$ улуши демакдир. Ер юзасида иккى


нуқта орасидаги масофа энг аниқ асбоблар билан ўлчанганды содир бўладиган хатодан кичик. Шунинг учун радиуси 10 км доира томони 20 км ли квадрат шаклидаги жойларда Ер эгрилигини ҳисобга олмай, унинг горизонтал қўйилишини тасвирилаш мумкин. Агар $d = 0,1$ км деб олинса $\Delta h = 1,0$ мм чиқади. Муҳандислик ишларида нуқталар баландлик белгиси 1 мм хато билан аниқланади. Шунга кўра нивилирларда масофа 100 м дан ошганда Ер эгрилигидан келадиган хатони эътиборга олиш зарур.

II. 4. КООРДИНАТЛАР ТИЗИМИ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

Геодезик координатлар тизимида нуқтанинг тархий ўрни референц эллипсоид юзаси ва унга нормал тушган чизиқ асосида топилади. Бунда координата ўқлари геодезик меридиан ва паралеллар ҳисбланади. Ер юзасидаги

нуқтанинг ўрни геодезик узоқлик — L ва геодезик кенглиқ — B билан аниқланади.

Астрономик координатлар тизимида сатҳий юза асос қилиб олинади. Нуқта ўрни бош меридиан ва экваторга нисбатан олинади. (II. 5-шакл). Бу координатлар катта майдонни бир тизимда тасвири қилиш ва турли ўлчаш ишлари олиб борища қўлланилади II. 5-шаклда φ бурчак M нуқтанинг географик кенгли-




II.5-шакл

ги, λ эса шу нүктанинг географик узоқлиги дейилади. Кенглик φ экватордан 2 томонга 0° дан 90° гача ўлчанади, узоқлик λ эса бош меридиандан шарқقا ва фарбга қараб ўлчанади.



Тўғри бурчакли координатлар тизими иккига: текисликдаги координатлар ва фазовий координатлар тизимига бўлинади.

Агар жой кичик бўлса ва Ернинг эгрилиги ҳисобга олинмай текисликда тасвиirlанса, текисликдаги координатлар тизими кўлланилади. Бунда меридиан йўналиши $X - Y$ ўқини унда перпендикуляр чизиқ экватор деб олинади. II. 6-шаклда A нүкта-нинг ўрни координаталари $X = -3$ ва $Y = +4$ деб олинган. Нуқта ўрни уч ўқли қилиб белтиланса, фазовий координатлар тизими дейилади. Инженерлик ишларида $X - Y$ ўқлари ихтиёрий қилиб кўйилса, унда у хусусий координатлар тизими дейилади.

Гаусс координаталар системаси. Бунда Гаусс-Крюгер проекцияси асос қилиниб, ер шари меридианларга бўлинади. Зоналар ўртасидаги меридианни ўқ меридиан дейилади.



II.7-шакл




Бу меридиан түгри бурчакли координаталарда абсисса, экватор чизиги эса, ордината ўқи сифатида қабул қилинади. Ўқ меридианнинг экватор чизиги билан кесишиган нуқтаси координатлар боши O нуқта бўлади (П. 7-шакл). Ординаталарни бир хил ишора билан ифодалаш учун, кўпинча, ўқ меридиан гарбга томон 500 км сурелиб, топилган нуқта шартли координатлар O нуқта боши дейилади ва нуқталар координатаси шунга нисбатан ҳисобланади.

П. 5. НИСБИЙ, ШАРТЛИ ВА АБСОЛЮТ БАЛАНДЛИКЛАР

Ернинг физик юзасидаги нуқталар баландлиги бирор бир қабул қилиб олинган дengiz satxiga nisbatan ulchanadi.

Нуқталарнинг дengiz satxiga nisbatan balandligi absolut balandlik " H " deyiladi. Shu balandlikni son bilan ifodalansa, absolut balandlik belgisi keliib chiqadi. Nuqtalarning absolut balandliklarining farqi nisbiy " h " balandlik deyiladi. Jumxuriyatda asosiy satxiy yosa sifatida Boltilik dengizidagi Kronshatt orolinining hidrometrik posti fughtotogidagi sувnинг ўртacha balandligini kўrsatuvchi belgi қabul қилиниб, bu belgi 0,00 m deb yoritiladi. Agar biron nuqta balandlik belgisi Boltilik dengizi yozasiga parallel deb қabul қilingan yozadan ҳисобланган bўlsa, u ҳolda bu balandlik belgisi shartli H balandlik belgisi, қabul қilingan yosa esa shartli yosa deb yoritiladi (П. 8-shakl).




П.8-шакл

II. 6. ЧИЗИҚЛАРНИНГ ЙЎНАЛИШИНИ АНИҚЛАШ

Муайян жойда берилган чизиқ йўналишини бош йўналишга нисбатан аниқлашга ориентирлаш дейилади. Бош йўналиш сифатида меридиан қабул қилинади. Шовун чизиқ билан Ернинг айланиш ўқи орқали ўтган текисликка берилган нуқтадаги географик ёки ҳақиқий меридиан дейилади. Азимут, дирекцион бурчак ва румблар чизиқларнинг йўналишини аниқлашда ишлатилади.


Нуқтадан ўтган ҳақиқий меридианнинг шимол ўқидан соат милли йўналиши бўйича то берилган чизиқقا бўлган бурчакка азимут дейилади ва А билан белгиланади (II. 9-шакл). Азимут 0° дан 360° гача бўлади, яъни $0^\circ \leq A \leq 360^\circ$.

Айтайлик, тасвирлов шохобчаси 1, 2, 3, 4 нуқталардан иборат бўлсин. 1—2, 2—3 ва ҳ. к. чизиқлар йўналишининг азимутини топишда берилган нуқталардан меридиан ўтказиб, юқоридағи таърифга биноан топилади. II. 9-шаклда азимут бурчаклар миллар билан кўрсатилган.



Дирекцион бурчак

Берилган чизиқ учидан ўтган ўқ меридиан ёки унга параллел бўлган чизиқнинг шимолий учидан соат милли юриши бўйлаб, то чизиқка бўлган горизонтал бурчак дирекцион бурчак дейилади ва α билан белгиланади (II. 10-шакл).



Томон румб бурчаклари

Берилгандын чизик йұналиши билан меридиан орасидаги үткір бурчак румб бурчаги дейилади ва уни r билан белгиланади.

Румб қиймати 0° дан 90° гача ўзгарувчан бўлади. У Ернинг тўрт томонига нисбатан чораклар бўйича кўрсатилади (II. 11-шакл). Масалан: М1 чизик йұналишини румб қиймати 70° га тенг бўлса, у қийидагича ёзилади: ШШ₁: $r_{M1} = 70^\circ 00'$ Дирекцион бурчак ва румб орасидаги муносабат 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал


Чорак-лар	Дирекцион бурчак қиймати	Румб номи	Дирекцион бурчак ва румблар орасидаги муносабатлар
1	$0^\circ \leq \alpha \leq 90^\circ$	Ш Шқ	$\alpha_1 = r_1$
2	$90^\circ \leq \alpha \leq 180^\circ$	Ж Шқ	$\alpha_2 = 180^\circ - r_2$
3	$180^\circ \leq \alpha \leq 270^\circ$	Ж F	$\alpha_3 = 180^\circ + r_3$
4	$270^\circ \leq \alpha \leq 360^\circ$	Ш F	$\alpha_4 = 360^\circ - r_4$

1-мисол. $\alpha = 312^\circ 05'$ бўлса, берилгандын чизик йұналиши IV чоракда бўлиб, жадвалдаги ифодадан фойдаланилади; яъни

$$r_4 = 360^\circ - 312^\circ 05' = 47^\circ 55' \text{ ва ШF : } 47^\circ 55' \text{ деб ёзилади.}$$

2-мисол. Ж Шқ $r = 55^\circ 45'$, бу 2 чоракда, шунинг учун

$$\alpha_2 = 180^\circ - r_2 = 180^\circ - 55^\circ 45' = 124^\circ 15' \text{ бўлади.}$$



II.11-шакл

Тўғри ва тескари азимут, дирекцион бурчаклар

II. 11-шаклга кўра A_{12} чизик тўғри азимути, A_{21} эса шу чизикнинг тескари азимути дейилади. Агар 2 нуқтадан Ш₁Ж₁

меридианини ўтказсак, түгри ва тескари азимутлар мұносабатини қуидагида ёзиш мүмкін:

$$A_{21} = A_{12} - 180 + \gamma$$

Бу ерда γ — икки (1 ва 2 нүктадан ўтувчи меридиан орасидаги бурчак бўлиб, уни меридианлар яқинлашиш бурчаги дейилади.


γ — қиймати нүқталар кегламаси φ ва улар орасидаги ма-софа d га боғлиқ, у қуидаги ифодадан аниқланади:

$$\gamma = 0,54 \cdot d \cdot \operatorname{tg} \varphi$$

П.Л.

Масалан, $\varphi = 41^{\circ}18'$ ва $d = 10$ км десак меридианлар яқинлашиш бурчаги $\gamma = 4,74$ дақықа чиқади.

Түгри чизиқ 1-2 нинг түгри дирекцион бурчаги d_{12} , тескарисини эса d_{21} десак, П. 12 шаклга кўра, мұносабатни қуидагида ёзиш мүмкін:



П.12-шакл


$$\alpha_{21} = \alpha_{12} + 180^\circ,$$

яъни тескари дирекцион бурчак түгри дирекцион бурчакка 180° қўшилган миқдорга тенг.


Ҳақиқий ва магнитавий азимутлар

Ер юзасидаги ихтиёрий нүқтадан ўтган ҳақиқий (географик) меридиан йўналиши астрономик кузатишлар, масалан, қутб юлдузини кузатиш, Беруний ҳинд айланаси, гномон (вертиқ ўрнатилган таёқ) каби усуслар билан аниқланади. Геодезия ишларида кўпроқ ҳақиқий меридиан ўрнига магнитавий меридиан қабул қилинади. Магнитавий меридиан йўналиши буссолдаги магнит стрелкасининг йўналиши бўйича олинади.

Берилган нүқтадан ўтган магнит ўқининг сатҳий юза-га тушган проекцияси магнитавий меридиан дейилади.



II.13-шакл



II.14-шакл

Чизиқ учидан ўтган магнит стрелкасининг шимолий учидан соат стрелкаси бўйича чизиқкача бўлган горизонтал бурчак A_m магнитавий азимут дейилади.

II. 13-шаклда OC чизиқнинг O учидан ҳақиқий X_x J_x ва магнитавий X_m J_m меридианлар ўтган. Шунга кўра ҳақиқий ва магнитавий азимутлар орасидаги муносабатни қуидагича ифодалаш мумкин: $A_x = A_m + \delta$, яъни чизиқ OC нинг ҳақиқий азимути магнитавий азимут билан магнитавий оғиш бурчаги (б) нинг алгебраик йифиндисига тенг. Оғиш бурчаги фарбий бўлганда минус ишораси билан олинади. Агар OC чизиқнинг учи O дан (II. 14-шакл) X_x J_x , X_m J_m ва ўқ меридиан X_y J_y ўтказилса, OC чизиқнинг — A_x , A_m , δ , дирекцион бурчак α ва у орасидаги муносабатни қуидагича ёзиш мумкин:

$$A_x = A_m + \delta, \quad A_x = \alpha - \gamma,$$

бундан

$$A_m + \delta = \alpha + \gamma \quad \text{ёки} \quad \alpha = A_m + \delta - \gamma, \quad (\text{II.2.})$$


δ — қийматини изогонли харитадан олинади, γ эса II.I ифода билан аниқланади.

Буссолъ ва унинг ишлатилиши

Чизиқнинг магнитавий азимути ва румбини аниқлашда буссоллар ишлатилади. Буссолъ асосан уч қисмдан иборат: визирлаш учун мосламали доиравий ҳалқа, четлари қия-қия қилиб йўналган ва градусларга бўлинган металл баркаш ҳамда баркаш марказида пўлат сихчага магнит мили илинган.

II. 15-шаклдаги буссолда унинг $180^{\circ}-0^{\circ}$ ли диаметри нишонлаш йўналиши АВ чизиги билан устма-уст туширилган. Баркашдаги саноқлар соат милий йўналишига тескари ўсиб боради. Азимут қиймати милнинг шимолий учидан олинади.

II. 15 - шакл да
 $A_{AB} = 282^{\circ}00'$.



II.15-шакл


III боб

ТОПОГРАФИК ТАРҲ ВА ХАРИТАЛАР

III. I. ЖОЙНИНГ ТАРҲИ, ХАРИТАСИ ВА КЕСИМИ

Ер эгрилигини ҳисобга олмай кичрайтириб, ўхшаҳ ҳолда горизонтал текисликка туширилган кичик жой проекцияси тарҳ дейилади. Тарҳ контурли (унда фақат тафсилотлар кўрсатилади) ва топографик (унда тафсилот ва жойнинг баланд-пастлиги — рельефи ҳам кўрсатилади) бўлади. Тарҳ масштаблари $1 : 500$, $1 : 1000$, $1 : 2000$, $1 : 5000$ ли қилиб олинади.

Ер эгрилигини ҳисобга олган ҳолда, риёзий қоидалар асосида бир оз ўзгартириб ва кичрайтириб қофозда тасвирланган Ер юзаси катта қисмининг проекцияси харита дейилади. Хариталар йирик (масштаби $1 : 10.000$, $1 : 25.000$, $1 : 50.000$), ўрта (масштаби $1 : 100.000$, $1 : 200.000$) ва майда (масштаби $1 : 500.000$, $1 : 1.000.000$) масштабли бўлади. Маълум жода бир йўналишдаги чизиқ тик кесимининг қофоздаги кичрайтирилган тасвири кесим дейилади (III.I-шакл).




III.I-шакл

Кесимлар бўйлама ва кўндаланг бўлади. Чизиқли иншоотлар учун бўйлама кесим горизонтал масофа масштаби 1 : 5000, 1 : 10.000 тик масофа масштаби эса, 1 : 500, 1 : 1000 бўлади. Кўндаланг кесимлар одатда 1 : 100, 1 : 200 ва 1 : 500 ли масштабларда чизилади.

III. 2. ТАРҲ, ХАРИТА ВА КЕСИМ МАСШТАБЛАРИ


Нарса, узунликлар ва ҳ. к. ларни кичрайтириб ифодалаш масштаб дейилади. Масштаблар сонли, чизиқли ва кўндаланг бўлади. Сонли масштаблар сурати бир бўлиб, маҳражи кичрайтириш даражасини кўрсатувчи касрдир. Масалан: 1/50, 1/100, 1/200, 1/1000.000. Буларда узунликлар тегишлича 50, 100, 200, ... , 1.000.000 марта кичрайтирилган. Аниқлиги катта бўлмаган узунликларни қофозга туширишда ёки тарҳдан, харитадан ўлчашда оддий чизиқли масштабдан фойдаланилади (III. 2-шакл).



III.2-шакл

Масалан: 1:1000 ли сонли масштаб учун чизиқли масштаб ясашда тўғри чизиқда 2 см ли кесмалар белгиланади. Чапдаги биринчи бўлак AB нимасштаб асоси дейилади. Чапдаги AB бўлак яча 10 та тенг бўлакка бўлинади. Ўлчанган чизик узунлиги 27 м ни тарҳга тушириш учун ўлчагичнинг бир оёғи 20 м ёзилган ўнгдан бўлакка, иккинчи оёғини эса, 0 дан чапдаги 3,5 бўлакка қўйилади. Масштабда асос бир бўлагининг қиймати 2 га тенг ($20 : 10 = 2$ м) (III. 2-шакл).

Муҳандислик ишларида кўпроқ кўндаланг масштаб ишлатилади. (III. 3-шакл). Масштаб ясаш учун тўғри чизик 2 см ли асосларга — бўлакларга бўлинади. Асослардан перпендикуляр (ихтиёрий узунликда, қулайи — 2 см ли) чизиқлар чиқарилади. Уларнинг учлари бирлаштирилади. Шунда тўғри тўртбурчаклар ҳосил бўлади. Чапдаги асос



III.3-шакл

$m = 10$ бүлакка, баландлык эса “ n ” бүлакка бўлинади. $C\bar{D}$ чизигидаги K нуқта O билан туташтирилади. Сўнгра OK га паралел қилиб асос бўлакларидан чидиклар ўтказилиди. Шунда $C\bar{D}$ чизиги ҳам тенг t бўлакка бўлинади. $A\bar{D}$ дан асосга паралел чизиклар ўтказилса, кўндаланг масштаб ясалган бўлади. Масштабнинг энг кичик бўлаги

$$CK = \frac{AB}{m \cdot n} = xy \text{ га тенг. Масалан, } 1 : 2000 \text{ ли масштаб учун}$$

$$xy = \frac{40}{10 \cdot 10} = 0,4 \text{ м бўлади.}$$

Масштабдан фойдаланишда, ўлчагичнинг бир учи чизик узунлигига қараб, ундаги 40, 80 ва ҳ. к. рақамларга, иккинчи учи эса, асос бўлакларидан қайси бирига тўғри келиши аниқланади. Масалан, масштаб бўйича 86, 45 м ни кўрсатишда ўлчагичнинг ўнг учи 80 га, чап учи эса 0 дан чапдаги биринчи бўлакка қўйилади. Шунда ўлчагич икки учининг ораси 84 м бўлади. Яъна 2,45 м олиш учун

$$\frac{2,45}{0,4} = 6 \text{ хона юқорига кўтарилиши лозим. Шунда ўлчагичнинг учлари } 86,40 \text{ ни кўрсатади (III. 3-шакл). Қолган } 0,05 \text{ м чамалаб олинади.}$$

Масштаб аниқлиги t деб тарҳдаги 0,1 мм га тўғри келган кесмага айтилади ва у қўйидаги ифодадан аниқланади:

$$t = 0,1M, M \text{ -- сонли масштаб маҳражи.}$$

Масалан, $1 : 2000$ масштаб аниқлиги:

$$t = 0,1 \cdot 2000 = 2000 \text{ мм} = 0,2 \text{ м га тенг.}$$

III. 3. ТОПОГРАФИК ХАРИТА ВА УНИНГ НОМЕНКЛАТУРАСИ

Турли масштабдаги топографик хариталар бир неча варакълардан иборат бўлади.


Харита варакъларини белгилаш тартиби топографик харита номенклатураси дейилади. Бунда 1 : 1.000.000 харита асос қилиб олинади. 1 : 1.000.000 ли харитани варакъларга бўлиш қўйидагича бажарилади.

Ер шарининг юзаси 6° дан ўтказилган меридианлар билан 60 та колоннага бўлиниб, бу колонналар араб рақамлари билан номерланади. Номерлаш узоқламаси 100° бўлган меридиандан бошланиб, фарbdan шарқقا томон 1 дан 60 гача ошиб боради.

Колонналар экватордан бошланиб, шимолий ва жанубий кутблар томон ҳар 4° дан ўтказилган параллеллар воситасида қаторларга бўлинган, улар лотин алфавити билан белгиланади (III. 4-шакл). Шунда Ер юзида 1 : 1.000.000 масштабдаги хариталарнинг бир қанча трапецияси ҳосил бўлади; меридиан ва параллел чизиқлар ҳар қайси трапециянинг четларини кўрсатади.

III. 4-шаклга кўра 1 : 1.000.000 масштабли харитада Москва жойлашган варақ номенклатураси *N*—37, Бишкек — *K*—43, Архангельск — *Q*—37 бўлади.

1 : 1.000.000 масштабли хаританинг бир варафини 4 та тент бўлакка бўлиб, 1 : 500.000 масштабдаги хаританинг



III.4-шакл

4 варағи ҳосил қилинади ва улар А, Б, В, Г ҳарфлар билан белгиланади (III. 5-шакл).

1 : 1.000.000 масштабдаги хаританинг бир варағини 9 ва 36 бўлакка бўлиб, тегишлича 1 : 300.000 ва 1 : 200.000 масштабдаги харита варақлари ҳосил қилинади.


1 : 1.000.000 масштабдаги хаританинг бир варағини 144 бўлакка бўлиб, 1 : 100.000 масштабдаги харита варақлари ясалади. Бунда варақ номери миллионли варақ номенклатураси давомига К—43—116 тарзида ёзилади (III. 6-шакл).

1 : 100.000 масштабдаги хаританинг бир варағини 4 бўлакка бўлиб, 1 : 50.000 масштабдаги харита варақлари ҳосил қилиниб, А, Б, В, Г ҳарфлари билан белгиланади (III. 6-шакл). Штрихланган харита номенклатураси К—43—116—Б деб ёзилади.

1 : 50.000 масштабдаги хаританинг бир варағида 4 та 1 : 25.000 масштабли варағи жойлашади. Булар а, б, в, г ҳарфлар билан белгиланади (III. 7-шакл). Мисолимизда К—43—116—Б—а бўлади.


1 : 25.000 масштабдаги хаританинг бир варағида 4 та 1 : 10.000 масштабли карта варағи жойлашиб, улар, 1 дан 4 гача рақамлар билан белгиланади (III. 7-шакл). Мисолда К—43—116—Б—а—1 бўлади.

1 : 100.000 масштаб харита варағида 256 та 1 : 5000 масштабли тарҳ варағи жойлашади (III. 8-шакл). Штрихланган варағ номенклатураси К—43—116 (40) бўлади.



1 : 1000000 1 : 500000

III.5-шакл
К—43—116 ; К—43—116—(40)




1 : 100000 1 : 5000

III.6-шакл

K-43-116; K-43-116-Б; K-43-116-Б-а


K-43-116-Б-а-1



III.7-шакл

1:100 000; 1:50 000; 1:25 000; 1:10 000

K-43-116; K-43-116-(40)




III.8-шакл

1:100 000 1:50 000

K-43-116-(40); K-43-116-(40-2)

K-43-116-(40-2-4)



1:5000; 1:2000; 1:1000

III.9-шакл

1:5000 масштаб тарх варагида 9 та 1 : 2000 масштабли тарҳ вараги жойлашиб, улар а, б, в, г, д, е, з, и ҳарфлар билан белгиланади. Масалан, К—43—116—(40—2) (III. 9-шакл). 1 : 2000 масштаб варагига 4 та 1 : 1000 масштабдаги тарҳ вараги жойлашади: К—43—116—(40—2—4).

III. 4. РЕЛЬЕФ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАРҲ ХАРИТАДАГИ ТАСВИРЛАРИ

Ер юзидаги баланд-пастликлар мажмуи рельеф дейилади. Рельеф тарҳ ёки харитада:

- а) горизонталлар билан,
- б) рангли ойначаларда,

в) ҳар хил турдаги ва йўғонликдаги штрихлар билан тасвиранади.

Топографик тарҳ ва хариталарда рельеф асосан горизонталлар билан тасвиранади.

Баланддик белгиси бир хил бўлган нуқталарни бирлаштирувчи эгри ёки тўғри чизиқ горизонтал дейилади. Икки горизонтал ораси (баланддик бўйича) h кесим баланддлиги дейилади (III. 10а-шакл).

Горизонталнинг хоссалари


- 1) горизонталлар бир-бирига яқин бўлса, жой қиялиги тик, бир-биридан узоқ бўлса, қиялик ётиқ бўлади;
- 2) горизонталлар ўзаро кесишмайди;
- 3) сув йифувчи ва сув айирувчи чизиқларни горизонталлар тўғри бурчак орқали кесиб ўтади.

Рельеф элементлари

1. Тоф (тепа) — юқорига конус тарзида кўтарилиган жой бўлиб, унинг энг баланд нуқтаси чўққи, ён томонлари қиялик, атроф билан туташган чизиги тоф этаги дейилади (III. 10-шакл).

2. Тизма тоф — бир томонга чўзилиб кўтарилиган ёки пасайган жой. Тизма тофининг икки ён бағри тикроқ пасайиши йўналишининг баланд нуқталаридан ўтган чизиқ сув айирувчи чизиқ ҳисобланади (III. 10 б-шакл).

3) Эгарсимон жой — икки тоф ёки тепанинг ёнма-ён қўшилишидан ҳосил бўлади (III. 10 в-шакл).



III.10-шакл

4) Чуқурлик — тоғнинг акси бўлиб, ҳар томондан ўралган пастлик жой ҳисобланади (III. 10г-шакл).

5) Сой — тизма тоғнинг аксидир. Сойнинг энг паст жойларидан ўтган чизик сув йиғилувчи чизик дейилади (III. 10-шакл).

Тоғ ва чуқурлик, сой ва тизма тоғ горизонталлар билан ўхшаш тасвирланади. Уларни ажратишда горизонтал чизиқдан пасайиш томонга қаратиб штрих чизилади, бу штрих бергштрих дейилади.

III. 5. ЖОЙ АНДОЗАЛАРИ

Сўнгги вақтларда муҳандислик иншоотларини лойиҳалашни янги босқичга кўтариш ва автоматлаштиришда

тарх, хариталар ўрнида жойнинг сонли ва риёзий андалар кенг кўламда ишлатиляпти.

Жойнинг сонли андозаси (Ж.С.А.) деб учта ўлчамдаги координатлари (Х.У.Н) маълум бўлган нуқталар ўрнини қофозда турли кодлар орқали ифодаланган белгилар билан қофозда тасвирилашга айтилади.

Жойнинг риёзий андозаси (Ж.Р.А.) координатлари маълум бўлган нуқталар тўплами бўлиб, жой топографиясини, геология, гидрология, нарса ва ҳодисаларнинг қофоздаги таҳлилий тасвири ҳисобланади.

Рельеф элементларига қараб (Ж.С.А.) мунтазам, донадор ва номунтазам андозаларга бўлинади. Мунтазам сонли андозада жой тафсилоти ва рельеф танланган геометрик шакл учларига жойланиб ^{а)} (II. 11-шакл), қабул қилинган қадам оралиғида қофозга туширилади. Геометрик шакл сифатида квадрат катаклар, тенг томонли учбурчаклар, олти бурчакли кўпбурчаклар ишлатилади. Мунтазам сонли андозада дастлабки маълумотлар кўрининши қуидагича ёзилади:



$$F, m, n, X_o, Y_o, H_{11}, \dots, H_{im}, \dots, H_{nm} \quad (\text{II.I})$$

Бунда: F — қадам оралиғи, m — горизонтал чизиқдаги нуқталар сони, n — тик чизиқдаги нуқталар сони, H_n, \dots, H_{nm} — шакл учларидаги нуқталар баландлик белгиси.


F — горизонталлар кесими баландлиги h , жойдаги ўртacha нишаб, горизонталлар эгрилиги радиуси R га боғлиқ бўлиб, у қуидаги ифодадан аниқланади:

$$F = 0,18 - 0,25 \sqrt{(2R - 1) h_i \operatorname{ctg} \gamma}.$$

Масалан: $l_{y_{pt}} = \operatorname{tg} 2^\circ$, $h_i = 0,25$ м, $P = 500$ м, бўлганда $F = 20$ м, $P = 1000$ м да $F = 40 - 50$ м га тенг чиқади.



III.11-шакл



III.12-шакл


Донадор сонли андоза координаталари маълум бўлиб, тўр учлари билан рельеф элементлари жойининг характерли нуқтагига кўйилади (III. 12-шакл).

Дастлабки маълумотлар кўриниши қўйидагича ёзилади:

$$X_i, Y_i, H_i, j, K, l. \quad (\text{III. 2})$$

Бунда: X_i, Y_i, H_i — характерли нуқта координаталари,
 j, K, l — қолган шунга ўхшаш нуқта координаталарининг номерлари.

Номунтазам сонли андоза ихтиёрий жойлашган нуқталардан иборат бўлиб, улар бир хил рельефга эга бўлган жойларда айрим-айрим жойланади (III. 13-шакл).



III.13-шакл

Бунда дастлабки маълумотлар кўриниши қўйидагича ёзилади:

$$\begin{aligned} & Y_1, X_{11}, H_{11}, X_{12}, H_{12}, \dots, X_{1l}, H_{1l} \\ & Y_2, X_{21}, H_{21}, X_{22}, H_{22}, \dots, X_{2l}, H_{2l} \\ & \vdots \qquad \vdots \qquad \vdots \qquad \vdots \qquad \vdots \qquad \vdots \qquad \vdots \\ & Y_n, X_{n1}, H_{n1}, X_{n2}, H_{n2}, \dots, X_{nl}, H_{nl} \end{aligned} \quad (\text{III. 3})$$

ифодада: Y_1, Y_2, \dots, Y_n — трасса бошланиши билан кўндаланг кесим оралиғи; $X_{11}, X_{12}, \dots, X_{nl}$ — кўндаланг кесим

ифодаланган жойни сонли андазасининг дастлабки нуқтаси билан ўқ чизиқ оралифи. Нуқта чапда бўлса масофа мусбат, ўнгда бўлса, масофа манфий деб олинади. H_{11} , H_{12}, \dots, H_n — дастлабки нуқта баландлик белгилари.

Жойнинг соний ва риёзий андазалари кўпгина муҳандислик ишларида:

- автомобиль йўллари, каналлар, ўрмон ҳўжалиги учун қуриладиган йўлларни фазовий мақбул усулда трассалаш;
- бўйлама ва кўндаланг кесимлар олиш. Бу аввал дала ишлари бажарилгандан сўнг чизилар эди.
- трасса бўйича кўндаланг кесимлар ясаш;
- муҳандислик-геологик маълумотлар олиш;
- сув иншоотларини лойиҳалаш учун муҳандислик-гидрологик маълумотлар тайёрлаш;
- картограммалар, иш ҳажмини аниқлаш;
- ер иншоотлари, чорраҳадаги қуриладиган транспорт иншоотларини, лойиҳалаш билан боғлиқ бўлган масалаларни ечишда жуда кўл келмоқда.

III. 6. ТОПОГРАФИК ТАРҲ ЁКИ ХАРИТАЛА МАСАЛАЛАР ЕЧИШ


Нуқта баландлик белгисини ҳисоблаш

1. А нуқта баландлик белгисини топиш учун А нуқтада горизонталларга перпендикуляр чиқарилиб, d_1 ва d_2 масофалар ўлчанади. АК оралиғидаги нисбий баландлик h_1 куйидагича топилади:
$$h_1 = \frac{h \cdot d_1}{d} \quad A$$
 нуқта баландлик бел-

гиси $H_A = H_k - h_1$ бўлади (III. 14-шакл).


2. Берилган йўналиш бўйлаб маълум нишабдаги чизиқни ўтказиш. Берилган В нуқтадан нишаби i_b бўлган чизиқни С нуқта томон давом эттириш учун ўлчагич қадами — d топилади. Ўлчагич билан берилган масштабга асосан ҳар бир горизонтал орасига d масофа қўйилиб С нуқтага келинади (III. 14-шакл).

3. Берилган ДЕ чизиги кесимини чизиш. Бунинг учун кесимининг масофалар графасига Д нуқтадан бошлаб маълум масштабда жойнинг характерли нуқталари оралиғини ўлчаб, уларнинг баландлик белгилари баландлик бел-



Лойиқаланған сұнъий
иншоот үрни

III.14-шакл



III.15-шакл

гилари номли катаңка ёзилади. Баландык бөлгилари бүйіча 1:200 ли масштаблы кесим чизилади (III. 15-шакл).


4. Сув йифилувчи майдон юзасини аниклаш. Трассадаги лойиқаланаётган күпrik (сұнъий иншоот) катта-кичиклиги үтадиган сув ұажмига боғлиқ. Сув ұажми сув йифилувчи майдон юзасидан аникланади. Буни топища горизонталлар бүйіча сув йифилувчи ва айрилувчи чизиклар үтказилади. III. 14-шаклда майдон юзи нұқтали чизиклар билан күрсатилған.

III. 7. ТАРХ ВА ХАРИТАЛАРДА МАЙДОН ЮЗИНІ ХИСОБЛАШ


Тарх ва хариталарда юзани ҳисоблашда бўлиш, механик ва таҳлилий усууллардан фойдаланилади.

Бўлиш усулида берилган юза содда геометрик шакллар (масалан, тўртбурчак, учбурчак)га бўлиниб, улар алоҳида ифодалар билан ҳисобланади (III. 16-шакл). Чизиқли усулда палетка ёрдамида ҳам юзлар топилади.

Механик усулда қутбий планиметр билан юзалар топилади. Қутбий планиметр 2 та қутбий – 1 ва айлантириш – 4 ричагларидан иборат (III. 17-шакл).



III.16-шакл



III.17-шакл

Қутбий ричагнинг бир учида игнали юк – 2 ўрнатилган, бу қутб дейилади. Иккинчи учида тўқмоқчасимон штифт ва каллак бор. Бу каллак айлантириш ричагидаги чуқурча 6 га мосланган, иш вақтида унга киритилади. Айлантириш ричагининг бир учида юзни чегараси бўйича юргизиладиган игна – 3, ричаг дастаси, стержень – штифт – 9, унинг бурама михи – 10 бор. Штифт таянч хизматини ўтайди. Иккинчи учида ҳисоблаш механизми ўрнатилган (III. 17-шакл). Ҳисоблаш механизмида циферблат – 6, ҳисоблаш фидираги – 7,5, фидирак верньери – 8 лар бор. Циферблат бир бўлаги ҳисоблаш фидирагининг бир айланишига teng. Фидирак 100 бўлакка бўлинган.

Планиметрдан 4 хонали (рақам) саноқ олинади, яъни 1 – рақам циферблатдан, иккинчи ва учинчи рақамлар

ҳисоблаш филдирагидан, тўртингчиси эса, верньердан олинади. III. 17-шаклда саноқ 4686 га тенг.

Планиметр билан юзларни аниқлаш усулини кўриб чиқамиз. Аввал харита ёки тарҳни текис таҳтача устига маҳкамланади. Кутб ричагини ўнг томонга ўрнатилади. Бунда икки ричаг орасидаги бурчак 30° дан кичик, 150° дан катта бўлмаслиги шарт. Сўнгра игна — 7 ни юзнинг бирон нуқтасига қўйиб, ҳисоблаш механизмидан саноқ “а” олинади. Игна юза чегараси бўйлаб соат мили йўналишида танланган нуқтагача айлантирилади ва яна саноқ “в” олинади. Айлантириш вақтида ҳисоблаш филдираги доим юзага тегиб туриши шарт. Саноқлар айрмаси ($a - b$) планиметр бўлагида юзани беради. Шу тариқа қутб ричагини ўнгта яна икки марта айлантириб, саноқлар айрмаси ва қутб ричагини чапга ўрнатиб, яна уч марта юза чегараси бўйлаб айлантирилади ва айрманинг ўртачаси олинади. Ҳар бир планиметр бўлагига харита ёки тарҳда маълум юз тўғри келади. Шунинг учун юза қўйидаги ифода билан аниқланади:

$$S = p(b - a),$$

бунда P — планиметр бир бўлагининг қиймати.


P ни аниқлашда тарҳ ёки харитада маълум юза (S_M) олинади (масалан, тўртбурчак). Сўнгра юз чегараси бўйича иgnани айлантириб, юқоридагидек “а” ва “в” лар олинниб P ҳисобланади, яъни:

$$P = \frac{S_M}{(b - a)},$$

S_M — тўртбурчак маълум юзи; $(b - a)$ — маълум юздаги саноқлар фарқи.

P ни топишда $(b - a)$ саноқлар айрмаси камида икки марта топилади. Бундаги фарқ 3 бирликдан ошмаслиги шарт.

Таҳлилий усулда ҳисобланадиган юза геометрик шакллар бўлиши ва шакл учларининг координаталари маълум бўлиши керак. Масалан, 1—2—3—4 полигонининг юза S ни трапеция юзларининг фарқи орқали ифодаланса (III. 18-шакл),



III.18-шакл

$$S = S_{122'} + S_{2133'} - S_{1144'} - S_{433'} =$$

$$= \frac{1}{2} \left\{ (X_1 - X_2)(Y_2 - Y_1) + (X_2 + X_3)(Y_3 - Y_2) - (X_1 + X_2)(Y_4 - Y_1) - (X_4 + X_3)(Y_3 - Y_4) \right\}$$

чиқади. Соддалаштириб, ҳадлари группаланса, X_i ва Y_i лар қавсга олиниб ва тенгламани биринчи күпайтмалари ординаталар деб ҳисобланса у ҳолда 2 та тенглама чиқади, яйни:

$$\begin{aligned} 2S &= X_1(Y_2 - Y_1) + X_2(Y_3 - Y_1) + X_3(Y_4 - Y_2) + X_4(Y_1 - Y_3); \\ 2S &= Y_1(X_4 - X_2) + Y_2(X_1 - X_3) + Y_3(X_2 - X_4) + Y_4(X_3 - X_1). \end{aligned}$$

Үмумий күринишда n учли полигон учун ушбу

$$\left. \begin{aligned} 2S &= \sum_1^n X_i(Y_{i+1} - Y_{i-1}) \\ 2S &= \sum_1^n Y_i(X_{i-1} - X_{i+1}) \end{aligned} \right\} \quad (\text{III. 4})$$

тенгламаларни ёзиш мумкин.

Юз ҳисоблаш аниқлиги механик усулда $\frac{1}{200} - \frac{1}{300}$ га

тенг аналитик усулда эса, асосан ўлчанган бурчак ва томонлар аниқлигига боғлиқдир.

IV бөб

ҮЛЧАШ ХАТОЛАРИ НАЗАРИЯСИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

IV.1. ТЕНГ АНИҚЛИ ҮЛЧАШ. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Үлчаш ҳақида тушунча

Бирор миқдорни үлчаш деб, уни үлчов бирлиги деб қабул қилинган ўхшаш катталик билан солиштиришга айтилади. Бу бирлик фарқини кўрсатувчи сон үлчаш натижаси бўлади.

Үлчаш қандай бажарилишига қараб воситасиз, изланётган қиймат бевосита бирор асбоб билан үлчаб олинади ва воситали — изланётган қиймат тўғридан-тўғри үлчанмай риёзий муносабатлар асосида ҳисоблаб топилади.

Үлчаш сонига қараб зарурӣ — номаълум қийматни топишда албатта үлчаниши зарур (масалан, учбурчакни бир томонини аниқлашда унинг, албатта, бошқа бир томони ва иккита бурчаги үлчаниши) ва ортиқча үлчаш, яъни юқорида келтирилган учбурчакни учта бурчагини ва бир томонини үлчаниши бўлади. Ортиқча үлчаш натижани текширишга ва унинг аниқлигини қисман оширишга имкон беради.

Үлчаш шароитнинг ўзгариш-ўзгармаслигига қараб үлчаш тенг аниқли ва тенг аниқсиз үлчашга бўлинади.

Үлчаш ишлари бир шароитда, бир асбоб ва бир шахс томонидан, бир хил усул билан бажарилса, у ҳолда бу үлчаш тенг аниқли бўлади. Юқоридаги шартларнинг биронтаси бажарилмаса (масалан, ҳар хил шароит, турли асбоб ва ҳ.к.), у ҳолда бу үлчаш тенг аниқсиз бўлади.

IV. 2. ҮЛЧАШ ХАТОЛАРИ ВА ТУРЛАРИ

Бир хил миқдор бир неча марта үлчанса, натижা албатта бир хил бўлмайди. Натижা қандайдир хато билан аниқланади. Шунга қўра қўпол, мунтазам ва тасодифий хатолар бўлади.

Қўпол хато саноқ олиш ва ҳисоблашда янглишиш натижасида вужудга келади. Масалан, масофа пўлат лента

билинг үлчанганда 100 м ўрнига 120 м деб ёзилса, горизонтал доирадан олингандан саноқ 160° ўрнига 190° деб ёзилса, булар қўпол хато бўлади. Бу хатолар қайта үлчашиб натижасида йўқотилади.

Мунтазам хатолар ишораси ва қиймати билан мунтазам равишда такрорланади. Масалан, рулетка узунлиги 50 метрдан 5 мм узун бўлса, шу 5 мм хато такрорланаверади ва үлчашиб натижасига бир хил ишора ва қиймат билан таъсир этади. Бу хато үлчашиб натижасига тузатма тарзида киритилиб йўқотилади.

Тасодифий хатолар турли ишора ва қийматда бўлиб, уларнинг абсолют қиймати маълум чегарадан ошмаган ҳолда такрорланаверади. Тасодифий хатонинг келиб чиқиши номаълум бўлади. Тасодифий хатоларни батамом йўқотиб бўлмайди.

Тасодифий хатолар қўйидагича ифодаланади:

$$\Delta_i = l_i - X \quad (i = 1, 2, \dots, n), \quad (\text{IV. 1})$$

бу ерда: Δ_i — тасодифий хато; X — ўлчанаётган миқдорнинг ҳақиқий қиймати; l_i — ўлчанган қийматлар.

Бирон миқдор n марта ўлчаниб, l_1, l_2, \dots, l_n қийматлари топилган бўлсин. Шу миқдорларнинг ҳақиқий қиймати X бўлса, қўйидаги тасодифий хатолар қатори келиб чиқади:

$$\Delta_1 = l_1 - X, \quad \Delta_2 = l_2 - X, \dots, \quad \Delta_n = l_n - X.$$

Тасодифий хатолар қаторининг қўйидаги хоссалари мавжуд:

1. Бир хил үлчашиб натижасида топилган тасодифий хатолар абсолют қийматига кўра маълум чекдан ошмайди

$$|\Delta| \leq \Delta_{rx}, \quad (\text{IV. 2})$$

2. Абсолют қиймати кичик хатолар абсолют қиймати катта хатолардан кўпроқ учрайди.

3. Абсолют қиймати тенг бўлган мусбат ва манфиий хатолар бир миқдорда учрайди, яъни

$$P(\Delta > 0) = P(\Delta < 0) = \frac{1}{2}, \quad (\text{IV. 3})$$

бўнда: P — эҳтимоллик, бирон ҳодисанинг n та тажрибадаги такрорланиши.

4. Тасодифий хатоларнинг арифметик ўрта қиймати ўлчаш сони кўпайиши билан нолга интилади; яъни

$$\lim_{n \rightarrow \infty} \sum \frac{[\Delta]}{n} = 0, \quad (\text{IV. 4})$$

бунда: n — ўлчаш сони; $[\Delta]$ — тасодифий хатолар йифиндиси, $[]$ — квадрат қавс, Σ — йифинди белгиси.

IV. 3. АРИФМЕТИК ЎРТА МИҚДОР

Бирон-бир миқдорнинг n марта ўлчангандан қийматларини l_1, l_2 десақ, бу қийматларнинг арифметик ўртаси қўйидагича ифодаланади:

$$L = \frac{l_1 + l_2 + \dots + l_n}{n} = \frac{\Sigma l}{n} = \frac{[l]}{n}, \quad (\text{IV. 5})$$

Агар ўлчанаётган миқдорнинг ҳақиқий қиймати но маълум бўлса, у ҳолда қайси ўлчангандан қийматни ҳақиқийга яқинлигини билиб олиш мумкин. Бунинг учун хатолар қаторини келтирамиз.

$$\begin{aligned} \Delta_1 &= l_1 - X \\ \Delta_2 &= l_2 - X \\ &\cdot \cdot \cdot \cdot \cdot \\ &\cdot \cdot \cdot \cdot \cdot \\ \Delta_n &= l_n - X. \end{aligned}$$

Тенгликнинг чап ва ўнг томонларини қўшсак,

$$[\Delta] = [l] - nX, \quad (\text{IV. 6})$$

ва n га бўлсак, қўйидагича ёзиш мумкин:

$$\frac{[\Delta]}{n} = \frac{[l]}{n} - X = L - X, \quad (\text{IV. 7})$$

бунда: $L - X$ — арифметик ўртанинг ҳақиқий хатоси дейилади.

Тасодифий хатоларнинг 4-хоссасига кўра $\frac{[\Delta]}{n} = 0$ бўлади, шунинг учун

$$L - X \text{ ёки } L = X \quad (\text{IV. 8})$$

чиқади, яъни ўлчаш сони чексиз бўлганда, ўлчанган миқдорнинг арифметик ўртаси унинг ҳақиқий қийматига тенгдир.

Одатда, амалий ишларда ўлчаш сони чегараланган бўлиб, арифметик ўрта миқдор ҳақиқий миқдордан фарқ қилиш мумкин.

IV. 4. ЎЛЧАШ АНИҚЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Изланәётган миқдорнинг ўлчаб, ҳисоблаб топилган қийматлари қандай аниқликдалигини кўрсатиш ўлчаш аниқлигини баҳолаш дейилади. Бунда ўрта квадратик, чекли, эҳтимолий, абсолют, ўртача ва нисбий хатолардан фойдаланилади.

Ўрта квадратик хато

Топилган қийматни ҳақиқий қийматга яқинлик даражасини аниқлашда ўрта квадратик хато “ m ” ҳисобланади. Бунда Гаусс таклиф қилган ифодадан фойдаланилади:

$$m = \sqrt{\frac{\Delta_1^2 + \Delta_2^2 + \dots + \Delta_n^2}{n}} = \sqrt{\frac{[\Delta]^2}{n}} = \sqrt{\frac{\Delta\Delta}{n}}. \quad (\text{IV. 9})$$

Ўрта квадратик хато m ни ҳисоблашда қилинадиган хатони m_m десак, у қуидагича топилади:

$$m_m = \frac{m}{\sqrt{2n}}. \quad (\text{IV. 10})$$

Мисол. Горизонтал бурчак ўлчаб қуидаги хатолар топилган: $\Delta_1 = +6''$, $\Delta_2 = +10''$, $\Delta_3 = -5''$, $\Delta_4 = 0$, $\Delta_5 = -6'$, $\Delta_6 = -10''$. Ўлчаш аниқлиги баҳолансин.

$$(\text{IV. 9}) \text{ га кўра } m = \sqrt{\frac{+6^2 + 10^2 + (-5)^2 + 0^2 + (-6)^2 + (-10)^2}{6}} \approx 7c.$$

$$(\text{IV. 10}) \text{ га кўра, } m_m = \frac{1''}{\sqrt{2 \cdot 6}} \approx 2c.$$

Демак, ўлчанган горизонтал бурчакни ўрта квадратик хатоси 7 с бу хатони ҳисоблашдаги хато эса, 2 с га тенгдир.

Чекли хато. Ўлчашда йўл қўйилиши мумкин бўлган энг катта хато чекли хато $|\Delta_{r,x}|$ дейилади, бундан катта хатолар эса кўпол хатоларга киритилади. Чекли хато қўйидагича ёзилади:

$$|\Delta_{r,x}| = 3m \text{ ва } |\Delta_{r,x}| = 2m. \quad (\text{IV. 11})$$

Эҳтимолий хато. Ўлчашдаги тасодифий хатолар абсолют қийматларининг ўсиши бўйича бир қаторга ёзилса, қатор икки четдан тенг узоқликда ётган хато эҳтимолий хато ҳисобланади. Бу хато асосан чет элларда қўлланилади.

Нисбий хато. Ўлчаш хатосининг ўлчанган миқдорнинг ўртачасига нисбати нисбий хато дейилади. Масалан, ўлчанган чизиқ узунлиги ўртачаси d_y , хато Δd бўлса, булар нисбати нисбий хато бўлади, яъни

$$\frac{\Delta d}{d_y} = \frac{1}{N}, \quad (\text{IV. 12})$$

бунда: N — нисбий хато маҳражи. Нисбий хато сурати бир бўлган каср кўринишида ифодаланади.

Ўртача хато. Тасодифий хатолар абсолют қийматларининг арифметик ўртаси ўртача хато “ U ” — дейилиб, у қўйидагича топилади:

$$U = \frac{(\Delta_1) + (\Delta_2) + \dots + (\Delta_n)}{n} = \frac{[(\Delta)]}{n}, \quad (\text{IV. 13})$$

Абсолют хатолар ҳақиқий, ўрта квадратик ва чекли хатолар ҳисобланади.

Кўп ҳолларда ўлчанаётган миқдорнинг ҳақиқий қиймати номаълум бўлади. Шунга кўра (IV. 9) ифода билан т ни топиш мумкин бўлмай қолади. Бу ҳолда “ X ” ўрнига энг эҳтимолий қиймат — арифметик ўрта миқдор — L олиниб Бессель ифодасидан фойдаланилади

$$m = \sqrt{\frac{[U^2]}{n-1}}, \quad (\text{IV. 14})$$

бунда

$$U_1 = l_1 - L$$

$$U_2 = l_2 - L$$

$$U_n = l_n - L$$

IV. 5. ЎЛЧАНГАН МИҚДОРЛАР ФУНКЦИЯСИННИГ ХАТОСИ

Ўлчанган миқдор воситали (учбуручак томонларини унинг ўлчанган икки бурчаги ва бир томони орқали) топилса, бу топилган миқдор қолган миқдорларнинг функцияси бўлади. Шунинг учун функция хатоси аргументлар хатосига боғлиқ.

Шулардан бир нечтасини кўриб чиқамиз:

1. Ўлчанган икки миқдор йифиндисининг функцияси. Берилган $Z=X+Y$ кўринишидаги функцияда аргумент X , Y хатолари тегишлича Δx , Δy лар бўлади. Булар таъсиридаги функция хатосини Δz десак, қуйидагини ёзиш мумкин: $z+\Delta z=(x+\Delta x)+(y+\Delta y)$, соддалаштирилса $\Delta z=\Delta x+\Delta y$ бўлади. Бундай тенгликлар ўлчаш сонлари қадар, яъни n та бўлади.

$$\begin{aligned} \Delta Z_1 &= \Delta X_1 + \Delta Y_1 \\ \Delta Z_2 &= \Delta X_2 + \Delta Y_2 \\ &\dots \dots \dots \\ \Delta Z_n &= \Delta X_n + \Delta Y_n \end{aligned} \quad (\text{IV. 15})$$

(IV. 14) тенгликни квадратга ошириб йифилса ва n га бўлинса, ушбу тенглама $\frac{[\Delta z]^2}{n} = \frac{[\Delta x]^2}{n} + \frac{2[\Delta x \Delta y]}{n} + \frac{[\Delta y]^2}{n}$ чи-

қади. $\frac{[\Delta x - \Delta y]}{n} = 0$ бўлганидан ва (9) га кўра:

$$m_z^2 = m_x^2 + m_y^2. \quad (\text{IV. 16})$$

Мисол: Геометрик нивелирлашда орқадан олинган саноқ ўрта квадратик хатоси 3 мм, олдингиси 4 мм бўлганда, нисбий баландликни топишдаги ўрта квадратик хато ҳисоблансин. Шартга кўра, $m_x=3$ мм, $m_y=4$ мм.

$h = a - b$, (15) га кўра: $m_h^2 = m_a^2 + m_b^2 = 3^2 + 4^2 = 25$ мм,
 $m_h = 5$ мм.

2. Бир неча ўлчанган миқдорларнинг алгебраик йиғиндисидаги функцияси берилган:

$$Z = X_1 \pm X_2 \pm \dots \pm X_n.$$

Юқоридаги функцияга ўхшаш п ҳадли функцияниң ўрта квадратик хатоси қуйидагича ифодаланади:

$$m^2 = m_1^2 + m_2^2 + \dots + m_n^2. \quad (\text{IV. 17})$$

Агар аргументлар бир хил аниқликда ўлчанган бўлса, $m_1 = m_2 = \dots = m_n = m$ бўлади ва (16) ифода қуйидагича ёзилади:

$$m = m \sqrt{n}. \quad (\text{IV. 18})$$

Мисол. Ёпиқ полигон бурчаклари ўрта квадратик хатоси 2 с бўлганда, 9 бурчакли полигон бурчаклари йиғиндисидаги хато топилсин. (IV. 17) га кўра, $m = 2c.$, $n = 9$,

$$m = m \sqrt{n} = 2 \sqrt{9} = 6c.$$

3. Умумий кўринишдаги функцияниң ўрта квадратик хатоси.

Айтайлик умумий кўринишдаги функция берилган:

$$Y = f(X_1, X_2, \dots, X_n). \quad (\text{IV. 19})$$

Бу функция амалий ишларда $S = \frac{1}{2}bh$; $h = d \operatorname{tg} \gamma$.

$\Delta X = d \cos \alpha$, $\Delta Y = d \sin \alpha$ ва ҳ.к. каби ифодалар тарзида учрайди.

(IV. 18) функцияниң ўрта квадратик хатоси m_y ўлчаш хатолари назариясида исботланишича топилади:

$$m_y = \sqrt{\left(\frac{\partial f}{\partial x_1}\right)^2 m_1^2 + \left(\frac{\partial f}{\partial x_2}\right)^2 m_2^2 + \dots + \left(\frac{\partial f}{\partial x_n}\right)^2 m_n^2}. \quad (\text{IV. 20})$$

бунда: m_1, m_2, \dots, m_n лар X_1, X_2, \dots, X_n ларнинг ўрта квадратик хатолари; $\frac{\partial f}{\partial x}$ функцияниң тегишли аргумент

ти бўйича олинган хусусий ҳосиласи.

Мисол. Учбурчакнинг томони $B = 120.000$ м га тенг томони 0,06 м, баландлиги $h = 60, 80$ м 0,03 м хатолар би-

лан ўлчанганда унинг юзи S нинг топиш ўрта квадратик хатоси ҳисоблансин.

Функция (IV. 20) ушбу $S = \frac{1}{2}bh$ кўринишида,

шунга кўра, $m_s^2 = \left(\frac{\partial s}{\partial b} m_b \right)^2 + \left(\frac{\partial s}{\partial h} m_h \right)^2$ бўлади, бунда

$$\frac{\partial s}{\partial b} = \frac{1}{2}, \quad \frac{\partial s}{\partial h} = \frac{b}{2}$$

Бу қийматларни юқоридаги ифодага қўйсак:

$$m_s^2 = \left(\frac{n}{2} \cdot 0,06 \right)^2 + \left(\frac{b}{2} \cdot 0,03 \right)^2 \approx 2,8 \text{ м}^2.$$


Демак, юза аниқлаш хатоси $2,8 \text{ м}^2$ экан.

V б о б

ЖОЙДА БУРЧАКЛАРНИ ЎЛЧАШ

V. I. ГОРИЗОНТАЛ БУРЧАК ЎЛЧАШ МОҲИЯТИ

Горизонтал бурчак ўлчашиб мөҳиятини V. I-шаклда кўриб чиқамиз. Қия текисликда ётувчи β' бурчагини горизонтал проекциясини аниқлаш учун бурчак томонлари CA ва CB ни тик текислик W_1 ва W_2 лар билан горизонтал текислик P га проекциялаш керак бўлади. Бунда “са” ва “св” CA ва CB томонларининг горизонтал тасвирлариидир. Горизонтал P текислиги Cc тик чизигини истаган нуқтасида кесиб ўтиши мумкин. Шунинг учун бурчак ўлчайдиган асбобни баланд ёки пастда туриши β бурчаги қийматига таъсир этмайди. Аммо асбобни айланиш ўқи Cc тик чизикда ётиши лозим. Агар C нуқтага горизонтал доирали (доира маълум оралиқлар билан тенг бўлакларга бўлинган) асбоб ўрнатиб ва бу асбоб доирасининг бўлаклари O дан соат стрелкаси бўйлаб олиб боради десак, у ҳолда биз CB йўналишидаги доира бўлаклар номерини A_2 (саноқ) ва сўнгра CA йўналишга мос келувчи бўлаклар но-



V.1-шакл

мерини A_1 (санок) деб белгилаб β бурчагини топамиз.
Демак $\beta = A_2 - A_1$ бўлади.

Юқорида келтирилган геометрик чизмаси асосида бурчак ўлчайдиган асбоб — теодолитлар ишланган.

Давлат стандарти (ГОСТ 10529—91) бўйича МДҲ ва куйидаги типдаги теодолитлар чиқарилади:

1. Ўта аниқ теодолитлар — горизонтал бурчак ўлчаш хатоси 1,5 сек., шифри Т1 (2Т1, 3Т1).

2. Аниқ теодолитлар — Т2, Т5 (2Т2, 2Т2П, 3Т2П, 2Т2А, 2Т5, 3Т5, 3Т5П, 3Т5КП) — бурчак ўлчаш хатоси 1,5 — 10 с.

3. Техникавий теодолитлар — Т15, Т30 (2Т15, 3Т15, 2Т15К, 2Т15КП, 3Т15, 3Т15К, 2Т30, 2Т30П, 3Т30К, 3Т30КП) — бурчак ўлчаш аниқлиги 10 секунддан ортиқ.

Қавс ичидағи кўрсатилган теодолитларнинг шифри олдидағи рақам 2,3 — иккинчи, учинчи авлодини, К ҳарфи компенсаторли, П ҳарфи эса кўриш трубаси тўғри тавсирли эканини кўрсатади.

Теодолитлар комплектида буссолъ, кўриш трубасида оптикали нишон ва алидада қисмида оптикали шоқуллар мавжуд. Буссолъ чизикларни ориентирлашда, оптикали


нишон кўриш трубасини нишонга олишда, оптикали шокул эса, асбобни бурчак учидага марказлаштиришда ишлатилади.

V. 2. ТЕОДОЛИТ ВА УНИНГ БЎЛАКЛАРИ

Энди теодолит бўлаклари билан танишамиз. V. 2. — шаклда теодолитининг чизмаси келтирилган.

1. Лимб — доира бўлиб, айланаси 0° дан 360° гача турли бўлакларга бўлинади. Лимб доираси ишлаш вақтида горизонтал ҳолга келтирилади, шунинг учун у горизонтал текислик P вазифасини ўтайди. 2. Цилиндрик адилак — асбобни горизонтал (лимб доираси) ва тик (асбоб ўқи) ҳолга келтиришда ишлатилади. 3. Алидада — чизғичга ўхшаган бўлиб, у лимб марказида (устида) айланади. Чизғичнинг қарама-қарши томонларида маҳсус мослама верньер ясалган. 4. Верньер — саноқ олиш учун маҳсус мослама бўлиб, у лимб бўлагининг ўндан бир бўлагини аниқ олишда ишлатилади. 5. Микроскоп — доиралардан саноқ олишда ишлатилади. 6. Кўриш трубаси — асбобни жойдаги турли нарса ва нуқталарга қаратишда W_1 , W_2 текисликларини ҳосил қиласида ва булар тасвирини катталаштиради ҳамда бу нуқталарга труба қаратиш ўқини аниқ қилиб қаратишда ишлатилади. Кўриш трубаси объектив (7), окуляр (8) тирсаги ва окуляр трубкачasi (9) дан иборат. Окуляр олдига тўр иплари (маҳсус ойнага чизилган) жойлаштирилади. Тўр ипларни аниқ кўзга кўриниши учун окуляр трубкачаси труба ўқи бўйлаб силжитилади. Буни трубани кўзга тўғрилаш дейилади.

Турли узоқдаги нарса тасвирини яққол, равшан ва тиниқ қилиш учун кремальєра винти (10) буралади. Бу, трубани нарсага тўғрилаш — фокуслаш дейилади.



V.2-шакл

11. Тик доира лимб, алидада, верньер, маҳкамлагич ва микрометр винтлардан иборат.


12. Таглик ва кўтаргич винтлар — теодолитни ушлаб туришга ва лимб текислигини горизонтал ҳолга келтиришда хизмат қиласди.

13. Шоқуллар — асбобни СС тик текислигида ўрнатишда ишлатилади. Шоқуллар ипли ва оптикали бўлади.

14. Маҳкамлаш ва микрометр винтлар — кўриш трубасини нарса ва нуқтага тегишлича қўпол ва аниқ қилиб қаратишда ишлатилади.

15. Штативлар — асбобни кузатувчи кўзи баландлигида ўрнатишда ишлатилади.

2ТЗО теодолити (V. 3 — шакл) лимб бўлаклари 10 мінудан бўлинган бўлиб, саноқ олиш хатоси 1' дан ош-



V.3-шакл. 2T30 теодолити



1 — штатив боши, 2 — литб — маҳкамлагич винти, 3 — труба айланыш ўқининг устуни, 4 — оптиканый нишон, 5 — иллюминатор, 6 — окуляр, 7 — тик доира, 8 — микроскоп, 9 — буссалъ, 10 — трубаметр винти, 11 — кремальера винти, 12 — трубанинг микрометр винти, 13 — цилиндрик адилак, 14, 15 — алидаданинг маҳкамлагич ва микрометр винтлари, 16 — лимбнинг микрометр винти, 18 — кўтаргич винт.

майди. Тик доира лимби 0° дан — 75° гача бўлинган, шунинг учун саноқ олиш шкаласида белгисиз плюс ва белгили минус ишоралар мавжуд. Агар шкалали микроскопдаги градус кўрсатадиган сон одидда минус ишораси бўлса, минут саноқлари соат милига тескари йўналишида 0 дан — 6 гача, минус белги бўлмаса соат мили йўналишида бўлади. Саноқ олиш аниқдиги $0,5$ га тенг. (V. 4 — шаклга қаранг). V. 4а шакл ва V. 4б шаклларда 2T30 теодолити кўриш трубасини ва шкалали микроскопининг кўриш майдони келтирилган. V. 4б шаклда горизонтал доира саноғи $130^{\circ}07'$, тик доира саноғи — $5^{\circ}22'$ га тенг.


T15 теодолити (V. 5-шакл) такрорий (лимби айланади) теодолит ҳисобланади. Лимб бўлаклари $1'$ дан бўлинган ва шкалалар 60 қисмдан иборат. Ҳар бир шкала бўлаги $1'$ га тенг. Микроскопдан саноқ олиш аниқдиги 6 сек. (минут бўлагининг $0,1$ қисми).

V.5-шакл. T15 теодолити.

1 — кўтаргич винт, 2 — таглик, 3 — горизонтал доира, 4 — сикувчи пластика, 5 — цилиндрик адилак, 6 — микроскоп, 7 — вертикаль доира, 8 — оптиковий нишон, 9 — кремалаер винти.



V.4-шакл



V. 3. ТЕОДОЛИТНИ СИНАШ ВА ТЕКШИРИШ

Ҳар бир геодезик ўлчаш ишлари олиб борищдан аввал теодолит синалади ва текширилади. Бунда теодолит бўлакларининг механик ва геометрик шартларга риоя қилиши мухимдир. Механик шартлар — бу лимб, алидада бўлакларининг ўзаро тенглиги, турли винтларининг равон ишлаши, кўриш трубасининг нуқта ва нарсаларнинг тиниқ ва равshan кўрсатиши ва ҳ.к. ҳисобланади. Синаш орқали сезилган бу камчиликлар маҳсус устахоналарда тузатилади. Геометрик шартлар — (V. 2-шакл).

HH_1 ни ZZ_1 га, JJ_1 ни VV_1 га перпендикулярги ва ҳ.к. лардир. Булар теодолитни текшириш ёрдамида аниқланаиди ва тузатилади.

Теодолитлар, асосан, қуйидагича текширилади:

1. Алидада доирасидаги цилиндрик адилак ўқи HH_1 , асбоб айланиш ўқи ZZ_1 га перпендикуляр бўлиши шарт, яъни

$$HH_1 \perp ZZ_1.$$

Бунинг учун цилиндрик адилак ўқи HH_1 исталган икки винт, мас. 1 ва 2 — кўтаргич винтларга параллел қилиб ўрнатилади ва бу винтлар бир вақтда турли ёқса (ўзига ёки ўзидан) буралиб пуфакча ўртага келтирилади (V. ба шакл). Сўнгра адилак ўқи 90° га буралиб 3 — винт ёрдамида ўртага келтирилади. (V. 6б шакл). (ба, в шаклдаги текшириш бир неча марта қайтарилади). Шундан сўнг цилиндрик адилак ўқи алидада доираси билан 180° га бурилади. (V. ба шакл ҳолатига нисбатан, V. 6в шакл). Бу ҳолатда пуфакча ўртада бўлса, шарт бажарилган бўлади, акс ҳолда адилак пуфакчининг марказдан оғиш бўлаклари саналиб, адилак ўқи тузатилади. Бунда, адилакнинг тузатгич винтлари билан пуфакча оғиш бўлаклари ярмига, қолган ярми эса 1—2 винтлар билан сурилади. Яна аввалидагидек а, б, в пунктлар бажарилади. Шундан сўнг пуфакча адилак ўқининг ҳар қандай ҳолатида ҳам ўртада турадиган бўлади.

2. Тўр ипларининг бир или тик бўлиши керак. Бунинг учун асбоб горизонтал ҳолатта келтирилиб, 20—30 м ма софада осиб қўйилған или шовунга қаратилади. Шунда трубанинг тик или шовунни беркитса, шарт бажарилган бўлади, акс ҳолда тур или тузатгич винтлар ёрдамида

түгриланади. Бунинг учун түр ипларнинг қалпоқчасини бураб, дифрагма түртта винтлари отвертка билан бўшатилади. Шундан сўнг тик ип шовунни бутунлай беркитгунча окуляр тирсаги бурадади, кейин винтлар маҳкамланиб, қалпоқча яна ўз жойига бураб қўйилади.


3. Труба қаратиш ўқи JJ_1 айланиш ўқи VV_1 га перпендикуляр бўлиши лозим, яъни $JJ_1 \perp VV_1$. Түр иплар маркази m билан объектив (V. 4а – шакл) маркази O дан ўтади деб фараз қилинган чизиқ трубанинг қаратиш ўқи JJ_1 дейилади. Юқоридаги шарт бажарилмаса, коллимацион хато “с” ҳосил бўлади (V. 7 – шакл). Коллимацион хатони аниқлашда кўрув трубаси узокдаги яққол ва равshan кўринадиган, асбоб горизонти баландлигидаги M нуқтага $DЧ$ ва $DҮ$ ҳолатларида қаратилиб, тегишлича L_1 ва R_1 саноқлар олинади (V.7-шакл). Сўнгра лимбдаги сапоқ 180° га ўзгартирилади, юқоридагидек M нуқтадан L_2 ва R_2 саноқлар олинади. Коллимацион хато қўйидаги ифодадан топилади:

$$C = 0,25 [(L_1 - R_1 \pm 180^\circ) + (L_2 - R_2 \pm 180^\circ)] \leq 2t, (V.1)$$


Агар хато $1'$ дан ортиқ бўлса (2ТЗО теодолити учун) “С” тузатилади. Бунинг учун тузатилган саноқ ҳисобланади

$$L_T = L_2 - C \quad (\text{ёки} \quad R_T = R_2 + C) \quad (V.2)$$

ва бу тузатилган саноқлар (L_T ёки R_T) микрометр винт ёрдамида доирага қўйилади. Шунда қаратиш ўқи M нуқтадан силжийди. Тузатишда иплар тўрининг тик тузаттич



V.6-шакл



V.7-шакл

винтлари бўшатилиб, ипни ён винт билан визир ўқ яна M нуқтага суриласди, текшириш тақорланади. Бундан ташқари теодолитларда трубанинг айланиш ўқини асбоб ўқига перпендикулярлиги, оптиканый визир, буссолъ, битта лимб бўлагининг микроскоп бўлакларига тенглиги ва ҳ.к. лар текширилади.

V.4. ГОРИЗОНТАЛ ВА ТИК БУРЧАКЛАРНИ ЎЛЧАШ


Горизонтал бурчак ўлчаш тартиби:

1. Теодолит иш ҳолатига келтирилади, яъни:
 - а) асбоб марказлаштирилади;
 - б) асбоб ўқи тик ва цилиндрик адилак ўқи горизонтал ҳолга келтирилади;
 - в) труба кўзга ва нарсага тўғриланади.
2. Асбобнинг ДЧ ҳолатида қаратиш ўқи аввал ўнгдаги нуқтага, сўнгра сўлдаги нуқтага қаратилиб, доирадан саноқлар олинади. Сўнгра бу иш асбобнинг ДЎ ҳолатида бажарилади.
3. Журнал ишлаб чиқилади ва ўлчаш ишлари текширилади.

Бир нуқтадан чиққан йўналиш сонига ва ўлчанадиган бурчак қийматига кўра бурчак бир неча усувлар билан ўлчанади:

- а) приемлар усули, бир нуқтадан чиққан икки йўналиш орасидаги бурчак ўлчашда;
- б) доиравий приемлар усули, бир нуқтадан чиққан бир неча йўналиш орасидаги бурчаклар ўлчашда;
- в) тақорлаш усули, кичик бурчакларни ўлчашда;
- г) нолларни тўғрилаш усули — ўлчанган бурчакларни текширишда, берилган бурчакни жойда ясашда ва ҳ.к. ишларда қўлланилади.

Бир нуқтадан чиққан 2 йўналиш орасидаги бурчакни прием усули билан ўлчашда ҳамма ўлчанган қийматлар махсус журналга ёзиб борилади, 2-жадвал (V. 8-шакл). Приемлар усулида бурчак ўлчашини кўриб чиқамиз. Теодолит 2-нуқтага ўрнатилиб, иш ҳолатига келтирилади, тик доира трубага нисбатан чап ҳолатда, лимб маҳкамланиб, алидада бўшатиласди ва труба ўнг нуқта 1 га қаратиласди. Кўриш майдонида веха



V.8-шакл

кўрингач труба ва алидада маҳкамланиб, микрометр винтлар ёрдамида тур маркази веҳа тагининг ўртасига келтирилади. Сўнг микроскоп ёрдамида горизонтал доирадан саноқ (мисолимизда $163^{\circ}10'$) олинади, жадвалнинг 3, 4 устунларига ёзилади. Сўнг алидада бўшатилади, труба чапдаги 3 нуқтага қаратилади, горизонтал доирадан саноқ ($70^{\circ}05'$) олиб, журналга ёзилади. Ўнг ва чап нуқталардан олинган саноқлар фарқи бурчак β_2 нинг биринчи ярим приемдаги қийматини беради, мисолимизда $\beta_2' = 163^{\circ}10' - 70^{\circ}05' = 93^{\circ}05'$. Ҳисобланган бурчак жадвалнинг 5 устунига ёзилади. Иккинчи ярим приемда лимб бўшатилади, у тахминан $90^{\circ}-120^{\circ}$ га бурилиб яна маҳкамланади. Куриш трубаси зенит орқали айлантирилиб, алидада бўшатилади, трубани яна ўнгдаги, сўнг чапдаги нуқталарга қаратиб саноқлар олинади. Саноқлар фарқи β ни иккинчи ярим приемдаги қийматини беради, яъни $\beta'' = 22^{\circ}14' - 289^{\circ}08' = 360^{\circ} + 22^{\circ}14' - 289^{\circ}08' = 93^{\circ}06'$.

2-жадвал

2ТЗО теодолити билан прием усулида бурчак ўлчаш жадвали.

Нуқталар номери, номи		Саноқлар		Бурчак қиймати		
турган	қаратилган	градус	дақиқа	ярим приемда	ўртacha	Эслатма
1	2	3	4	5	6	7
Д о и р а ч а п д а (ДЧ)						
	1	163	10	93°05'		
2	3	70	05		93°05'30"	
Д о и р а ў н г д а (ДЎ)						
2	1	22	14	93°06'		
	3	289	08			

Икки ярим приемда ўлчанганди бурчак қийматларининг фарқи

$$\Delta\beta \leq 2t$$


бўлиши зарур. Бу ҳолда натижага сифатида ўлчанганди қийматларнинг ўртачаси олинади. Мисолимизда $\Delta\beta = 1$ ми-

нут. Натижа б устунга ёзилади, акс ҳолда бурчак ўлчаш қайтадан бажарилади.

V.4.1. ТИК БУРЧАКЛАРНИ ЎЛЧАШ

Тик бурчаклар теодолит, тахеометр, дальномер ва кипрегелларининг тик доираси билан ўлчанади.

Тик доира лимбдан (лимб кўриш трубасига маҳкамланган бўлиб, у билан бирга айланади), алидада, адилак ва саноқ олиш мосламаларидан иборат. Лимб бўлаклари турлича бўлинган ва белгиланган. Жойнинг оғиш бурчаги “ ν ” ни аниқлашда тик доиранинг ноль ўрни аниқланади. Шу билан бирга, албатта, асбобнинг қайси тоифага таалукълигини билиш зарур, чунки унинг тоифасига қараб тегишли ифодалар ишлатилади.




V.9-шакл

1 тоифа, унга T30, T15K, 2T5, 2T5K каби теодолитлар кирадики, уларда асбобнинг асосий ҳолати доира чап (ДЧ) ҳисобланади. (V. 9 — шакл). Тик бурчаклар ва ноль ўрин қуидаги ифодалардан топилади:

$$\left. \begin{aligned} \nu &= D\ddot{y} - H\ddot{y} ; & \nu &= H\ddot{y} - D \\ \nu &= \frac{D\ddot{y} - D}{2} ; & H\ddot{y} &= \frac{D\ddot{y} + D}{2} \end{aligned} \right\} \quad (V. 3)$$

II тоифа, унга T15 и TT5 теодолитлари киради, бунда асбобнинг асосий ҳолати ДЎ бўлиб, “ ν ” ва “ $H\ddot{y}$ ” лар қуидагича ҳисобланади: (V. 10-шакл).

$$\left. \begin{aligned} \nu &= D\ddot{y} - H\ddot{y} ; & \nu &= H\ddot{y} - D\ddot{y} \\ \nu &= \frac{D\ddot{y} - D\ddot{y}}{2} ; & H\ddot{y} &= \frac{D\ddot{y} + D\ddot{y}}{2} \end{aligned} \right\} \quad (V. 4)$$



V.10-шакл

Баъзи бир асбобларда кўриш трубаси билан саноқ олиш мосламаси биргаликда айланади, масалан, тахеометр – автомат кипреллар КН ва КНК. Бу асбобларда тик доирадаги саноқлар юқорига доимо плюс, пастта эса, минус ишора билан ифодаланади. (V. 4б-шакл).

Тик доира трубадан ажратилган бўлиб, адилак ўрнатилиган. Булар III тоифага кириб, “ v ” ҳисоблашда қўйидаги ифодалар ишлатилади:

$$v = D\ddot{U} - H\ddot{U}; \quad v = DЧ + H\ddot{U}; \quad (V.5)$$

асбобнинг асосий ҳолати $DЧ$

$$v = DЧ - H\ddot{U}; \quad v = D\ddot{U} + H\ddot{U}; \quad (V.6)$$

Ноль ўринни ва асбобнинг қайси топфага тааллуқлилигини аниқлашда унинг қаратиш ўқи узоқдаги яқъол кўринадиган “М” нуқтага икки марта ($DЧ$ ва $D\ddot{U}$) қаратилади ва тик доирадан саноқлар олинади. Бунда агар $DЧ$ саноқ $D\ddot{U}$ саноқдан кўп бўлса (V5) ифода, (2ТЗО теодолити ва Та5 тахеометрида) ёки $D\ddot{U}$ саноқ $DЧ$ дан кўп бўлса, (2TH тахеометри ва КН, КНК лар) (V. 6) ифодалар ишлатилади. Шунда бу асбоб III тоифага тааллуқлилиги маълум бўлади. $H\ddot{U}$ ни доимо нолга яқинлаштириш зарур. $H\ddot{U}$ турли нуқталарга қаратиш ўқини қаратиб бир неча бор аниқланади. Ўртacha қиймат нолдан озгина фарқ қилса, у қолдирилади.

$H\ddot{U}$ ни тузатишда (III-тоифадаги асбоблар) тик доирага ҳисобланган $H\ddot{U}$ қиймати қўйилади. Бунда тик доирадаги ёки алидададаги адилак пуфакчаси ўртада туриши зарур. Шунда қаратиш ўқи горизонтал ҳолатга келади. Сўнгра алидаданинг микрометрик винти билан саноқ олиш мосламасининг ва тик доира нол штріхлари ту-

таштирилади, бунда адилак пуфакчаси нол пунктдан силжийди. Адилак тузатгич винтлари билан пуфакча ўртага келтирилади ва текшириш такрорланади.

I ва II тоифадаги теодолитларда НҮ ни аниқлашда визирлаш ўқи узоқдаги яққол, тиниқ кўринадиган нуқтага қаратилиб икки марта (ДЧ, ДҮ да) тик доирадан саноқ олинади. Бунда горизонтал доираадаги цилиндрик адилак пуфакчаси ўртада бўлиши шарт. У ўртада бўлмаса, кўтаргич винтлар билан ўртага келтирилади.

НҮ қўидагича топилади:

$$НҮ = 0,5 (ДЧ - ДҮ)$$

НҮ ни топиш бир неча бор такрорланиб, унинг ўрта арифметик қиймати аниқланади.

Бу қиймат I дан ошмаслиги шарт. Акс ҳолда тузатилган саноқ

$$ДЧ_r = ДЧ - НҮ \quad \text{ёки} \quad (ДҮ_r = ДҮ - НҮ)$$

ҳисобланади ва доирага қўйилади. Шунда қаратиш ўқи танланган нуқтадан сиљиб кетади. Труба тўр иплари очилиб, унинг тузатгич винтлари билан қаратиш ўқи яна нуқтага устма-уст туширилади ва текшириш такрорланади.

Тик бурчаклар асбобнинг ДЧ ва ДҮ ҳолатида нуқтага қаратиб ўлчанади ва тегишли ифодалар (V. 3–V. 6) дан фойдаланиб топилади. Ўлчанган бурчакларнинг тўғрилиги НҮ ўзгармаслигидан далолат беради.

V. 5. БУРЧАК ЎЛЧАШ АНИҚЛИГИ

Бурчакларни ўлчаш аниқлигига асосан асбобдаги камчиликлар m_a (саноқ олиш мосламасидаги, лимб бўлакларининг бир-бирига тенг эмаслиги, асосий ўқларининг жойлашиши ва ҳ.к. лардан келиб чиқсан хатолар), қаратиш — m_b , микроскопдан саноқ олиш — m_c , марказлаштириш — m_d ва қаратиладиган белгининг қийшайишидаги (редукция) хатолари — m_e таъсир этади. Бурчак ўлчаш ўрта квадратик хатосини (IV–17) ифодага кўра қўйида-гича ёзиш мумкин:

$$m_\beta^2 = m_a^2 + m_b^2 + m_c^2 + m_d^2 + m_e^2, \quad (V. 7)$$

Асбоб хатоси асосан уни синчиклаб текшириш ва то-пилган камчиликларни бартараф қилиш йўли билан йўқотилади.

Каратиш хатоси куйидагича аниқланади:

$$m_b = \frac{60''}{v}$$

бунда V – трубани катталаштириши.

Саноқ олиш хатоси – $m_c = 0,03t$

марказлаштириш хатоси – $m_m = \left(\frac{\rho}{d}\right)m_t$

m_t – асбоб ўқини марказлаштириш хатоси;

$\rho = 206265''$, d – бурчакдаги қисқа томон узунлиги.

Редукция хатоси $m_p = m_m$ деб олиш мумкин.

Бурчак ўлчаш аниқлиги асосан асбобнинг ДЧ ва дў-холатларида топилган қийматларининг фарқи орқали ҳисобланади. Агар саноқ олиш аниқлигини t десак, са-

ноқнинг ўрта квадратик хатоси $m_o = \frac{t}{2}$ бўлади, бу икки

томондан олинган саноққа таъсир этади, шунга кўра би-ринчи ярим приемдаги бурчак ўлчаш хатоси m'_p куйида-

гича топилади: $m'_p = m_o \sqrt{2} = \frac{t}{\sqrt{2}}$, тўлиқ приемда эса


$m_p = \frac{m'_p}{\sqrt{2}} = \frac{t}{2}$ бўлади. Бунинг чекли хатоси $\Delta_2 = 3m_p \leq 1,5t$ бўла-

ди. Икки ярим приемда ўлчанганд бурчак қийматлари ай-ирмасининг ўрта квадратик хатоси $m_y = m'_p \sqrt{2} = \frac{t}{\sqrt{2}} \sqrt{2} = t$ бўла-

ди. Агар чекли хатони $2m$ десак, $\Delta_q = 2m_y = 2t$ бўлади. Шуга кўра 2Т30 теодолитида $t = 30''$ бўлганидан биринчи ва ик-кинчи ярим прием натижалари фарки 1' дан ошмаслиги зарур.

V. 6. ГОРИЗОНТАЛ БУРЧАКЛАРНИ ТАКРОРЛАШ УСУЛИ БИЛАН ЎЛЧАШ

Бу усулдан бурчак қуйидаги тартибда ўлчанади: (V. 11-шакл) Теодолит A нуқтага ўрнатилиб, иш ҳолатига кел-



V.11-шакл

тирилади. Лимб ва алидада ноллари туташтирилиб, лимб бўшатилиди ва қаратиш ўқи чапдаги B нуқтага қаратилади, лимб маҳкамланади, доирадан “ a ” саноғи олинади (“ a ” — саноғи 0° дан фарқ қилиши мумкин). Сўнгра алидада бўшатилиб, ўнгдаги C нуқтага қаратилади ва бурчак қийматини

текшириш учун саноқ олинади. Кейин лимб бўшатилиб, яна чапдаги нуқта (B) га қаратилади, лекин саноқ олинмайди. Алидада буралиб ўндаги C га қаратилади. Юқоридаги усул бир неча бор такрорланади. V. 11 — шаклда лимбнинг уч марта такрорлангандан сўнгги ҳолати келтирилган. Ўлчаш сўнгида ўнгдаги C нуқта саноғидан “ b ” саноғи олиниб, қуйидаги ифода билан бурчак ҳисобланади:

$$\beta = \frac{b - a}{n}, \quad (\text{V. 8})$$

n — такрорлаш сони. Юқоридаги ишларни доирани бошқа ҳолатида ҳам бажарилади.

Ўлчаш ўрта квадратик хатоси қуйидаги ифодадан аниқланади:


$$m_b = \frac{t}{2\sqrt{n}}, \quad (\text{V. 9})$$

V. 7. ЗТ5КП, ЗТ2КП ЗТ2КА ТЕОДОЛИТЛАРИ

Бу типдаги теодолитлар кейинги давр теодолитлари бўлиб, аввалги шу типдаги теодолитлардан фарқи, уларнинг қуалайлиги, кўриш трубаси тўғри тасвири ва улар билан ишланганда бирмунча иш унумдорлиги ошишидир.

Теодолит ЗТ5КП (V. 12а-шакл) теодолит билан тасвиrlов қилишда, маркшайдерлик ишларида, геодезик тармоқларни зичлашда, муҳандислик — геодезик ишларда ишлатилади.

a




Теодолит ЗТ2КП (V. 126-шакл) триангуляция, полигонометрия, геодезик тармоқларни зичлашда, астрономик геодезик ўлчаш ишларида ишлатилади.

Теодолит ЗТ2КА (V. 12в-шакл) горизонтал бурчакларни анъанавий ўлчаш билан бирга автоколлимацион усули билан ўлчашда, ускуналарни монтаж қилишда, саноат иншоотларини куришда ишлатилади.


Янги теодолитларнинг афзаликлари:

- горизонтал ва тик доира саноқ олиш системаларини янги усулда тузилганилиги ва қулайлиги;
- ўзи турадиган тик доира индекси мавжудлиги;
- йўналишини қидирувчи доиранинг мавжудлиги;
- кўриш трубасининг икки томондан зенит орқали айланиши;
- алидада қисмида оптикали марказлаштиргичнинг мавжудлиги;
- микрометрик ва қотириш винтларининг бир ўқдалиги;
- қўпол нишонга олиш учун коллимотор қаратгичларнинг мавжудлиги;
- теодолитларга ёруғлик дальномерларини ўрнатиш имкони борлиги;
- тагликнинг асбобдан айриш мумкиниклариидир.

b



c



V.12-шакл

V. 8. ЛАЗЕРЛИ ТЕОДОЛИТЛАР

Лазерли теодолитларда лазер тарами трубанинг кўриш ўқига параллел ёки унга бўйлама қилиб йўналтирилган бўлади. Нурланувчи манба сифатида ОКГ (оптикали квантли генератор) ишлатилиб, у кўриш трубаси ўрнида ёки унга параллел бўлиши мумкин.


Лазерли теодолитлар тузилишига қараб бир неча хилларга бўлинади.

1. Нурланувчиси билан зенит орқали айланувчи теодолитлар.

2. Нурланувчиси айлантириб қўйиладиган теодолитлар.

3. Нурланувчиси айланмайдиган ва айлантириб қўйилмайдиган теодолитлар.

ЛТ-75, ЛТ-56, КР4 (Польша) — 1 ва 2 хилдаги лазерли теодолитлардандир. ЛТ-75 (V. 13-шакл) теодолитида нурланувчи манба сифатида лазер ЛТ-75 ишлатилган. Асбоб кутиси 5 га ўрнатилган манба ОКГ, кутига ўрнатилган бурчак қисми — 6, конусли қўйма 4 ва телескопик системалардан иборат.




V.13-шакл

Асбоб түпламида учта алмаштириб қўйиладиган окулярлари бўлиб, улар ёрдамида нур тарами 24,20 ва 15 сек аниқликда мўлжалга қаратилади.

LT—75 теодолитида горизонтал доирадан саноқ 2" хато билан олинади.


З хилдаги лазерли теодолитларга KP1 (Польша), LT—3, "Спектр — физикс" фирмаси (АҚШ), LG—3, LC—68 кабилар киради. LT—3 теодолити лазерли трубаси 5, цилиндрик линзали қўйма 3 билан бирлашган коллиматор 4, нур таранини 15 м дан чексиз масофагача фокусловчи маҳовик 2 лардан иборат (V. 14-шакл). LT—3 теодолитида нур тарами диаметри коллиматордан чиқишида 16 мм, 300 масофада эса 30 мм га тенг. Асбобда кўриш трубаси 7, горизонтал ва текисликларда айлантирадиган 8,9 винтлари мавжуд.



V.14-шакл

Қўйма лазерли теодолитлардан "Wild, GLA," TLA, T16, T2 (Швейцария), SLOM STM (Франция), ST200 (Англия) типдагилари мавжуд. V. 15-шаклда қўйма лазерли теодолит "Wild GLA" келтирилган.

Лазерли теодолитлар асосан режалаш ишларида қўлланилади.



V.15-шакл

V. 9. МАХСУС БУРЧАК ЎЛЧАШ АСБОЛАРИ


Давр талаби кейинги йилларда бурчак ўлчаш асбобларини ҳар томонлама турли ишларда қўлланилишини тақозо қилмоқда. Шунга кўра уларнинг янги турлари чунончи, кодли теодолитлар, гидротеодолитлар, радиотеодолитлар, кинотеодолитлар ва бошқа турдаги асбоблар ишлаб чиқарилмоқда. Улар асосан ўлчаш усули, ўлчанган микдорларни қайд қилиш ва уни ишлаб чиқиш бўйича бир-биридан фарқ қиласди.

Кодли теодолитларда саноқ олиш ва уни ишлаш автоматлаширилган, гидротеодолитларда эса меридиан йўналишини аниқлашда гирископ айланишини кузатадиган (гирископ — грекча сўз бўлиб, “гирос” — айланиш, “скопсин” — кузатаман) асбоб қўлланилган.


Радиотеодолитларда ориентирлаш ва визирлаш учун антенна ишлатилса, кино теодолитларда ориентирлаш ёки визирлаш мосламалари тубдан ўзgartирилгандир. Умуман, келгусида теодолит ва кинотеодолит ёки кодли теодолит ва гиротеодолитлар ўзаро қўшилиб бир асбоб сифатида ишлатилиши мумкин.

Кодли теодолитларда ўлчанган қыйматларни ифодалаш (лимбдаги саноқларни ёзиш), электрик кучланиш орқали фотосурат, перфолента, перфокартага ёки магнит летасига ёзиш билан бажарилади. Шу билан бирга ифодаланган қыйматларни ҳисоблаш машиналариға киришишга кулай бўлиши кўзда тутилади. “Аскания” заводи (Берлин — Мариендорф) “Вильд” фирмасида чиқарилаёттан Т—3 теодолити, теодолит Theo — 003 “Карл Цейсс”, Иена, теодолит FLT—3 “Феннель “К” фирмаси, КОВ1 теодолити МОМ (Венгрия), RegElta—14 Цейсс (ФРГ), теодолит “Дигигон” (Бреттаупт фирмаси) шулар жумласидандир. Охирги теодолитда лимбдан саноқ олиш электрон — оптикавий усул билан бажарилиб, бурчак қыймати перфолетада босилади (V. 16-шакл)

Гиротеодолитлар — меридианга нисбатан йўналишни аниқлаб беради. У асосан гироблок — 1, теодолит — 2, бур-



V.16-шакл



чак ўлчаш қурилмаси торсиян — 3, гиромотор — 4, гирокамера — 5, таъминлаш блоки, ток манбаидан иборат (V. 17-шакл). Гироблок гирокамера, гиромотор, арретирлаш мосламаси, ток билан таъминлайдиган ва гироблокни магнитдан сақладиган қисмлардан иборат. Гиротеодолитлар теодолитларга қуйма сифатида ҳам мавжуд САК—1 “Вильд” (Швейцария) фирмаси, Gi — C1, Gi — DI МОМ (Венгрия) фирмаси, ТК—4 Кассель (ФРГ) ва ҳ.к. шулар жумласидандир.

Гиротеодолитлар аниқлиги бўйича 5 хилга бўлинади:

Ўта аниқ А ҳарфи билан (литер) — аниқлиги 5 сек., аниқ В ҳарфи билан — аниқлиги 20", ўртача аниқлик С билан — 40", аниқлиги кам-Д ҳарфи билан — 1, ноаниқ Е ҳарфи билан — 3' белгиланади. Ҳозирда Gi — B_L, G_L — B2, G_L — B3 (Венгрия), MBT2, MT — 1 (МДХ) турдаги гиротеодолитлар турли геодезик ишларда қўлланилмоқда. Гиротеодолитни лазерлик дальномер билан биргаликда, роторсиз гирокопли гиротеодолитлар ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Гиротеодолит билан азимутни аниқлашда асбоб иш ҳолатига келтирилиб, доирадан энг катта шарқий ва фарбий оғиш саноқлари n_1 ва n_2 , яна n_3 саноқлар олинади. Бу саноқларнинг ўртача қиймати гирокоп ўқининг мувозанатдаги ҳолати бўлади. Шунинг учун у ҳақиқий меридиан йўналиши бўлади. Сезувчи элементнинг бу туришини N_0 саноқ билан ифодаланса, уни шундай ёзиш мумкин:

$$N_0 = \frac{1}{2} \left(\frac{n_1 + n_2}{2} \right) + \left(\frac{n_2 + n_3}{2} \right) \dots \quad (\text{V. 10})$$


Гиротеодолитларда горизонтал доиранинг саноқ олиш мосламаси гирокоп роторининг айланиш ўқига нисбатан “Δ” бурчак остида ўрнатилган. Шунга кўра горизонтал доирадаги шимол ўрни

$\text{Ш} \ddot{\text{У}} = N_0 - \Delta$ (V. 11) тенглама билан аниқланади, бунда Δ — гиротеодолитнинг ўзгармас тузатмаси, у азимути ёки дирекцион бурчаги маълум бўлган чизиқда эталонлаб топилади.

Радиотеодолитларда тарқалувчи электромагнит тўлқинларини қабул қилувчи махсус антенналар ёрдамида бурчак ўлчанади.

Кинотеодолитлар — теодолитларга ўхшаш бўлиб, фотоэлектрик ёки фотосуратни қайд қилувчи ускуналари борки, улар ёрдамида учиб кетаётган нарсаларнинг координаталари аниқланади. Бунда бир вақтда икки станциядан туриб A ва B нуқталар нарса ва базис чизиги майдони, горизонтал ва тик доира алидадасининг ҳолати суратга олинади V. 18-шакл. Бу маълумотлар ЭХМ га киришишга яроқли қилиб, тезда координаталар ҳисобланади. Йўналишни аниқлаш хатоси бир неча секундга тенг.

Кинотеодолит ЕСТ – Д
(Швейцария) асосий қисмлари: суратга оладиган асосий фотоэлектрик мосламали горизонтал ва тик лимблар, тик ва горизонтал ўқли системаси, қидирувчи трубалардан иборат. Ундан ташқари кинотеодолитни тик ва горизонтал текисликларда айлантиришда бошқарувчи ва кузатувчи системалари борки, улар моторлар билан таъминланган.



V.18-шакл

VI боб

ЖОЙДА ЧИЗИҚ ОЛИШ ВА ЎЛЧАШ


VI. I. ЧИЗИҚ ОЛИШ

Чизиқ ўлчаш берилган аниқликда, баъзи бир омилларни бажарган ҳолда олиб борилади. Масалан, чизиқ ўлчанадиган жойни (маълум кенглиқда) ҳар хил ўлчашга халақит берувчи нарсалардан тозалаш, ўлчашни тўғри чизиқ бўйлаб олиб бориш ва ҳ.к. лар.

Бунинг учун узун чизиқларни ўлчашга тайёрлашда, уларни бир йўналишда ўтган тик текисликда ётувчи бўлак-

ларга бўлиб ола таёқлар билан белгиланади. Бу ишга чизиқ олиш дейилади. Чизиқ олиш кўз билан чамалаб ёки геодезик асбоб — теодолит билан бажарилади. Чизиқ олишда, жой шароитига қараб ҳар хил оралиқда, тик текисликда ётувчи ола таёқлар ўрнатилади (1—2—3—4 нуқталар. VI. 1-шакл). Ола таёқ — бу ҳар 20 см да оқ-қора ёки оқ-қизил рангга бўялган, диаметри 3—6 см, узунлиги 2—2,5 м ли, бир учига металл учлик кийгизилган ёғоч таёқдир.

Ўлчанилаётган чизиқнинг икки учи жойда ёғоч, (*A*, *B* нуқталар, VI. 1-шакл) металл ёки темир бетон қозиклар билан белгиланади.



VI.1-шакл

VI. 2. ЧИЗИҚ ЎЛЧАШ АСБОБЛАРИ, УЛАРНИНГ АНИҚЛИГИ

VI. 2.1 ЧИЗИҚ ЎЛЧАШ АСБОБЛАРИ

Жойда чизиқ ўлчашда кўлланиладиган ўлчаш асбоблари.

Пўлат ленталар 10815—64 ГОСТ га кўра штрихли — Л3, шкалали — Л3Ш бўлиб, уларнинг узунлиги 20, 24, 50 м ли бўлади. Олиб юриш қулай бўлиши учун диаметри 20—25 см бўлган темир ҳалқага ўраб, маҳкамлаб кўйилади. Лента комплектида 6 та ёки 11 та металл сихчаси бор.

— Рулеткалар асосан 5, 10, 20, 30, 50 м ли бўлади. Улар зангламас пўлатдан ёки тасма (мато)дан ясалади ва маҳсус филофда, ўралган ҳолда олиб юрилади.

— Инвар лента ва симлар чизиқларни юқори аниқликда ўлчашда ишлатилади. Улар БП—1, БП—2, БП—3 типдаги базис асбоблари таркибиға кирадилар. Инвар симларда ўлчаш аниқлиги 1:750000, 1:200000, 1:10000 га тенг.


Ундан ташқари чизиқ ўлчашда узунлик ўлчагич АДТМ ҳам ишлатилади. Унинг ўлчаш аниқлиги 1:5000 — 1:10000.

Чизиқ ўлчаш асбобларини компарирлаш

Чизиқ ўлчашдан аввал лента, рулетка ёки сим компарирланади. Бунда — уларнинг узунлиги юқори аниқликда ўлчанган чизиқ (компаритор) билан таққосланади. Топилган фарқ Δl_k тузатма тарзида ўлчаш натижаларига киритилади.

VI. 2.2. ПҮЛАТ ЛЕНТА БИЛАН ЧИЗИҚ ЎЛЧАШ

Одатда, чизиқ ўлчаш икки ўлчовчи томонидан бажарилади. AB чизиқ узунлигини ўлчашда биринчи ўлчовчи бир сихчани A нуқтадан лента бошида ўйилган штрих ёнида ерга қоқиб қўяди. Оёғи билан лента дастасини бошиб, иккинчи ўлчовчини B нуқта томон йўналтиради. Иккинчи ўлчовчи чап қўлида 5 та сихчани ушлайди ва A нуқтага қараб, биринчи ўлчовчининг назоратида, AB йўналишида лентани тортиб туриб, битта сихни ўнг қўли билан лента охирида ўйилган жойидан ерга қадайди. Шундан сўнг лентани сихчадан олиб, олдинга қараб юради. Биринчи ўлчовчи чизиқ бошидаги сихни олиб, у ҳам B нуқта томон юради ва ерга қадалган сихга етганда, лента бошидаги ўйилган жойни унга илади. Шу тарзда чизиқ ўлчаш давом эттирилади. Олдинги ўлчовчидағи сихларнинг тамом бўлиши 100 м чизиқ ўлчанганидан далолат беради. AB орасидаги чизиқ узунлиги қуйидагича бўлади (VI. 2-шакл):



VI.2-шакл

$$AB = D = l \cdot n + \Delta d, \quad (\text{VI. 1})$$

бунда: l — пўлат лентанинг ҳақиқий узунлиги;

n — AB чизиқда лентанинг қўйилиш сони;

Δd — қолдик, лента узунлигидан кам кесма.

Пўлат лентанинг ҳақиқий узунлиги (компарирангандан сўнг)

$$l = l_0 + \Delta l_k \quad (\text{VI. 3})$$

бўлади, бунда: l_0 — номинал узунлиги;

Δl_k — компарирлаш тузатмаси.

Агар ҳарорат ҳисобга олинадиган бўлса, компарирлаш давридаги ҳарорат t_0 ўлчаниб, l ҳисобланади:

$$l = l_0 + \Delta l_k + \alpha l_0(t - t_0), \quad (\text{VI. 4})$$

бунда: α — пўлат лентанинг кенгайиш коэффициенти,
 $\alpha = 12 \cdot 10^{-6}$;

t — ўлчаш давридаги ҳарорат..

(VI. 4) даги қиймат (VI. 1) га қўйилса, D қўйидагича ифодаланади:

$$D = [l_0 + \Delta l_k + \alpha l_0(t - t_0)] \cdot n + \Delta d. \quad (\text{VI. 5})$$

Кия чизиқни горизонтал қўйилишини аниқлаш.

Агар ўлчанаётган масофа қия чизиқ бўлса, (қиялик бурчаги $\nu \geq 1^\circ$) бу ҳолда унинг горизонтал қўйилиши аниқланади. Қия чизиқнинг горизонтал қўйилиши ватерпасовка (VI. 3-шакл), реезий ифодалар ишлатиш (VI. 4-шакл) усуллари билан топилади.

VI. 3-шаклга биноан AB чизиқ узунлиги адилак-2 ўрнатилган рейка-1 ва шоқул-3 билан айрим-айрим ўлчанади.

Агар AB қия чизиқ узунлиги D , унинг горизонтал қўйилиши d ва қиялик бурчаги ν десак, VI. 4-шаклга биноан

$$d = D \cos \nu$$


бўлади.

Қия чизиқ горизонтал қўйилишининг тузатмаси δd қўйидагича топилади:
 $\delta d = D - d = D - D \cos \nu =$


$$= 2D \sin^2 \frac{\nu}{2}. \quad \text{Бу тузатма}$$

максус “Чизиқ қиялиги-га тузатма” жадвалидан қия чизиқ узунлигини ва қиялик бурчакларига қараб олинади.

Чизиқ узунлигининг қиялик бурчаги эклиметр ёки теодолитлар билан аниқланади.



VI.3-шакл



VI.4-шакл

Чизиқни лента билан ўлчаш аниқлиги

Агар чизиқ икки марта ўлчаниб D_1 ва D_2 қийматлари топилған бўлса, улар айирмаси ΔD — абсолют хато, абсолют хато ΔD ни ўлчанганд қийматларнинг ўртача арифметик қийматига нисбати эса, нисбий хато деб юритилади.

Жой рельефига қараб, $\frac{\Delta D}{D_y} = \frac{1}{1000} + \frac{1}{2000}$ бўлиши мумкин.

VI. 2.3. ОПТИК ВА ҚЎШ ТАСВИРЛИ ДАЛЬНОМЕРЛАР


Жойда икки нуқта орасидаги масофани бир нуқтада туриб ўлчайдиган геодезик мосламалар дальномер дейилади. Улар оптик, ёруғлик, лазерлик ва радио дальномерларга бўлинади.

Оптик дальномерларда D масофа тенг ёнли ΔABC дан (VI. 5-шакл) қуидагича аниқланади:

$$\frac{b}{2D} = \operatorname{tg} \frac{\beta}{2}$$

ёки $D = \frac{b}{2} \operatorname{ctg} \frac{\beta}{2}$, (VI. 6)

бунда: $\frac{1}{2} \operatorname{ctg} \frac{\beta}{2}$ дальномер ко-




VI.5-шакл

эффициенти қийматидир. (VI. 6) ифодадан маълумки, D икки ўзгарувчи миқдор b ва β ларнинг функцияси, яъни $D = f(b, \beta)$ бўлади. Булардан қайси бири ўзгармас бўлишига қараб, дальномерлар ўзгармас бурчакли ва ўзгармас базисли бўлади.

Ўзгармас бурчакли ипли дальномер

Барча геодезик асбобларнинг кўриш трубасини ипли дальномер сифатида ишлатиш мумкин. Бунда, тўр ипларида, асосий ипларидан ташқари горизонтал ипнинг юқори ва пастида тенг масофада дальномер иплари чизилган.

Ипли дальномер билан чизиқ ўлчашда икки ҳол бўлиши мумкин. 1 ҳол. Трубанинг қаратиш ўқи рейкага перпендикулярдир (VI. 6-шакл). Кўздан чиқсан нурлар окуляр, дальномер иплар, объективдан ўтиб эквивалент линзанинг фокуси орқали рейкадаги M ва N нуқталарига дальномер ипларини проекциялади.



VI.6-шакл

Учбуручак $t_1 \text{ от } m_1$ ва NOM лар ўхшашлигидан $\frac{d_1}{n} = \frac{f}{p}$,
 $d_1 = \frac{f}{p} \cdot n$ ларни ёзиш мумкин. VI. 6-шаклдан $D = d_1 + f + \delta$,

бунда: f — объективнинг (эквивалент линза) фокус масофи; δ — объектив ўқидан асбоб ўқигача бўлган масофа.

$\frac{f}{p} = K$ ва $f + d = c$ деб белгиласак, дальномер масофа

$$D = K \cdot n + c \quad (\text{VI. 7})$$


га тенг бўлади, бунда: n — рейкадан олинган n_1 ва n_2 саноқлар айирмаси;

c — дальномер ўзгармас сони, ҳозирги асбобларда C ни ҳисобга олмаса ҳам бўлади, чунки $C = 0$.

Демак,

$$D = K \cdot n. \quad (\text{VI. 8})$$

II ҳол. Трубанинг қаратиш ўқи рейкага перпендикуляр эмас. VI. 7-шаклда v — кўриш ўқининг оғиш бурчаги; n — тик турган рейкадан олинган саноқлар айирмаси, n' —



VI.7-шакл

күриш ўқига перпендикуляр турған рейкадан олинган саноқлар айрмаси. VI. 7-шаклдан:

$$d = (D_1 + c) \cos \nu. \quad (\text{VI. 9})$$

$NM'M$ учбұрчакда M' бурчагини түғри бурчак десек, у ҳолда $\frac{n'}{2} = \frac{n}{2} \cos \nu$ ғана $n' = n \cos \nu$ бўлади. Қиймат D_1 (VI. 8) ифодадан топилади.

$$D_1 = kn' = k \cdot n \cos \nu \quad (\text{VI. 10})$$

(VI. 10) ни (VI. 9) га қўйилса, қуйидаги ифода ҳосил бўлади:

$$d = (D_1 + c) \cos \nu = (k \cdot n \cos \nu + c) \cos \nu = k \cdot n \cos^2 \nu + c \cos \nu \quad (\text{VI. 11})$$

Бу ифодани ишлатиш нокулай бўлгани учун уни содалаштирамиз, яъни унинг ўнг томонига $c \cos^2 \nu$ қўшамиз ва айрамиз. Унда $d = k \cdot n \cos^2 \nu + c \cos \nu + c \cos^2 \nu - c \cos^2 \nu$ бўлади.

Буни группаласак, $d = (k \cdot n + c) \cos^2 \nu + c \cos \nu (1 - \cos \nu) = (kn + c) \cos^2 \nu + 2c \sin^2 \frac{\nu}{2} \cos \nu$ бўлади.

Бу ердаги охирги ҳад $\left(2c \sin^2 \frac{\nu}{2} \cos \nu\right)$ қиймати С ва ν га

қараб ўзгаради. Агар $C = 0,30$ м, $\nu = 10^\circ$ бўлса, ҳаднинг қиймати 1 см га, $\nu = 20^\circ$ бўлса, -2 см га, $\nu = 38^\circ$ бўлса, -3 см га тенг бўлади, шунинг учун уни эътиборга олмаса ҳам бўлади ва(VI. 11) ифода қўйидагича ёзилади:

$$d = (kn + c)\cos^2\nu = kn + c - (kn + c)\sin^2\nu.$$

Агар $kn + c = D$. $(kn + c)\sin^2\nu = \Delta D$ деб белгиласак, $d = D - \Delta D$ чиқади.

ΔD – қия чизик узунлигига киритиладиган тузатма бўлиб, у маҳсус жадваллардан олинади.

Ипли дальномер билан ўлчаш нисбий хатоси одатда

$$\frac{1}{200} \div \frac{1}{300} \text{ бўлади.}$$

Дальномер билан ўлчаш аниқлигини оширишда “қўш тасвири” деб номланган, мураккаб оптикали тизимлардан ясалган дальномерлар ишлатилади.

3 - жадвал

ГОСТ 22549—77 бўйича чиқариладиган қўш тасвирили дальномерлар 3-жадвалда келтирилган.

Дально-мер турлари	Тузилиши	Ишлатилишидаги рейка ҳолати	Ўлчайдиган масофа, м	Нисбий хато
1. ДН-8	Ўзгармас базисли ва ўзгарувчи параллантик бурчаклик	горизонтал	50-700	1:1000
2. ДНР-5	Ўзгармас параллантик бурчакли	тик	20-120	1:1000-1:2000
3. Д-2 (ОТД)	Ўзгарувчи параллантик бурчакли	горизонтал ва тик	40-400	1:5000

VI. 2.4. ЁРУГЛИК, ЛАЗЕРЛИ ВА РАДИОДАЛЬНОМЕРЛАР

Ёруглик ва радиодальномерларда чизиқ ўлчаш ўлча-наётган масофадан электромагнит түлқинларининг ўтиш вақтини аниқлаш орқали ўлчаш усулига асосланган.

Агар электромагнит түлқин тезлигини U , түлқиннинг D масофадан ўтиш вақтини t десак, ўлчанадиган ма-софа

$$D = \frac{U \cdot t}{2}$$

га тенг бўлади.

Электромагнит түлқинларининг бўшлиқдаги тезлиги

$$U_0 = 299792456 \text{ м/с}, \text{ унинг ҳаводаги тезлиги}$$

$$U = \frac{U_0}{n} \cdot n - \text{ нурнинг ҳавода синиш кўрсаткичи бўлиб,}$$


унинг қай тарзда бўлиши ҳарорат ва намлика боғлиқ.

t нинг қийматини икки: импульсли ёки фазовий усуллар билан аниқланади.

Импульсли усул катта масофаларни ўлчашда, фазовий эса, асосан, юқори аниқлиқдаги ўлчаш ишларида қўлланилади.

Ёруглик дальномерларида масофани ёруглик нури ёрдамида ўлчанади. Жойда A ва B нуқталар орасидаги D ни ўлчаш учун, A нуқтага ёруглик дальномери (нурларни узатувчи ва мосламалар қабул қилувчи), B нуқтага эса, кўзгули қайтаргич (отражатель) ўрнатилади (VI. 8-шакл). A нуқтадан юборилган ёруглик B нуқтадаги кўзгуга бориб, ундан қайтиб яна A га келади. Бунда нур масофани икки марта босиб ўтади. VI. 8-шаклдан $D = D_1 + C$ бўлади. Бу ерда $C = C_1 + C_2$ – дальномер ўзгармас сони.

Вақт t ни фазовий усул билан аниқлаш мумкин. Унда электромагнит түлқинларининг тебраниши бир вақтда узатувчи орқали, узлуксиз f – частота билан қайтаргичга ва фазалар фарқининг аниқловчи индикаторига юборилади.



VI.8-шакл

4 - жадвал

МДХ да чиқариладиган ёруғлик дальномерлари ГОСТ 19223-90 га биноан 4 типтә бўлинади.

№№	Дальноме-рлар түри	Маркаси	Үлчаш масофаси D , км	Үлчаш аниқлиги, см	Эслатма
1	СГ	СБ-6	0,5-50	$\left(1 - \frac{D}{5}\right)$	1, 2, 3 классдаги шахобчаларни барпо этишда ишлатилади
2	СП	СМО2	0,02-0,3	0,2	
3	СТ	СМ2	0,02-2	2	
4	СТД	СМ5	0,05-5	5	

Узоқ масофаларни ўлчашда ёруғлик дальномерларида қўлланиладиган электромагнит тўлқинлари ўрнига лазер нури (ОКГ) ишлатилади. Лазерли дальномерларда маҳсус қайтаргичлар ёрдамида қайтган лазер нури 2-5 сек ёйилиши бурчаги билан қабул қилувчи мосламага етказиб берилади.

Бу дальномерлар бутун дунё йўлдоший триангуляция шохобчаларини яратишда ишлатилди. Астронавт Амстрон билан Олдринлар (АҚШ) Алполон-11 космик кемаси ёрдамида Ойга лазерли дальномер қайтаргичи ўрнатдилар. Унинг ёрдамида Ой ва Ер оралиғи ўлчанди. “Алполон-14”, “Алполон-15”, “Луна-17”, “Луна-21” автоматик планеталараро станцияларда ўрнатилган маҳсус қайтаргичлар ёрдамида масофалар лазер ёрдамида ўлчанди.

Радиодальномалардан РДВ2, Луч маркалилари мавжуд. РДВ2 радиодальномери билан 0,2-30 км масофани 5-14 см хатоликда ўлчаш мумкин.


“Луч” радиодальномери 2-ва 3-даражали аниқликда барпо этиладиган полигонометрия ва ориантация то-монларини ўлчашда ишлатилади. У билан $0,2\text{--}40$ км гача масофа ($3\text{--}3 \cdot 10^{-6} D$) см хато билан аниқланади.

Чет элда чиқариладиган радиодальномерлардан МРА-5, СА 1000 типдагилари мавжуд. Бу дальномерлар инглиз фирмаси “Плесси” томонидан яратилиб, 1975 йилдан бошлаб чиқарилмоқда.

Радиодальномер МРА-5 билан $0,1\text{--}50$ км, масофани ($1 + 3 \cdot 10^{-6} D$) см, СА 1000 билан эса $0,05\text{--}10$ км масофани ($15 + 5 \cdot 10^{-6} D$) см хатолик билан ўлчанади.

VI. 3. СТ5 “БЛЕСК” ЁРУЕЛИК ДАЛЬНОМЕРИ ВА У БИЛАН МАСОФА ЎЛЧАШ

СТ5 “Блеск” ёруелик дальномеридан аввал қўпол режимда 20 см аниқлик билан, сўнгра аниқ режимда 10 мм $+ 5 \cdot 10^{-6} D$ аниқликда 5000 метргача бўлган масофа ўлчанади. VI. 9-шаклда ёруелик дальномери СТ5 (а) ва бир призмали қайтаргич (б) келтирилган.



VI.9-шакл

1 — стрелкали асбоб; 2 — олд томондаги панель; 3 — сонли лавҳа; 4 — “үчириш — қаратиш — саноқ” ларининг ўзгартгич дастаси; 5, 10 — қаратиш винтлари; 6, 9 — маъкамлагич винтларининг дастаси; 7 — “аниқ” — “назорат” — “қўпол” белгиларининг ўзгартгич дастаси; 8 — сигнал дастаси; 11 — оптикали марказлаштиргич окуляри; 12 — цилиндрик адилак; 13 — адилакнинг созловчи бурама михи; 14 — микротелефон; 15 — қопқоқ; 16 — назорат саногининг дастаси; 17 — трипельпризма (кўзгу-қайтаргич); 18 — марка; 19 — таглик.

Ёруғлик дальномерини 6 ой ўтганда оралаб текшириш тавсия қилинади. Бунда қуйидагилар бажарилади:

1. Ёруғлик дальномеридаги цилиндрик адилак ўқи унинг айланиш ўқига перпендикуляр бўлиши шарт.

2. Оптикали марказлаштиргичнинг ўқи асбоб айланиш ўқига параллел бўлиши лозим. Бу икки текшириш теодолитни текширишдек бажарилади.

3. Трубанинг кўриш ўқи дальномерининг ёруғлик тарамига параллел бўлиши керак. Буни текширишда дальномер максимум сигнал билан 100—150 м ўрнатилган бир призмали қайтаргичга қаратилади. Бунда кўриш тубаси қайтаргич марказидан 63 мм юқорига қаратилиши керак.

Асбобга частотамер уланиб, кварци генераторнинг частотасини номиналь 60 Гц дан ўзгариши кузатилади.

Текшириш санофининг ўзгармаслиги кучланиш ҳар хил бўлганда аниқланади.

4. Асбоб хатосининг даврийлиги текширилади. Бунинг учун асбобдан 5—25 м масофада 10 м масофани бир метрдан бўлиб, уни рулетка билан 1,5 мм хатода ўлчанади. Бу кесмалар дальномер билан ҳам ўлчаниб, икки ўлчашиб фарқи

$\Delta D = D_p - D_n$ (D_p — рулеткада, D_n — ёруғлик дальномерида ўлчанган қийматлар) топилади. Бу фарқ яроқли асбобда 10 мм дан ошмаслиги зарур. ΔD орқали график тузилиб, ўлчанган масофаларга тузатма киритилади.

5. Дальномернинг бир прием билан ўлчашиб хатоси аниқланади. Бунинг учун 100, 300 ва 500 м масофа — базислар 3 мм хато билан ўлчаниб, жойда белгиланади. Агар узун масофалар ўлчашиб мўлжалланса, 1000, 2000 ва 3000, 5000 м ли базислар жойда белгиланади. Ҳар бир базис бир неча прием билан дальномерда ўлчаниб, фарқ $\Delta = D_e - D_b$ топилади, бунда D_e — дальномерда ўлчанган масофа, D_b — базис қиймати.

Бир приемнинг ўрта квадратик хатоси қуйидагича аниқланади:

$$m = \sqrt{\frac{[\Delta^2]}{n}}.$$

n — приемлар сони; $m \leq 10$ мм + $5 \cdot 10^{-6}$ бўлиши шарт.

Дальномер билан масофа ўлчаш

Дальномер чизиқ бошидаги нұқтага аввал ипли шовун билан ўрнатилиб цилиндрик адилак 12 (VI. 9-шакл) ёрдамида нивелирланади. Сүнгра оптикалы шовун 11 билан аниқ марказлаштирилади. Кейин чизиқ охиридаги нұқтага штатив ўрнатилиб, унга таглик қўйилади, тагликка ўрнатилган оптикалы марказлаштиргич 19 билан дальномер нивелирланади ва марказлаштирилади. Таглик 19 га бир призмали қайтаргич 17 ўрнатилади. Керак бўлган ҳолларда призмалар сони оширилади.

Асбобни ўлчашга тайёрлаш. Асбоб ток манбаига уланиб ўзгартигич дастаси “саноқ” ва “назорат” ҳолатига қўйилади. Бунда милли асбоб 60 мКА ни кўрсатиши лозим. Объективдан аттенюатор (объективни қуёш нурларидан сақладиган мослама) ни олиб, объективга “назорат санофи” блоки ўрнатилади. Ўзгартигич дастаси 7 “аниқ” ҳолатига буралиб, даста 8 билан сигнал товуши иш зонасининг ўртасига, бир оздан сўнг 16 — даста билан “назорат” санофига қўйилади. Сүнгра “назорат санофи” блоки объективдан олинади.

Асбобнинг ўзгартигич дасталарини “қаратиш” ва “аниқ” ҳолатига бураб кўриш трубаси қаратилади ва 6.9-дасталар маҳкамланади. Сўнгра 5, 10-дасталар билан дальномер қайтаргичга қаратилади ва юқори сигнал товуши ҳамда милли асбоб миллининг ўнгга — охиригача боришига эришилади.

Масофа ўлчаш

Масофани 0,2 м хато билан ўлчашда 7 ва 4-ўзгартигич дасталари “кўпол” ва “саноқ” ҳолатларига бурилади ва лавҳа 3 дан саноқ олинади.

Аниқ ўлчаш учун ўзгартигич дасталари “аниқ” ва “саноқ” ҳолатларига буралиб, сигнал товушидан кейин лавҳадан 3 марта саноқлар олинади, масофа ўлчанади ва лавҳадан олинган 3 та приемда 9 та саноқлар ўртачасига асбобда аниқланмайдиган километр сонларига қўшилади.

Дальномер билан ўлчанган масофа күйидаги ифодадан аниқланади:

$$D = D_a + (K_n + K)D_a \cdot 10^{-5} + \Delta D.$$

Бунда: D_a — “аниқ” ҳолатидаги дальномерда ўлчанган масофа; K_n — тузатувчи коэффициент, асбоб паспортидан — хаво ҳарорати, атмосфера босимига қараб олинади;

K — тузатувчи коэффициент, кварции генераторнинг частотасини ҳаво ҳарорати таъсирида ўзгаришини эътиборга олади. Бу коэффициент асбоб паспортидан 7 ва 4-дасталарнинг “назорат” ва “саноқ” ҳолатларидаги саноқча қараб олинади.

ΔD — икки ўлчаш фарқи, дальномерни текширишда аниқланади. Ўлчаш натижалари журналга ёзилади (5- жадвал).

Ст5 “Блеск” ёруғлик дальномери билан масофа ўлчаш журнали

Кузатувчи — Каримов А, Ёрдамчи — Мирзараҳимова А. Ўлчанадиган масофа A ва B нуқталар оралиғи 1,5 км дан ортиқ. $i_t = 1,7$; $i_x = 1,56$ м. Қайтаргич — 3 призмали.

20.V.1992 йил. Иш бошланиши: 18 дан 15 дақиқа ўтганда. Тамом бўлиши: 18 дан 25 дақиқа ўтганда.

Об-ҳаво очиқ, сокин шамол эсмоқда.

Ҳаво ҳарорати $t = +18^\circ$, 5С, ҳаво босими $P = 102,0$ кПа.


Ўлчаш натижалари (“аниқ” режимда)

5 - жадвал

I прием	II прием	III прием	Хисобланган қийматлар
673.121	673.124	673.118	$D_t = 1.673.120$ мм
673.118	673.121	673.120	$K_n = -0,8$
673.120	673.122	167.119	$K = +0,4$ $D = -3$ мм
$D = 1.673.120 [1+(0,8+0,3) \cdot 10^{-5}] - 3 = 1.673.118$ мм			

VI. 4. БЕВОСИТА ЎЛЧАБ БЎЛМАС ЧИЗИҚ УЗУНЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Баъзи бир сабабларга кўра, (турли тўсиқлар: жар, дарё, бино ва ҳ.к.) жойда чизиқ узунлигини бевосита лента ёки рулеткалар билан ўлчаш имконияти бўлмайди. Шунинг учун, бу чизиқ узунлиги бевосита — риёзий ифодалар ёрдамида аниқланади. Бундай ҳолларда жой рельефининг тузилиши, тўсиқларнинг чизиқда нисбатан жойланниши, йўл қўйиладиган хато ва бошқа омилларга қараб, жойда турли геометрик шакллар ясалади. Масалан, $AB = X$ чизиқ узунлигини аниқлашда, A нуқтанинг икки томонида ихтиёрий $AC = d_1$ ва $AD = d_2$ чизиқлар қулай ўлчана-диган жойда олинади. Бу чизиқ узунлиги базис дейилади ва камида икки марта ўлчанади (VI. 10-шакл). Ҳосил қилинган геометрик шаклда бурчаклар 30° кам ва 150° дан ортиқ бўлмаслигини тавсия қилинади. Теодолитни C , A ва D нуқталарга ўрнатиб, α_1 , β_1 ; α_2 , β_2 бурчаклар ўлчанади. ABC , ABD убчурчаклардан синуслар теоремасига кўра X — масофа 2 марта ҳисоблаб топилади.



VI.10-шакл

$$X_1 = \frac{\sin \beta_1}{\sin (\gamma_1 + \beta_1)} d_1; \quad X_2 = \frac{\sin \beta_2}{\sin (\gamma_2 + \beta_2)} d_2;$$


Бунда:

$$\begin{aligned} \sin \gamma_1 &= \sin (180^\circ - \alpha_1 - \beta_1) = \sin (\alpha_1 + \beta_1); \\ \sin \gamma_2 &= \sin (180^\circ - \alpha_2 - \beta_2) = \sin (\alpha_2 + \beta_2). \end{aligned}$$

Топилган X_1 ва X_2 лар фарқи йўл қўярли бўлса, натижада сифатида уларнинг ўртачаси олинади.

Агар дарёнинг икки қирғоғида базис олиш мумкин бўлса (VI. 11-шакл), чизиқ узунлиги X қўйидагича аниқланади:

$$X_1 = \frac{\sin \beta_1}{\sin \gamma_1} d_1; \quad X_2 = \frac{\sin \beta_2}{\sin \gamma_2} d_2; \quad X = \frac{X_1 + X_2}{2}.$$





VI.11-шакл

Бевосита ўлчаб бўлмайдиган масофа X ни аниқлашда яна бошқа хил геометрик шаклларни жойда ҳосил қилиш мумкин (VI. 12-шакл).

VI. 12a-шаклда $\angle A = \angle A_1 = 90^\circ 00' 0$ ва $\angle C_1 = \angle C_2$.

Жойда d_1 , d_2 ва d_3 базислар ўлчаниб, X масофа қуийдагича аниқланади:

$$X = \frac{d_1 d_3}{d_2 - d_1}.$$



VI.12-шакл

VI. 12b-шаклда базис d_1 d_2 ва бурчак α ўлчаниб, X масофа қуийдаги ифодадан аниқланади:

$$X = \sqrt{d_1^2 + d_2^2 - 2d_1 d_2 \cos\alpha}.$$

VII б о б

ТИК ТАСВИРЛОВ

VII. 1. НИВИЛИРЛАШ МОҲИЯТИ ВА УСУЛЛАРИ

Жойдаги нуқталарнинг дengиз сатҳига нисбатан баландлигини топиш билан боғлиқ бўлган геодезик ишлар йифиндиси тик тасвирлов дейилади. Тик тасвирлов нивелирлаш билан бажарилади.

Икки нуқта орасидаги нисбий баландлик “h” ни тошиш нивелирлаш дейилади. Нивелирлаш икки: астрономик ва геодезик усулларда бажарилади.

Астрономик нивелирлашда нисбий баландлик гравиметрик, (Ернинг оғирлик кучини аниқлаш), харитада шовун чизигининг оғишини аниқлаш йўллари билан топилади. Агар нисбий баландлик реёзий, физик, механик ифодалар ёрдамида аниқланса, геодезик нивелирлаш дейилади.

Геодезик нивелирлашда қуйидағи: геометрик, тригонометрик, механик, стереофотограмметрик, барометрик, гидростатик ва гидродинамик, аэронивелирлаш усуллари қўлланилади. Геометрик ва тригонометрик нивелирлаш усуллари VII. 2 ва VI. 7-бобларда батафсил баён этилади.

Механик нивелирлашда маҳсус асбоб — автомат нивелирлар — велосипед, енгил автомашина (темир йўлларда маҳсус вагон) ларга ўрнатилиб, ҳаракат вақтида жойнинг бўйлама кесими чизилади.

Стереофотограмметрик нивелирлашда майдон (ҳавода ёки ерда) икки нуқтадан туриб суратга олинади ва суратлардан нисбий баландлик аниқланади.

Барометрик нивелирлашда нисбий баландлик икки нуқтадаги симболи барометр босимининг ўзгариши орқали аниқланади.

Гидростатик нивелирлаш усулида туташ идишлардаги суюқлик юзасининг бир горизонтда туриш қонунига асосланиб, нисбий баландлик аниқланади.

Гидродинамик нивелирлаш суюқликнинг шлангалардаги маълум ҳаракатига асосланади.

Аэронивелирлаш самолётдан туриб асбоблар билан самолёт баландлигини ва учиш вақтида бу баландликни ўзгаришини аниқлаш билан бажарилади.


VII. 2. ГЕОМЕТРИК НИВЕЛИРЛАШ

Геометрик нивелирлашда нисбий баландлик горизонтал кўриш нури ёрдамида аниқланади. Бу иш нивелир билан бажарилади.

Геометрик нивелирлаш 2 усулда: олдинга ва ўртадан туриб бажарилади.

Олдинга нивелирлаш

A ва *B* нүкталар орасидаги нисбий баландлик h ни топиш учун нивелир — 1А нүктага ўрнатилиб иш ҳолатига келтирилади ва унинг баландлиги i ўлчанади. *B* нүктага тик рейка — 2 ўрнатилиб, кўриш трубаси унга қаратиласди. Рейкадан “*b*” санофи олинади. (VII. 1. шакл). Нисбий баландлик h қуидагича топилади:



VII.1-шакл

$$h = i - b.$$

Агар $i > b$ бўлса h мусбат, яъни *B* нүкта *A* га нисбатан баланд, $i < b$ бўлса, h манфий ва *B* нүкта *A* га нисбатан паст бўлади.


A нүктанинг абсолют баландлик белгиси маълум бўлса, *B* нүкта абсолют баландлик белгиси — H_B қуидагича аниқланади:

$$H_B = H_A + h \text{ ёки } H_B = (H_A + i) - b = H_i - b.$$

Бунда — H_i кўриш нурининг денгиз сатҳидан бўлган баландлиги ёки асбоб горизонти дейилади.

Ўртадан нивелирлаш

Бунда нивелир икки *A* ва *B* нүкталар ўртасига ўрнатилиб, орқадаги ва олдиндаги рейкалардан тегишлича “*a*” ва “*b*” саноқлар олинади (VII. 2-шакл). Нисбий баландлик топилади:



VII.2-шакл

$$h = a - b.$$

“*a*” ва “*b*” саноқларнинг қийматига қараб h мусбат ёки манфий бўлади. Нивелирлашда нивелир ўрнатилган жой станция дейилади.


Агар нивелирлашда нисбий баландлик бир станциядан аниқланса, у

оддий ва бир неча станциядан аниқланса, у мураккаб ҳисобланади.

VII. 3. НИВЕЛИРЛАШДА ЕР ЭГРИЛИГИ ВА РЕФРАКЦИЯНИНГ ТАЪСИРИ

Нивелирлашда ер эгрилиги ва кўриш нурининг атмосферада синиши (ҳаво ҳарорати, турли тутунлар ва ҳ.к. таъсири) натижасида нисбий баландлик бирмунча ўзгаради.

Айтайлик *A* ва *B* нуқталардаги “*a*” ва “*b*” саноқлар горизонтал нур орқали олинган бўлсин. Аммо нурнинг ҳавода синиши туфайли улар ўрнига “*c*” ва “*d*” саноқлари олинган. Шунда $ac = z_1$ ва $bd = z_2$ лар вертикал рефракция таъсиридаги хато дейилади (VII. 3-шакл).



VII.3-шакл

Агар станциядан сатҳий юзага параллел юза ўтказилса, у ҳолда бу юза *I* ва *K* нуқталарда рейкани кесиб ўтади. $al = p_1$ ва $bk = p_2$ кесмалар нивелирлашга ер эгрилигини таъсири дейилади. Агар $p_1 - z_1 = f_1$ ва $p_2 - z_2 = f_2$ десақ, нисбий баландлик $h = a - b - (f_1 - f_2)$ чиқади. $f_1 - f_2 = f$ бўлса, $h = a - b - f$ бўлади.

Ер эгрилиги ва рефракция таъсирининг умумий хатоси $f = 0,42 \frac{d^2}{R}$ бўлади. Агар $R = 6371$ км деб олинса, $d = 100$

м да $f = 0,7$ мм, $d = 200$ м да эса, $f = 2,7$ мм бўлади. Демак, нивелирлашда рейка билан асбоб оралиги 100 м дан ошганда f ни ҳисобга олиш зарур.


VII. 4. НИВЕЛИРЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

ГОСТ 10528—91 га кўра энг аниқ Н—0,5, Н—1 шифрли (нивелирлашдаги ўрта квадратик хато 1 мм гача), аниқ Н—3, Н—3К шифрли (хато — 1—3 мм гача) ва техникавий Н—10, Н—10К, Н—10КЛ шифрли (хато 3 мм дан катта) нивелирлар чиқарилмоқда.

Н—3К, Н—10К шифрли нивелирлар компенсаторли, Н—10КЛ шифрлиси эса, компенсаторли, ҳамда горизон-

тал бурчак ўлчаш учун лимбли қилиб ишланган. Бундан ташқари МДХ ва бошқа давлатларда лазерлик ва рентгенли нивелирлар ҳамда лазерли нишонлар ишлаб чиқылмоқда (VII. 6-бобга қаранг).

VII. 4а,б шаклда Н-3 нивелири ва унинг кўриш майдони, VII. 4в шаклда эса, Н-3К кўриш трубасининг оптиканый чизмаси келтирилган. Маятникли оптиканый-механик компенсатор (VII. 4в) тўр иплари 4 ва фокусловчи



VII.4а,б-шакл. Н-3 нивелири ва унинг кўриш майдони

1 — кўриш трубаси, 2 — кремальера винти, 3, 4 — трубани маҳкамалагич ва микрометр винтлари, 5 — доиравий адилак, 6 — элевацион винт. Рейкадаги саноқ 1250 мм.


линза 1 оралифидаги келишувчи нур тарамида жойлашган. Компенсатор түғри бурчакли 3 ва 5-призмалардан иборат. Юқоридаги 3 призма тасвирни түр иплари текислигига узатади, остки призма 5 эса, илмоқ 6 нинг оғирлик марказида кесилувчи иккита пўлат симларга осилган. Ҳаво демпфери 7 призманинг тебранишини қайтариш учун хизмат қиласи.

Компенсаторнинг компенсация қилиш коэффициенти қуидаги ифодадан аниқланади:

$$K = \frac{f - 2l'}{2(l + l')}, \quad (\text{A})$$

бунда: f_1 — кўриш трубасининг фокус оралифи, l' — юқоридаги призма 3 нинг қирраси ва түр иплари оралифи, l — 3 ва 5 призмалар оралифи.

Одатда НЗК нивелирида $K=3$ га тенг. Агар нивелир компенсаторининг геометрик параметрлари (A) ифодадаги реёзий боғланишга мос келса, у ҳолда кўриш трубаси n бурчакка оғганда ҳам визирлаш ўқи горизонтал ҳолатга автоматик равишда келади.



VII.5-шакл

HZ — нивелирнинг асосий ўқлари (VII. 5-шакл).

HH_1 — цилиндрик адилак ўқи, VV_1 — кўриш трубасининг ўқи, ZZ_1 — нивелирни айланиш ўқи, KK_1 — доиравий адилак ўқи.

VII. 5. Н-З НИВЕЛИРИНИ ТЕКШИРИШ


1. Доиравий адилак ўқи KK_1 нивелир айланиш ўқи ZZ_1 га параллел бўлиши керак, яъни $KK_1 \parallel ZZ_1$ (VII. 5-шакл). Буни текшириш учун учта кўтаргич винт буралиб, доиравий адилак пуфакчаси марказга келтирилади, кейин у 180° га буралади. Агар пуфакча марказда қолса, шарт баҳарилган ҳисобланади, акс ҳолда адилакнинг тузатгич винтлари ёрдамида пуфакча марказдан сурилганинг ярмига қайтарилиб, юқоридагидек яна текширилади.

2. Түр ипларининг горизонтали нивелирнинг айланиш ўқига перпендикуляр бўлиши керак. Текшириш учун нивелирдан $25 \div 5$ м га ўрнатилган рейкадан труба кўриш майдонининг чалида турган ҳолатида саноқ олинади. Сўнгра микрометр винт билан труба буралиб, яна рейкадан кўриш майдонининг ўнг ҳолатида саноқ олинади. Саноқлар tengлиги шарт бажарилганини кўрсатади. Акс ҳолда түр қопқофини олиб, трубанинг окуляр қисмини объектив тирсағига маҳкамлайдиган тўртта бурама михини бўшатиб, окуляр қисми бир оз буралади ва ип горизонтал қилинади. Кейин бурама михлар маҳкамлаб қўйилади.

3. Цилиндрик адилак ўки HH_1 кўриш трубасининг ўки VV_1 га параллел бўлиши керак, яъни $HH_1 \parallel VV_1$. Бу шарт бир неча усувлар билан текширилади. Шулардан бирини кўриб чиқамиз.

Жойда 50—60 м масофада A ва B нуқталар қозиклар билан маҳкамланади. A нуқтага нивелир ўрнатиб, асбоб баландлиги i_1 ўлчанади, B нуқтага ўрнатилган рейкадан “ b ” санофи олинади. HH_1 ва VV_1 ўқларнинг параллел бўлмаслигидан, кўриш ўки қия йўналишда кетиб саноқ “ b ” ни “ x ” га оширади (VII. ба-шакл). Шунда нисбий баландлик қуидагича бўлади:

$$h = i_1 - (b - x). \quad (a)$$



VII.6-шакл

Нивелир В га кўчирилиб, иш ҳолатига келтирилади, асбоб баландлиги i_2 ва рейкадан “ a ” снофи олинади (VII. бб-шакл). Юқоридагидек нисбий баландлик ҳисобланади.

$$h = a - x - i_2. \quad (b)$$

(а) ва (б) ифодалардан иккى ўқнинг параллел эмаслиги, хатоси “ x ” чиқади, яъни:

$$X = \frac{a+b}{2} - \frac{i_1 + i_2}{2}. \quad (\text{VII. 1})$$

Агар $x \leq 4$ мм бўлса, хато йўл қўярли ҳисобланади, акс ҳолда тузатилган саноқ $a_t = a - x$ топилади. Элевацион винт билан тўрнинг ўрта или “ a ” га тўғриланади. Шунда цилиндрик адилак гуфакчаси марказдан қочади. Бунда адилакнинг тузатиш винтлари билан пуфакча яна марказга қайтарилиб, текшириш такрорланади.

H-3К нивелирининг тузилиши


H-3К нивелирида кўриш тубаси ± 15 дақиқага қийшайганда ҳам оптикавий — маятниковий компенсатор ёрдамида кўриш нури горизонтал ҳолатда туради. Нивелир таглигига маҳкамлагич винт йўқ, кўриш тубасининг микрометр винтни қўл билан ушлаб рейқага қаратилади. Кўриш тубасининг катталаштириши 30° . Нивелирнинг асосий ўқи доира-вий адилак ёрдамида тик ҳолатга келтирилади (VII. 7-шакл).

H-10K нивелирида оптикавий механик компенсатори мавжуд (VII. 8-шакл). Кўриш тубаси тўғри тасвирили, нивелирда бурчак ўлчаш учун пастки қисмига лимб ўрнатилган.


H-3К ва H-10K нивелирларини текшириш.

Буларда 1 ва 2 текшириш ҳам H-3 нивелири каби бажарилади.

3—текшириш. Трубанинг қаратиш ўқи горизонтал бўлиши шарт. Буни H-3 нивелирини асосий текшириши каби бажарилади. Фақат тузатища тузатилган “ a_t ” санофини аниқлаб, тўр ипларининг қопқофи очилади ва тузат-



VII.7-шакл. H-3 К нивелири. 1 — трубанинг таглиги, 2 — микрометр винт, 3 — доиравий адилак.



VII.8-шакл. H-10КЛ нивелири. 1 — окуляр, 2 — ойнача, 3 — корпус, 4 — қаратгич винт, 5 — горизонтал доира.

гич винтлар билан қаратиш ўқи ўша “а_т” саноғига суриласди. Винтлар маңкамланиб, қопқоқча беркитиб қўйилади.

Нивелир рейкалари, уларни синаш ва текшириш

ГОСТ 11528–76 га биноан нивелир рейкалари РН–05, РН–3, РН–10 типларда чиқарилади. Бу типлардаги охирги рақам бир километрни икки марта нивелирлашдаги хатони кўрсатади. Рейкалар 1500, 3000, 4000 мм ва бир, икки томонламали бўлади.

Рейканни текшириш

1. Рейка бўлаклари бўлинган юзаси тўғри текислик бўлиши шарт. Бунинг учун рейка узунлиги бўйича ўртасидан ип тарағ қилиб тортилади. Агар ипнинг рейка билан оралиги бир хил бўлса, шарт бажарилган, акс ҳолда рейканни устахонада тузатиш керак бўлади.

2. Рейка бўлаклари тўғри бўлиши шарт. Бу компарирланган рулетка ёрдамида таққослаб текширилади. Бунда метрлардаги хато РН–3 рейкасида 0,5 мм, РН–10 ва 1 мм дан ошмаслиги керак.

Рейкадан саноқ олиш

Техникавий нивелирлашда рейканни тик мустаҳкам жойга (қозиқ усти, маҳсус мослама, текис тош ва ҳ.к.) ўрнатиб, унинг бўлакларидан саноқ тўрнинг ўрта ипидан миллиметр аниқликда олинади. Бунда ўрта ипгача аввал ёзувли метр ва дециметр, сўнгра ёзувсиз сантиметр бўлакларининг сони ва охирида сантиметрнинг ўндан бири кўзда чамалаб олинади. Саноқ олишда рейканни тебратиб, энг кичик саноқ натижага сифатида қабул қилинади. VII. 4а-шаклда саноқ 1250 мм га teng.

VII. 6. ЛАЗЕРЛИ ВА РЕНТГЕНЛИ НИВЕЛИРЛАР

Лазерли нивелирлар билан нисбий баландликни аниқлаш, нуқта баландлигини, чизиқ йўналишини, берилган нишабдаги чизиқ ва текисликни жойга кўчириш каби геодезик ишлар бажарилади. Лазерли нивелирларда лазер нурини горизонтал ҳолатга келтириш адилақ ёки компенсатор ёрдамида бажарилади.


Лазерли нивелирларда ёруғлик нури — лазер визирлаш ўқи вазифасини бажаради. Күзга кўринадиган визирлаш ўқи ўлчаш ишларини осонлаштиради ва автоматлаштиради.

Нивелирлашда ёруғлик нури — лазер тарами узокдаги рейкага қаратилиб, нурнинг ўрни рейкада белгиланади. Белгилаш кўз ёки фотоэлектр ёрдамида бажарилади. Фотоэлектр билан думалоқ нур тарами ўрнини белгилашда фотоприёмниклар вазифасини горизонтал ёки тик рейкада силжиб турувчи фотоэлементлар бажаради. Бунда думалоқ нур тарами ўрнини рейкада белгилаш (саноқ олиш) хатоси 100 метр масофада 1–2 мм бўлади.


Лазерли нивелир LB5M, GL02, ПЛ–1, СКП–1, ПГЛ–1, Геоплан 300, ПУА–78, НКЛ–3, ЛЕС–10НВ каби типдагилари мавжуд.

Геоплан–300 типдаги лазерли нивелирда думалоқ нур тарами 360° га айланиб, горизонтал текислик ҳосил қиласиди.

VII. 9а-шаклда “Геоплан–300” лазерли нивелирининг умумий кўриниши келтірилган. Нурланиш манбаи алюминибли труба 4 да жойлашган бўлиб, у тешик орқали штатив бошига ўтади. Штатив бошида ОКГ жойлаштирилган.



VII.9а-шакл



VII.9-шакл

Труба 4 нинг устки қисмидаги корпус 2 жойлашган бўлиб, унда айлантириш тезлигини бошқарувчи электр двигатель бор. Ундан ташқари двигатель горизонтал текисликни таъминлайдиган компенсатор механизми билан жиҳозланган.

Лазерли нивелирлар адилакли, нур тарами ўзича горизонтал ҳолга келадиган ва нур тарами айланувчи хилдарига бўлинади.

Лазерли нивелирларда нурланиш манбаи ОКГ дир. Лазерли нивелирлардан ЛН-56, ЛВ-5 (БМХ), РК-3 (ФРГ), КР-1, КР-2 (Польша), (Швейцария), “Геоплан-300” (Швеция) кабилари мавжуд.

Лазерли нивелир КР-2 (VII. 96-шакл) да нивелир 4 нурланувчи ОКГ-3 олдида маҳкамланган. Лазерли тарам окуляр орқали нивелир компенсатори орқали ўтиб автоматик тарзда горизонтал ҳолатта келади. Нурланувчи корпуси 3 га, кўриш трубаси 2 га ўрнатилган. Лазер тарамини нивелирдан чиқишидаги диаметри 30 мм, 400 масофа-да эса 40 мм га тенг. Баъзи нивелирларда кўйма лазерли визирлар ҳам ишлатилади.


НКЛ-3 лазерли нивелири билан 75 м да жойлашган нүкта оралиғидаги нисбий баландлик 0,1 мм хатода аниқланади.

Рентгенли нивелирларда рентген нури визирлаш үқини вазифасини бажаради. Бу нивелирлар рейка күриниши қишин бўлган қурилиш майдонларида ишлатилади.

VII. 7. ТРИГОНОМЕТРИК НИВЕЛИРЛАШ

VII. 10-шаклда тригонометрик нивелирлаш чизмаси келтирилган. Асбоб ва рейка оралиғи 300 м дан кам деб олинган.

A нүктага теодолит ўрнатилади ва унинг баландлиги ўлчанади. Асбобнинг қаратиш ўқи *B* нүктадаги рейкага қаратилиб рейкадан “*r*” саноғи олинади ва оғиш “*v*” бурчаги ўлчанади. VII. 10-шаклдан



VII.10-шакл

$$h' = d \operatorname{tg} v \quad \text{ва} \quad h + i = d \operatorname{tg} v + i,$$

бундан нисбий баландлик

$$h = d \operatorname{tg} v + i - 1. \quad (\text{VII. 2})$$

га тенг бўлади VII. 2 ни тригонометрик нивелирлаш ифодаси дейилади. Агар қаратиш баландлиги I , i га тенг бўлса, (кўп ҳолларда ҳисоблаш ишларини бирмунча камайтириш учун $I = i$ қилиб нивелирлаш бажарилади) VII. 2 ифода қўйидагича бўлади:

$$h = d \operatorname{tg} \nu$$

Агар асбоб ва нуқта оралиғи 400 м бўлса, ер эгрилиги ва рефракция учун тригонометрик нивелирлаш натижалариға киритиладиган тузатма 1 см га тенг бўлади. Шу боисдан, ер эгрилиги ва рефракциянинг таъсирини факат масофа 400 м дан ортиқ бўлган ҳолларда эътиборга олиш зарур. Бунда VII. 2-ифода қўйидагича ёзилади:

$$h = d \operatorname{tg} \nu + i - 1 + 0,42 \frac{d^2}{R}, \quad (\text{VII. 3})$$

VIII бўб

ГЕОДЕЗИК ИШЛАР, УЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

VIII. 1. ГЕОДЕЗИК ИШЛАР ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Муҳандислик геодезияси фани халқ хўжалигидаги турли иншоот қурилиши, кичик майдон тарҳини олиш, лойиҳалаш каби ишларда муҳим ўринни эгаллайди. Масалан, темир йўл қурилишидан аввал у арzon, пухта бўлиши ва тез битиши кўзда тутилиб, йўл ўқи чизиги харита ёки тарҳда бир неча йўналиш бўйича ўтказилади ва бу варианatlарни солиштириб кўриш натижасида, энг тежамлилиги ва қулай жойдан ўтгани танланади. Бу танланган ўқ чизиқни жойга кўчириш лойиҳани жойга кўчириш дейилади. Бунинг учун, аввало, ўқ чизиқ ўтган жой билан танишиб чиқилади. Танишишда жой рельефи, чегара ва нарсаларнинг харитадаги ҳолатига ўхшашлигига, геодезик пунктларнинг мавжудлигига ва ҳ.к.ларга эътибор берилади. Сўнгра, танланган ўқ чизиқ бўйича геодезик таянч шоҳобчалари барпо этилиб, турли тасвирлов ишлари бажарилиб тарҳ, бўйлама ва кўндаланг кесим

(профил) лар ясалади. Тарҳ ва кесимларга қараб лойиҳалаш ишлари бажарилади, ер қазиш-тўкиш ишларининг ҳажми ҳисоблаб чиқилади, сўнг темир йўлни қуриш учун керакли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, қурилиш ташкилотларига юборилади. Қурилиш вақтида ҳам, ишлатишида ҳам, иншоотларнинг тўғри қурилаётгани ва ишлаши геодезик кузатишлар ёрдамида текшириб борилади. Иншоот биттандан сўнг, бу иншоотнинг ҳақиқий ҳолатини акс эттирувчи ижро чизмалари тайёрланиб, уни ишлатишига қабул қилиб олган ташкилотларга топширилади.

Демак, геодезия фани қурилишни бошлаб беради, қурилишни доимий кузатиб боради ва тамомлайди.

Геодезик ишлар иккига: дала ва камерал ишларга бўлинади. Дала ишлари жойда турли аниқликдаги геодезик асбоблар ёрдамида бажариладиган ўлчаш (горизонтал ва тик бурчак, томон узунилигини ўлчаш ва ҳ.к.) лардан иборат.

Далада ўлчанган натижаларни ҳисоблаб, тенглаб, тарҳ ва турли кесимлар тузиш камерал ишлар дейилади. Камерал ишлар ҳам икки босқичдан иборат:

Биринчи — ҳисоблаш ишлари, иккинчиси эса чизиш ишларидир. Ҳисоблаш ишларида ўлчаш натижалари риёзий муносабатларга мослаштирилади, масалан, кўпбурчак ички бурчакларининг йифиндиси ўлчаш натижаси сифатида қабул қилиб олинган бўлса, у қиймат математикавий йўл билан топилган назарий қиймат билан солиширилади, ўлчаш хатолари аниқланади ва тузатилади. Бу ишлар йифиндиси ўлчаш натижаларини тенглаш дейилади.

Чизув ишларда эса ўлчаш ва ҳисоблаш натижаларида топилган маълумотлар асосида тарҳ ва турли кесимлар каби чизмалар чизилади.

VIII. 2. ТАСВИРЛОВ ТУРЛАРИ ВА АСОСЛАРИ

Ер юзасини тарҳ, харита ва кесимларга тушириш билан боғлиқ бўлган ишлар йифиндиси тасвирлов дейилади.

Тасвирлов тарҳий, агар жойдаги нарса, нуқта ва тафсилотларнинг тарҳдаги ўрни ва тик, агар уларнинг сатҳий (ёки бирон-бир шартли) юзага нисбатан баландлиги аниқланса бўлади.

Бир вақтда бажариладиган тарҳий ва тик тасвирлов топографик тасвирлов дейилади.

Тасвирлов турлари

1. Теодолит тасвирловчи; бунда нуқта ва тафсилотларнинг фақат тарҳдаги ўрни аниқланаб, натижада жойни тафсилоти тасвирланган тарҳи чизилади.

2. Тик тасвирлов, бунда жойдаги нуқталарнинг нисбий баландлиги нивелирлаш йўли билан аниқланади ва сўнгра баландлик белгилари ҳисобланади.

3. Тахеометрик тасвирловда бир асбоб билан ҳам тик, ҳам горизонтал тасвирлов қилинади. Ўлчаш ишлари далада, ҳисоблаш ва чизиш ишлари эса, камерал шароитда бажарилади.

4. Мензула тасвирлови – тахеометрик тасвирловга ўхшаш, фақат ҳамма ишлар далада бажарилади.

5. Фототеодолит тасвирлови – ерда туриб фототеодолит билан жой суратга олинади, сўнгра сурат маҳсус асбобларда ишланиб, топографик тарҳ тайёрланади.

6. Аэрофототасвирлов, бунда жой самолётга ўрнатилган фотоускуна ёрдамида суратга олинади, сўнгра маҳсус асбобларда харита тайёрланади.

7. Фазовий тасвирлов – бунда жой космик кемалар, йўлдошларга ўрнатилган маҳсус асбобларда суратга олиниб, кейин жойни харитаси тузилади.


8. Денгиз тасвирлови бунда денгиз ва океан тублари бўйи маҳсус асбоблар билан тарҳга туширилади.

Катта аниқлик талаб қилинмаган ва тарҳларни олишда буссолъ, эккер ишлатилади. Баъзи ҳолларда чамалаб ҳам тасвирлов қилинади.

Тасвирлов асослари

Топографик тасвирлов натижаларининг тўғри ва ишончли бўлиши учун уларни илмий асослаб, бир координаталар тизимида олиб борилади. Шунга кўра, ҳамма вақт бажариладиган геодезик ишлар “умумийдан хусусийга ўтиш” дейиладиган қоида асосида олиб борилади. Бундай тартибда ишланганда ўлчаш ва ҳисоблаш даврида содир бўладиган хатоларни аниқлаш ва тузатишга имконият туғилади.

“Умумийдан хусусийга ўтиш” усулида аввал жойда бир неча узоқ маосфада жойлашган нуқталарнинг тарҳий ва баландлик ўрни юқори аниқликда топилади ва улар бош таянч нуқталари дейилади. *ABCD* нуқталар (VIII. 1-шакл).



VIII.1-шакл

Сўнгра бу таянч нуқталар асосида яқинроқ масофада олинган иккинчи даражали нуқталар ўрнатилади ва буларнинг ўлчаш аниқлиги ҳам камроқ бўлади. Бу йўл билан топилган нуқталардан ясалган геометрик шакллар геодезик тармоқлар дейилади ($MQCFKNP$ нуқталар).


Тасвирлов учун иккинчи даражали пунктлар оралифи (масалан, QC ёки KN) да учинчи даражали nmk ёки bcd нуқталар олинади. Бу нуқталар бир-бирига яқин жойлашган бўлиб, жойнинг тафсилот ва рельефининг тасвирловига хизмат қиласди. Бу нуқталарни тасвирлов учун асос шохобча нуқталари дейилади.

Ҳар бир тасвирловни бошлишдан аввал жой билан танишиб чиқилади. Буни жойни реногноцировка қилиш (олдиндан танишиш) дейилади. Сўнгра асос шохобчаларининг пунктлари ўрни ва тури танланади. Улар жойда маҳкамланади. Бурчак ва чизиқ узунлигини, уни бир томони йўналишини аниқлаш учун ўлчаш ишлари олиб борилаади. Асос шохобчалари тасвирлов тури, жойнинг катта-кичклигига қараб турлича (ёпиқ ёки очиқ теодолит йўллари, полигонометрия, I, II разрядли шохобчалар ва ҳ.к.) бўлади. Ҳар бир асос тармоқлари нуқталарида туриб жой рельефи, тафсилотлари тасвирлов қилинади. Ўлчаш натижалари ишлаб чиқилиб, тарҳ, кесимлар тузилади. Тасвирлов натижалари тўғри ва сифатли ишланган бўлиши учун унинг ҳамма нуқта координаталари (X , Y , H) бир тизимда бўлиши шарт. Шунинг учун асос тармоғи нуқталари маълум оралиқда давлат геодезик тармоқлари пунктларига тарҳий ва баландлик бўйича боғланади.

VIII. 3. ДАВЛАТ ГЕОДЕЗИК ТАРМОҚЛАРИ

Координата, баландлиги маълум геометрик шакл ва турли оралиқда ерда мустаҳкам қилиб ўрнатилган пунктлар тармоғи давлат геодезик тармоқлари дейилади. Геодезик тармоқлар тарҳий (X, Y маълум) ва баландлик (H маълум) тармоқларига бўлинади. Тарҳий тармоқлар астрономик ва геодезик усуллар билан ўрнатилади. Астрономик усулда ҳар қайси таянч пункт координатаси алоҳида астрономик кузатиш орқали, геодезик усулда эса, бош таянч нуқта координаталари астрономик йўл билан, қолган пунктлари эса риёзий усулда ҳисоблаб топилади. Геодезик усулда триангуляция, трилатерация, полигонометрия, кестирма, диагоналсиз тўртбурчаклик каби геометрик шакллар жойда ясалиб, координаталари ҳисоблаб топилади.

Триангуляция — жойдаги учбурчакликлар тўри бўлиб, бурчак учлари координаталари аниқланади ва улар таянч пунктлар бўлади. Бу тўрда учбурчакликнинг ҳамма бурчаклари ва базис деб аталган томони (тўр охири ва бошида) ўлчанади (VIII. 12-шакл). A, B, C ва D пунктларнинг координаталари CD томоннинг азимути астрономик кузатиш билан аниқланади. Қолган пунктларнинг




VIII.2-шакл

координата ва азимути ўлчанган бурчак ва базис бўйича ҳисоблаб топилади. МДҲ да давлат триангуляция тармоқлари 1, 2, 3 ва 4 хилларга бўлинади (6-жадвал).

6 - жадвал

Триангуляция хиллари	Учбурчак томонларининг узунлиги, км	Бурчак ўлчашидаги ўрга квадратик хато, сек.	Базис ўлчаш нисбий хатоси
1	20—25	0,7	1:400000
2	7—20	1,0	1:300000
3	5—8	1,5	1:200000
4	2—5	2,0	1:200000



VIII.3-шакл

Полигонометрия ёпиқ ёки очиқ күпбұрчакли бўлиб, бурчак учларидағи бурчаклар ва томонлар узунлиги ўлчанды. Жойда бир неча полигонометрик йўллар бирлаштирилса, полигонометрик тармоқ ҳосил бўлади, VIII. 3-шакл. Полигонометрия ҳам 4 хилга бўлинади (7-жадвал).

7 - жадвал

Полигонометрия хиллари	Томонлар узунлиги, км	Бурчак ўлчащдаги ўртача квадратик хато, сек	Томон ўлчаш нисбий хатоси
1	20	0,4	1:300000
2	7—20	1,0	1:250000
3	3—8	1,5	1:200000
4	2—5	2,0	1:150000

Учбурчакликлар тўрида фақат томонлар ўлчаниб, бурчак ва координаталар ҳисоблаб топилса, бу учбурчаклар тўғри трилатерация дейилади. Давлат геодезик тармоқларини бу усул билан яратиш имконияти кейинги вақтларда ишлаб чиқарилаётган аниқ ёруғли, радио ва лазерли дальнометрлар вужудга келиши билан туғилди. Давлат баландлик тармоқлари геометрик нивелирлаш усули билан барпо этилади ва бу тармоқлар ҳам 4 хилга бўлинади (8-жадвал).

8 - жадвал

Нивелирлаш хили Хил бўйича кўрсаткичлар	I	II	III	IV
1 км йўлдаги ўрта квадратик тасодифий хато, мм	0,5	2,0	5,0	10,0
1 км йўлдаги мунтазам хато, мм	0,05	0,4	—	—
Нивелирлаш йўли хатоси, мм —йўл узунлиги, км да	—	5	10	20

VIII. 3.1. ГЕОДЕЗИК ТАРМОҚЛАРНИ ЗИЧЛАШ


Давлат геодезик пунктлари бир-биридан узоқ бўлганлиги учун айрим майдонларни тасвирлов қилиш ишларини бажаришда улар орасига қўшимча нукталар ўрнатилади. Бу иш геодезик тармоқларни кўпайтириш (зичлаш) дейилади.

Кўрсатмага асосан, пунктлар қўйидаги зичликда жойлашиши керак:

- масштаби 1:25000—1:1000 ли тасвирлов учун 50—60 кв. км да триангуляциянинг бир пункти ва бир репер;
 - масштаби 1:5000 ли тасвирлов учун 20—30 кв.км да бир триангуляция пункти ва бир репер;
 - масштаби 1:2000 ва ундан йирик тасвирловларда 5—15 кв. км да бир триангуляция пункти ва бир репер.
- Юриш қийин бўлган жойларда пунктлар зичлиги 1,5 баробар камайтирилиши мумкин.

VIII. 3.2. ГЕОДЕЗИК ТАРМОҚ ПУНКТЛАРИНИ МАҲКАМЛАШ

Геодезик тармоқлар пунктлари ернинг тузилиши, музлаш чуқурлигига қараб жойда турлича маҳкамланади. VIII. 4-шакллар. VIII. 4а да тарҳий пунктни пирамида шаклида, VIII. 4б, в да баландлик пунктини маҳкамлаш кўрсатилган.



VIII. 3.3. ТАРМОҚ ПУНКТЛАРИ КООРДИНАТАЛАРИ ВА БАЛАНДЛИГИ РЎЙХАТИ

Тармоқ пунктлари координатлари ва баландлиги рўйхати Госгеокартфонд, ГУГК ва Госгеонадзор деган давлат ташкилотларида сақланади. Унда пункт жойлашган жой физик-географик шароитлари, қилинган иш йили, тармоқ чизмаси, ишлатилган асбоблар, иш аниқлиги кўрсатилади. Эски пунктлар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади.

Иккинчи бўлим

IX б о б

ТОПОГРАФИК ТАСВИРЛОВ

УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Топографик тасвирлов натижаси ишлатиладиган асбоб ва ишлаш усулига қараб турлича бўлади. Масалан, горизонтал тасвирловда жойдаги нуқта, нарсаларнинг горизонтал текисликка бўлган проекциялари аниқланиб, жойнинг контурли тарҳи чизилади. Тўйк тасвирловда эса, ер юзасидаги нуқталарнинг ўрни баландлик бўйича аниқланади ва жой рельефи тарҳ, кесимларда тасвирланади.

Мензула тасвирловида тарҳ ва хариталарни тузиш билан бөғлиқ бўлган барча ишлар далада бажарилади. Тасвирлов натижалари ишлаб чиқилиб, тарҳ, харита тузилгандан сўнг, у расмийлаштирилади. Бунда албатта, тайёр тарҳ жой билан солиштирилади, кам-кўстлари тўғриланади ва бир неча нуқталар тарҳда белгиланиб, жойда ўлчанган катталиклар билан солиштирилади. Бу эса тарҳ ва хариталарни сифатли чиқазиш, тарҳ мазмунини тўла тўлдириш, яъни жойдаги тафсилот, рельеф ва барча нарсаларни бекам-кўст кўрсатиш, ишни илмий асосда ташкил қилиш, ҳамда тегишли меъёрий ҳужжатларда келтирилган маълумотларга риоя қилиш зарур эканлигини кўрсатади.

IX. 1. ТОПОГРАФИК ТАРҲ МАЗМУНИ ВА АНИҚЛИГИ

Топографик тарҳда унинг масштабига қараб, албатта жойдаги барча нарсалар, тафсилотлар ва рельеф кўрсатилиши зарур.

Бунда: — барча аҳоли яшайдиган жойлари, ер устки иншоотлари, темир йўл, автотранспорт йўллари ва сўқмоқ йўллар ҳамда улар атрофидаги иншоотлар, (кўприклар, путепроводлар ва ҳ.к.) тарихий ёдгорликлар, аҳоли дам оладиган масканлар, боғлар ва ҳ.к. Биноларда қаватлар сони, қандай материалдан курилганлиги кўрсатилиши керак;

— аҳоли яшайдиган жойлардан ташқарида бўлган айрим иморатлар, суфориладиган ва қуритиш учун ажратилган майдон чегаралари ва улардаги иншоотлар ҳамма табиий ва сунъий сув объектлари (каналлар, гидростанциялар, қудуқ ва булоқлар, йўллар, сув омборлари ва ҳ.к.) ва улар атрофидаги иншоотлар;

— жойдаги якка турган дараҳтлар, катта тошлар, ўрмонзорлар (бунда дараҳт турлари, уларнинг ўртача баландлиги ва ердан 1,5 метр баландликда ўлчангандай йўғонлиги кўрсатилиши шарт);

— қишлоқ хўжалиги учун ишлатиладиган ер майдонларининг чегаралари (парниклар, мевазорлар, узумзорлар, яйлов ва ўтлоқлар ва ҳ.к.) қишлоқ хўжалиги учун ярамайдиган майдонларнинг чегаралари (тошлоқ жойлар, кумли ерлар, ботқоқликлар ва ҳ.к.);

— турли руда конлари, юқори вольтли электр узатгич тармоқлари, газ ва нефть қувурлари ётқизиш учун ажратилган майдон чегаралари, ер ости алоқа йўллари ва ҳ.к.;

— барча астрономик, геодезик таянч асос пунктлар (триаңгуляция, трилатерация, полигонометрия пунктлари, маркалар, реперлар). Бунда пунктлар, бинолар мавжуд жойларда тарҳдаги нуқталар зичлигига қараб ва бинолар бўлмаган жойларда эса, барча асос пунктлари тарҳга туширилади.

Ер ости сув қувурларини таъминлаш учун қурилган қудуқлар ўрни масштаби 1:500—1:2000 ли тарҳ учун, аҳоли яшамайдиган жойларда эса, масштаби 1:5000 ли тарҳ учун, 1:500—1:5000 ли тарҳлар учун тасвирлов қилишда экиладиган кичик майдон юзи 20 mm^2 (тарҳ масштабида) ва 50 mm^2 — экилмайдиган жойларда бўлиши керак; чегаралари жойда маҳкамланган темир ва автомобиль йўллар учун ажратилган майдон 1:2000—1:500 ли масштабда километр ва пикет, 1:5000 ли масштаб учун фақат километрларни кўрсатувчи столбалар; 1:500—1:2000 ли масштаб учун барча телеграф, электр узатгич симёоч столбалари, 1:5000 ли масштабдаги учун эса фақат бурилишдагилари кўрсатилади.

Дарё, ариқ, каналлар кенглиги тарҳ масштабида 3 мм дан ортса, икки қирғоғи ва 3 мм дан кам бўлса битта қирғоғи тасвирлов қилинади. Тарҳда ҳар бир 15 см оралиқда эса дарё сатҳининг баландлик белгиси ёзилади.

Темир йўл ёқаларидаги барча бино ва иморатлар, эгри чизиқ бош нуқталари, ўқ чизиқ, кўтарма ва қазилма бошланган ва тугаган жойлар, йўл усти ва ости элементлари.

Жой рельефи тарҳда шартли белгиларга биноан кўрсатилади. Рельефнинг баъзи бир характерли нуқталарини (чўққи, эгарсимон жой ва ҳ.к.) кўрсатишда қўшимча ва яrim горизонталлар ўтказилади.

Аҳоли яшайдиган жойларда рельеф фақат баландлик белгилари билан ифодаланади.

Горизонталлар кесими $h = 1$ м ва ундан катта бўлса, баландлик белгилари $0,01$ м аниқликда ҳисобланади ва тарҳга $0,1$ м яхлитлаб ёзилади. Кесим баландлиги 1 м дан кичик бўлганда $0,01$ м аниқликда ҳисобланаб, тарҳда кўрсатилади.

Тарҳ аниқлиги

Иморат курилган жойларда чизиқ ўлчаш аниқлиги тарҳ масштабида $0,2$ мм ва иморат четларини бир-биридан тарҳда ўзаро жойланиши ўртача хатоси тасвирлов масштабида $0,4$ мм бўлиши керак.

Иморат ва бошқа нарсаларнинг ташқи кўриниши (шохобча пунктига нисбатан) чегарасини тарҳга туширилишдаги хато $2,0$ м $1:5000$ ли масштаб учун, $0,80$ м $1:2000$ ли масштаб учун, $0,40$ м $1:1000$ ли масштаб учун ва $0,25$ м $1:500$ ли масштаб учун бўлиши лозим.

Чегараларни тасвирлов қилишда икки пикет-нуқта шундай қўйилиши керакки, уларни тарҳда бирлаштиргандаги тўғри чизиқ ҳақиқий ҳолатидан $0,5$ мм оралифида бўлсин. Унча аниқ бўлмаган чегараларда 5 м гача хато қўйилиши мумкин.

Тасвирлов масштабида $0,1 \text{ см}^2$ гача бўлган майдонлар тарҳда битта нуқта билан кўрсатилади. Иморат бурчаклари тасвирлов қилиниб, бурчак оралиғи рулетка билан ўлчаниши зарур.

Текширилган нуқта (пикет) лар ва ўша нуқталарни тарҳдан олинган баландлик белгилари фарқи кесми баландлигини ярмидан (жой нишаби 2° бўлса) ва $2/3$ дан (жой нишаби 2° дан 6° бўлганда) ошмаслиги зарур.


IX. 2. ГОРИЗОНТАЛ ТАСВИРЛОВ ВА УНИНГ МОХИЯТИ

Горизонтал тасвирловда жойдаги тафсилотларнинг тарҳдаги ўрни тасвирлов қилинади. Бунда теодолит билан горизонтал бурчаклар, пўлат лента ёки турли дальнометрлар билан масофа ўлчанади. Рельеф тасвирланмайди. Тасвирлов ишлари куйидагича олиб борилади: жой билан танишилади, асос тармоқлари барпо этилади, тафсилотлар тасвирлов қилинади, асос тармоқларининг боғлаш учун қулай бир нуқтаси давлат геодезик тармоқлари пунктига боғланади (тасвирлов қилинадиган жой яқинида давлат геодезик шохобча пунктлари бўлмаса, бош чизик магнит йўналиши буссолъ билан аниқланади ва бош нуқта координаталари шартли қабул қилинади); дала ўлчаш натижалари ишлаб чиқилиб жойнинг тафсилотли тарҳи чизилади.

Жой билан танишишда тасвирлов чегаралари аниқланади, қулай жойларда асос шохобча нуқталари ўрни белгиланади ва маҳкамланади. Тафсилотларни тасвирлов қилиш усуллари мўлжалланади.

Тасвирлов учун асос шохобчалари ёпиқ ёки очиқ теодолит йўллари тарзида барпо этилади (IX. 1-шакл).

IX. 1a-шаклда ёпиқ полигон, IX. 1б-шаклда ёпиқ полигон томонларига боғланган очиқ йўл, IX. 1в-шакл геодезик пунктларга боғланган теодолит йўли кўрсатилган.



IX.1-шакл

Асос шохобчалари нүқталари жойда маҳкамлангандан сұнг, улар орасида чизиқ олинағи, горизонтал бурчактар ва чизиқ узунлиги ўлчанади.

Асос шохобчаларини барпо этишда 9-жадвалда күрсатылғанларга риоя қилиш зарур.

9 - жадвал

Тасвирлов масштаби	Теодолит йүлини йүл құярлы узунлиги, км				
	Очиқ ва иморат қурилған жойларда			Үрмөнлар, ёпік жойларда	
	чекли	нисбий	хато	1/N	
	1/3000	1/2000	1/1000	1/2000	1/1000
1:5000	6,0	4,0	2,0	6,0	3,0
1:2000	3,0	2,0	1,0	3,6	1,5
1:1000	1,8	1,2	0,6	1,5	1,5
1:500	0,9	0,6	3,3	—	—


Чизиқ олиш, горизонтал бурчак ва чизиқ узунлигини ўлчаш V. 4. VI. 2.2 — да күрсатылғандек бажарилади. Бурчак ўлчащда теодолитни марказлаштырыш ва бурчак ўлчаш хатоси, чизиқ узунлигини ўлчаш нисбий хатоси [14] да күрсатылғандек бўлиши керак.

Асос шохобча пунктларини давлат геодезик шохобча пунктларига боғлаш X.9 — дагидек бажарилади.

Жойдаги тафсилотларни тасвирлов қилишда абрис чизиб борилади. Абрис күл билан чизилған хомаки чизма бўлиб, унда асос шохобча нүқталари — станциялар, чизиқ узунлиги, экинзор ва ҳайдалган ер чегаралари ва уларнинг станциядан бўлган масофалари, турли нарсалар, географик, иншоот номлари ва ҳ.к. лар күрсатилади.

Абрис журналнинг маҳсус “абрис” деб ёзилған бетига туширилади. Абрис тушириш координата, кутбий, бурчак кестирма ва бошқа усувлари билан олиб борилади.

Координаталар усулида полигон томони “x” ўқи, чизиқ учи — 1 нүқта — координаталар боши, чизиққа чиқарылған перпендикуляр эса, “y” ўқи деб қабул қилинади (IX. 2-шакл).



IX.2-шакл


Жойдаги ҳамма тафсилот нүқталарининг ўрни X ўқига туширилган (масалан, уйнинг икки чети) ордината қиймати 7 м ва 12 м ва ординатанинг X ўқи билан кесишган абсцисса қиймати 15 мс ва 20 м орқали ифодаланади.

Кутбий усулда станциядан тафсилоттагача бўлган масофа d ва горизонтал бурчак β ўлчанади (IX. 3-шакл).

Бурчак кестирма усулида, икки станциядан туриб, горизонтал бурчак β_1 , β_2 лар ўлчанади (IX. 4-шакл).



IX.3-шакл



IX.4-шакл

IX. 3. ГОРИЗОНТАЛ ТАСВИРЛОВДАГИ КАМЕРАЛ ИШЛАР

Горизонтал тасвирловнинг далада ўлчаб топилган чизик узунлиги, горизонтал бурчак, бош томон йўналиши каби натижаларни риёзий қоидалар асосида ишлаш ва уни тўғрилаб (тенглаб) жой тарҳини чизиш камерал ишлар дейилади. Бунда полигон бурчаклари тенгланади, томон дирекцион бурчаклари ҳисобланади, орттиргалар аниқланади ва тенгланади. Сўнгра теодолит йўли нүқталарнинг координаталари ҳисобланади. Улар асосида теодолит йўли тарҳга туширилиб, тафсилотлар чизилади.

Теодолит йўлидаги бурчакларни тенглаш. Теодолит йўли координаталари маълум бўлган таянч пунктлар оралиғида ўtkазилган бўлса, бурчакларнинг назарий йифиндиси куйидагича топилади (IX. 1в-шакл).

$$\Sigma \beta_n = \alpha_b - \alpha_o + 180^\circ \cdot n$$

бунда: α_b , α_o — бош ва охирги томон дирекцион бурчаклари IX.1в-шаклда тегишлича α_{gp} ва α_{MN} бурчаклар.

Амалий хато $f_{\beta_a} = \Sigma \beta_a - (\alpha_6 - \alpha_0) + 180^\circ \cdot n$ ифода билан ҳисобланади.


$\Sigma \beta$ — ўлчанган бурчаклар йифиндиси.

Ёпиқ полигонда амалий хато (IX. 1а-шакл) $f_{\beta_a} = \Sigma \beta - 180^\circ(n - 2)$ дан аниқланади.

$\Sigma \beta$ — ёпиқ полигон бурчаклар йифиндиси.

Бурчак ўлчашдаги йўл қўярли хато $f_{\beta_{\text{ж.к}}} \leq 1' \sqrt{n}$. Ўлчаш ишларида албатта $f_{\beta_{\text{ж.к}}} \geq f_{\beta_a}$ бўлиши шарт. Амалий хато f_{β_a} ўлчанган бурчакларга тескари ишора билан тенг бўлиб берилади.

Дирекцион ва румб бурчакларни ҳисоблаш



IX.5-шакл

IX. 5-шаклга кўра α_{pg} орқали $\alpha_{01}, \alpha_{12} \dots$ ва α_{3M} лар қуидагича аниқланади:

$$\alpha_{g1} + \beta_0 = \alpha_{pg} + 180^\circ \text{ ёки } \alpha_{g1} = \alpha_{pg} + 180^\circ - \beta_0, \quad (a)$$

$$\alpha_{12} + \beta_1 = \alpha_{g1} + 180^\circ \text{ ёки } \alpha_{12} = \alpha_{g1} + 180^\circ - \beta_1, \quad (b)$$

$$\alpha_{23} + \beta_2 = \alpha_{12} + 180^\circ \text{ ёки } \alpha_{23} = \alpha_{12} + 180^\circ - \beta_2, \quad (v)$$

$$\alpha_{3M} + \beta_3 = \alpha_{23} + 180^\circ \text{ ёки } \alpha_{3M} = \alpha_{23} + 180^\circ - \beta_3. \quad (g)$$


Ҳар қандай томон дирекцион бурчаги, (а), (б), (в), (г) ифодалардаги қоида асосида, олдинги томон дирекцион бурчагига 180° қўшилганидан шу икки томон орасидаги ўнг бурчакнинг айрилганига тенг. Демак, n — томоннинг дирекцион бурчаги қуидагича ёзилади:

$$\alpha_n = \alpha_{n-1} + 180^\circ - \beta_n.$$

Томон дирекцион бурчаклари орқали румб қийматлари 1-жадвалдан фойдаланиб топилади.

Координата орттирмаларини ҳисоблаш ва тенглаш

Координата орттирмалари берилган чизиқнинг абсцисса ва ордината ўқларига проекцияларидир. IX. 6-шаклга кўра



IX.6-шакл

$$\Delta X_{AB} = d_{AB} \cos R_{AB} \text{ ва}$$

$$\Delta Y_{AB} = d_{AB} \sin R_{AB}$$

Ушбу ифодалар билан координата орттирмаларини ҳисоблашда ЭХМ [8], махсус номограммалар [7], жадваллардан фойдаланилади. Орттирмалар ишораси чизик румбининг номига қараб 10-жадвалдан аниқланади.

10- жадвал

Чоранлар	Румблар номи	Орттирмалар ишораси	
		X	Y
I	ШШк	+	+
II	ЖШк	-	+
III	ЖF	-	-
IV	ШF	+	-

Координата орттирмаларининг X ва Y ўқлар бўйича боғланмаслик хатоси координаталари маълум бўлган та-няч пунктлар оралифида ўтказилган теодолит йўли учун куйидагича аниқланади (IX. 5-шакл):

$$f_x = \Sigma \Delta X - (X_o - X_6),$$

$$f_y = \Sigma \Delta Y - (Y_o - Y_6),$$

бунда: $\Sigma \Delta X$, $\Sigma \Delta Y$ — координата орттирмаларининг тегишли ўқлар бўйича йифиндиси; X_o , X_6 , Y_o , Y_6 — бош ва охирги таянч пунктларининг координаталари IX. 5-шаклга асосан $X_o = X_M$, $X_6 = X_g$, $Y_o = Y_M$, $Y_6 = Y_g$.

Умумий абсолют хато $f = \sqrt{f_x^2 + f_y^2}$, нисбий хато эса,

$\frac{f}{P} = \frac{1}{N}$ бўлади (P — теодолит йўли узунлиги), бу ерда нис-

бий хато маҳражи N — чизик ўлчанган жой шароитига, ўлчаш асбобларига ва ҳ.к. ларга қараб, $\frac{1}{1000} \div \frac{1}{2000}$ қиймат-га эга бўлади.

Умумий абсолют хато f йўл қўярли бўлса, f_x ва f_y ларни тузатма тарзида ҳар бир томон узунлигига пропорционал қилиб тескари ишора билан орттирмаларга тарқатилади, яъни

$$\frac{f_x}{P} = -\frac{U_x}{d_i}, \text{ бу ердан } U_x = -\frac{f_x}{P} \cdot d_i$$

$$\text{худди шунга ўхаш } U_n = -\frac{f_y}{P} \cdot d_i.$$

Масалан, 1—2 томон орттирмалари учун тузатма, юқоридаги ифодаларга биноан:

$$U_{x12} = -\frac{f_x}{P} \cdot d_{12}, \quad U_{y12} = -\frac{f_y}{P} \cdot d_{12}.$$

Ҳисобланган тузатмалар йифиндиси f_x, f_y ларга тенг бўлиши керак.

Ёпиқ полигонда f_x, f_y лар қўйидагича топилади:

$$f_x = \Sigma \Delta X \quad \text{ва} \quad f_y = \Sigma \Delta Y$$

Кейинги ҳамда ҳисоблаш ва тенглаш ишлари юқоридагидек, яъни, очиқ полигондагидек бажарилади.

Асос нуқта координаталарини ҳисоблаш. IX. 6-шаклга кўра B нуқтанинг координаталари қўйидагича аниқланади:

$$XB = XA + \Delta X_{AB}^*, \quad YB = YA + \Delta Y_{AB}^*, \quad (\text{A})$$

яъни кейинги нуқта координаталари олдинги нуқта координаталарига шу икки нуқта орасидаги тузатилган орттирманинг қўшилганига тенг.

А ифодани умумий кўринишда ёёсак:

$$X_n = X_{n-1} + \Delta X_{n,n-1}^* \quad Y_n = Y_{n-1} + \Delta Y_{n,n-1}^*$$

Бу ерда $\Delta X_{n,n-1}^*$ ва $\Delta Y_{n,n-1}^*$ — тузатилган орттирмалар.


IX. 1.1. ГОРИЗОНТАЛ ТАСВИРЛОВ ТАРҲИННИ ЧИЗИШ

Горизонтал тасвирлов тарҳини румблар ва координаталар бўйича чизилади.

Биринчи усул бўйича тарҳ чизишда румблар йўналиши ва томон узунлиги қийматларига кўра полигон қофоз


Үртасига жойланадиган қилиб 1-нүкта белгиланади. Нүктадан меридиан ўтказиб, транспортир ёрдамида румб йұналиши ва бунга d_1 томон узунлигини қўйиб 2 нүкта белгиланади ва шу тарзда ҳамма полигон нүкталари ўрни қофозда топилади. (IX. 7а-шакл). Охирида 4.1 чизиқнинг румби бўйича чизиқ йұналишини топиб, унинг узунлиги 4 нүктадан қўйилса, охирги 1 нүкта ўрнига 1' нүкта чиқади. 1.1¹ нүкталар оралиғи полигоннинг чизиқ бўйича боғланмаслик хатоси — f_p дейилади. Нисбий хато эса $\frac{f_p}{p} \leq \frac{1}{300}$

бўлиши лозим. Бу хатони тарқатиш учун полигон учларидан 1.1'га параллел чизиқлар ўтказилади. Чизма усулида топилган тегишли тузатма $f_{12}, f_{23}, f_{34}, f_{41}$ (IX. 7б-шакл)лар параллел чизиқларга қўйилиб, тузатилган полигон (узук чизиқлар) чизилади. Тарҳга тафсилотлар туширилиб, у расмийлаштирилади.



IX.7-шакл

Полигоннинг бурчак учларининг координаталари орқали тарҳ чизиш аниқ усуллардан ҳисобланади. Бунда, координата қийматларига қараб жой тарҳи қофоз ўртасига жойланади. Қофозда X ва Y ўқларининг бошланиш ўрни белгиланади. Нүкталарнинг ўрни X, Y орқали топилиб, туташтирилади. Теодолит йўли ҳосил бўлади. Тафсилотлар тарҳга туширилади, тарҳ [12] га биноан расмийлаштирилади. (IX. 7в-шакл)



IX.7 в-шакл

IX. 3.2. ТҮГРИ ВА ТЕСКАРИ ГЕОДЕЗИК МАСАЛАЛАР


Түгри геодезик масалада берилған AB чизик узунлиғи d_{AB} унинг йұналиши α_{AB} ҳамда A нүқта координаталари X_A , Y_A бүйічі B нүктаның координаталари топилади (IX. 8-шакл). Координаталарни ҳисоблаш умумий ифодалари күйидагича

$$\left. \begin{array}{l} X_n = X_{n-1} + \Delta X_{n,n-1} \\ Y_n = Y_{n-1} + \Delta Y_{n,n-1} \end{array} \right\} \quad (\text{IX.1})$$


бўлгани учун масала шартига биноан:

$$X_B = X_A + \Delta X_{AB}, \quad Y_B = Y_A + \Delta Y_{AB},$$

бунда: ΔX_{AB} , ΔY_{AB} AB чизик узунлигининг орттирумаси, яъни тегишли координата ўқларига проекциясидир. Шунинг учун:



IX.8-шакл



IX.9-шакл

$$\Delta X_{AB} = d_{AB} \cos \alpha_{AB}, \quad \Delta Y_{AB} = d_{AB} \sin \alpha_{AB}.$$

Тескари геодезик масалада берилган A ва B нуқталарнинг координаталари (X_A, Y_A, X_B, Y_B) бўйича AB чизиқнинг узунлиги d_{AB} ва йўналиши α_{AB} аниқланади (IX. 9-шакл). (IX. 1) ифодага кўра:

$$\Delta X_{AB} = X_B - X_A, \quad \Delta Y_{AB} = Y_B - Y_A.$$

ва шаклдан

Бу ифодалардан $\Delta X, \Delta Y$ ларнинг ишорасига қараб, берилган чизиқ узунлигини қайси чоракда эканлиги аниқланади ва, шунга кўра, дирекцион бурчак α_{AB} топилади. Сўнг топилган $\Delta X_{AB}, \Delta Y_{AB}$ ва α_{AB} лардан чизиқ узунлиги

$$d_{AB} = \frac{\Delta X_{AB}}{\cos \alpha_{AB}} = \frac{\Delta Y_{AB}}{\sin \alpha_{AB}} \quad \text{топилади.} \quad \text{Ушбу ифода}$$

$d_{AB} = \sqrt{\Delta X_{AB}^2 + \Delta Y_{AB}^2}$ билан топилган чизиқ узунлиги текширилади.

IX. 4. ТАХЕОМЕТРИК ТАСВИРЛОВ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ. УНДА БАЖАРИЛАДИГАН ГЕОДЕЗИК ИШЛАР ВА ИШЛАШ ТАРТИБИ

Тахеометрик тасвирловнинг асосий афзалликларидан бири дала ишларининг тез бажарилишидир. Бунда ўлчаш асбобининг кўрув трубасини нуқтага бир марта қаратилиб, бир вақтнинг ўзида ҳам горизонтал ҳам тасвирловлар қилинади. Тасвирловнинг ҳисоблаш ва чизув ишлари эса камераль шароитда бажарилади.

* Тахеометрия — грекча сўз бўлиб, тез ўлчаш деган маънони билдиради.

Тахеометрик тасвирловда нуқталарнинг тарҳдаги ўрни кутбий координаталар усули билан аниқланади. Бунда нуқтанинг ўрнини тасвирлов қилиш учун тахеометр геодезик асос (масалан, теодолит йўли) учига ўрнатилади. Кўриш трубаси тасвирлов қилинаётган нуқта (пикет) қўйилган рейкага қаратилади. Геодезик асос томони йўналишига нисбатан горизонтал бурчак, ипли дальномер билан эса, масофа ўлчанади. Кейин тик доирадан саноқ олиниб, оғиш бурчаги ν аниқланади. Пикет нуқталарнинг нисбий баландлиги h дальномер масофа D ва оғиш бурчаги ν га асосан тахеометрик жадваллардан топилади. Агар тасвирловда автоматик тахеометрлар ишлатилса, у ҳолда h трубанинг кўриш майдонидаги диаграммалар орқали рейкадан олинган саноқлар бўйича топилади.

Тахеометрик тасвирловда асосий геодезик ишлар қўйидаги тартибда бажарилади.

1. Техникавий лойиҳалаш ишлари бажарилади. Бунда тасвирлов масштаби ва кесим баландлиги асосланади. Тасвирлов масштаби ва кесим баландлиги тасвирлов аҳамияти, жой рельефи ва ҳ.к. ларга қараб тегишлича 1:500; 1:1000; 1:2000; 1:5000 ва 0,5 м; 1,0 м; 2,0 м ва 5,0 м бўлиши мумкин.

2. Тасвирлов учун геодезик асос турли усуслар билан барпо этилади. Бунда асос нуқталари тасвирлов учун етарли миқдорда ва улар жой тафсилотлари ва рельефини керакли аниқликда олишни таъминлаши лозим.

3. Жой тафсилотлари ва рельефи тасвирлов қилинади. Рельеф нуқталарини тасвирлов қилища аввал энг паст бўлган жойлар, сув сатҳи (журналга сув сатҳини ўлчаб олинган куни ёзилади) чуқурлик тублари ва ҳ.к. лардан бошлаб тепаликка, сув айрилувчи чизиқларга рейкалар қўйилиб, чўқди томон борилади. Рельеф нуқталарини танлашда, албатта, икки нуқта ораси — интерполяция (оралиқдаги номаълум қиймат, нуқтани аниқлаш) қилинишини ва қияликни аниқ кўрсатилишини кўзда тутиш керак. Рельеф нуқталари тасвирлов қилинадиган ҳамма майдонни қамраб олиши шарт. Умуман, тасвирловда рельеф нуқталари орасидаги масофа тарҳда 2 см дан ошмаслигини ҳисобга олиш керак бўлади.

4. Тахеометрик тасвирлов тарҳини тузилади. Бунда аввал асос пунктларининг координаталари ва баландлик белгилари tengланади ва ҳисобланади. Бу баландлик белгилар ёрдамида пикет нуқталарининг баландлик белги-

лари топилади. Сүнг берилган масштабда ва кесим баландлигига тарҳ тузилади. Тузилган тарҳ жой билан тақосланади ва тегишли равишда тузатмалар киритилади.

IX. 4.1. ТАХЕОМЕТР ТУРЛАРИ. ДОИРАВИЙ ВА АВТОМАТ ТАХЕОМЕТРЛАР


ГОСТ 10812—74 “Тахеометры. Типы. Основные параметры. Технические требования” деган стандартда 4 хил тахеометрлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган:

1. ТЭ — электрооптик тахеометрлар 4 хилли ва 1 разрядли полисонометрия пунктлари орасидаги чизик узунлигини, горизонтал ва тик бурчакларни ўлчашда ишлатилади. Ўлчаш натижалари рақамлар кўринишида автоматик ҳолда нурли таблога ёзилади ёки перфолентада қайд қилинади. Бу хилдаги тахеометрлар саноат корхоналарининг бош тарҳларини ижро этишда бажариладиган ишларида ҳам ишлатилади.

2. ТД — қўш тасвирли авторедукцион тахеометрлар. Булар 2-разряд полигонометрия пунктлари орасидаги нисбий баландлик ва чизик узунлигини горизонтал рейка ёрдамида аниқлашда ишлатилади.

3. ТН — номограммали тахеометрлар. Тахеометрик тасвирловда чизик узунлигининг горизонтал қўйилиши ва нуқталар орасидаги нисбий баландликларни бевосита автоматик равишида топишда ишлатилади. Бунда h ва d лар кўриш майдонида кўринадиган номограмма орқали рейкадан олинган саноқлардан аниқланади (IX. 10-шакл)

4. ТВ — ички базисли авторедукцион тахеометрлар — чизик узунлигининг горизонтал қўйилишини ва нисбий баландликни ўлчанганд тик бурчаклар ёрдамида ҳисоблаб топишда ишлатилади.



IX.10-шакл

Агар тасвирлов қилинадиган жой нисбатан текис бўлса, у ҳолда нивелир тахеометрлар (Ni030, NiB1, Н-ЗЛ, Н-10КЛ, Koni 007 ва ҳ.к.) дан фойдаланилади.

IX. 4.2. ТАХЕОМЕТРИК ТАСВИРЛОВДА ДАЛА ИШЛАРИ. АСОС ПУНКТЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

Тахеометрик тасвирлов учун асос пунктлар сифатида давлат ва маҳаллий геодезик таянч пунктлари шохобчаларидан фойдаланилади. Лекин бу пунктлар зичлиги тасвирлов учун етарли бўлмаганидан, улар оралифида қўшимча асос нуқталар барпо этилади. Бунинг учун теодолит-нивелир, теодолит-такеометрик ва тахеометрик йўллари ўтказилади.

Теодолит-нивелир йўлларида асос нуқталари оралифи пўлат ленталар билан (ёки ўтчаш аниқлиги пўлат лента аниқлигига мос келадиган турли дальнометрлар билан) горизонтал бурчаклар эса, теодолит билан, асос нуқталари орасидаги нисбий баландликлар нивелир билан ўтchanади.

Теодолит — тахеометрик йўлларида горизонтал бурчаклар теодолит билан, асос нуқта оралиги пўлат лента билан, нисбий баландликлар эса, тригонометрик нивелирлаш усули билан ўтchanади.

Тахеометрик йўлда горизонтал бурчаклар теодолит билан, асос нуқталар оралиги ипли дальномер ёрдамида ва нисбий баландликлар тригонометрик нивелирлаш усулида топилади. Тасвирлов учун тахеометрик йўл танланса, шохобча нуқталари ўзаро тарҳдаги ўрни ва баландлиги бўйича боғланади. Бу боғлаш қўйидагича бажарилади:

- 1) асбоб станция (шохобча нуқтаси) га ўрнатилади;
- 2) асбоб баландлиги 1 см аниқлик билан ўтchanади;
- 3) кўриш трубаси олдинги нуқтага қўйилган рейкага қаратилиб, қаратиш баландлиги аниқланади;
- 4) горизонтал доирадан саноқ олинади;
- 5) дальномер иплари бўйича рейкадан саноқлар олинади;
- 6) тик доирадан саноқ олинади.

3, 4, 5, 6-ўтчашиборлар орқадаги нуқтага қўйилган рейка учун ҳам бажарилади. Шу билан биринчи ярим приёмдаги иш тамом бўлади ва труба зенит орқали айлантирилиб юқоридаги ўтчашиборлар ишлари иккинчи ярим приёмда қайтарилади.

Жой рельефи ва тафсилотларини тасвирлов қилиш. Тахеометрик тасвирлов натижасида

тузилган тарҳда жой рельефи ва тафсилотлари мукаммал ва аниқ тасвирангандан бўлиши керак. Шунинг учун тасвирлов вақтида жой рельефи ва тафсилотларининг характерли нуқталари тўғри ва етарли даражада олинади. Бу нуқталар одатда пикет ёки рейка нуқталари деб юритилади. Агар рейка бино бурчаклари, йўл ёқалари, экинзор чегаралари ва ҳ.к. ларга қўйилса, бундай нуқталар тафсилот нуқталари дейилади. Характерли нуқталар тепа усти (чўққи), сой ва тизма ён бағирлари, қозонсой туби, сувайирилувчи ва йигилувчи чизиқ нуқталари эса, рельеф нуқталари деб аталади. Албатта, бу нуқталарнинг зичлиги (сони) тасвирлов масштабига, кесим баландлиги ва жойнинг текис ва нотекислигига боғлиқ бўлади. Ортиқча олинган нуқталарни тасвирлов қилишга кўп вақт сарф бўлади. Бу билан тасвирлов (тарҳ) сифатли чиқмайди. Бунга йўл қўймаслик учун тасвирлов қилувчи аввал жой билан ба-тафсил танишиб чиқиши керак. Рейка кўтарувчи ишчи эса, жой рельефи ва тафсилотининг барча нуқталарини, уларга рейкани қўйиш тартибини яхши билиши шарт. Рейка нуқталарнинг бир-биридан узоқлиги ва улар асбобдан қандай масофада бўлиши 11-жадвалда келтирилганидек бўлиши лозим.

11.- жадвал

Тасвирлов масштаби	Кесим баландлиги	Пикетлар орасидаги масофа, м	Асбобдан рельеф нуқталаригача бўлган масофа, м	Асбобдан тафсилот нуқталаригача бўлган масофа, м
1:500	0,5	15	100	60
	1,0	15	150	60
1:1000	0,5	20	150	80
	1,0	30	200	80
1:2000	0,5	40	200	100
	1,0	40	250	100
	2,0	50	250	400
1:5000	0,5	60	250	150
	1,0	80	300	150
	2,0	100	350	150
	5,0	1200	350	150

Жой рельефи ва тафсилоти нуқталари асбобнинг асосий ҳолатида, яъни ДЧ да тасвирлов қилинади. Кўпгина теодолитларда (2Т30, 2Т3КП, 3Т30 каби) асосий ҳолат ДЧ ҳисобланади. Асбобнинг бу ҳолати тасвирлов журналига ёзиб қўйилиши шарт (12-жадвал).

Станциядаги ўлчаш ишлари қўйидаги тартибда олиб борилади: тахеометр марказлаштирилади, нивелирланади, қўрув трубаси иш ҳолатига келтирилади; асбоб баландлиги ўлчанади, асбоб тик доирасининг ноль ўрни аниқланади; тахеометр ориентиранади; қўрув трубаси жой рельефи ёки тафсилоти нуқталарига қўйилган рейкаларга визирланиб, қўйидаги ўлчашлар бажарилади:

1) Дальномер ипларининг пастгиси имкон борича рейкадаги яхлит сон (100 см 200 см ва ҳ.к. саноқча) қаратилади ва иплар бўйича олинган саноқлар айримаси орқали масофа аниқланади.

2) Тўр ипларининг ўрта или реикадаги асбоб баландлиги белгисига ёки бирор яхлит сонга, ё бўлмаса реиканинг энг тепасига қаратилади.


3) тик доирадан саноқ олинади.

4) горизонтал доирадан саноқ олинади. Тасвирлов вақтида горизонтал доирадаги адилак гуфакчаси ноль пунктда бўлиши лозим.

Текис жойларни тасвирлов қилишда тахеометр нивелир каби ишлатилиши мумкин. Бунинг учун тик доирадаги саноқ ноль ўрнига тўғриланади, яъни тик доирадаги саноқ ноль ўрин билан алмаштирилади. Колган геодезик ўлчаш ишлари юқорида келтирилган тартибда олиб борилади. Тафсилот нуқталарини тасвирлов қилишда 1 ва 4 пунктдаги ишлар бажарилиши керак. Шу тарзда атрофдаги барча рельеф ва тафсилот нуқталари тасвирлов қилинади.

Станцияда тасвирлов ишлари туталлангандан кейин ориентирлаш бурчаги текширилади. Бунда дастлабки ориентирлаш бурчаги билан охиргиси ўртасидаги фарқ 2 дақиқадан ошмаслиги керак. Акс ҳолда станцияда қилинган барча ишлар қайта бажарилади. Икки станцияда туриб танланган пикет нуқталари тасвирлов майдонида очиқ жойлар қолиб кетмаслигини таъминлаши керак.

Жой рельефи ва тафсилоти нуқталарини тасвирлов қилиш билан бир вақтда журналга ҳар қайси станция учун кўлда, ихтиёрий масштабда, ёки масштабсиз чизма (эскиз) чизиб борилади. Бу чизмага крохи дейилади (IX. 11-шаклда).



IX.11-шакл

Тахеометрик журналда кроки учун алоҳида бет ажратилган бўлиб, унга асбоб турган станция (ўрнатилган нуқта) ориентирланган нуқта ва тахеометрик йўллар йўналиши чизилади. Жой рельефи ва тафсилотида танланган барча нуқталар крокида шу чизиқقا нисбатан белгилана-ди. Крокида сув йифилувчи ва айрилувчи чизиқларнинг йўналиши, рельефнинг барча турларини кўрсатувчи нуқталар ва уларнинг номлари, интерполяция қилинадиган рельеф нуқталарини миллар билан бирлаштирувчи чизиқлар, барча нарсалар, (иншоотлар, бинолар ва ҳ.к.) тафсилот чегаралари ва уларнинг номи батафсил кўрсастилади. Рельеф турларини яққол ифодалангандай жойларни тасвирлов қилишда крокига кўз билан чамалаб горизонталлар ҳам туширилади. Крокини тўла-тўқис олиб бориш жой тарҳи мукаммал ва тўғри чиқиши учун асосий омиллардан ҳисобланади.

Тахеометрик тасвирлов журнали. Станцияда ўлчангандай барча қийматлар тахеометрик журналга ёзилади (12-жадвал).

Тахеометрик тасвирилов журналы

12.V.89 й.

Булутги жаво, харорат +5°

Станция номери:

ПИ, НУ=+1', К=100,
С=0, i=1,30

Тасвирилов бажарувчи
ШАРИПОВ А. Б.
Езувчи: КАМОЛОВА Т.

Күзаттиш нүктесининг номери	горизонтал донирдан	олинган саноқ	дальномер билан ўлчамган масофа	тик доира холати	тик доира саноги	Киялик бурчаги, γ			каратиш баландлыгы, l	горизонтал масофа, м	Нисбий баландлик, h=h'-+l-l'	Баландлик белтилари	Эслатма
						01	±	0					
1		2	3	4	5	6	7	8	9	10	НШ=312, 41М		
IV	0	00	180,0	ДЧ	3 41				1,50	179,3	+ 11,51	323,92	
II	91	12	150	ДУ	-1 39	3 40	+	3	40,5	1,50			
I	1	10	161	ДЧ	1 37	+ 1	38	1,50	"	149,8	+ 4,27	316,68	
	2	1	40	100	-	2 47	+ 2	49	"	160,8	+7,86	320,27	
	3	30	45	160	"	1 08	+ 1	09	"	99,9	+2,02	314,43	
	4	45	10	110	"	0 11	+ 0	12	"	160	+0,56	312,97	сув ийф.
	5	46	00	75	"	-1 01	- 1	00	"	110	- 1,91	310,50	столба
	6	60	20	50	"	0 12	- 0	11	"	75	- 0,24	312,17	столба
	7	85	10	70	"	2 46	- 2	45	150	49,9	- 2,40	310,01	сув ийф.
	8	101	20	55	"	3 52	- 3	51	2,00	69,8	- 5,18	307,23	" "
9	131	10	53	"	"	"	"	"	"	"	"	"	уй бурч.
IV	0	00											" "

IX. 5. ТАСВИРЛОВ НАТИЖАЛАРИНИ ИШЛАШ ВА ТАРҲ ТУЗИШ

Тасвирлов натижаларини ишлаб чиқиш қуидаги тартибда олиб борилади:

1. Тахеометрик журнал текширилади ва тасвирлов учун асос нуқталарнинг ўзаро жойлашиш чизмаси тузилади. Чизмага йўл томонларининг узунлиги, бурилиш бурчаклари, ўртача нисбий баландлик, боғланган пунктларнинг координаталари ва баландлик белгилари ёзилади.

2. Максус журналларда тахеометрик йўл пунктларининг координаталари, баландлик белгилари ҳисобланади.

Тахеометрик йўлда ўлчанган бурчақдаги йўл қўйиладиган назарий хато қуидаги ифодадан топилади:

$$f_{\text{х.к.}} \leq 1\sqrt{n}.$$

Бунда: n — станциялар сони.

Или дальномер билан икки қўйта ўлчанган асос нуқталар оралигининг нисбий хатоси 1:400 дан кам бўлмаслиги, нисбий баландликлар фарқи эса, 100 м га 4 см дан ошмаслиги керак.

Тахеометрик йўл бўйича чизиқли хато

$$f_t = \frac{L}{400\sqrt{n}} \quad (\text{IX.3})$$

ифода билан топилади, бунда: f_t — чизиқли хато; м, L — тахеометрик йўл узунлиги, м; n — ўлчанган томонлар сони.

Тахеометрик йўлда нивелирлаш назарий хатоси қуидаги ифодадан топилади:

$$f_{h_t} = 0,04d\sqrt{n}, \quad (\text{IX.4})$$

бунда: d — тахеометрик йўл томонларининг ўртача узунлиги, юз метрда.

Тахеометрик йўлни нивелирлашдаги амалий хато қуидагича ҳисобланади.

$$f_{h_t} = \sum h_{\text{нр}} - (H_0 - H_b), \quad (\text{IX.5})$$

бунда: $\Sigma_{h_{\text{ур}}}$ — ўртача нисбий баландликлар абсолют йиғиндиши, м, H_0 — охирги репер ёки таянч пунктининг баландлик белгиси, м, H_b — бош репер ёки таянч пунктининг баландлик белгиси, м.

Тахеометрик йўл ички бурчакларини ва координата орттирмаларини тенглаш ва пункт координаталарини ҳисоблаш горизонталь тасвирловдаги каби олиб борилади.

Станциялар баландлигини ҳисоблаш 13-жадвалда кўрсатилганидек бажарилади.

3. Рельеф нуқта баландлик белгилари барча станцияларда қўйидагича ҳисобланади:

$$H_p = H_{\text{ст}} + h_p,$$

13 - жадвал

Стан- циялар	Томон узунли- ги, м	Нисбий баландлик, м			Тузат- малар, Δm	Тузатилган нисбий баландли- к, $h_1 m$	Баланд. белги- лар H_1 , м	Эс- латма
		тўғри	тескари	ўртача				
$\Pi_1(H_b)$	195,00	-4,33	+4,30	-4,31	-0,02	-4,33	315,13	
	I	171,20	+3,44	-3,41	+3,42	-0,02	+3,40	310,80
	II	150,00	-4,25	+4,27	-4,26	-0,01	-4,27	314,20
	III	180,00	+11,51	-11,49	+11,50	-0,02	+11,48	309,93
	IV	127,00	+3,44	-3,42	+3,43	-0,01	+3,42	321,41
	$\Pi_2(H_b)$							324,84

бунда: $H_{\text{ст}}$ — рейка нуқталари тасвирлов қилинган станциянинг баландлик белгиси, м; h_p — шу станция билан рельеф нуқтаси орасидаги нисбий баландлик, м.

4. Тахеометрик тасвирлов тарҳи чизилади. Аввал координата тўрлари ясалиб, таянч пункти, тахеометрик йўл нуқталари (станциялари) тегишли координаталарига асо-

сан тарҳга туширилади ва текширилади. Бунда тарҳдан олинган ва жойда ўлчанган масофалар фарқи тарҳ масштабида 0,2 мм дан ошмаслиги лозим. Ҳар қайси станцияда аввал қутбий усул билан қаратилган нуқта йўналишлари белгиланади, кейин журналдан рейка нуқталарининг масофалари олиниб, масштабда тарҳга туширилади. Станция ва рейка нуқталари ёнига уларнинг номери ва баландлик белгилари ёзилади. Рейка нуқталарини тарҳга туширишда транспортир ёки тахеографлардан фойдаланилади. Крокидан фойдаланиб, тафсилот ва иншоот чегаралари тарҳда бирлаштирилади. Интерполяция бўладиган икки нуқталар оралиғи миллиар билан тугаштирилиб IX. 7.2—§ да кўрсатилгандек горизонталлар ўтказилади.

Интерполяция ва горизонталларни ўтказиш, аввал, тоғ, тизма тоғ, эгарсимон жойлар, қозонсой сой, сув йифилувчи ва айириловчи жойлардан ўтказилади. Шунда тасвирлов қилинган жойнинг яқъол кўриниши тарҳда ўз тасвирига эга бўлади. Қолган горизонталларни ўтказиш осон бўлади. Темир йўл ва автотранспорт йўллари, бино ва иншоотлар, карьерлар, ўпирилган қирғоқ ва тепаликлар, дарё ва кўллар, тошлок ерлардан горизонталлар ўтказилмайди. Тоғ ва қозонсой, жойнинг кўтарилиши ва пасайиши (сув йифилувчи ва айириловчи) чизиқларни бир-биридан ажратиш учун горизонталларга, пасайиш томонга қаратиб, узунилиги 1—3 мм да штрихлар, яъни бергштирихлар чизилади.

Қаламда тайёрланган тарҳ жой билан таққосланиб, тузатилади. Баъзи бир ҳолларда асбоб билан рейка нуқталарини қайтадан тасвирлав қилиб тарҳга туширилади ва таққосланади. Бу нуқталар журналга ўз тартиб номери ва “Н” ҳарфи билан ёзилади. “Н” ҳарфи назорат қилинган нуқталарни кўрсатади. Тарҳ тузатилгандан кейин у тахт қилинади. Бунда “Условные знаки для топографических планов масштабов 1:5000, 1:2000, 1:500 деган қўлланма асосида расмийлаштирилади.

IX. 5.1. ТАХЕОМЕТРИК ТАСВИРЛОВНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ

а) афзалликлари:

Тасвирлов тез бажарилади: дала ва камераль ишлар алоҳида-алоҳида қилинади. Бу эса топографик тарҳни ва жойнинг риёзий андозаларини ЭҲМ ва автоматлашти-

риладиган системалар ёрдамида тузишга имкон беради. Тасвирлов учун ишлатиладиган асбобларнинг ихчамлиги ва қулайлиги, жой тарҳини бир неча бор тузиш мумкинлигидир.

б) камчиликлари:


никет нуқталари мензуал тасвирловига нисбатан ортиқча олинади, об-ҳаво шароитига боғлиқлиги, жой рельефини умумлаштиришда хатолар содир бўлишидир.

Тахеометрик тасвирловда иш унумдорлигини оширишда электрон тахеометрлар билан ўлчаш натижаларини магнит ленталарига ёзиш ва буларни ЭҲМ га киритиш автоматик равищда ўлчаш натижаларини ишлаб чиқиш, жойнинг риёзий андозаларини тузиб, автоматик тарзда тарҳларни тузиш мақсадга мувофиқдир.


IX. 6. МЕНЗУЛА ТАСВИРЛОВИ МОҲИЯТИ

Мензула тасвирлови топографик тасвирловларнинг бир тури бўлиб, мензула ва кипрегель ёрдамида бажарилади. Бу тасвирловда дала ва камераль ишлари бир вақтда дадла бажарилади.

Мензула тасвирловида горизонтал бурчаклар проекцияланиб, чизма усулида чизилади. Бунинг учун тахтадаги “*O*” нуқта жойдаги *O* нуқтага марказлаштирилади, тахта горизонтал ҳолатга келтирилади. (IX. 12-шакл) Сўнг кипрегел чизифичини “*O*” нуқтага кўйиб трубани *A* ва *B* нуқталарга қаратилилади. Тахтада *OA* ва *OB* йўналиши бўйича “*oa*” ва “*ob*” чизиклари чизилади. Шунда чизма усулида



IX.12-шакл



IX.12a, б, в, г-шакл

ясалган горизонтал бурчак β жойдаги AOB бурчагининг проекцияси бўлади. Мензула тасвирилова масофа даль-номер билан, нисбий баландлик эса, тригонометрик нивелирлаш усули билан аниқланади. Жойнинг рельефи ва тафсилотлари далада тасвирилов қилиш билан бир вақтда тарҳга туширилади.

Мензула тасвирилова куйидаги асбоблар қўлланилади: Мензула — штативга ўрнатилган тахтача (планшет) — 3, маҳкамлагич винт, штатив — 1, таглик — 2 дан иборат (IX. 12а-шакл). Кипрегель — тафсилот ва рельеф нуқталарига қаратишда, масофани ва нисбий баландликни аниқлашда ишлатиладиган геодезик асбоб. (IX. 12б-шакл). Ориентир буссель (IX.12г-шакл) — мензула тахтасини магнит милига нисбатан йўналишни аниқлашда ишлатилади. Мензула вилкаси (IX. 12в-шакл) — мензулани марказлаштириш учун қўлланилади.

Рейкалар — тахланадиган, 2 дона.

Тузилиши ва кўринишига қараб, кипрегель КБ, КВ—1, КБ—2, КН ва бошқа шифрлар билан ишлаб чиқарилади.

Кипрегель КН — асосий чизғич 1 ва унга параллел ўрнатилган масштабли чизғич 1, колонка 11, кўриш трубаси 8, доира 7 лардан иборат. Асосий чизғич 1 га цилиндрик адилак 12 ўрнатилган. Кўриш трубаси объектив 9, айланувчи синиқ окуляр 2, кремальер винт 10, қаратиш 4 ва микрометр 3 винтлардан иборат. КН кипрегели тик доирали ва кўриш трубасига цилиндрик адилаклар ўрнатилган. Кўриш трубасининг адилаги кипрегелни нивелир каби ишлатишга имкон беради.

IX. 6.1. МЕНЗУЛА ВА КИПРЕГЕЛНИ ТЕКШИРИШ

1. Мензула турғун бўлиши шарт. Буни текшириш учун мензула тахтаси горизонталь вазиятга келтирилиб, кипрегель кўриш трубасининг қаратиш ўқи узоқдаги M нуқтага қаратилади. Кейин тахтача четидан бироз ёнга ёки пастта босилади ва қўйиб юборилади. Шунда кўриш трубасининг қаратиш ўқи M нуқтада қолса, шарт бажарилади, акс ҳолда асбоб устахонада тузатилади.

2. Мензула тахтасининг устки қисми текислик бўлиши шарт. Текширишда тўғри чизғич қирраси тахтача устига ҳар хил йўналишда қўйилади. Бунда тахта ва чизғич қирраси орасидаги тирқиши 0,5 мм дан ошмаслиги керак, акс ҳолда асбоб устахонада тузатилади.

3. Тахтанинг устки юзаси асбобнинг айланиш ўқига перпендикуляр бўлиши керак. Текшириш учун адилак ёрдамида мензула тахтаси горизонтал ҳолатта келтирилади, сўнгра тахта тик ўқ атрофида айлантирилади. Бунда адилак пуфакчаси марказдан 2 бўлақдан ортиқ силжи-маслиги зарур, акс ҳолда асбоб устахонада тузатилади.

КН кипрегелни текшириш

1. Кипрегель чизифининг йўнилган қирраси тўғри чизик, таг юзаси эса, текислик бўлиши керак. Текшириш учун кипрегелни тахтачага қўйиб, қирра бўйича чизик чизилади. Кейин чизгични 180° га айлантириб яна чизик чизилади, агар иккала чизик устма-уст тушса, шарт бажарилади. Текширишни иккинчи қисмида чизгич тахтачага жипс ўрнашса шарт бажарилади. Текширишнинг иккала қисми бажарилмай келган ҳолда асбоб устахонада тузатилади.

2. Чизгичдаги цилиндрик адилак ўқи чизгич қуи тескислигига параллель бўлиши керак. Кипрегелни тахтачага қўйиб чизгич қирраси бўйича чизик чизилади ва адилак пуфакчаси кўтаргич винтлар билан ўртага келтирилади. Кейин чизгични 180° га айлантириб қўйилади. Шунда пуфакча ўртадан қочмаса, шарт бажарилган бўлади, акс ҳолда адилак тузатгич винти билан пуфакча силжишининг ярмига тузатилади. Текшириш такрорланади.

3. Трубанинг кўриш ўқи унинг айланиш ўқига перпендикуляр бўлиши керак. Тахтада белгиланган бирор “а” нуқтага чизгичнинг қирраси қўйилиб труба узоқдаги, тахминан асбоб баландлигига жойлашган, М нуқтага қаратилиб чизик чизилади. Кейин чизгич 180° га айлантирилиб, қайтадан чизгич қиррасини “а” нуқтага қўйиб труба М нуқтага қаратилади ва чизик чизилади. Шунда чизилган чизиқлар устма-уст тушса, шарт бажарилган бўлади, акс ҳолда асбоб устахонада тузатилади.

4. Тўр ипларининг бир или тик бўлиши керак. Бу шарт теодолитдаги каби текширилади (V. 3. “Теодолитни-синаш ва текшириш”, 2-шарт).

5. Трубанинг коллимацион текислиги чизгичнинг йўналган қиррасидан ўтиши ёки унга параллель бўлиши шарт. Текширишда тахта горизонталь ҳолга келтирилади, кўриш трубаси узоқдаги М нуқтага (столба учи, том тепаси ва ҳ.к.) қаратилади. Чизгич қирраси бўйича тахтада икки-

та *B* ва *C* нүқталар белгиланади вә бу нүқталардан ўтувчи ВС чизиги чизилади. Сүнгра кипрегелни олиб, *B* ва *C* нүқталарга тик қилиб игна қадалади. Агар шу игналарни бирлаштирувчи түғри чизик бўйлаб қарапганда кўриш нури *M* нүқтадан ўтса, шарт бажарилади, акс ҳолда кипрегелни доиранинг бир ҳолати (ДЧ) да ишлатиш зарур бўлади.

6. Тик доиранинг ноль ўрни ноль бўлиши керак. Бу теодолитдаги каби текширилади ва ноль ўрин ушбу

$$H \ddot{Y} = \frac{D \ddot{Y} + D \dot{Y}}{2}$$

ифода бўйича топилади.

IX. 12.6-шаклда КН кипрегелини кўриш майдони тасвирланган. Бунда дальномер билан ўлчанган масофа куйидагича аниқланади:

$$d = K_d \cdot l_d,$$

l_d — дальномер иплари бўйича рейкадан олинган саноқлар айирмаси; K_d — дальномер коэффициенти.

Нисбий баландлик $h = K_h \cdot l_h$ га teng, бунда l_h — нисбий баландлик эгри чизиги билан тик ип кесишган жойида рейкадан олинган саноқ,

K_h — нисбий баландлик эгри чизиқлари коэффициентлари ($K_h = \pm 10, \pm 20, \pm 100$).

Мисолимизда $d = 45 \cdot 100 = 45,0$ м; $h = +10 \cdot 10 = 1,0$ м.

IX. 6.2. МЕНЗУЛА ТАСВИРЛОВИНИ БАЖАРИШ

Мензулотахтасини ишга тайёрлаш. Бунда яхши ватман қофози фанер ёки алюминий листга ёпиштирилиб, мензула тахта устига маҳкам ўрнатилади. Баъзан, тахта устига ватман қофози кўпиртирилган тухум оқи билан жипс ёпиштирилади. Ватман қофози четлари қайрилиб, кнопка ёрдамида тахта тагига маҳкамланади. Ватман қофозини тоза сақлаш учун, унинг усти тахта тагига маҳкамланган шаффоф қофоз билан бекитилади. Сүнгра шаффоф қофозда 10 см ли квадрат катаклар ясалаб, координаталари бўйича таянч шохобча пунктлари игна билан тешиб ватманга ўтказилади.

Мензулани иш ҳолатига келтириш учун у мағказлаштириллади, нивелирланади ва йўналтирилади.

Марказлаштириш, одатда, тарҳ масштаби 1:2000 дан йирик бўлса, вилка ёрдамида, ундан майдароқ масштабларда эса, чамалаб бажарилади.


Нивелирлашда — кипрегель чизиги иккита күтаргич винти йўналиши қўйилиб, шу винтлар буралиб, адилак пуфакчаси ўртага келтирилади, кейин кипрегель 90° га айлантириб, учинчи винт билан пуфакча ўртага келтирилади. Сўнгра асбоб 180° га бурилади. Шунда пуфакча 2 бўлакчага суриса, асбоб нивелирланган, яъни горизонтал вазиятга келган бўлади. Акс ҳолда пуфакча учинчи винт билан ўртага келтириб, текшириш такрорланади.

Йўналтириш — буссолъ билан ёки маълум чизик йўналиши орқали бажарилади. Магнит меридиани бўйича йўналтиришда, мили бўшатилган буссолъ тахтача қиррасига параллель қилиб қўйилади. Мензула маҳкамлагич винти бўшатилиб, мил $00^\circ 00'$ (шимолий меридиан йўналиши)га келгунча тахтача азимут бўйича айлантирилади. Сўнг мурват маҳкамланади.

Асос шохобчаларни яратиш. Мензула тасвирлови учун тарҳий ва баландлик бўйича асос шохобчалари сифатида, асосан, давлат геодезик нуқталари хизмат қиласи. Бу нуқталар оралиғи катта бўлганлиги сабабли улар турли усуllар билан зичланади. Шохобча нуқталари аналитик ва чизув усуllарда топилиши мумкин.

Чизув усулида асос шохобча нуқталари геометрик тўр ясаш йўли билан барпо этилади. Бунда тўғри ва тескари кестирма усуllари қўлланилади.

Тўғри кестирма усулида жойда базис АВ олинади ва унинг узунлиги пўлат лента билан ўлчанади (IX. 13а-шакл). Мензула А нуқтага ўрнатилиб, иш ҳолатига келтирилади ва буссолъ ёрдамида йўналтирилади. Сўнгра чизғичнинг йўнилган қирраси тахтачада белгилантган “а” нуқтага қўйилиб, кипрегель В нуқтадаги вехага қаратилади ва шу йўналиш бўйича чизик чизилади. Шу чизикка тарҳ масштабида базис узунлиги қўйилиб В нуқтанинг тарҳдаги ўрни “в” топилади. Кейин кипрегель чизғичнинг йўнилган қирраси “а” га қўйилиб, С даги вехага қараб чизик чизилади. Бундан сўнг мензула В нуқтага ўрнатилади, чизғичнинг қирраси “в” га қўйилиб, тахтача буралади ва кипрегель А га қаратилади. Бу билан мензула ВА чизиги бўйича йўналтирилган бўлади. Чизғич қирраси “в” да турган ҳолда, кипрегель С га қаратилади ва чизик чизилади. Шунда бу чизикнинг “ав” билан кесишган нуқтаси жойдаги С нинг тахтачадаги “С” проекцияси бўлади. Шундай қилиб, мензула тасвирлови учун асос шохобчалари учбурчак “авс” шаклида ясалди.



IX.13-шакл

Планшетда топилган “С” нүқта ўрта квадратик хатоси қуидаги аниқланади:

$$m_c = \frac{m_b}{\rho \sin \beta} \sqrt{0,0085(a^2 + b^2)}. \quad (\text{IX. 6})$$

бунда: $a, b - AC$ ва BC томонлар узунлиги;


$\beta - "C"$ нүктадаги горизонтал бурчак;

$m - "C"$ нүктада бурчакни ўлчаш ўрта квадратик хатоси.

Тескари кестирма усули А ёки В нүктега асбоб ўрнатиш мүмкін бўлмаган ҳолларда қўлланилади (IX. 13б-шакл). Шунда асбобни иложи бўлган бирор (А ёки В) нүктега ўрнатилиб тўғри кестирма усулидагидек ишланади. Шундан сўнг асбобни С га ўрнатиб, чамалаб марказлаштирилади ва кипрегель “са” бўйича йўналтирилади. Чизғичнинг қиррасини “в”га қўйиб, жойдаги В нүктега қараб чизилган чизиқнинг “ас” билан кесишув нүқтаси С бўлади. Топилган тахтадаги с нүқта жойдаги С га марказлаштирилади.

Геометрик тўр, жойда юқорида кўрсатгандек ясалиб, бир неча шакллардан иборат бўлади (IX. 14-шакл).

Баъзи ҳолларда жой рельефи ва тафсилотларини тасвирлов қилишда белгиланган таянч нүқталар етарли бўлмайди. Бунда кўшимча нүқталар танланади, уларга ўтиш нүқталари дейилади. Ўтиш нүқталарининг тахтадаги ўрни (проекцияси) кестирма, Потенот масаласини ечиш ва ҳ.к. усуллари билан, баландлиги эса тригонометрик нивелирлаш усули билан аниқланади.




IX.14-шакл

Ловдагидек баландлик белгилар ҳисобланади.

Тафсилот ва рельеф нүқталарини тасвирлов қилиш

Мензула А нүктага ўрнатилиб иш ҳолатига келтирилгач, йўналтирилади. Асбоб баландлиги ўлчанади. Тахтагадаги шаффооф қоғозда белгиланган “а” нүкта ватманга ўтказилади ва унинг атрофидан 5—6 см радиусда шаффооф қоғоз кесиб олинади. Очилган ватман қоғозда “а” нүкта белгиланади.

Тафсилот нүқталарини 1, 2, 3... (IX. 15-шакл) тасвирлов қилиш учун йўнилган қиррани “а”га кўйиб 1-нүқтадаги рейкага кипрегель қаратилади, дальномер иплари бўйича рейкадан саноқ олиб, масофа аниқланади. Йўнилган қирра бўйича ўлчанганди масофа масштабга қараб қўйилади. Рельеф нүқтасини (IX. 15-шакл 5, 6, 7, 8 нүқталар) туширишда



IX.15-шакл

юқоридаги ўлчашдан ташқари әгри чизик бўйича нисбий баландлик (КН кипрегелида) ёки тик доира саноғи олинади. Тасвирлов билан бир вақтда махсус журналда рельеф ва тафсилот нуқталари номерланиб, баландлик белгилари ҳисоблаб борилади ва тегишлича ватманга ёзилади. Тафсилот нуқталари жойнинг тузилишига қараб туташтирилади, рельеф нуқталари баландлик белгилари бўйича интерполяцияланниб жойнинг рельефи горизонталлар билан тасвирланади. Худди шу тарзда А нуқта атрофидаги барча тафсилот ва рельеф нуқталари ватманга туширилади.

А нуқтада тасвирлов тугагач, кейинги нуқтага асбоб кўчирилади ва иш юқоридагидек тақрорланади.

Тарҳ тахеометрик тасвирлов тархи каби расмийлаштирилади. Бундан ташқари, “Баландлик шаффофи” қофозига жойдаги тафсилотлар ва баландлик белгилари кўчирилади.

Мензула тасвирловининг афзалиги шуки, тарҳ далада чизилиб, тафсилотлар ва рельефни тасвирлашда унчалик хатога йўл қўйилмайди.

Мензула комплектида нарсалар кўп ва ҳажми катта бўлгани туфайли далада олиб юриш нокулайлиги, дала ишларини об-ҳавога боғлиқлиги, ҳамда тасвирлов ва ҳисоблаш ишлари кам автоматлаштирилганлиги мензула тасвирловининг камчиликларидир.

IX. 7. ЮЗАНИ НИВЕЛИРЛАШ, УНИНГ МОҲИЯТИ ВА ИШЛАШ ТАРТИБИ

Юза нивелирлаш ишлари жой рельефи унчалик яққол ифодаламайдиган ҳолларда, жой тарҳини аниқ тасвирлов қилиш ва уни йирик масштабларда горизонталлар билан тасвирлаш керак бўлган ҳолларда бажарилади. Бунинг учун аввал маълум чизма асосида жойда нуқталар белгилаб чиқилади. Кейин нуқталарнинг тарҳдаги ўрни аниқланади. Геометрик нивелирлаш усули билан нуқта баландлиги ҳисобланади. Жойдаги тафсилотлар тасвирлов қилинади. Нуқта баландлик белгилари бўйича горизонталлар ўтказилиб, тарҳга барча тафсилотлар тушурилади. Шундай қилиб юзалар нивелирлашда бурчак ўлчаш тасвирлови ва геометрик нивелираш асосида жой тарҳи олинади. Бу тасвирлов асосан катта қурилиш майдонларида, станция, темир йўл ўтиш жойлари, саралаш станциялари қурилишида, аэропорт, автостанциялар, шаҳарлар қурилиши, ботқоқликларни қуритиш ва ерларга сув чиқариш каби ишларда қўлланилади.


Жой рельефининг тузилиши, тасвирлов қандай мақсадга мүлжалланганлигига ва геодезик асбобларнинг мавжудлигига қараб юзаларни қуида келтирилган усуллар билан нивелирлаш мумкин.

- магистраллар бўйлаб нивелирлаш;
- параллел чизиқлар бўйлаб нивелирлаш;
- квадрат катаклар бўйлаб нивелирлаш.

Юқорида қайд қилинган усуллар айрим ҳолларда биргаликда бажарилиши ҳам мумкин.


Магистраллар бўйлаб нивелирлаш усули жой рельефи яққол ифодаланган ерларда (сой, чўқчи, сув йифилувчи ва айрилувчи чизиқлар) кўлланилади. Бу усулда жойнинг ташки чегараси, сув йифилувчи ва айрилувчи чизиқлар бўйлаб ёпиқ (политон) магистраль йўл ўтказилади. Бу йўл пикетланади. Ёпиқ полигон ичida жой рельефининг характерли нуқталари бўйлаб диагональ йўллар ўтказилади ва улар ҳам пикетланади. (IX. 16-шакл).

Барча пикет нуқталари бўйлаб нивелирланади. Нивелирлаш натижаларини ишлаб чиқишида аввал ёпиқ полигон нуқталари ўзаро тенгланади, сўнгра диагональ йўллар ҳисобла-




IX.16-шакл

a)



б)



IX.17-шакл

нади. Магистраль йўллар бўйича жой тарҳи тузилади, нуқталарга ҳисобланган баландлик белгилари ёзилади ва бу баландлик белгилари бўйича горизонталлар ўтказилади.

Параллел чизиқлар бўйлаб нивелирлаш усули нишаби унча катта бўлмаган ер майдонларида, масалан, ўрмонзор, бутазор ва пахтазорларда қўлланилади. Нивелирлашни турлича олиб борилади:

а) трасса ўтган майдонни тасвирлашда икки пикет орасидаги характеристикулардан кўндаланг кесимлар ўтказиб уларга қозиқлар қоқиласди. Нуқта номерлари каср билан белгиланади. Бунда касрнинг сурати трасса нуқтасини, маҳражи эса, кўндаланг кесимдаги нуқталарни кўрсатади. Нивелирлаш IX. 17а-шаклда кўрсатилганидек бажарилади.

б) бунда жойнинг ташқи чегараси бўйича теодолит йўли ўтказилади, сўнгра бу йўл тарҳга туширилади. Тарҳ ичидаги параллел чизиқлар лойиҳаланади. Кейин бу чизиқлар тарҳдан олинган бурчак ва масофалар бўйича жойга кўчирилади ва қозиқлар билан белгиланади (IX. 17б-шакл).

Ташқи теодолит йўли ва параллел чизиқлар пикетланади. Рельеф ўзгарган жойларга қўшилувчи нуқталар қоқиласди. Бу маълумотлар ҳаммаси абрисга тушурилади. Пикет ва қўшилув нуқталар нивелирланади. Нивелирлаш натижаларини ишлашда аввал ташқи теодолит йўли, сўнгра параллел чизиқлар тенгланади ва баландлик белгилари ҳисобланади.

Юқорида қайд қилинган иккала усулда ҳам нивелирлаш натижалари чизмага ёзилади.

Квадрат катаклар бўйлаб нивелирлаш усули кенг тарқалган усул ҳисобланади. Бу усул асосан текис, очиқ жойларда қўлланилади. Шунинг учун уни алоҳида кўриб чиқамиз.

IX. 7.1. КВАДРАТ КАТАКЛАР БЎЙЛАБ НИВЕЛИРЛАШ

Одатда катта ва рельефи яққол ифодаланмаган майдонлар квадратлар бўйлаб нивелирланади. Бунда майдон квадратларга бўлинади. Тасвирлов масштаби ва куриладиган иншоотнинг турига қараб квадрат томонлари 10—40 м (кичик квадратлар) ва 100—600 м (катта квадратлар) бўлиши мумкин. Бунда майдон аввал катта, сўнгра кичик квадратларга бўлинади. Бунинг учун теодолит IA (IX. 18а-шакл) нуқтага

ўрнатилади. “К” нуқтага эса ола таёқ қўйиб теодолит унга қаратилади. Сўнгра ІК йўналишга перпендикуляр олиб ЙИ йўналиши жойга кўчирилади. Бу йўналишларда кичик квадрат томонлари пўлат ленталар билан ўлчанади, жойда квадрат учлари қозиклар билан маҳкамланади. Катта квадрат томонлари сон ва ҳарфлар билан белгиланади. Шунда ҳар бир кичик квадрат уни чизиқлар кесишган нуқтаси бўлиб, сон ва ҳарфдан иборат ном олади. Агар кичик квадратлар ичида характерли нуқталар бўлса, унда бу нуқталар қўшилувчи сифатида қабул қилинади.

Юзани квадратлар бўйлаб нивелирлашдан аввал қоғозда квадратлар чизмаси, нуқталар номери (номи), станциялар ўрни кўрсатилиб бу чизмага нивелирлашда олинган саноқлар ёзилади.



Квадратлар учларини турли усуллар билан нивелирлаш мумкин. IX. 18а-шаклда юзани нивелирлаш учун ёпиқ нивелир йўли кўрсатилган. Бунда квадратлар сони ва юзанинг катта-кичиклигига қараб станциялар сони танланади. Станциядан нивелирланадиган оралиқ нуқталар сони барча станцияларда бир хил бўлишига ҳаракат қилинади. IX.18а-шаклда D2, Й4, D8 ва B4 и нуқталар боғловчи, қолганлари эса оралиқ нуқта қилиб олинган.

Нивелирлаш йўлини текширишда боғловчи нуқталар орасидаги нисбий баландлик ва улар йиғиндиси топилади.

Йўл бўйича нивелирлаш хатоси $f_h = \sum h$, йўл қўярли хато эса, $f_{h_{\text{нк}}} = 8\sqrt{n}$ ифодалар билан ҳисобланади, бунда n — станциялар сони.

Боғловчи нуқталар, орасидаги нисбий баландиликларни тентглаш, баландлик белгиларини ҳисоблаш X.8-§ да кўрсатилгандек бажарилади. IX.18 б-шаклда I станцияда рейка аввал 1E нуқтага, сўнгра 2E нуқталарга қўйилади ва (a_1, b_1) саноқлар олинади. Кейин рейкаларни 1D, 2D нуқталарга қўйиб тегишлича ($a_1; b_1$) саноқлар олинади. Нивелир II станцияга кўчирилади ва 1d ва 2d нуқталаридан a_2, b_2 саноқлар олинади ва шу тартибда бутун юза нивелирланади. Бунда 1A, 1E, 6A, 6E нуқталар оралиқ, қолганлари эса боғловчи нуқталар ҳисобланади.

Нивелирлашни текширишда икки станцияда туриб боғловчи нуқталардан олинган қарама-қарши саноқлар йиғиндиси ҳисобланади, яъни I ва II станцияларда туриб 1d ва 2d лардан олинган саноқлар йиғиндиси $a_1 + b_1 = a_2 + b_2$ (IX. 7) бўлади.



IX.18-шакл

Йиғиндининг фарқи 5 мм дан катта бўлмаслиги лозим. Нивелирлашдан сўнг, нисбий баландликлар ҳисобланниб, ўртачаси топилади. Улар йиғиндиси нивелирланган йўллар бўйича тенгланади. Боғловчи нуқталар баландлик белгилари тузатилган нисбий баландликлар орқали нуқталар белгилари эса асбоб горизонти ёрдамида ҳисобланади.

Юқорида келтирилган икки усулда ҳисобланган барча баландлик белгилари тарҳдаги квадрат учларига см гача аниқланиб ёзиб қўйилади. Бу баландлик белгилари бўйича маълум кесим баландлиги (h) да горизонталлар ўтказилади. Сўнгра тархга барча тафсилотлар туширилади.

IX. 7.2. БАЛАНДЛИК БЕЛГИЛАРИ БЎЙИЧА ГОРИЗОНТАЛЛАР ЎТКАЗИШ

Берилган икки нуқта баландлик белгиси бўйича горизонталлар интерполяция ёрдамида ўтказилади. Бунда маълум кесим баландлигига икки баландлик белгиси орасидан ўтувчи нуқталар ўрни аниқланади. Бу иш турли усуллар билан бажарилади.

Аналитик усул. Бу усулда квадрат учлари A ва B баландлик белгилари ва томоннинг узунлиги бўйича C ва D баландлик белгили нуқталар ўрнини тарҳда топиш керак бўлади. (IX. 19а-шакл). Шаклда учбурчак $AA_1BCC_1BDD_1B$ лар ўхшашлигидан

$$\frac{d_1}{d} = \frac{h}{H_A - H_B}; \quad \frac{d_2}{d} = \frac{h_2 - h}{H_A - H_B}; \quad \frac{d_3}{d} = \frac{(H_A - H_B) - h_2}{H_A - H_B},$$

бу ифодалардан d_1 , d_2 ва d_3 ларни топамиз.


$$d_1 = \frac{h_1}{H_A - H_B} \cdot d; \quad d_2 = \frac{h_2 - h_1}{H_A - H_B} d; \quad d_3 = \frac{(H_A - H_B) - h_2}{H_A - H_B} \cdot d.$$

Текширишда $d = d_1 + d_2 + d_3$ бўлади. Топилган d_1 ; d_2 ; d_3 масофаларни квадрат томонига қўйиб белгиланса, C ва D баландлик белгили нуқталар ўрни келиб чиқади. h_1 ва h_2 лар аниқланган кесим баландлиги. Аналитик усул кўп вақт ҳисоблашни талаб қиласди. Шунинг учун амалда кам ишлатилади.


Чизув усули билан интерполяция қилишнинг бир неча турлари мавжуд.

а) Катак ёки миллиметровкали қофоз ишлатиб интерполяция қилиш. Бунда миллиметровкали қофоз четига маълум

а)



б)




IX.19a, б-шакл.

h кесим баландлигига олинган параллел чизиқлар четига баландлик белгилар ёзилади. IX. 19б-шакл. Айтайлык, $1A$ ва $2A$ нүкталар оралиғида $h = 20$ см га тенг қилиб горизонталлар үтказиш керак бўлсин. Миллиметр катакли қофоздаги 0,5 см ли чизиқларга 0,2 м кесим баландлигига баландлик белгилари ёзилади. Қофознинг чап томонида ихтиёрий тик чизиқда $1A$ нүқта баландлик белгиси (33,00) га тўғри келадиган горизонтал чизиқда нүқта $1A_1$ белгиланади. Худди шунга ўхшаш миллиметр катакли қофоз ўнг томонида $1A - 2A = d$ кесма қўйилиб $2A$ нүқта баландлик белгиси бўйича $2A_1$ нүқта белгиланади ва $1A_1$, $2A_1$ нүкталар ўзаро туташтирилади. Шунда қия $1A_1 - 2A_1$ чизиқ кесим баландлиги 0,2 м да белгиланган горизонтал чизиқларни кесиб ўтади. Бу нүкталарни $1A_1$, $2A_1$ чизигида топиб, уларни $1A$, $2A$ чизигига

проекцияланади. Шунда 0,2 м га түғри келадиган горизонталлар ўрни 1A – 2A чизиғида тоцилади. Кейин квадратлар томонига 1A нұқтадан бошлаб d_1 ва d_2 масофалар қўйилади ва горизонталлар аниқланади. Нұқталар ўрнининг түғри тошлигандыкка дейдиганда олар 1A – 2A параллелдерди билдириледи.

б) Шаффофф қофоз (восковка) билан интерполяция қилиш. Бунинг учун маълум ўлчамда (квадрат томонларининг узунлиги, кесим баландлиги ва баландлик белгилар фарқига боғлиқ бўлган) шаффофф қофоз олинади ва оралари бир-бирига тенг бўлган параллел чизиқлар чизилади (IX. 19в-шакл). Бу чизиқларнинг ўнг томондаги учларига квадрат учларидаги баландлик белгиларининг энг кичигидан бошлаб энг каттасигача ёзилади. Сўнгра 1A–2A томон устига шаффофф қофоз шундай қўйиладики, 1A уч устига шаффофф қофоздаги 13,0 белгили параллел түғри чизиқ түғри келсин. Шунда 1A га қадам қўйиб босиб турилади. Шаффофф қофозни 2A нұқта баландлик белгисига түғри келадиган параллел түғри чизиқ билан устма-уст тушгунча суриласади ва

б)



IX.19в-шакл

нұқта белгиланади. Шунда 1A–2A томон қатор параллел чизиқларни, яъни 33, 20, 33, 40, 33, 60, 33, 80, 34, 00, 34, 20, 34, 40 баландлик белгиларига түғри келадиган чизиқларни кесиб ўтади. Бу нұқталарни қалькага қалам билан белгилаб, кейин квадрат томонига кўчирилади. Бошқа томонлар ҳам шу тартибда интерполяция қилинади.

Интерполяция қилишда яна бир неча усуллар ишлатилиши мумкин. Квадратнинг ҳамма томонлари интерполяция

қилингандан кейин бир хил баландлик белгили нүқталарни бирлаштириб, горизонталлар ўтказилади. Тафсилотлар туширилади. Тарҳ расмийлаштирилади. Сүнгра тарҳда турли лойиҳавий ишлар бажарилади.

IX. 7.3. ТАРҲДА ЛОЙИҲАЛАШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ.

Ер ишлари лойиҳавий баландлик белгиларини ҳисоблаш.

Тасвирлов қилинган жойни келгусида текислаш учун (горизонтал ёки маълум нишаб билан) нүқталарнинг лойиҳа баландлик белгилари қазилма ва кўтармаларнинг ҳажми ҳисобланади. Одатда, лойиҳа баландлик белгиси сифатида квадрат учларининг ўрта баландлик белгиси қабул қилинади ва қуидагича ҳисобланади:

$$H_o = \frac{4\sum H_u + 2\sum H_q + \sum H_b}{4n}. \quad (\text{IX.7})$$

Бунда: H_u — ички квадрат бурчак учлари (IX. 18a-шаклда — 36 та) баландлик белгиларининг йигиндиси; H_q — четки квадратдаги четки бурчак учлари (IX. 18a-шаклда 24 та); H_b — тўртбурчак учлари (IX. 18a-шаклда 4 та) баландлик белгиларининг йигиндиси; n — квадратлар тўридаги квадратлар сони (IX. 18a-шаклда 49 та).

Лойиҳавий баландлик белгиси аниқлангандан сўнг тарҳдаги баландлик белгилари H_o га тенг нүқталар ўзаро бирлаштирилади, шунда иш баландлик белгилари нолга тенг бўлган чизиқ ҳосил бўлади, бу чизиқ қазилма ва кўтарма чегарасини кўрсатиб, улар чегараси маълум бўёқлар билан белгиланади.

Иш баландлиги ва ҳажмини ҳисоблаш

Лойиҳавий баландлик белги билан квадрат учлари баландлик белгилари фарқи иш баландлик белгилари дейилади. Айирма манфий бўлса, бу қазилма чуқурлиги, мусбат бўлса кўтарма баландлигини кўрсатади. Ишлов ҳажмини ҳисоблашда, аввал ҳар қайси квадратдаги ишлов ҳажми, сўнгра умумийси ҳисобланади. Ҳар бир квадратдаги ҳажм квадрат юзига тенг бўлган призма ҳажмига тенг. Буни ҳисоблашда квадрат учи ишлов баландлик белгиларининг ўртачаси h_o , сўнгра ер ишлови ҳажми W ҳисобланади, яъни

$$h_o = \frac{h_1 + h_2 + h_3 + h_4}{4}, \quad (\text{IX. 8})$$

$$W = h_o \cdot S,$$

бу ерда: S — квадрат юзи (ёки юзнинг бир қисми).

IX. 8. ФОТОТОПОГРАФИК ТАСВИРЛОВ. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Фототопография — геодезия фанининг бир бўлими бўлиб, унда жой суратга олинниб, сурат орқали ҳарита ва тарҳлар тузилади.


Агар жой сурати ерда туриб олинса, ердаги фототопографик тасвирлов (фототеодолит), ҳавода туриб олинса аэротасвирлов деб аталади. Ҳавода туриб тасвирлов қилишда тайёра, вертолёт ва баъзи ҳолларда эса моторлӣ дельтапланлардан фойдаланилади.

IX. 8.1. АЭРОТАСВИРЛОВ ВА УНИНГ ТУРДАРИ

Аэротасвирлов натижасида ҳар хил зонадаги спектрли электромагнит тўлқинлар ёрдамида ҳаводан туриб жой тасвири олинади.

Аэротасвирлов жой тасвирини олишда қўлланиладиган ускуналарга қараб у: аэротасвирлов, электрон аэротасвирлов ва радиолокацион тасвирларга бўлинади.

Аэротасвирлов аэрофотоускуналар (IX. 20а-шакл), электрон аэротасвирлов (IX. 20б-шакл) маҳсус телевизион ёки маҳсус мосламалар, радиолокацион тасвирловда (IX. 20в-шакл) эса, жойдан қайтган электромагнит тўлқинларининг тасвири ёрдамида бажарилади.



IX.20-шакл

Аэротасвирлов натижасида жойнинг сурати олинади. Электрон аэротасвирлов ва радиолокацион тасвирловда жойнинг тасвири электрик сигналлар кўринишида магнит лентасига ёзилади ёки телевизион тасвир кўринишида бўлади.

Аэротасвирлов комбинациялашган ва стереофотопографик тасвирловларга бўлинади. Комбинациялашган жой тафсилотлари аэротасвирлов асосида, рельефи эса мензула тасвирлови асосида чизилади.

Стереофототопографик тасвирловда олинган сурат стереофотограмметрик асбоб билан ишлаб чиқилиб жойнинг харитаси ва тарҳлари чизилади.

IX. 8.2. АЭРОТАСВИРЛОВ ИШЛАРИ


Аэротасвирловда тайёрага ўрнатилган аэрофотоускуна (IX. 21-шакл) ёрдамида ер юзаси ҳаводан суратга олинади ва хоналарда маҳсус жиҳозлар ёрдамида аэросурат ҳосил қилинади.

Аэрофотоускунада (1) да гиростабилизаторли ускуна (2) бўлиб, у аэроускуна ўқини тик ҳолатда ушлаб туради. Ундан ташқари маҳсус жиҳозлар ёрдамида суратлар бир-бирини бўйлама ва кўндаланг бўйича қоплаш ҳамда суратта олишда фотоаппарат объективининг очиқ туриш вақти автоматик равишда таъминланади.


Аэротасвирлов ишлари радиовисотомер ва статоскоп

кўрсатмаларини бир вақтда қайд қилган ҳолда бажарилади. Бунда радиовисотомер суратга олиш баландлигини, статоскоп эса, учиш баландлигида ўзгаришни 1,0 ва 1,5 м хато билан қайд қилиб беради.

Аэрофототасвирлов, суратга олинадиган жойга қараб, бир-бири билан айрим бурчак ҳосил қилувчи ва қопловчи тўғри чизиқли маршрутлар (чизиқли иншоотларда) бўйлаб ва бир-бирини қоп-



IX.21-шакл



IX.22-шакл

ловчи майдон бўйича (давлат миқёсидаги катта қурилишлар учун) бажарйлади. (IX. 22-шакл).

Учиш маршрути бўйича қўшни суратлар бир-бирини бўйлама бўйича (P) ва ёнма-ён турган аэросуратлар эса, кўндалант бўйича (g) қоплаши керак. Одатда $P = 60 - 65\%$, $g = 30 - 40\%$, айрим ҳолларда $P = 90\%$, $g = 66\%$ деб қабул қилинади.

Жойни суратга олиш вақтида оптик ўқнинг туришига қараб, аэрофототасвирлов тарҳий (офиш бурчаги 3° гача) ва перспектив (офиш бурчаги 3° дан ортиқ) бўлади.

Хозирда автомат стабилизатор билан оптик ўқнинг оғиш бурчаги 20^1 гача камайтирилган (IX. 21-шакл).

Кўлланилаётган тўлқин турларига қараб аэрофототасвирлов радиолокацион, иссиқлик (инфрақизил), спектрзонали ва рангли бўлади.

Радиолокацион аэротасвирлов вақтга ва об-ҳавога боғлиқ бўлмасдан, рельефдан ташқари Ернинг геологик ва гидрогеологик тузилишларини ўрганишга имкон беради.

Иссиқлик (инфрақизил) аэротасвирлов (сурат рангли икки қатламли аэроплёнкада олинади) материаллари ер ости сувлари, гидрогеология, Ердаги турли қишлоқ хўжалик экинлари чегараларини, қурилиш материаллари жойлашган ерларни аниқлашда ишлатилади.

Рангли аэрофототасвирлов (сурат рангли учқатламли аэроплёнкада олинади) катта-катта аҳоли яшайдиган жойларда, транспорт йўллари ривожланган, чўл ва тоғли минтақаларда қўлланилади.

Аэротасвирлов ишлари тайёрлов, ҳаводан суратта олиш, уй шароитида суратларни чиқариш ва тайёр материалларни текшириб-топшириш давларидан иборат.

Тайёрлов даврида учишда суратга олинадиган ускуналарни созлаш ва уларни ўрнатиш, аэрофототасвирлов маршрутларини тасвирлов чегаралари ва вақтини белгилаш, аэротасвирлов жойи билан танишиш каби ишлари бажарилади.

Ҳаводан суратта олиш даври асосан ҳаво очиқ ёки булутлар қалин қатламда ва баланд жойлашган кунларга тўғри келиши лозим. Бунда жой белгиланган маршрутда суратлар бир-бирини бўйлама ва кўндаланг бўйича қопланган ҳолда тасвирлов қилинади.


Суратларни чиқариш даврида сурат олинган кассеталар маҳсус жиҳозлар ёрдамида ишланиб, очилтирилади ва мустаҳкамланади. Ҳар қайси аэронегативга ўзининг номери, шифри, жойнинг номи ва тасвирлов вақти ёзилади. Кейин аэронегативлардан кўчирма асбобларда аэросурат кўчирилади. Бу контакт (тамға) дейилади. Контакт тамғаларни тўғрилигини аниқлагандан сўнг, улар тахтада маҳкамланади ва суратга олинади. Олинган суратнинг қофозга туширилгани накидной монтаж репродукцияси дейилади.

Тайёр материалларни текшириб-топшириш даври фотографметрик ишларни ўз ичига олиб, бунда аэросуратлар ишлаб чиқилади ва қилинган ишларга баҳо берилади.

IX. 8.3. АЭРОСУРАТ ВА УНИНГ МАСШТАБИ

Ҳар бир аэросурат фотокамера объективидан ўтувчи нурлар орқали тасвирланган жойнинг проекцияси ҳисобланади. (IX. 23а-шакл).

Жойдаги A , O , B , C нуқталарни аэросуратдаги тасвири a , o , b , c нуқталар бўлади. OS нури аэросурат текислигига перпендикуляр бўлиб, уни фотоускуна оптик ўқи, o нуқтани эса, аэросуратнинг бош нуқтаси дейилади. Суратнинг бош нуқтаси (o нуқта) аэросурат қарама-қарши ётган координата ўқларини қўрсатувчи белгилар кесишган жойи бўлади. (IX. 23б-шакл).



IX.23-шакл

Аэросуратдаги нуқталар ўрнини топишда текисликдаги түғри бурчакли координаталар тизимидан фойдаланилади. Абсцисса X ўқи 1–2, ордината ўқи Y эса, 3–4 түғри чизиқ йўналиши бўйича олинади. Аэросуратда “а” нуқтанинг ўрни $X = o'm'$; $Y = m'm$ координаталар билан аниқланади.

Суратта олиш баландлиги H , кўшни расмлар баландликларининг фарқи ΔH , ва ўқ чизиқ оғиш бурчаги α , ташқи ориентирлаш элементлари дейилади. Аэросуратнинг бош нуқтаси (о) ва аэроаппаратнинг фокус масофаси (f) аэросуратнинг ички ориентирлаш элементлари дейилади.

Аэросуратдаги бир кесма I нинг шунга мос жойдаги чизиқ (L) га нисбати аэросурат масштаби дейилади.

Аэротасвирлов масштаби йирик (1:10000 гача), ўрта (1:10000–1:40000), майда (1:40000 дан кичик) бўлади.

Агар фотокамеранинг оптик ўқи аэросурат текислигига перпендикуляр бўлса ва тайёра ердан бир хил баландликда учса, тасвирлов қилиш аэросурат масштабини ўзгартирмайди, акс ҳолда аэросурат масштаби турили жойда турлича бўлади. Бундай вақтда аэросурат бўйича ўртacha масштаб қабул қилинади.

Тайёра учиш баландлигини бир хилда сақлашда радио-высотомер, статоскоп каби асбоблар хизмат қиласиди.

Радиовисотомер, статоскоп орқали ер юзидағи нуқталар баландлигини аниқлашга аэронивелираш дейилади.

IX. 8.4. АЭРОСУРАТНИНГ БУЗИЛИШИ

Тасвирлов қилинадиган жой рельефи аэросуратнинг оғиши ва тайёра учиш баландлигининг ўзгариши таъсирида аэросуратдаги нуқта проекциялари ўзгарган ҳолда тасвирланади.

Аэросуратнинг оғиши гиростабилизатор билан камайтирилиб ўлчаш ишлари суратлар орасида олиб борилса, нуқта проекцияларининг ўзгаришини эътиборга олинмаса ҳам бўлади.

Тайёра учиш баландлигини ўзгариши нуқта проекцияларини ўзгаришига таъсири қўйидагича ҳисобланади:

$$\delta_n = \psi - \psi_0 = -\psi \frac{\Delta H}{H},$$

ΔH — учиш баландлигининг ўзгариши; H — учиш баландлиги; ψ — суратнинг бош нуқтасидан унинг тасвиригача бўлган масофа.

IX. 5. ФОТОСХЕМАЛАР

Аэросуратларни кетма-кет қилиб бирлаштирилган, тасвирлов қилинган жойнинг бутун тасвирини кўрсатувчи сурат фотосхема дейилади. Фотосхемалар йўлига қараб бир ва кўп маршрутли ҳамда стереоскопик бўлади.

Бир маршрутли фотосхемани монтаж қилиш (йифиш) ёнма-ён турувчи суратларни бирин-кетин жойлаштириш билан бажарилади. Суратларни қоплаш зонасида яққол кўрина-диган чегара (из) танланади ва сурат фанерга жойлаштирилиб, х юк билан бостирилади. Сўнг ёнида турувчи сурат устига қўйилади ва тез букиб яққол кўринадиган из устма-уст туширилади. Сўнг икки сурат юк билан бостирилиб, бўйлама қоплаш чегарасининг ўртасидан қирқилади. Қирқилган фанерга суратлар ёпиширилади. Ёпишириш сурат ўртасидан четига қараб бажарилади. Кейин фотосхеманинг ўртача масштаби унинг камида 4 та нуқтаси орқали аниқланади.

IX. 8.6. АЭРОСУРАТНИ ДЕШИФРЛАШ

Аэросуратга туширилган жойдаги тафсилот, рельеф элементларини, уларнинг сони ва сифатини фотографик тасвирга биноан аниқлаш — дешифрлаш дейилади. Дешифрлаш дала, камерал ва комбинациялашган шароитларда бажарилади.


Дала шароитида дешифрлашда аэросуратдаги тафсилот ва рельеф турлари тасвирини жой билан таққосланади, тасвирга тушмаган нарсалар белгиланади. Далада дешифрлашни нархи қиммат бўлганлигидан, айрим ҳолларда бу иш тайёрада туриб ҳам бажарилади.

Камераль дешифрлашда нарсанинг геометрик шакли ва катта-кичиклиги, ёруғ ва сояларнинг жойлашуви каби ҳоллар орқали аэросуратдаги тасвир жой билан таққосланади. Масалан, аэросуратда қуёшга қараган, қиялик ёруғ ва текис, тескари жой эса хирароқ бўлади. Ўтлоқ ер кулранг, қуруқ жой равshan, ёруғ кўринади.


Комбинациялашган дешифрлашда камерал ва дала ишлари бирга, ўзаро бир-бирини тўлдирган ҳолда бажарилади. Сўнгги йилларда МДҲ мамлакатларида ва чет элларда аэросуратларни дешифрлашни автоматлаштирувчи янги жиҳозлар ва ҳисоблаш техникаси ёрдамида бажарилмоқда.

IX. 8.7. АЭРОСУРАТЛАР БИЛАН ЖОЙНИ ТАСВИРЛАШ

Аэросуратдаги тафсилотлар ва рельефни икки суратга нисбатан аниқлашда стереоскоп ишлатилади. Жой рельефи яққол тасвирланиши учун икки аэросурат (стереожуфт) стереоскоп орқали ёнма-ён кўйиб қарапади. Унда ўнг кўз ўнг томондаги, чап кўз эса чап томондаги суратни кўради (IX. 24-шакл). Аэросуратдаги a , b , c нуқталардан ўтган нурлар ташки кўзгу B_1 ва B_2 ларда синиб, ички кўзгу M_1 ва M_2 ларга тушади, кейин ундан қайтиб чап (S_a) ва ўнг (S_b) кўзга



IX.24-шакл



IX.24-шакл. Стереоскоплар: б) СИД — типдаги; в) интерпетоскоп;
1 — бинокуляр; 2 — сурат кассеталар; 3 — буйлама парралакс винти.

жойдаги рельеф нүкталары *A*, *B* ва *C* нинг фазовий ҳолатини күрсатади. Шу принципга биноан күзгүли стереоскоплар ишланган (IX. 24 б,в-шакллар). Бир хил иккита аэросурат стереоскоп тағига қўйилгандан кейин бош бармоқлар иккала суратнинг бир хил нүктасига қўйилади. Сўнг бармоқлар билан суратлар тасвир бирлашгунча сурилади. Бармоқлар олинниб суратдаги нарсалар ўзаро аниқ бирлаштирилади. Бунда стереоэффект ҳосил бўлади, яъни жой рельефи худди тепадан кўрингандек яқъол тасвирланади. Сўнгра рельефни горизонталлар билан тасвирлаш мумкин. Бу иш маҳсус жиҳозланган хоналарда стереофотограмметрик асбоблар ёрдамида бажарилади.

IX.8.8. СУРАТЛАР БЎЙИЧА НИСБИЙ БАЛАНДЛИКНИ АНИҚЛАШ

Объективнинг маркази горизонтал, фотоаппаратнинг ўқи ва суратга олиш баландлиги ўзгармаган ҳолда олинган икки кўшни аэросуратда *A* нинг *C* нүктага нисбатан баландлигини куйидагича топиш мумкин. (IX. 25-шакл).

$$h = H \cdot \frac{\Delta P}{b + \Delta P},$$

Бунда: H — суратга олиш баландлиги; b — сурат олишдаги базис узунлигининг масштабда олинган қиймати; DP — бўйлама параллакс айримаси. Агар A нуқтанинг икки аэросуратдаги тасвирини n' ва n'' . Синкини эса, m' ва m'' десак, A ва C нуқталарнинг чап P_q ва ўнг P_y суратлардаги абциссаларнинг айримаси A ва C нуқталарнинг бўйлама пиравлақси P дейилади, у қуйидагича топилади:

$$P_A = o^1 n^1 - o^{11} n^{11}, P_C = o^1 m^1 - o^{11} m^{11}$$

айирма эса $\Delta P = P_C - P_A$ ифодасидан аниқланади.

ΔP нинг қиймати маҳсус стереоскопик асбоблар билан 0,02–0,05 мм хато билан ўлчанади.

IX. 8.9. ХАРИТА ТАЙЁРЛАШ УСУЛЛАРИ

Аэрофототасвирлов ишларининг натижаси бўйича жойнинг харитаси ёки тарҳини чизишда фотограмметрия усулларидан фойдаланилади. Ер юзасидаги нарсаларнинг шакли, ўлчами, кўриниши ва ўрнини аэросуратдаги тасвири орқали аниқлаш фотограмметрия дейилади.


Топографик харита чизишда дифференциаллаш ва универсал усуллар қўлланилади.

Дифференциаллаш усулида харита топографик стереометр ва фототрансформаторда фототарҳга асосан чизилади.

Универсал усул билан харита чизишда стереоасбоблар ишлатилиб, бир йўла жойнинг сонли андозалари ясалади.

Стереоасбоблар жойнинг геометрик андозасини ясовчи нурлар боғланишига қараб оптикали, механик, оптикали-механик ва таҳлилий универсал асбобларга бўлинади.

Оптикали-универсал стереоасбобларда (иккиланган проекторлар, мультиплекслар ва стереопланиграфлар) иккита лойиҳаловчи камера ёрдамида аэросуратда жойнинг стереоскопик андозаси ясалади.



IX.25-шакл

Механик асбобларда (стереоавтографлар, стереопроекторлар, стереокартографлар, стереоматрографлар) жойни геометрик андозасини ясовчи нурлар боғланиши таъминланади ва жойнинг стереоскопик андозалари презицион ричаг ва чизгич ёрдамида барпо этилади.

Оптикали — механик асбобларда (фотостерографлар) нурлар боғланиши оптиканый усул билан, стереоскопик модел эса, механизмлар ёрдамида барпо этилади.

Таҳдилий — универсал стереоасбобларда (аналитик плоттерлар) стереожуфтни фотограмметрик усул билан ишлашда жойдаги нуқталарнинг координаталарини ҳисоблаш ва рўйхатга олиш ЭҲМ да бажарилиб, бу маълумотлар топографик харита, тарҳ ва жойнинг сонли андозасини ясашда ишлатилади.

МДҲ да кенг кўламда универсал стереопроектор СПР—3 қўлланилмоқда. Сўнгти йилларда харита тайёрлаш усуллари кенг кўламда автоматлаштирилаяпти. Бу иш асосан уч жараёндан иборат бўлиб, унда харита тузиш учун маълумотларни таъминлаш, маълумотларни мантиқий-математик ишлаб чиқиши (автоматик тузишга мослаш) ва харитани автоматик тузиш мўлжалланган.

Харитани автоматик тузишда ЭҲМ ҳамда маълумотларни ЭҲМ га мос қилиб киритиш ва ундан чиқариш мосламалари ишлатилади. Бунда асосий вазифани ЭҲМ бажаради. Учинчи давр ЭҲМ дан ЕС ЭВМ туркумига кирувчи Ряд—1 ва Ряд—2, Ряд—3, ЕС ЭВМ – 1036, –1046, –1066, –1007 машиналари шулар жумласидандир.

Ундан ташқари харита тузишда автоматлаштирилган картографик система (АКС) лар кенг кўламда ишлатилмоқда.


IX. 8.10. ФОТОТЕОДОЛИТ ТАСВИРЛОВИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Фототеодолит тасвирлови маҳсус фототеодолит билан бажарилади. (IX. 26-шакл).


IX. 26-шаклда фототеодолит Pho Theo 19/1318 нинг фотокамераси келтирилган. У 1 — корпус; 2 — объектив; 3 — ориентирлаш мосламаси; 4 — таглик; 5 — цилиндрик адилак; 6 — сирпангич; 7 — шкалалардан иборат.

Фототеодолит тўпламида фотокамерадан ташқари теодолит ва параллантик бурчакларни ўлчашда базис вазифасини бажарувчи рейка ҳам мавжуд. Булар фототеодолит ўрнатилган нуқта (S_1 , S_2 ва S_3 , S_4) координаталарини аниqlашда ишлатилади.

Фототеодолит тасвирлова бир жой икки нуқтадан туриб суратга олиниб, унинг иккита расми тайёрланади. Асбоб ўрнатиладиган S_1 , S_2 ва S_3 , S_4 нуқталар базиснинг охирги нуқталари дейилади (IX. 27-шакл). Базис нуқталари координаталари улар орқали ўтказилган теодолит йўли орқали аниқланади. Базис нуқталаридан кўринмайдиган ер сатҳи кўшимча белгиланган нуқталар ёрдамида суратга олинаади. Фотокамеранинг оптикавий ўқи базисга перпендикуляр (мейёрий тасвирлов) ва 30° га чап ёки ўнгта оғиши мумкин.




IX.26-шакл



IX.27-шакл

Тасвирлов моҳиятини фотограмметрик координаталар тизимида кўриб чиқамиз (IX. 28-шакл).



IX.28-шакл

Координата ўқлари бошлиниши чап сурат маркази S_1X – ўқи базис S_1 , S_2 йўналишида, Y – ўқи оптиковий ўқ S_1 , M , Z – ўқи эса, X ва Y ўқларига перпендикуляр килиб олинади.

Фотограмметрик координаталар куйидаги ифодалардан аниқланади:

$$X = \frac{X}{f} \cdot Y; \quad Y = \frac{f}{P} \cdot B;$$

$$Z = \frac{Y}{f} \cdot Y.$$

бунда: X , Y – нуқтанинг чап суратдаги координаталари, суратдаги мусбат йўналишдаги ўқлар жойда тескари манфий йўналишда бўлади, B – суратта олиш базиси, $P = X_1 - X_2$ нуқтанинг горизонтал параллакси. Фотограмметрик координаталардан геодезик координаталари ўтища

$$\begin{aligned} X_i &= X_{si} + Y \cos \alpha - X \sin \alpha, \\ Y_i &= Y_{si} + Y \sin \alpha + X \cos \alpha, \\ Z_i &= Z_{si} + Z \end{aligned}$$

ифодалардан фойдаланилади. Бу ерда: α – чап сурат оптиковий ўқининг дирекцион бурчаги; X_{si} , Y_{si} , Z_{si} – чап суратдаги суратга олиш марказининг геодезик координаталари.

Юқоридаги ифодалар асосида маҳсус асбоблар ишланган, улар ёрдамида жойнинг фазовий андозаси яратилади. Бу андозаларда стереоскопик ўлчаш, чизма асбобларини шундай ҳаракатга келтирадики, натижада планшетда жойтафсилотлари ва горизонталлар автоматик чизиб берилади.

X б о б.

ЧИЗИҚЛИ ИНШООТЛАРНИ ҚИДИРУВ ВА ЛОЙИХАЛАШДА БАЖАРИЛАДИГАН ГЕОДЕ- ЗИК ИШЛАР

Х.1. ТЕХНИКАВИЙ НИВЕЛИРЛАШДАГИ ГЕОДЕЗИК ИШЛАР

Темир йўллар ва автомобиль йўллари, канал ва қувурли ўтказгичлар, электр узатиш ва алоқа тармоқлари каби чизиқли иншоотларни лойиҳалаш ва қуриш учун техникавий нивелирлаш ишлари бажарилади. Техникавий нивелирлаш натижасида жойда қуриладиган иншоот ўрни (трассаси) — унинг ўқ чизиги белгиланади. Бунга трассалаш дейилади.

Трассалашда қуйидаги ишлар бажарилади:

- трасса бошланғич нуқтаси (ГКО) жойга кўчирилади ва бошланғич йўналиши белгиланади;
- бурилиш бурчаклари белгиланади ва ўлчанади;
- трасса пикетланади;
- эгри чизиқ асосий нуқталари режаланади;
- бўйлама ва кўндаланг ниверлаш бажарилади;
- трассанинг айрим жойлари (масалан: сунъий иншоот қуриладиган йўл, канал кабилар кесиб ўтган жойлар) тасвирлов қилинади;
- трассанинг маълум масофа оралиғидаги нуқталари давлат геодезик шохобча-пунктларига боғланади;
- дала материаллари ишлаб чиқилади: бунда бўйлама ва кўндаланг кесимлар, трассанинг тарҳи, тўғри ва эгри чизиқлар жадвали, тасвирлов қилинган жойлар тарҳи чизилади.

Х. 2. ТРАССАНИ ЖОЙДА БЕЛГИЛАШ. БУРИЛИШ БУРЧАКЛАРИНИ АНИҚЛАШ


Трасса ўқини жойда белгилаш турли усуллар билан бажарилади. Автомобиль йўли, электр узатгич каби иншоотлари қурилишида жойдаги мавжуд тафсилот нуқталари орқали бурчак, чизиқ-кестириш, қутбий координаталар усуллари ёрдамида трасса жойда белгиланади.

Темир йўл курилишида трасса элементлари (бурилиш бурчаклари ва улар орасидаги масофалар) харитада лойиҳаланган бурилиш учлари координаталарига асосан тескари геодезик масалани ечиш йўли билан топилади. Трассанинг бошланиши (ГКО) ва бошланғич йўналишини жойда белгилаш учун ГКО (A нуқта) ва геодезик пункт координаталарига асосан тескари геодезик масала ечилади. (IX. 1-шакл) ГКО ва q лар орасидаги масофа d , горизонтал бурчак β_q топилади ва жойга кўчирилади.

Бу-1 ва кейинги бурилиш учлари ҳам топилган β ва d лар ёрдамида жойга кўчирилади.

Трассада горизонтал бурчаклар кўпроқ приемлар усули билан ўлчанади (V. 4.§ га қаранг).

Трассанинг бурилиш бурчаги θ ўлчанган β бурчак қиймати орқали ҳисоблаб топилади. Трассанинг ўнг бурчаги ўлчангандан бурилиш ўнгга бўлса, $\theta_1 = 180^\circ - \beta$; чапга бўлса $\theta_2 = \beta - 180^\circ$ бўлади (Х.1-шакл).



X.1-шакл

Дирекцион бурчак билан бурилиш бурчаги орасидаги мувосабат

Трасса томонининг дирекцион бурчаги α_0 ва бурилиш бурчаклари $\theta_1, \theta_2, \dots, \theta_n$ лар берилганда кейинги томонлар дирекцион бурчаклари қуйидагича топилади (IX.1-шакл).

$$\begin{aligned} \alpha_1 &= \alpha_0 + \theta_1 \\ \alpha_2 &= \alpha_1 - \theta_2 \\ &\dots \\ &\dots \\ \alpha_n &= \alpha_{n-1} \pm \theta_n, \end{aligned} \tag{X. 1}$$

яъни кейинги томон дирекцион бурчаги олдинги томон дирекцион бурчагига ўнг бурилиш бурчагини қўшилганига, чап бурилиш бурчагини эса, айрилганига тенг. Буни қуидагича ёзиш мумкин;

$$\alpha_n = \alpha_{n-1} \pm \frac{\theta_y}{\theta_q},$$

ёки

Трассадаги ўлчанган бурилиш бурчакларини текшириш учун (XI.1) ни қуидагича ёзамиш:

$$\begin{aligned}\alpha_2 &= \alpha_0 + \theta_1 - \theta_2 \\ \alpha_n &= \alpha_0 + \sum \theta_y - \sum \theta_q \\ \alpha_n - \alpha_0 &= \sum \theta_y - \sum \theta_q.\end{aligned}$$

Бунда бурчак ўлчашдаги боғланмаслик хатоси қуидагича аниқланади:

$$f_\beta = (\alpha_n - \alpha_0) - \sum \theta_y - \sum \theta_q \quad (\text{X. 2})$$

Агар трассанинг бош ва охирги томонлари азимути ўлчанган бўлса, у ҳолда трассанинг бош ва охирги нуқтасидаги меридианлар яқинлашиш бурчаги y ни эътиборга олиш керак бўлади, яъни:

$$\alpha_0 = A_0 - \gamma_0 \quad (\text{a})$$

$$\alpha_n = A_n - \gamma_n \quad (\text{b})$$

(а) ва (б) тенгликларни (XI. 2) га қўйиб ва $\gamma_n - \gamma_0 = \Delta\gamma$ десак,

$$f_\beta = (A_n - A_0) + \Delta\gamma - \sum \theta_y - \sum \theta_q \quad (\text{XI. 3})$$

бўлади.

Агар трасса шарққа йўналган бўлса, $\Delta\gamma$ минус ишораси билан олинади.

Х. 3. ТРАССАДА ПИКЕТЛАШ. ПИКЕТЛАШ ДАФТАРЧАСИ


Пикетлашда ҳар бир юз метр масофа, жойнинг нишаби ўзгарган нуқтаси (плюсовкалар), бурилиш учлари, эгри чизиқ бош нуқталари қозиқлар билан белгиланади. Юз метр масофаларнинг боши ва охирни пикет нуқталари дейилади. Пикетдаги қозиқлар ер билан баробар, қоровул қозиқлар эса пикетдан 10–15 см олдинда, ердан 10–15 баланд қилиб қоқиласди. Жойдаги характерли – қўшилувчи (плюсовка)

учун қоқыладиган қозиқтарга эса, кейинги пикет номери ва бу пикетдан шу қүшилувчи нүқтагача бўлган масофа ёзib қўйилади. Масалан, ГК 4 + 26 ёзувида ушбу қўшилувчи нүқта 4 пикетдан 26,0 м олдиндалигини кўрсатади.

Пикетлашда чизиқ узунлиги 20 метрли пўлат лента билан ўлчанади. Бунда ўлчаш аниқлиги чизиқли иншоотнинг турига қараб, 1:500—1:2000 бўлиши мумкин. Агар жой нишаби 3° дан ортиқ бўлса, унда ўлчанганд масофага тузатма киритиб ёзилади. Кия жойларда чизиқ узунлитетининг горизонтал қўйилиши, ватерпаслаш усули билан ёки горизонтал рейка ишлатилиб, чуқур жарлик ва дарёлардан ўтишда эса, бевосита ўлчаш қийин бўлган масофани аниқлаш каби йўллар билан топилиши мумкин.

Пикетлаш билан бир вақтда трассанинг ҳар икки томонида жойлашган тафсилотлар тасвирлов қилиниб борилади. Бунда асосан қутбий координаталар, бурчак кестирма ва тўғри бурчакли координаталар усувлари ишлатилади (Х. 2-шакл).

Пикетлаш трассанинг биринчи бурилиш учига етгач, унинг пикет қиймати аниқланади, кейин танланган (берилган) эгри чизиқ радиуси ва ўлчаб (ҳисоблаб) топилган бурилиш бурчаги қийматига асосан маҳсус жадвалдан доираий эгри чизиқ элементлари олинади. (Х. 4-§ га қаранг) Эгри чизиқ бош нүқталарининг пикет ўрни ҳисобланади. Эгри чизиқ бошланиш нүқтаси жойга кўчирилади. Бунинг учун ундан яқин турган пикетдан олдинга ёки орқага тегишли масофа ўлчанади ва қозиқ қоқылади (мисолда, ГК2 дан трасса бўйлаб орқа томонга 17,61 м ўлчаб қўйилган). Кейинги йўналишда БУ—1 дан ГК4 ни жойда белгилашда тангенс чизиги бўйлаб олдинга ГК4—БУ—1ГК+ Д масофа яъни $\Gamma\mathrm{K}4+00-\mathrm{B}\mathrm{U}-1\Gamma\mathrm{K}3+77,28+3,37=26,09$ м қўйилади. Топилган нүқта тангенс чизигида ГК4 ўрнини кўрсатади. Кейинги ГК5 одатдагидек тангенс чизигида юз метрлик масофа ўлчаб жойда белгиланади. Жойда нүқталарни белгилаш билан бир вақтда уларни пикетлаш журналида ҳам кўрсатиб борилади. Пикетлаш журнали миллиметровка қоғоздан ясалади. Унинг эни 12 см ва бўйи 15—20 см бўлади. Ўқ чизиқ— трасса чизиги қизил қалам билан журналнинг ўрта чизигига йўғон қилиб чизилади. Журналга пикет ва қўшилувчи нүқталардан ташқари кўндаланг йўналишдаги нүқталар, реперлар, барча тафсилотлар, жой рельефи (кўз билан чамалаб горизонташларда) кўрсатилади. Одатда пи-



X.2-шакл

кетлаш журналида қўшилувчи нуқталар ўқ чизиқдан ўнг томонда, қолганлари эса чап томонда кўрсатилади. XI. 2-шаклда пикетлаш журналининг икки бети тасвиrlантан. XI. 2-шаклда трасса ГКО дан бошланади. Бунда трассанинг ГКО билан + 60 нуқталарига ўнг томондаги 13-репер чизик кестирима усули билан боёланган, унинг рейка қўйиладиган нуқтаси ва кўриниши тасвиrlантан. Трасса ГК 1 + 40 да сойни кесиб ўтган. Бунда сой тахминан горизонталлар билан ифодаланиб, сув йиғилувчи чизиги йўналиши мил билан кўрсатилган. ГК2 + 50 да трассани тош йўл кесиб ўтган. Ўтлоқ жой чегараси ГКО билан тош йўл оралиғидан ГК 3+77,28 да трасса ўнгга бурилган. БУ-1 да бурилиш бурчаги θ ва эгри чизик радиуси қўйматларига асосан аниқланган доиравий эгри чизик элементлари ёзилган. ГК4 + 60 даги пахтазор ва К5+ 19 даги шийпон чегаралари трассага нисбатан тўғри бурчакли координата усули билан туширилган. Пикетлашда икки томондаги 20 м масофада ётган барча тафсилотлар ўқ чизиққа нисбатан асбоблар ёрдамида, 20—100 м оралиғидагиси эса, чамалаб журналга туширилади. Пикетлаш журнали 1:2000 ли масштабда тузилади.

X. 4. ЭГРИ ЧИЗИҚ ЭЛЕМЕНТЛАРИ. ЭГРИ ЧИЗИҚ БОШ НУҚТАЛАРИ ПИКЕТ ЎРНИНИ АНИҚЛАШ


Эгри чизиқлар иншоотнинг тури ва бурилиш бурчагининг қўйматига кўра турли радиус ва усулда (фақат доиравий чизик ёки доиравий эгри чизик ва ўтиш эгри чизиги билан) ўтказилиши мумкин. Темир йўл ва автомобил йўллари қурилишида доиравий эгри чизик ва ўтиш эгри чизигидан фойдаланилади.

Эгри чизиқни жойга кўчиришда аввал унинг элементлари, сўнг бош нуқталарининг пикет ўрни ҳисобланади. Керак бўлган ҳолларда у мукаммал режаланади. (Х. 4.1-§ га қаранг)

Эгри чизиқ элементларини ҳисоблаш ифодалари. Эгри чизиқ бош нуқталарини белгилаш учун унинг қуйидаги элементлари маълум бўлиши керак (Х. 3-шакл) Х. 3-шаклда $AB = BC = T$ — тангенс, эгри чизиққа уринма, $AO = OC = R$ эгри чизиқ радиуси. AOB учбурчаги-

дан $AB = AO \operatorname{tg} \frac{\theta}{2}$ ёки $T = R \operatorname{tg} \frac{\theta}{2}$ бўлади.

K — доиравий эгри чизиқ узунлиги, у қуйидагича топилади.



X.3-шакл

$$K = \frac{\pi R}{180} \theta \text{ ёки } K = \frac{R}{\rho} \cdot \theta \quad (\text{X. 4})$$

Бунда $\rho = 206265$ сек, ЕВ эгри чизик биссектрисаси, у ΔABO гипотенузаси BO билан эгри чизик радиуси — R орасидаги айрмага тенг, яъни

$$EB = B = OB - R = \frac{R}{\cos \frac{\theta}{2}} - R = R \left(\frac{1}{\cos \frac{\theta}{2}} - 1 \right) \quad (\text{X.5})$$

ёки

$$B = R \left(\sec \frac{\theta}{2} - 1 \right), \quad (\text{X. 6})$$

D — доиравий эгри чизик домери, у, 2 Т билан K орасидаги айрма хисобланади, яъни

$$D = 2T - K. \quad (\text{X. 7})$$

Эгри чизик элементларини хисоблаш.
Мисол. $R = 1200$ м, $\theta = 18^\circ 27'$ бўлганда, жадвалдан $T = 194,89$ м $K = 386,42$ м $D = 3,37$ м, $B = 15,72$ м бўлади.
Агар берилган радиус (R_6) жадвалда бўлмаса, элементлар қиймати $R = 1000$ м учун топилиб, сўнг бу қийматлар 0,001 R_6 га кўпайтирилади.

Эгри чизиқ бош нуқталарининг пикет ўрнини ҳисоблаш.

Айтайлик, биринчи бурилиш учи БУ—1 нинг пикет қиймати ГК3 + 77,28 га тенг бўлсин.

Эгри чизиқ бош нуқталарининг пикет ўрнини топишда бурилиш учининг пикет қиймати, яъни ГК3 + 77,28 м дан тангенс узунлиги 194,89 м ни айирилса, эгри чизиқ бошланиш нуқтаси, яъни ЭБ_{пк} 1+82,39 ва унга эгри чизиқ узунлиги $K = 386,42$ м қўшилса эгри чизиқ охирги нуқтаси ЭО_{пк} 368,81 чиқади. Ҳисоблаш тартиби:

$$\begin{array}{r}
 \text{БУ пк3} + 77,28 \\
 - \quad \text{T} \quad 1 \quad 94,89 \\
 \hline
 + \quad \text{ЭБ пк1} + 82,39 \\
 \hline
 \text{K} \quad 3 \quad 86,42 \\
 \hline
 \text{ЭО пк5} + 68,81
 \end{array} \quad (\text{X } 8)$$

Ҳисоблаш натижасини текшириш учун ЭБ пикет қийматига икки тангенс узунлиги қўшилади ва домер қиймати айрилади.

$$\begin{array}{r}
 \text{ЭБ тк1} + 82,39 \\
 - \quad \text{2} \quad \text{T} \quad 3 \quad 89,78 \\
 \hline
 \text{ПК5} + 72,17 \\
 \\
 - \quad \text{Д} \quad 03,37 \\
 \hline
 \text{ЭО пк5} + 68,80
 \end{array}$$

Икки марта топилган ЭО_{пк} нуқталарининг тенглиги ҳисоблаш тўғрилигини кўрсатади (бунда 1 см фарқ яхлитлашдан келиб чиқади)

X. 4.1. ДОИРАВИЙ ЭГРИ ЧИЗИҚНИ БАТАФСИЛ РЕЖАЛАШ

Чизиқли иншоотларни қуришда эгри чизиқ бош нуқталари оралифи ва маълум кесмаларни ифодаловчи нуқталар билан жойга қўчирилади. Бунда кесма узунлиги шундай танланадики, унда унинг' ва тўғри чизиқ узунлигининг бир-биридан фарқи деярли бўлмасин. Масалан, эгри чизиқ радиуси 500 м дан катта бўлса, кесма 20 м, 500 м дан кичик бўлса кесма 10 м деб қабул қилинади.


Муқаммал режалашда, жой шароитига қараб қуйидаги: түфри бурчакли координаталар, кетма-кет ватар, бурчак-кестирма ва бошқа усуулар күлланилади. Бу усууларни айримлари билан танишамыз.

Түфри бурчакли координаталар усули. Бунда эгри чизикнинг N_1, N_2, N_3 нүқталарини ўрни (Х. 4-шакл) тенг узунлигидаги ёй (K) оралиғида $X_1, Y_1; X_2, Y_2; X_3, Y_3$ координаталар билан аниқланади. Шундай абсцисса “ X ” ўқи деб, тангенс чизиги, ордината “ Y ” ўқи деб унга перпендикуляр чизик OM қабул қилинади. Эгри чизикдаги ҳар қандай нүқта координатаси


$$X_n = R \sin n\varphi, \quad Y_n = 2 R \sin^2 \frac{h\varphi}{2} \quad (X.9)$$

ифодаларидан аниқланади. X_n, Y_n лар жадвалдан R ва K орқали олинади. Режалаш ЭБ ёки ЭО дан бажарилади. M (ЭБ ёки ЭО) нүқтада лента тангенс чизиги бўйлаб тарант тортилади ва X_1 масофа белгиланади. Шу нүқтадан экер ва рулетка ёрдамида тангенсга перпендикуляр қилиб Y масофа ўлчаб N_1 нүқта топилади ва жойда маҳкамланади. Кейинги N_2 нүқтанинг ўрнини топишда M дан X_2 масофа ва унга перпендикуляр қилиб Y_2 масофа қўйилади. Худди шу тарзда муқаммал режалаш доиравий эгри чизик ўртасигача (ЭЎ) давом эттирилади. Баъзи бир жадвалларда абсцисса X ўрнига $K-X$ қиймати берилади. Бунда N_n нүқтанинг ўрнини аниқлаш учун тангенс чизигига K узунлик қўйилиб шу кесманнинг охиридан орқага (M нүқта томон) $K-X$ масофа ўлчаб ва бу нүқтадан перпендикуляр чиқарилиб “ Y ” қўйилади.

Бурчак усулида ЭБ ёки ЭО га теодолит ўрнатилиб, горизонтал доира ва алидада ноллари туташтирилади, сўнгра труба A нүқтага қаратилади (Х. 5-шакл). Лимб маҳкамланади. Алидада бўшатилиб, саноқ θ бурчагига тенг бўлгунча кўриш трубаси айлантирилар, хосил бўлган йўналиш MN_1 бўйича ватар узунлиги қўйилса K нүқта ўрни топилади. Кей-



Х.4-шакл



X.5-шакл

ин алидада бўшатилиб, саноқ 2θ ° бурчагига тенг қилиб олинади. K_2 нуқта ўрнини топишда лента-нинг бир учини K_1 да ушлаб, иккинчи “ b ” узунлигидаги учи MN_2 йўналиши билан кесиштирилади. Шутарзда режалаш давом этади. Бурчакнинг қиймати қуидаги ифодадан топилади:

$$\sin \theta = \frac{b}{2R}. \quad (\text{X. 10})$$

“ b ” ватар узунлиги 10, 20 м қилиб олинади. Бурчак қиймати ҳам R ва “ b ” ларга маҳсус жадвалдан олинади.

X. 4.2. Ўтиш эгри чизиқлари

Трасса бурилганда у тўғри чизиқдан (радиуси ∞) доиравий эгри чизиқда (радиуси маълум қиймат) ва доиравий эгри чизиқдан яна тўғри чизиқда ўтади. Бу ҳолда тўғри ва эгри чизиқларнинг маълум оралифи ўтиш эгри чизиқ билан алмаштирилади, ўтиш эгри чизиқлари транспортнинг (поезднинг) радиуси чексиз бўлган тўғри чизиқди йўлдан маълум радиусли доиравий эгри чизиқ билан қурилган йўлга равон ўтишини таъминлайди.


Ўтиш эгри чизиғининг узунлиги асосан меёрий ва техник кўрсатмаларга биноан белгиланади. Масалан, темир йўл ва автомобиль йўллари ўтказишда унинг узунлиги 20 м дан 160 метргача бўлади. Ўтиш эгри чизиғи “ l ” нинг элементлари m ва p (p эгри чизиқнинг силжиши) қуидаги тенгламалардан топилади (Х. 6-шакл):

$$\left. \begin{aligned} m &= \frac{1}{2} \left(1 - \frac{l^2}{120R^2} + \frac{l^4}{17280R^4} \right) \\ p &= \frac{l^2}{2R} \left(1 - \frac{l^2}{112R^2} + \frac{l^4}{21120R^4} \right) \end{aligned} \right\} \quad (\text{X. 10})$$

Ўтиш эгри чизиги элементларининг орттирмалари T_p ва B_p лар эса

$$T_p = p \operatorname{tg} \frac{\theta}{2}; \quad B_p = p \sec \frac{\theta}{2} \quad (\text{X. 11})$$

ифодалар билан ҳисобланади. Ўтиш эгри чизиги лойиҳаланганда эгри чизиқ маркази “ O ” орттирма Бр қийматига марказга, O' нуқтага ЭБ ва ЭО нуқталари эса, түғри чизиқ томон $m + T_p$ қийматига силжийди (Х. 6-шакл). Бу эса доиравий эгри чизиқ радиусини ўзгартирмасдан сақлааб қолиш-



Х.6-шакл

га имкон беради. Ўтиш эгри чизигини режалаш радиаль спирал (клотоида) чизиги каби бажарилади. Бунда эгрилик унинг узунлигига пропорционал равища (яъни ЎЭБ дан ЎЭО гача) ошиб боради.

Ўтиш эгри чизиқли доиравий эгри чизиқ элементлари қуидагича

$$\begin{aligned} T_y &= T + T_p + m, \quad K_y = K + l; \\ D_y &= D + 2T_p - 2(0,5l - m); \\ B_y &= B + B_p \end{aligned} \quad (\text{X.12})$$

бosh ва охирги нуқталарининг пикет ўрни эса (ЎЭБ, ЎЭО) эса X. 4 да кўрсатилганидек топилади.

Мисол. $\theta = 26^\circ 18'$; $R = 600$ м, $l = 100$ м. Ўтиш эгри чизиқли доиравий эгри чизиқнинг бош ва охирги нуқтала-рини пикет ўрнини ҳисоблаш.

$$\begin{aligned}[1] &— жадвалидан (273 бет) ва (Х. 12) ифодага асосан \\ &\text{Т} \ddot{\text{y}} = 140,18 + 0,16 + 49,99 = 190,33 \text{ м}, \\ &\text{К} \ddot{\text{y}} = 275,41 + 100 = 375,41 \text{ м}, \\ &\text{Д} \ddot{\text{y}} = 4,94 + 2,0,16 - 2(0,5 - 100 - 49,99) = 5,24 \text{ м}, \\ &\text{Б} \ddot{\text{y}} = 16,16 + 0,71 = 16,87 \text{ м}. \end{aligned}$$

Текшириш:

$$\begin{array}{rcl} - & \begin{array}{c} \text{Б} \ddot{\text{y}}_k \quad 6 + 27,28 \\ \text{Т} \ddot{\text{y}} \quad 1 \cdot 90,33 \\ \hline \end{array} & + \begin{array}{c} \text{Б} \ddot{\text{y}}_{pk} \quad 6 + 27,28 \\ \text{Т} \ddot{\text{y}} \quad 1 \cdot 90,33 \\ \hline \end{array} \\ & + \begin{array}{c} \text{ҮЭБ} \ddot{\text{y}}_k \quad 4 + 36,95 \\ \hline \end{array} & \hline & \begin{array}{c} 8 + 17,61 \\ \hline \end{array} \\ & \begin{array}{c} \text{К} \ddot{\text{y}} \quad 3 \quad 75,41 \\ \hline \end{array} & & \begin{array}{c} 5,24 \\ \hline \end{array} \\ & \begin{array}{c} \text{ҮЭО} \ddot{\text{y}}_k \quad 8 + 12,36 \\ \hline \end{array} & & \begin{array}{c} \text{ҮЭО} \ddot{\text{y}}_{pk} \quad 8 + 12,37 \\ \hline \end{array} \end{array}$$

Демак, ўтиш эгри чизиқли доиравий эгри чизиқ бош нуқтаси ПК 4 + 36,95 да, охири эса ПК8 + 12,37 да экан.

X. 4.3. ПИКЕТ НУҚТАЛАРНИ ТАНГЕНСДАН ЭГРИ ЧИЗИҚКА КҮЧИРИШ.

Эгри чизиқ чегараларида пикет, қўшимча нуқталар тангенс чизигидан эгри чизиққа ўтказилиши керак. Чунки кесимда жойлашган ҳамма нуқта белгилари, йўл қурилиши, транспорт қатнови эгри чизиқ бўйича бўлади. Айтайлик, эгри чизиқ l узунликдаги ўтиш эгри чизиги билан лойиҳаланган. Бунда ўтиш эгри чизиқли доиравий эгри чизиқ нуқта координаталари қўйида келтирилган ифодалардан фойдаланиб топилади:

$$\begin{aligned} K_s &= K + 0,5 l, \\ K_y - X \ddot{\text{y}} &= (K - X) + (0,5 l - m), \\ Y_s &= Y + P. \end{aligned} \tag{X. 8}$$

Бунда: K_s — ўтиш эгри чизиги бошидан пикеттагача бўлган кесма; X_s, Y_s — пикет координаталари; K, X, Y — доиравий чизиқдаги пикет координатаси.

X. 4.2-§ да келтирилган мисолда ЎЭБ ПК4+36,95 ва ЎЭО ПК8+12,36 бўлгани учун шу оралиқда жойлашган ПК 5, 6, 7,


8 ларни тангенс чизиғидан эгри чизиққа үтказиш керак бўлади. Масалан, ПК5 ни үтказишида ЎЭБ ва ПК5 оралиғидаги кесма — K_y , ($\text{ПК5} - \text{ЎЭБ} = \text{ПК5} - \text{ПК4} + 36,95 = 63,05 \text{ м}$) топилади. Сўнгра 5-жадвал [1] (475-бет)дан кесма-63,05 м га тўғри келувчи миқдорлар $K - X = 0,12 \text{ м}$, $Y = 3,30 \text{ м}$ олинади. 9-жадвал (515-бет)дан $m = 49,94 \text{ м}$, $P = 0,69 \text{ м}$ олинса, $X - 8$ — ифодаларга асосан ПК5 ни тангенсдан эгри чизиққа үтказиш учун координаталар топилади.

яъни:

$$K_y - X_y = (K - X) + (0,5l - m) = 0,12 + 50,00 - 49,99 = 0,13 \text{ м}$$

$$Y_y = Y + P = 3,30 + 0,69 = 3,99 \text{ м.}$$

Ҳисобланган қийматлар ПК5 нинг координаталари. Улар Х.7-шаклда кўрсатилганидек жойда эгри чизиқда белгила-нади. (Мисолда ПК5 доиравий эгри чизиқда жойлашган). Агар ПКнуқталари ўтиш эгри чизиғида жойлашса, у ҳолда координаталар 3-жадвалдан олинади.



Х.7-шакл

Х. 5. ТРАССАДА БЎЙЛАМА ВА КЎНДАЛАНГ НИВЕЛИРЛАШ


Трассани техникавий нивелирлашда бир томонламали ёки икки томонлама рейкали ишлатилади.

Нивелирлаш трассадаги барча характерли, (албатта, ҳамма пикетлар) ва кўндаланг кесим нуқталари, доимий ва вақтингча ўрнатилган реперлар орқали бажарилади.

Доимий реперлар трасса бўйлаб 20—30 км да трассанинг катта дарё, тўсиқлар, аҳоли яшайдиган пунктларни кесиб ўтган жойларида, станция ва саралаш пунктлари қуриладиган майдонларга ўрнатилади. Вақтинча ўрнатилган реперлар эса, 2—3 км да белгиланиб, улар электр симёоч устунлари, бино деворларининг пойдевор қисми ва ҳ.к. ларда ўрнатилади. Ҳамма реперлар қурилиш чегараси ташқарисида жойлашган бўлиб, уларнинг тарҳдаги ўрни пикетларга ва жойдаги нарсаларга боғланishi зарур.

Техникавий нивелирлашда боғловчи ва оралиқ нуқталар бўлади. Бир нуқта икки станция учун умумий бўлса, бундай нуқта боғловчи нуқта ҳисобланади. Боғловчи нуқтага бир станциядан қараб олдинги саноқ, ундан кейинги станциядан қараб эса, кетинги саноқ олинади.

Агар нуқтага қараб бир станциядан саноқ олинса, у ҳолда бундай нуқта оралиқ нуқта бўлади. Жойнинг рельефига қараб пикет нуқталар ва қўшилувчи нуқталар ҳам боғловчи, ҳам оралиқ нуқталар вазифасини ўтаси мумкин. Агар икки боғловчи нуқта орасидаги нисбий баландлик рейка узунлигидан катта ($h>1$, 1 — рейка узунлиги) ва жойнинг нишаби бир хил бўлса, нивелирлаш вақтида бу нуқталар орасидаги ихтиёрий битта ёки бир нечта X (икс) нуқталар белгиланади. Бу нуқталар сунъий боғловчи нуқталар дейилади. X — нуқталар ўрни жойда белгиланмайди, кесимда эса кўрсатилмайди. (X . 8-шаклда ПК 5 ва ПК6 лар оралиғида X_1 нуқта олинган). Бўйлама нивелирлаш қуидаги тартибда олиб борилади. (X . 8-шакл, 14-жадвалда 1 ва 11 станцияларда ни-



Х.8-шакл

Техниканык нивеллрлаш журналы (ишик тоюндан рейка шилдешмасы)

Станицалар номери	Пикетлар номери	Рейкалан үчитган саноңдар м.м			Нисбий баландлик, м.м		Тұзатқан мәсаби баландлик, м.м	Тұзатқан нисбий баландлик, м.м	Асбоб горкөнти, АГ	Баландлик белгілари, Н, м
		кейинги	оралық	один- ғы	хисобланған	ұртаса				
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
	Rn13	1813(1) 6501(6)								413,725
I	ПКО +60			1615(2) 410(3)						415,538
	ПК1 5106(20)	416(10) 1912(4)			-0099(7) 6598(5)	-0098(9) -0097(8)	+9	0090	-	413,923
										415,128
	+35			1020(11)					414,051	413,635
	+40			3615(12)						413,031
	+47			2140(23)						410,436
										411,911

Давоми

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
ПК1+40, күндалант кесим									414,051	
	+13			1610(14)						412,441
	+25			2220(15)						411,851
II										
чапта										
	+20			1410(16)						412,641
	+26			3140(17)						410,911
ПК2					1316(18)					412,738
					-0900(21)					
					6002(19)	2896 (20)		+1		
							-0898(23)	-0897		

велирлаш тартиби келтирилган. Нивелир 1-станцияга ўрнатилади. Сўнгра орқадаги рейкаси рейкани Рп 13 га қўяди, қора томонидан саноқ (1) олинади, олдиндаги рейкани эса, аввал барча оралиқ нуқталарга рейка қўяди ва қора саноқлар (2) ва (3) ва охирида, ПК 1 дан олдинги қора саноқ (4) олинади. Бу саноқлар тегишлича журналнинг 3—5 устунларига ёзилади. Сўнгра Рп13 билан ПК 1 да турган рейкачилар рейканинг қизил томонини нивелирга ўтирадилар ва олдинги ПК 1 дан (5) ва кейинги Рп13 дан (6) саноқлар олинади. Ҳисоблаб топилган нисбий баландликлар фарқи кўпи билан 10 мм бўлса, саноқлар тўғри олингани тасдиқланади (журналда 7-ва 8-иш тартиблари). Нивелирлашда рейкаларнинг қизил томонларида бошланғич штрихлар қийматларининг фарқини ҳисобга олиш лозим. Мисолимизда иккала рейканинг қизил томонларида бошланғич штрихлар қийматлари бир-бира тенг. II станцияда ҳам худди шу тартибда нивелирланган. (Журналда қавс ичида рейкадан саноқ олиш тартиблари кўрсатилган).

Нивелирлаш журналнинг ҳар бир бети, албатта кейинги нуқта саноғидан бошланиб, олдинги саноғида тугалланиши лозим. Шундай ёзилганда журнални ишлаб чиқиши, уни бет-ма-бет текшириш ишлари кулай ва тартибли бўлади.

Журналдаги ёзувлар (сонлар) яққол, шрифт ёзишдаги ГОСТ лар асосида бўлиши шарт. Нотўғри олинган саноқлар устидан чизиб, тўғриси кейинги қатор ёзилиши керак. Нивелирлашда олинган саноқларни тузатиш ман қилинади. Иш кунининг охирида нивелирлаш албатта, вақтингча ёки доимий реперда ёки (жойда яхши белгиланган) учта ёки тўртта олдинги нуқталарда тутатилиши лозим. Кейинги куни нивелирлаш шу нуқталардан бошлади. Бунда олдинги ва кейинги куннинг ҳисобланган фарқи нисбий баландликлар фарқи 5 мм дан кам бўлиши керак. Шунда бу нуқта кейинги кунга нивелирлашда боғловчи нуқта сифатида қабул қилинади.

Техникавий нивелирлашда фойдаланиладиган рейкалар адилаксиз бўлганилиги сабабли саноқ олишда рейкани астасекин ўзидан ва ўзига тебратиб энг кичик саноқ олинади.

Кўндаланг нивелирлаш. Одатда кўндаланг нивелирлаш бўйлама нивелирлаш билан бир вақтда ёки алоҳида бажарилиши мумкин. Бунда кўндалангликдаги характерли нуқталарни, имкон борича, битта станцияда туриб нивелирлаган маъқул. Бироқ кўпгина ҳолларда рельефнинг но-

текислиги бунга имкон бермайди. Бундай ҳолларда күндаланг нивелирлаш албатта, трассадаги боғловчи нұқталардан бошланиб, уларда тамом бўлиши зарур. Бу эса күндаланг нивелирлашни текширишга имкон беради. X. 8-шаклда ПК 1 + 40 да күндаланг кесим нұқталарини нивелирлаш чизмаси келтирилган. Бунда II станцияда күндалангликдаги нұқталарнинг аввал ўнг томондагилари (+13, +25), сўнгра чап томондагилари (+20, +26) нивелирланган. Бу саноқлар журналнинг 4-устунига ёзилган.

Станциядаги нивелирлашни тўғрилиги икки нұқта орасидаги нисбий баландликни икки марта топиш билан аниқланади (журналга қаралсин), яъни $(7) = (4) - (1)$
 $(8) = (5) - (6)$

бўлади. Бундан $(7) - (8) \leq 10$ мм бўлиши шарт. Иккинчи станциядаги нисбий баландликлар

$$(21) = (18) - (10)$$

$$(22) = (19) - (20)$$

бўлади. Бундан $(21) - (22) \leq 10^x$ мм бўлиши шарт. Ўртача нисбий баландликлар тегишлича $(9) = \frac{1}{2}[(7) + (8)]$ ва
 $(23) = \frac{1}{2}[(21) + (22)]$ бўлади.

* Икки марта ҳисобланган нисбий баландлик чекли хатодан ошибб кетса, у ҳолда станцияда нивелирлаш бошқа усууллар билан такрорланади.

X. 5.1. НИВЕЛИРЛАШ ЙЎЛИНИ ТЕКШИРИШ

Бўйлама нивелирлаш тўғри бажарилганлиги қуйидаги усууларнинг бири билан текширилади.

1. **Ёпиқ йўл бўйига нивелирлаш.** Бунда нивелирлашга бирор нұқтадан (масалан, трасса бошланишида вақтингча ўрнатилган репердан) бошланади ва яна шу нұқтада туталланади. Нивелирлаш йўли ёпиқ бўлганлиги учун нисбий баландликлар назарий йифиндиси нолга teng бўлиши шарт.

$$\Sigma h = 0$$

Бироқ, амалий йифиндидан нивелирлаш хатоси келиб чиқади. У қуйидаги $f_h = \Sigma h$ тенгликдан аниқланади.

2. **Репердан-репергача ёки маркадан-маркагача нивелирлаш.** Бунда нивелирлаш йўли бирор (бошланғич) репер ёки маркадан бошланиб, иккинчи бир (охирги) репер ёки мар-

када тугалланади. Агар биз бошланғич нүктанинг абсолют баландлигини H_6 ва охиргисиникини эса, H_o десак, у ҳолда нивелирлаш йўлидаги нисбий баландликлар назарий йифиндиси, абсолют баландликлар айирмасига teng бўлиши шарт.

$$\Sigma_h = H_o - H_6$$

Бироқ, амалда турли хатолар содир бўлиши туфайли нивелирлаш хатоси

$$f_h = \Sigma h - (H_o - H_6)$$

бўлади.

3. Тўғри ва тескари йўналишларда нивелирлаш. Бунда трасса бўйлаб ва унга тескари йўналишда икки қайта нивелиранади. Тўғри ва тескари йўналишларда нивелирлаш аниқланган нисбий баландликлар ($\Sigma h_{t\ddot{y}r}$, Σh_{tec}) абсолют қийматлари бўйича ўзаро teng бўлиши шарт.

$$|\Sigma h_{t\ddot{y}r}| = |\Sigma h_{tec}|$$

Бироқ улар бир-бирига teng чиқмайди, бунда нивелирлаш хатоси нисбий баландликлар алгебраик йифиндисидан топилади.

$$f_h = |\Sigma h_{t\ddot{y}r}| - |\Sigma h_{tec}|$$

4. Икки нивелир билан нивелирлаш. Бунда трасса иккита нивелир билан кетма-кет ёкӣ ёнма-ён туриб нивелиранади. Биринчи нивелир билан трасса бўйлаб барча боғловчи ва оралиқ нуқталарни, иккинчиси билан фақат боғловчи нуқталар нивелиранади. Икки нивелир билан ҳисобланган нисбий баландликлар назарий йифиндиси ўзаро teng бўлиши шарт:

$$\Sigma h_1 = \Sigma h_2$$

Улар нивелирлаш хатоси даражасида фарқ қиласи.

$$f_h = \Sigma h_1 - \Sigma h_2$$


Нивелирлаш йўли чекли хатоси f_{hq} нивелирлаш классига боғлиқ бўлади. Масалан, техникавий нивелирлашда $f_{hq} \leq 50\sqrt{L}$ мм; автомобил йўли трассасини нивелирлашда

$f_{h_n} \leq 100\sqrt{L}$ мм; III класс нивелирлашда $f_{h_n} \leq 10\sqrt{L}$ мм бўлиши шарт. Агар нивелирлаш йўли репер ёки маркадан бошлиниб, бир томонга икки қайта нивелирланадиган бўлса, унда $f_{h_q} \leq 50\sqrt{L} \cdot \sqrt{2} \approx 70\sqrt{L}$ * бўлиши шарт. Бу ерда L нивелирлаш йўли узунлиги, км.

X. 6. ТУРЛИ ТЎСИҚЛАР ОРҚАЛИ НИВЕЛИРЛАШ

Жойнинг рельефи ва шароитига қараб, трасса турли тўсиқлар (жарлик, қиялиги катта бўлган жой, сой, дарё ва х.к.)ни кесиб ўтиши мумкин. Бундай жойларни нивелирлаш учун куйидаги усуллардан фойдаланилади.

Чуқур жарлик орқали нивелирлашда (Х. 9-шакл) нивелир I станцияга ўрнатилади. ПК 10 дан орқа, ПК 10 + 17 дан оралиқ ва ПК II дан олдинги саноқлар икки марта олинади. Бу билан жарликнинг икки чети бир-бири билан боғланади. Кейин, нивелир I станциядан бирин-кетин а, в,



X.9-шакл


* В. С. Редьев “Руководство по техническому нивелированию и высотным теодолитном ходам”. Москва, “Недра”, 1974.

с станцияларга күчирилади. Бунда а станцияда туриб күшимиша +17, +27, +56, +69 нуқталар, в-станцияда туриб +27, +33 нуқталар ва С-станцияда туриб +33, +40, +48 нуқталар нивелирланади. Оралиқ +17 нуқтанинг баландлик белгиси ҳисобланади. У маълум бўлгани ҳолда қолган кўшимча нуқталар баландлик белгилари шу нуқта орқали топилади.

Нивелирни II станцияга ўрнатиб, ПК 10 ва ПК 11 лардан иккинчи марта саноқлар олинади ва икки қайта нивелирлаш натижаларидан нисбий баландликнинг ўртача қиймати олиниб, баландлик белгилари ҳисобланади.

Қиялиги катта бўлган жойларда нисбий баладликни ветарпаслаш усули билан аниқланса ҳам бўлади (Х. 9б-шакл). Бунда горизонтал ва тик рейкалар ҳамда ватерпас ёрдамида чизиқ узунлигининг горизонтал қўйилиши (d_1, d_2, \dots, d_n лар) ва нисбий баландликлари (h_1, h_2, \dots, h_n лар) аниқланади. Шунда AB чизиқнинг узунлиги $d = d_1 + d_2 + d_3 + d_4$ ва A, B нуқталар орасидаги нисбий баландлик $h = h_1 + h_2 + h_3 + h_4$ бўлади.

Дарё орқали нивелирлашда (Х. 9в-шакл) аввал A ва B нуқталардан 10—20 м узоқликда I ва II станциялар белгилаб олинади. Бунда масофа $BII-AI$, $BI=AI$ бўлиши шарт. Нивелир I станцияга ўрнатилади. Сўнгра A ва B нуқталарга рейкалар қўйиб, уларнинг икки томонидан a_1, a'_1, b_1, b'_1 саноқлар олинади. Кейин нивелир II станцияга кўчирилади, кўриш трубасининг фокусировкасини ўзгартиргмаган ҳолда A нуқтадан a_2, a'_2 лар ва B нуқтадан b_2, b'_2 саноқлар олинади. Нисбий баландлик икки қайта ҳисобланади:



$$h_{\text{ырт}} = \frac{(a_1 - b_1) + (a'_1 - b'_1)}{2},$$

$$h'_{\text{ырт}} = \frac{(a_1 - b_2) + (a'_2 - b'_2)}{2},$$

$h_{\text{ырт}}$ ва $h'_{\text{ырт}}$ лар фарқи 100 м масофа учун 10 мм дан ортиқ чиқмаса нисбий баландлик

$$h = \frac{h_{\text{ырт}} + h'_{\text{ырт}}}{2}$$

бўлади.

Дарё узунлиги 300 м дан ортиқ бўлган ҳолларда нивелирлаш ишлари маҳсус дастурлар асосида бажарилади.

X. 7. НИВЕЛИРЛАШНИНГ КАМЕРАЛ ИШЛАРИ

Трасса нуқталари баландлик белгиларини ҳисоблаш

Нивелирлаш журналини ишлаш асосан уни бетма-бет текширишдан бошланади. Бунда қуйидаги тенгликлар ҳосил бўлиши лозим.

а) нивелирлашда бир томонламали рейкалар ишлатилган бўлса:

$$\begin{aligned} h_1 &= a_1 - b_1 = H_2 - H_1 \\ h_2 &= a_2 - b_2 = H_3 - H_2 \\ &\dots \dots \dots \\ &\dots \dots \dots \\ \Sigma h &= \Sigma a - \Sigma b = H_n - H_1 \end{aligned}$$

бу ерда: H_n , H_1 журналнинг бир бетидаги нуқталар баландлик (охирги нуқта H_n билан бош нуқта — H_1) белгилари:

Σa , Σb шунга ўхшаш кетинги ва олдинги саноқлар йиғиндиси.

б) Нивелирлашда икки томонламали рейкалар ишлатилган бўлса,

$$\frac{1}{2} (\Sigma a - \Sigma b) = \frac{1}{2} \Sigma h = \Sigma h_{\text{ырт}} = H_n - H_1$$

в) нивелирлаш асбоб горизонтини ўзгартириш усули билан бажарилган бўлса,

$$\frac{1}{2} (\Sigma a - \Sigma b) = \Sigma a_{\text{пр}} - \Sigma b_{\text{пр}} = \Sigma h_{\text{пр}} = H_n - H_1$$

Нивелирлаш журнали бетма-бет текширилганда оралиқ ва күндаланг кесим нүқталари саноқларига тегилмайди.

Журнал бетма-бет текширилгандан сүнг йўл бўйича нисбий баландликлар Σh жамланади ва нивелирлаш хатоси f_{ha} X. 5.1§ да келтирилган ифодаларнинг бири билан аниқланади. Сўнгра ҳисобланган чекли хато f_{h^*} билан солиштирилади.

Агар $f_{ha} \leq f_{h^*}$ бўлса, унда нивелирлаш йўли турли усуллар билан тенгланади ва боғловчи ҳамда қўшилувчи нүқта баландлик белгилари ҳисобланади.

Нивелирлаш йўлини нисбий баландликлар бўйича тенглашда нивелирлаш йўлининг хатоси f_{ha} нисбий баландликлар сонига пропорционал қилиб тескари ишора билан тарқатилади. Бунда тузатма Δh аввал 0,5 мм ли нисбий баландликларга, сўнгра қолганларига 1 мм аниқликда тақсимланади. Кейин боғловчи нүқталар баландлик белгиси куйидагича ҳисобланади.

$$H_h = H_{n-1} + h + \Delta h$$

Ҳисобланган охирги нүқта (H_n) билан бош нүқта (H_1) лар айирмасида тузатилган нисбий баландликлар йиғинди-сига тенг бўлиши шарт, яъни

$$H_n - H_1 = \Sigma h^*$$

Оралиқ нүқта баландлик белгилари асбоб горизонти орқали топилади.

$$H_{\text{оп}} = H_i - C.$$

Бунда H_i — олинган оралиқ нүқта станциясида асбоб горизонти,

C — оралиқ нүқтадан олинган саноқ.

Агар ушбу станцияда бир неча оралиқ нүқта нивелирланган бўлса, улар баландлик белгиларини топишда ҳар қайси оралиқ нүқтадан олинган саноқ ҳар гал шу станциядаги асбоб горизонтидан айирилади.

Нивелирлаш йўлини баландлик белгилари бўйича тенглашда боғловчи нүқта белгилари нисбий баландликлар бўйича ҳисобланади. Шунда охирги репернинг ҳисобланган баландлик белгиси (H_x) унинг берилган баландлик бел-

гиси H_6 га тенг чиқмайды. Бундай ҳолда нивелирлаш хатоси f_{ha} қуидагича аниқланади.

$$f_{ha} = H_x - H_6$$

Бу нисбий хато чекли хато f_{hv} дан кичик ёки унга тенг бўлганда ҳисоблаб топилган баландлик белгиларни тенглаш учун f_{ha} қиймати уларнинг сонига пропорционал қилиб, тузатма тарзида тескари ишора билан тарқатилади. Масалан, 1 мм хато икки баландлик белгига тўғри келади, дейлик. Шунда беш нуқта баландлик белгисидан кейинги икки баландлик белги 1 мм га, ундан кейинги иккита баландлик белгиси 2 мм га, кейинги яна 2 та баландлик белгилари эса, 3 мм га ва ҳ.к. ларга тузатилади.

Тузатилган баландлик белгилари орқали аввал асбоб горизонти топилади, кейин эса оралиқ нуқталар баландлик белгилари ҳисобланади.

X. 7.1. § БЎЙЛАМА ВА КЎНДАЛАНГ КЕСИМЛАР ЧИЗИШ

Бўйлама кесим келгусида қуриладиган чизфий иншоот ўқ чизиги ўтадиган жойнинг тик кўринишидир. Бўйлама кесим нивелирлаш ва пикетлаш журнallари асосида миллиметрли қофозга тузилади. Кесим масштаби иншоотнинг турига қараб турлича бўлади. Масалан, темир йўл қурилишлари учун горизонтал масофалар масштаби 1:10000 ва тик масофалар масштаби 1:1000, автомобиль йўллари қурилишлари учун эса, тегишлича 1:500 ли масштабларда кесимлар тузиш қабул қилинган. Шаҳар ва саноат корхоналари учун қуриладиган сув ўтказгич ва ахлат қувурлар ва кесимлари йирик масштабларда, яъни горизонтал ва тик масофали масштаби 1:500—1:1000 ҳамда 1:50—1:100 ли қилиб тузилади. Бўйлама кесим тузища миллиметрли қофознинг остки қисмидан 8—10 см жой қолдириб бош горизонтал — пикет чизиги, чап томонидан эса 5 см очиқ жой қолдириб катаклар тўри номлари учун тик чизик чизилади.

Катаклар тўри ясашда бош горизонтал чизиқдан 7 мм юқорида иккинчи чизик чизилади, улар орасига “Масофалар” деб ёзилади (2 катак). Бу чизиқларнинг чизик билан кесишган нуқтасига трассанинг бошланғич нуқтаси ГК номери ёзилади. 2 катакга 1:10000 м масштабда ниве-

лирлаш ва пикетлаш журналларидаги барча пикет ва күшимча нұқталар тик чизиқтар билан белгиланади. Иккى нұқта орасынан пикетлар бүйічә улар ўлчанған қыйматининг фарқы ёзилади. Масалан, ІК 1+35 ни күрсатувчи тик чизиқ билан ІК 1+40 ни күрсатувчи тик чизиқ орасынан уларнинг фарқы, яъни 5(м) деб ёзилади.

Иккى пикет оралиғидеги ёзилған сонларнинг йиғиндинди 100 м га тенг бўлиши керак. 100 м дан кам бўлган пикетларга (кесилған пикетлар) 1 см жой қолдириб, унинг узунлиги шу иккى тик чизиқ оралиғига ёзиб қўйилади (Х. 10-шакл. 10 ва 11 пикетлар оралиғи) Кўндаланг кесим нұқталари бўйлама кесимига туширилмайди.

3-катақ 2-катақдан 13 мм юқорида бўлиб, унга “ЕР баландлик белгилари” деб ёзилади. Бунга нивелирлаш журналидан пикет ва қўшилувчи нұқталарнинг см гача яхлитланған баландлик белгилари тик ҳолда ёзилади. 4-катақ 7 мм бўлиб, унга “лойиҳа чизигининг нишаби” деган сўзлар ёзилади.


5-катақка 4-катақдан 13 мм юқорида “Ер ости қисми четининг лойиҳа баландлик белгилари деб ёзилади. Бу қазилма ёки кўтармадаги лойиҳа баландлик белгилари-дир. 6-катақ 3 мм кенглиқда бўлиб, унга “Кўндаланг кесим турлари” деб ёзилади. Бу катакка кўндаланг кесимлар тури туширилади.

7-катақ 7 мм юқорида бўлиб, унга жойнинг “Муҳандислик — геологик хусусияти” деб ёзилади ва унга геологик маълумотлар туширилади.


8-катақ 20 мм бўлиб, унга “тафсилотлар” деб ёзилади. Бунга пикетлаш журналидан, ўртасидан қызық трасса ўтказиб, барча тафсилотлар, бурилиш учлари ва номерлари (пикет қыймати бўйича) горизонталлар билан ифодаланған рельеф, геологик чуқурча кесимлари туширилади.

Жойнинг ўқ чизиги бўйича кесими 8-катақдан 5—10 см юқорида жойланиши лозим. Бунинг учун миллиметрли қофозни горизонтал йўғон чизиги (8 катақдан 5—10 см юқорида ўтган) баландлик ер белгиларига яқин бўлган белги деб олиниб, у горизонт чизиги сифатида қабул қилинади. Кейин пикет ва қўшимча нұқталари 1:1000 масштабда шартли горизонт чизигига нисбатан 8-катақ горизонтал чизигига тик чизилған ордината чизиқлари ўтказилиб, нұқталар белгилари бўйича уларнинг ўрни топилади. Бу нұқталар ўзаро бирлаштирилса, трассанинг

Темир ўйл бүйләмә
 $M_g = 1:10000$
 $M_b = 1:1000$



кесими



бўйлама кесими ҳосил бўлади (Х. 10-шакл). Кейин кесим чизиги туш билан чизилади.

Бош горизонтал пикет чизиги катаклар тўридан 15 мм пастда горизонтал чизик ўтказиб унга чизик тарҳи деб ёзилади. Бунга трассанинг тарҳи туширилади. Эгри чизиклар ўрни горизонтал чизиқдан 5 мм қилиб пастга (агар бурилиш чапга бўлса) ва юқорига (агар бурилиш ўнгга бўлса) ёй чизик қилиб шартли равишда кўрсатилади. Бунинг учун эгри чизикларни боши ва охирни белгиланган нуқталардан бурчаклари ёй қилиб чизилган тўғри чизиклар чизилади. Эгри чизиклар ўрнини кўрсатган ёйларнинг таги ёки устига эгри чизик элементлари (θ , R , T , K , D , I лар) ёзилади. Эгри чизикнинг бош ва охирини кўрсатувчи нуқталардан бош горизонтал чизиғига перпендикуляр ўтказиб, унга бу нуқталарни иккى ёнидаги пикетдан бўлган масофалари “см” аниқлигига ёзилади. Агар доира-

вий эгри чизиқ ўтиш эгри чизиги билан режаланган бўлса унда эслатмага “эгри чизиқ элементлари жамланган” деб ёзib қўйилади.

Ўқ чизиқ тарҳидан 20 мм пастда горизонтал чизиқда километрлар деб ёзилади. Бунда пикетлаш чизигидан пастга 3,0 см узунликда перпендикуляр чиқарилади ва унинг учига 5 мм ли доирача ясалади. Доирачанинг ўнг ярми қора тушь билан бўялади. Унинг тагига километр номери ёзилади. Одатда километрлар пикет чизиқларига тўғри келади. Агар ўқ чизиқда кесилган пикетлар бўлса, уларни эътиборга олган ҳолда, километрлар 1000 м га тўлдириб белгиланади (Х. 10-шакл). Кўндаланг кесим чизишда миллиметрли қоғозда катаклар тури Х. 10-шаклда кўрсатилгандек тузилади. Кўндаланг кесим масштаби турлича бўлиб, кўпинча 1:200 да чизилади. Бунда масофалар катагига ўқ чизиқдан пикетлаш ва нивелирлаш журналлари асосида тасвирлов қилинган характерли нуқталар тик чизиқлар билан белгиланди. Ер баландлик белгилари катагига тик қилиб нуқталарнинг баландлик белгилари ёзилади. Сўнгра 7—10 см юқорида шартли горизонтдан қабул қилиниб, унга нисбатан кесим чизилади.

“Ер остики қисми четининг лойиҳавий белгилари ва лойиҳавий масофалар” деган катакларга лойиҳа материаллари туширилади. Трассани нивелирлашда юқорида қайд қилинган чизмалардан ташқари, трасса тарҳи (бурилиш учи координаталари орқали) тўғри ва эгри чизиқлар ахборотномаси ва тасвирлов қилинган баъзи бир жойлар тарҳи тузилади.

Тасвирлов асосан трасса тўсиқларни кесиб ўтган жойларда йирик масштабда (1:2000:1:500) турли усувлар билан бажарилади.

X. 8. КЕСИМНИ ЛОЙИҲАЛАШ. БАЛАНДЛИК БЕЛГИЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ

Кесимни лойиҳалашда аввал техникавий шартларни батафсил ўрганиб чиқилади. Лойиҳавий чизиқ иншоотнинг турига қараб турли нишабларда ўтказилади. Х. 10-шаклда асосан лойиҳа чизиги кесим бўйлаб қазилма ва кўтарманинг ҳажми тенглигини ҳамда сунъий иншоотларни баландлик бўйича жойланишини эътиборга олган ҳолда ўтказилган. Бўйлама кесимида ер кесимининг ҳолатига қараб лойиҳа чизиги бир ёки бир неча элементлар-

дан иборат бўлиши мумкин. X. 10-шаклда лойиҳа чизифи 3 та элементдан иборат.

Нишаб i лойиҳа чизифининг охирги нуқта баландлик белгиси H_o дан унинг бош нуқта баландлик белгиси H_e нинг айрмасини масофага нисбати бўлиб, у қуидагича ифодаланаади.

$$i = \frac{H_o - H_e}{d} = \frac{h}{d}.$$

H_o ва H_e лар қийматлари кесимдан чамалаб олинади. Пикет ва нуқталар лойиҳавий баландлик белгилари қуидаги ифодалардан топилади.

$$H_{kn} = H_{kn-1} + 100 \cdot i,$$

$$H_t = H_k + d_i$$

d_i — қўшилувчи нуқтанинг олдинги пикетдан узоқлиги.

Иш баландлик белгилари ер қазиш чуқурлиги (қазилма) ва тупроқ тўкиш баландлиги (кўтарма) ни кўрсатувчи баландлик белгилардир. Иш баландлик белгисини ҳисоблаш учун ер баландлик белгиси H_e дан лойиҳа баландлик белгиси H_n айрилади.

$$h_n = H_e - H_n.$$

Бунда h_n мусбат ёки манфий бўлишига қараб, қазилма ёки кўтарма бўлади, улар шартли горизонт чизигига перпендикуляр қилиб лойиҳа чизигидан 1—2 см масофада тегишлича унинг остига ёки устига ёзилади (X. 10-шакл).


Нолинчи нуқта белгисини ҳисоблаш.

Нолинчи нуқтада қазилма-кўтарма ёки кўтарма-қазилма чегараларида бўлиб, унинг иш баландлик белгиси нолга tengdir (X. 11-шакл). Нолинчи нуқта баландлик белгиси H_o ни ҳисоблашда унинг пикет ёки қўшилувчи нуқталардан узоқлиги “ X ” топилади. Шаклга асосан

$$X = \frac{1}{h_1 + h_2} \cdot h_1;$$

$$l - X = \frac{1}{h_1 + h_2} \cdot h_2$$

$$X + (l - X) = l$$



X.11-шакл

Текшириш

$$H_o = H_{\text{кн}} - i \cdot X \text{ ёки } H_o = H_b - i(l - X).$$

Икки марта ҳисобланган H_o нинг тенглиги ишнинг тўғрилигидан далолат беради.

Кесимда дала ишларига тегишли чизиқ ва сонлар қора, лойиҳавийларига тегишлиси эса, қизил тушь билан чизилади.

X. 9. ПОЛИГОН ЁКИ ТРАССА НУҚТАЛАРИНИ ДАВЛАТ ГЕОДЕЗИК ПУНКТЛАРИГА ТАРҲИЙ ВА БАЛАНДЛИК БҮЙИЧА БОҒЛАШ

Геодезик ишларни бир тартибда олиб бориш, уларни мунтазам текшириш мақсадида полигон ёки трасса ўқ чизиғи нуқталарининг координаталари ва баландлик белгилари давлат геодезик пункти координаталари ва баландлик белгилари асосида ҳисобланади. Ҳисоблаш учун полигон бир томонининг йўналишини аниқлаш, нивелирлаш, бурчак ўлчаш ва бошқа геодезик ишлари бажарилади. Бу ишларни тарҳий ва баландлик бўйича геодезик боғлаш дейилади. Пунктнинг нуқтага нисбатан жойлашуви, иш олиб бориш талабига қараб боғлаш ишлари турлича бажарилади. Масалан, трасса ёки ёпиқ полигон бирон нуқталари координатаси ва томон йўналиши давлат геодезик пунктларига боғланиб аниқланади: агар очик полигон бўлса, бош ва охирги нуқта координаталари ва томон йўналиши аниқланади. Боғлашда турли ҳоллар учраши мумкин.

І ҳол. A нуқтадан P пунктгача бўлган оралиқ унча узок эмас ва ўлчаш учун қулай (Х. 12-шакл). Бунда q ва A нуқталарида тегишлича β_q , β_A горизонтал бурчаклар, масофа d эса икки марта ўлчанади. Максус дафттарчадан (координаталар каталоги) олинган пункт X_p , Y_p , X_q , Y_q координаталари ва pq нинг йўналиши α_{pq} бўйича qA чизигининг йўналиши, сўнгра унинг орттирмалари ҳисобланади ва A нуқтанинг координаталари аниқланади, яъни;

$$\alpha_{qA} = \alpha_{pq} + \beta_q$$

$$\Delta X_{qA} = d \cos \alpha_{qA}$$

$$\Delta Y_{qA} = d \sin \alpha_{qA}$$


Координаталар қуйидаги ифодалардан аниқланади.

$$X_A = X_q + \Delta X_{qA}$$


$$Y_A = Y_q + \Delta Y_{qA}$$

II ҳол. q — нүктадан A гача оралиқ узоқ ёки ўлчаш учун нокулай, P, q, A лар бир-бираидан яхши кўринади (Х. 13-шакл). Бунда β_P , β_q , β_A ва β горизонтал бурчаклар ўлчади. Учбурчак PqA да бурчаклар тенгланади:

$$(\beta_P + \beta_q + \beta) = 180^{\circ}00'$$



Х.12-шакл



Х.13-шакл

Координата каталёгидан олинган d_{pq} (ёки ҳисобланган) ва тенгланган бурчаклар билан синуслар теоремаси орқали учбурчак PqA дан d ва d_1 оралиқ топилади. Сўнгра qA чизигининг йўналиши ва орттириналари аниқланади. Кейин A нүктанинг координаталари ҳисобланади.

Тарҳий боғлашда бошқа ҳоллар ҳам учраши мумкин. Масалан, полигон учлари пунктдан узоқ бўлса ва кўзга кўринмаса, боғлаш учун айрим теодолит йўллари ўтказиш тўғри ва тескари кестирма усувлари билан боғлаш мумкин.

Баландлик бўйича боғлашда асосан геометрик, тригонометрик нивелирлаш каби усувлар қўлланилади.

Х. 10. ТРАССАЛАШ ИШЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

Х бобда трассалашнинг дала ва камерал ишларини кўриб чиқилди. Маълум бўлдики, бу ишларга ишчи кучи ва вақт кўп сарфланади. Шунинг учун трассалашда ишларни автоматлаштириш борасида қилинаётган ишлар эътиборга сазовордир. Шулардан:

1. Компенсатор ва горизонтал доиралар НЗ нивелири, дальномерлар ишлатиш, ўлчаш натижаларини перфораторда автоматик ёзиш муҳимдир. Бу натижаларни


ЭХМ га киритиш, уни чизма чизадиган ускунага (графо-построитель) улаб, ускунадан тайёр бўйлама, кўндаланг кесимлар олиш;

2. НЗК нивелири, қўйма ёруғлик дальномерлари билан ўлчаш натижаларини перфораторда ёзиш, бу натижаларни ЭХМ га киритиб, уни автоматик чизма чизадиган ускунага улаш ва ускунадан тайёр кесимлар олиш;

3. Электрооптикавий тахеометрлар, тахеометр автоматлар билан ўлчаш натижаларини перфораторга ёзиш, бу натижаларни ЭХМ га киритиб, уни чизма чизадиган ускунага улаш ва ускунадан тайёр кесимлар олиш.

X. 11. ТРАССАНИ ПИКЕТСИЗ НИВЕЛИРЛАШ

Трасса йўналиши аниқлангандан сўнг тахеометр автомат турадиган станциялар белгиланади (Х. 14-шакл).



Х.14-шакл

Тахеометр — автомат бирон асбоб турадиган нуқтага ўрнатилиди (ст.1). Асбоб иш ҳолатига келтирилиб, унинг баландлиги ўлчанади. Олдинги ва кейинги асбоб турадиган нуқталар ўзаро баландлик бўйича боғланиб, оралиғи икки марта ўлчанади. Сўнгра A_{T+1} дан 2, 3, 4, 5 ва 6 нуқталарга труба қаратилиб, масофалар ва нисбий баландликлар ўлчанади. Нисбий баландлик қуйидагича топилади:

$$h = dtq\gamma + i - l.$$

Худди шунга ўхшаш ўлчаш ишлари асбоб турадиган нуқталарда ҳам бажарилиб, ўлчаш натижалари асосида нуқта баландлик белгилари ҳисобланади. Баландлик бел-


ги ва масофалар ёрдамида кесим ясалиб, пикет нуқталар ва уларнинг баландлик белгилари эса кесимдан ҳисоблаб топилади.

X. 12. ГИДРОМЕТРИК ИШЛАР

Йўл қурилиши учун дарёни трасса кесиб ўтган жойи ва дарё ўзани топографик тасвирлов қилинади. Бу иш ҳавзадаги сув йифилувчи майдон юзини аниқлашга ва дарё бўйича гидрометрик ишлар бажариш учун керак бўлади. Дарё ўзани тарҳини олиш, дарёning кўндаланг кесимини тасвирлов қилишга, дарё ўзани нишабини, сув оқиш тезлиги ва сарфини ҳисоблаб топиш гидрометрик ишлари ҳисобланади. Одатда, тасвирлов майдони бўйлама бўйича 2—3 дарё кенглигига, кўндаланг бўйича юқори сув горизонтидан 1 м баланд бўлган чегарада бажарилади.

Тасвирлов учун асос тармоқлари дарё кенглигига қараб теодолит — нивелир йўллари, диагоналсиз тўртбурчаклар каби усувлар билан барпо этилади. Тармоқ нуқта баландлик белгилари техникавий нивелирлаш усули билан топилади. Катта майдонларни тасвирлов қилишда комбинациялашган аэрофототасвирлов ва стереофотограмметрик тасвирлов усувларидан фойдаланилади.

Юқорида қайд қилинган гидрометрик ишларни бажариш учун дарё соҳили бўйлаб теодолит — нивелир йўллари ўtkазилади (X. 15-шакл). A нуқтадан D нуқтагача пикетлаб, соҳил ёнидаги тафсилот тўғри бурчакли координаталар усули билан тасвирлов қилинади. Пикетлар қархисидаги сув сатҳи ҳам қозиқлар билан белгиланади.




X.15-шакл

Теодолит — нивелир йўлида бурчаклар ва оралиқ ўлчанади. Бош томон йўналиши аниқланади. Пикетлар бўйича нивелиранади. Йўл бўйича тасвирлов бажарилиб, дарё соҳилининг тарҳи чизилади.

Кўндаланг кесим бўйича тасвирлов қилишда улар оралиғи дарё кенглиги, қурилаётган иншоот тури ва чизмаларнинг қайси босқич учун тайёрланаётганлигига боғлиқ бўлади. Масалан, лойиха босқичида оралиқ 200—300 м, иш чизмалари босқичида 50—100 м ва сув омборлари тасвирлови учун эса, тарҳ масштабида 2 см ошмаслиги лозим.

Унча кенг бўлмаған дарёларда кўндаланг кесимни тасвирлов қилишда икки қирғоқ бўйича тараңг қилиб белгиланган ингичка пўлат симлардан ишланган арқон тортилади. (*M* ва *N* нуқталар X. 16-шакл). Бунга параллел қилиб иккинчи ёрдамчи пўлат арқон (*m*, *n* нуқталар) ва бу пўлат симли арқонни ушлаб қайиқ билан олдинги *m*, *n* нуқталарга тортилган пўлат арқон белгилари қаршисида сув чуқурлиги ўлчанади. Белги оралиғи дарё кенглиги 20 м да 2 м, 20—50 м да 5 м, 50 м дан катта бўлганда 10 м




X. 16-шакл

қилиб олинади. (*a*, *b*, *c*, *d*, *e*, нуқталар X. 16-шакл). Сув чуқурлиги дицеметрларда бўлинган таёқ, бир учига оғир юқ боғланган сим ёрдамида ўлчанади.

Кенг дарёларда жонли кесим тасвирлов қилиш теодолит — нивелир йўлидан бурчак-kestirma, қутбий координата усуллари ёрдамида бажарилади (X. 17-шакл).

Сўнгти йилларда дарё чуқурлигини ўлчаш ишларида ультратовуш билан ишлайдиган “Язъ”, “Кубань”, “ПЭЛ-3” типидаги эхолотлар қўлланилмоқда. Тасвирлов билан бир қаторда дарёning юқори сув горизонти — ЮСГ жойда яшовчи аҳолидан сўраб ёки бўлмаса соҳилдаги тошқин даврида изи қолган белгилардан аниқланади. Булар жонли

кесимда күрсатилади. Ўлчаш ишлари бошланиши ва охирида сув сатҳи баландлик белгиси маҳсус қоқилган қозиклардан аниқланади. Бундаги фарқ 2 см дан ошмаслиги керак. Акс ҳолда фарқ тузатма тарзида ўлчаш натижаларига киритилади.



Сув нишабини аниқлаш

Теодолит-нивелир йўли бош нуқтаси (ІҚО) қархисида сув сатҳи баландлик белгиси H_b билан охирги (ІҚП) сув сатҳи баландлик белгиси H_o га кўра дарё сувининг оқишидаги нишаби қуидагича аниқланади:

$$i = \frac{h}{d} = \frac{H_o - H_b}{d}.$$

Пикетлар оралиғидаги нишаб хусусий нишаб дейилади ва у қуидагича ифодадан аниқланади:

$$i_{\text{пк}} = \frac{h'}{100} = \frac{H_{\text{пк}} - H_{\text{пк}-1}}{100},$$

бу ерда $h' = H_{\text{пк}} - H_{\text{пк}-1}$.

Дарё суви тезлигини аниқлашда оқизоқ ёки вертушклардан фойдаланилади. Оқизоқ масофани оқиб ўтган вақт t ва масофа d маълум бўлса, сувнинг оқиш тезлиги ушбу

$$U = \frac{d}{t}, \text{ м/с}$$

ифодадан топилади.

Дарёнинг белгиланган кўндаланг кесимидан бир секундда оқиб ўтадиган сув ҳажми сув сарфи Q дейилади ва қуидагича ҳисобланади:

$$Q = U_{\text{ср}} \cdot W \text{ м/сек},$$

бунда $U_{\text{ср}}$ — сувнинг ўртача оқиш тезлиги, W — кўндаланг кесим юзи (жонли кесимдан ҳисоблаб олинади). Жонли кесим тасвирлови, нивелирлаш натижалари асосида дарёнинг бўйлама ва кўндаланг кесимлари чизилади.

Х.17-шакл

XI боб

ИНШООТЛАРНИ ЖОЙГА КЎЧИРИШДАГИ ГЕОДЕЗИК ИШЛАР

XI.I. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР


Иншоотни жойга кўчириш — режалаш деб қурилишга мўлжалланган иншоот асосий нуқталари ва ўқларини тарҳий ва баландлик бўйича жойга кўчириш билан боғлиқ бўлган геодезик ишлар йифинидисига айтилади. Бунда бош тарҳ (генплан), режалаш чизмалари, қурилиш қизил чизиги тарҳи, иш чизмаларидан фойдаланилади.

Режалаш асосан давлат геодезик шохобча пунктларига боғланган режалаш ўқлари асосида бажарилади.

Одатда иншоотни режалаш 3 босқичда бажарилади, чунончи:

1- босқич. Бош режалаш ўқлари давлат геодезик шохобча пунктлари орқали жойга кўчирилади. Чизиқли иншоотларда — ўқ чизиқ (трасса), уй-жой иморатларида — ташқи деворлар ўқи, эстакада ва устунларда — пойдеворларнинг симметрия ўқлари бош режалаш ўқ (1) лари ҳисобланади (XI.I-шакл).

2- босқич. Батафсил режалаш ишлари олиб борилади. Бунда бош режалаш ўқларидан иншоот айрим қисмларининг бўйлама ва кўндаланг ўқ (2) лари (масалан, йўл



XI.1-шакл

курилишида күттарма ва қазилма ўқлари) жойга күчирилади.

3- босқич. Ускуналар ўрнатиш учун йифиш ўқлари режаланади.

Иншоот ўқларини жойга күчиришда жойда тархий ва баландлик шохобчалари тегишли аниқлиқда ва бир координаталар тизимида ясалади. Бунда иншоотнинг бош ўқларини давлат геодезик шохобча пунктларига боғланган координаталари кўрсатилади.

XI.2. РЕЖАЛАШ АНИҚЛИГИ

Иншоотни режалаш босқичига қараб, унинг аниқлиги турлича бўлади. Агар биринчи босқичда режалаш аниқлиги $0,5-1,0$ м ва айрим ҳолларда $0,1$ м бўлса, иккинчи ва учинчи босқичларда режалаш аниқлиги ошиб боради ва миллиметрдан ҳам кам бўлиши мумкин. Иншоотни режалаш аниқлиги СНиП (курилишнинг меъёри ва қоидалари) ва лойиҳанинг техникавий шароитлари деган ҳужжатларда кўрсатилади.

Иншоотни қуриш лойиҳани технологик ҳисоблаш, қурилиш-йифиш ва геодезик ўлчаш (режалаш) ишлари аниқликларидан иборат.

Юқоридаги хатоларни иншоот қурилиш аниқлигига айрим-айрим таъсир қиласи деган ҳолда ва иншоот нуқталарини лойиҳадан фарқи қуидаги ўрта квадратик хато билан ифодаланди:

$$m^2 = m_t^2 + m_{k-k}^2 + m_r^2 \quad (\text{XI.1})$$

бунда: m_t , m_{k-k} , m_r — технологик ҳисоблаш, қурилиш-йифиш ва геодезик ишлар хатоси.

Агар $m_t \approx m_{k-k} \approx m_r$ десак, (XI.1) га асосан геодезик ўлчаш ишлари хатоси қуидагича ёзилади:

$$m^2 = 3m_r^2 \quad \text{ёки} \quad m_r = \frac{m}{\sqrt{3}} \quad (\text{XI.2})$$

Ўртача режалаш аниқлиги (m_{yp}) ни $0,5m_r$ деб олинса, (XI.2) ифодани $m_{yp} \approx \frac{m}{2\sqrt{3}}$ деб ёзиш мумкин.

m қиймати СНиП III.2-75 ва бошқа кўрсатмаларда келтирилган.

15-жадвалда чизиқли иншоот ўлчамлари, жойланиши ва элементларининг лойиҳавий қийматларидан фарқи келтирилган.

15 - жадвал

Иншоот номлари ва элементлари	Лойиҳавий қийматлардан фарқи
Темир йўллар	
1. Тўғри ва эгри йўллардаги икки темир из оралиғи	3 ва 4 мм
2. Тўғри ва эгри йўллардаги икки темир из баландлиги	4 мм
3. Ер иншооти (кўтарма, қазилма ўқи ва чети)нинг баландлик белгиси	5 мм
4. Тоннел ўқининг тўқнашишидаги фарқи (қиймати)	50 мм
Кўприк ва трубалар	
5. Кўприк равоги баландлиги унинг узунлиги 15 м ва ундан катта бўлганда	10 ва 20 мм
6. Кўприк таянчи, устун ва ригель баландлик белгилари	10 мм


XI.3. РЕЖАЛАШДАГИ АСОС ШОХОБЧАЛАРИ

Иншоот тури, вазифаси, талаб қилинган аниқлик, асбобларнинг мавжудлиги ва ҳоказоларга қараб иншоотни режалашда барпо этиладиган асос шохобчалари турлича бўлади.


Масалан, чизиқли иншоотлар қурилишида режалаш учун асос шохобчалари сифатида трасса бўйлаб ўтказилган теодолит ва полигонометрик йўл пунктлари хизмат қиласди (XI.2-шакл).

Разъезд, станциялар, юк саралаш станциялари учун триангуляция ёки ёпиқ теодолит, полигонометрик йўллар кифоя. Режалаш асос пунктлари барпо этишда “У” ўқини бош йўл йўналиши бўйича олинади (XI.3-шакл).


Катта станциялар узунлиги 3—5 км, кенглиги 300—400 м бўлса, у ҳолда давлат геодезик шохобча пунктларига боғланган 1—2 разрядли полигонометрик йўл ўткази-



XI.2-шакл



XI.3-шакл



XI.4-шакл

лади (XI.4-шакл). Икки йўл $A\bar{B}$ ва \bar{A}^1 ва B^1 ўзаро 2—3 пункт оралиғида боғланади.

Сунъий иншоотлар қурилишида (кўприклар, қувурлар, эстакидалар, путерповодлар ва ҳ.к.) икки қирғоқда ўрнатилган триангуляция, дублер ўқ пунктлари, алоҳида стан-


циялар (ХІІ.5.§ га қаранг) режалаш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Аҳоли яшайдиган шаҳар, қишлоқлар қурилишида мавжуд ва лойиҳаланган кўчалар бўйича полигонометрик йўл ўтказилиб, ундан бино, иншоот ва айрим кўчалар қурилиши учун қизил чизиқ режалаш шохобчаси ўтказилади. Кўпгина ҳолларда режалаш учун асос шохобча сифатида қурилиш тури кўлланилади. Баландлик бўйича режалаш юқорида қайд қилинган асос шохобча пунктлари ёрдамида бажарилиб, уларнинг баландлик белгилари геометрик нивелирлаш усули билан аниқланади.

ХІ.3.1 ҚУРИЛИШ ТЎРИ ВА УНИ ЖОЙДА РЕЖАЛАШ

Қурилиш тўри жойда барпо этилган квадрат ёки тўғри тўртбурчаклар йигиндисидан иборат бўлиб, уларнинг мустаҳкам ўрнатилган бурчак учлари таянч пунктлари сифатини ўтайди.

Қурилиш тўри шакли, томонлар узунлиги асосан рельефга, иншоот тури ва вазифасига боғлиқ. Масалан, катта станциялар учун тўртбурчаклар 20×100 м, 40×100 м, саноат иншоотларини қурилиш учун квадрат томонлари 100, 200 м, 400 м; юқори қаватли иншоотлар, телеминоралар учун эса 5 м, 10 м, 20 м ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Қурилиш тўри куйидагича режаланади: (ХІ.5-шакл).



ХІ.5-шакл

Мавжуд q пункти ва лойиҳаланган бош O нуқта координаталари бўйича тескари геодезик масала ечилади ва b , d лар аниқланади ва O нуқта жойга кўчирилади.

Худди шунга ўхшаш, q ва p пунктлари ёрдамида, “ O ” нуқта билан бир тўғри чизиқ — створда ётувчи бош ўқни бирлаштирувчи “ b ” ва “ c ” нуқталари жойга кўчирилади.

Тўғри чизиқ “ b — o — c ” жойда текширилади. Теодолит O нуқтага ўрнатилиб, иш ҳолатига келтирилгач, 90° бурчак билан иккинчи бош ўқ AD йўналиши жойга кўчирилади. Сўнг ҳар икки бош ўқ бўйича лойиҳаланган квадрат томонлари ўлчаб қўйилади ва a , d , c , b нуқталари жойда белгиланади. Бу нуқталардан тўғри бурчак билан тур учлари жойда маҳкамланади.

Ташки квадрат учларининг координаталари тўр периметридан ўтказилган 1 разрядли полигонометрик йўл орқали топилади. Ички квадрат учлари координаталари эса II разрядли полигонометрик йўл ўтказиб ҳисобланади. Ҳар икки ҳолда ҳам координата қийматлари яхлит сон бўлиши лозим. Лекин ўлчаш ва бошқа хатолар туфайли яхлит бўлмайди. Ҳисобланган ва лойиҳавий координаталар фарқи тўр учини икки ўқ бўйича суриш йўли билан тўғриланади.

Тўр учлари баландлик белгилари геометрик нивелирлаш асосида аниқланади.


XI.4. РЕЖАЛАШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Иншоотни режалашни жойда мавжуд асос шохобча ёки нуқталардан режалаш элементлари ўлчаб қўйиш йўли билан бажарилади. Режалаш элементларига горизонтал йўналиш, бурчак, масофа ва нисбий баландлик киради.


1. Лойиҳаланган чизиқни жойга кўчириш

Горизонтал қўйилиши маълум бўлган чизиқни C нуқтадан CD йўналиши бўйича текис жойларда бевосита лента, оптикали ва ёруғлик дальномерлари билан ўлчаб қўйилади (XI.6-шакл).

Чизиқ узунлигининг горизонтал қўйилиши $d = D - \Delta D_y + \Delta D_t + \Delta D_e$, ифодада ΔD_n , ΔD_t , ΔD_e лар тегишлича қия чизиқ горизонтал қўйилиши, ҳарорат ва компарирлашга



XI.6-шакл



XI.7-шакл

тузатмалар. Юқоридаги ифодадан жойдаги чизиқ узунлигі $D = d + \Delta D_y - \Delta D_t + \Delta D_x$ бўлади.


2. Лойиҳавий горизонтал бурчакни жойга кўчириш

A нуқтада *AB* чизиқда нисбатан лойиҳавий β бурчакни жойга кўчириш учун *A* нуқтага теодолит ўрнатилиб, иш ҳолатига келтирилади. Асбобнинг доира чап ҳолатида лимб ва алидада ноль штрихлари туташтирилиб, алидада маҳкамланади. Лимб бўшатилиб, труба *AB* чизигига қаратилиди.

Сўнг лимб маҳкамланади, алидада эса бўшатилади ва микроскопдаги саноқ β га тенг қилиб кўйилади. *BC₁* йўналиши топилади. Худди шунга ўхшаш, асбобнинг ўнг ҳолатида *BC₂* йўналиши топилади. β бурчак *C₁, C₂* кесманинг ўртаси, яъни *AC* йўналишида бўлади (XI.7-шакл).

3. Лойиҳавий баландлик белгисини жойга кўчириш

Лойиҳавий баландлик белгиси ёки қурилиш нолини жойга кўчириш учун нивелир репер ва *B* нуқталар оралиғига ўрнатилиб иш ҳолатига келтирилади (XI.8-шакл).



XI.8-шакл


Рейкани реперга қўйиб “*a*” саноғи олинади ва лойиҳавий баландлик белгисига мос келган “*c*” саноғи ушбу ифода билан ҳисобланади:

$$C = H_{\text{пп}} + a - H_{\text{л.б}}$$

Сўнгра рейкани деворга суюб, нивелирни унга қаратилиди ва тўр ишларининг ўрта ипи “*c*” саноққа тўғри келгунга қадар рейка пастга ёки юқорига сурилади. Шунда рейка ости (В нуқта) баландлик белгиси $H_{\text{л.б}}$ га тенг бўлади.

4. Лойиҳавий нишабдаги чизиқни жойга кўчириш


Бунда бошланғич *A* ва охирги *B* нуқта лойиҳа баландлик белгилари юқоридагидек (XI.8-шакл) ўсул билан жойга кўчириллади. (XI.9-шакл).



Нивелирни *A* нуқтага ўрнатиб иш ҳолатига келтирилади, асбоб баландлиги *i* ўлчанади. Ўрнатишда албатта битта кўтаргич винт *AB* йўналиши бўйича бўлиши лозим. Сўнг *B* нуқтага рейка ўрнатиб, кўтаргич винт ёрдамида визирлаш ўқи пастга ёки тепага рейкадан $i=b$ саноғи олингунча сурилади. Шунда визир ўқи *i* нишаб бўйича йўналган бўлади. *AB* оралиғида керакли масофаларда рейкадан “*b*” саноғи олиб лойиҳавий нуқталар белгиланади.

5. Лойиҳаланган текисликни жойга кўчириш

Лойиҳаланган *ABCD* текисликни жойга кўчиришда (XI.10-шакл) аввал *A*, *B*, *C*, *D* нуқталар лойиҳавий баландлик белгиси нуқта баландлик белгиларини кўчириш каби жойда белгиланади. Бунинг учун нивелирни *A* нуқта ёнига



XI.10-шакл

i га түғриланади. Керакли нүкталарда ҳам *i* га тенг саноқлар олиб қозықлар қоқылади. Бу ишни лазерли ЛВ5М, СКП-1, ПУЛ-78, Геоплан 3000 каби асбоблар билан автоматлаштириш мумкин.

XI.5. ИНШООТНИ РЕЖАЛАШ УСУЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АНИҚЛИГИ


Иншоот тури, катта-кичиклиги, ўлчаши шароити ва йўл кўйиладиган хатосига қараб режалаш куйидаги усуллар билан: бурчак кестирма ёки ёпиқ учбурчак, кутбий ва тўғри бурчакли координаталар, чизиқли ёки створ ва полигон ясаш усуллари билан бажарилиш мумкин.

Иншоотни жойга кўчириш аниқлиги куйидаги ифода билан аниқланади:

$$m_k^2 = m_p^2 + m_6^2 + m_d^2, \quad (\text{XI.1})$$

бунда m_p , m_6 , m_d — режалаш, нүктани жойда белгилаш ва дастлабки пунктлар ўрта квадратик хатолари. Бу хатолар режалаш усуллари ва шохобчалари турларига боғлиқдир.

Режалаш усулларини баъзи бирлари билан қисқача танишиб чиқамиз.



XI.11-шакл

Бурчак кестирма усули асосан сунъий иншоотлар қурилишида устун ва унинг пойдевори ўқларини режалашда ишлатилади (XI.11-шакл).

Бунда жойдаги мавжуд *A* ва *B* пунктларнинг ва *C* нинг лойиҳавий координаталари орқали тескари геодезик масала ечила-

ди. Сүнгра β_1 ва β_2 бурчаклари аниқланниб, C нуқта жойга күчирилади.

Режалаш хатоси қуйидагича аниқланади:

$$m^2 = m_x^2 + m_d^2 + m_{m,p}^2 + m_6^2, \quad (\text{XI.2})$$

бунда: m_x — бурчак кестирманинг ўрта квадратик хатоси; m_d , $m_{m,p}$, m_6 — дастлабки пунктлар, марказлаштириш ва редукция, белгилаш ўрта квадратик хатолари.

Бурчак-кестирма хатоси $m_x = \frac{m_\rho}{\rho \sin \gamma} \sqrt{D_1^2 + D_2^2}$ га тенг.

Дастлабки пунктлар хатоси (A ва B пунктлар координаталари хатосини ҳисобга олиб ва улар мухтор холда аниқланган деб қабул қилинса) қуйидагича аниқланади:

$$m_d = m_t \frac{D\sqrt{2}}{b}, \text{ бунда } D_1 \approx D_2 = D \text{ ва } m_A = m_B = m_t$$

деб олинган.

AB базис чизиги ва дирекцион бурчак α лар хатосининг таъсирини ҳисобга олганда,

$$m_d = \sqrt{\left(\frac{m_\rho}{b}\right)^2 + \left(D \frac{m_\alpha}{\rho}\right)^2} \quad (\text{XI.3})$$


га тенг бўлади.

Марказлаштириш ва редукция хатоси $m_{m,p} = \frac{l}{b \sin \gamma} \sqrt{D_1^2 + D_2^2}$ га тенг бўлади.

бунда: l — марказлаштириш ва редукциянинг чизиқли элеменити.

Белгилаш хатоси оптиканый шовун билан ишлагандан 1—2 мм, иплида эса, 3—5 мм бўлади.

Режалаш ишларини юқорироқ аниқликда бажариш лозим бўлган ҳолларда бурчак кестирма усули ўрнига ёпиқ учбурчак усули қўлланилади. Бунда жойда лойиҳаланган β_1 , β_2 бурчаклари ўлчаб қўйилади, сўнг теодолит C нуқтага кўчирилиб, бурчак ўлчанади. Бурчаклар назарий қийматига тенгланиб, C нуқтанинг координаталари аниқланади. Лойиҳавий ва ҳисобланган координаталар фарқи топилади ва жойга кўчирилган C нуқта фарқ — тузатма қийматига сурилади.



XI.12-шакл

Кутбий координаталар усули. Бу усул күпроқ бино ва иншоот асосий нүқталарини жойга күчиришда ишлатилади. Кутбий координаталар усулида асос шохобча пунктидан лойиҳавий бурчак β ва масофа D ўлчаб, C нүқта жойга күчирилади. β ва D лар A пункти ва C нүктанинг лойиҳавий координаталари асосида тескари геодезик масала ечиб топилади (XI.12-шакл).

Режалаш хатоси

$$m^2 = m_A^2 + m_D^2 + \left(\frac{m_A}{\rho} \right)^2 D^2 + m_{M,p}^2 + m_6^2 \quad (\text{XI.4})$$

га тенг. Бунда m_D , m_β — чизиқ ва бурчакни жойга күчириш хатолари.

Марказлаштириш ва редукция хатолари қуйидаги ифодадан аниқланади:


$$m_{M,p}^2 = e^2 \left[1 + \left(\frac{D}{b} \right)^2 - \frac{D}{b} \cos \beta \right],$$

$m_{M,p}$ — хатосини камайтириш учун β бурчаги 90° дан кам бўлиши лозим.

Дастлабки пункт хатоси I ва II разрядли полигонометрия учун тегишлича 10 ва 20 мм бўлади.

Чизиқли кестирма усули. Бу усулда лойиҳавий C нүқта жойдаги мавжуд A ва B пунктлардан лойиҳавий масофаларни кесишириш йўли билан аниқланади.

Лойиҳавий масофалар ҳам A , B , C нүқта координаталари бўйича тескари геодезик масала ечилиб топилади (XI.13-шакл).



XI.13-шакл

С нуқтани жойга күчириш хатоси қуйидагича аниқланади:

$$m^2 = m_{\alpha}^2 + m_{\lambda}^2 \frac{D_1 D_2}{\sqrt{2p(p - D_1)(p - D_2)(p - b)}} + m_6^2 \quad (\text{XI.5})$$

ёки

$$m^2 = m_{\alpha}^2 + 2m_D^2 \frac{1}{\sin^2} + m_6^2,$$

бунда: m_{α} XI.3 — ифодадан аниқланади: $m_D = D_1$ ва D_2 чизикларни жойга күчириш хатоси.

Агар икки чизик түгри бурчак билан кестирилса, у ҳолда $m^2 = m_{\alpha}^2 + 2m_D^2 + m_6^2$ бўлади.


ХІ.6. АСБОБ-УСКУНАЛАР ЎҚИНИ ТИК ЎРНАТИШ ВА ТИК ТЕКИСЛИККА КООРДИНАТАЛАРНИ УЗАТИШ

Асбоб-ускуналар ва жиҳозларни тик ўрнатишдаги геодезик ишлар ипли шовун, теодолит билан оғма текислийда проекциялаш, ён томондан нивелирлаш усулларида ёки тик текислийда проекцияловчи асбоблар (зенитприбор) ёрдамида бажарилади.

Ипли шовун ускунга тепасида чиқиб турган жойига маҳкамлаб осилади ва шовун билан ускунанинг тепа ва остки қисми оралиғи ўлчанади. Масофалар фарқи ускунанинг офишини кўрсатади. Бунда хато $1/1000$ атрофида бўлади. Сўнгти вақтларда ускуналарни тик ўрнатишда электрон шовунлар ҳам қўлланилмоқда.

Теодолит билан оғма текислийда проекциялаш усули. Бу усулда теодолит ускуна баландлигидан ортиқ масофа ўрнатилиб, трубанинг визир ўқи ДЧ ҳолатига ускуна тепасида белгиланган ўққа қаратилади. Сўнгра асбобнинг визир ўқи ускуна пастига тик туширилади — проекцияланади ва “ a_1 ” нуқта белгиланади. Худди шу тарзда ДЎ ҳолатида иш такрорланиб “ a_2 ” нуқта белгиланади. Белгиланган “ a_1 ” ва “ a_2 ” нуқталар ўртасидан то ускуна остидаги ўққача бўлган масофа ускунанинг офишини кўрсатади.

Ён томондан нивелирлашда ускуналар қатори ўқидан маълум масофада (таксинан 1 метр) параллел ўқ режаланади (XI.14-шакл). Унинг бош ва охирги нуқталари жой-



XI.14-шакл

да маңкамланади. Теодолитни A нүктеге ўрнатыб, B га визирланади. Сүнгра ускуна остықта үсткі қисмларига рейкани қўйиб, визирлаш ўқ бўйича “ b_n ”, “ b_t ” саноқлар олинади. Саноқлар фарқи ускунанинг оғишини кўрсатади, яъни


$$\Delta l = b_n - b_t$$

ўқлар орасидаги l масофа билан пастки саноқлар фарқи ускуналар асоси ўрнатилиши аниқлигини беради, яъни

$$\Delta a = l - b_t.$$

Координаталарни тик текисликка проекциялаш. Кўп қаватли иншоотлар, телеминоралар қуришда, турли хил катта диаметрли трубаларни тик ўрнатишда координаталарни иншоотнинг юқори қисмida аниқлашга тўғри келади. Бунда тик текисликда проекцияловчи асбоб (зенитприбор) лар ишлатилади.

Улар ГОСТ 22550—77 бўйича ишлаб чиқарилади. “Зенит ОЦП”, “Надир ОЦП”, “ЦО—30” лазерли зенит-прибор ЛЗП1 шулар жумласидандир.



XI.15-шаклда зенит-прибор келтирилган.

1—пружиналанадиган пластинка; 2—күттаргич винт; 3—таглик; 4—асбобни ёритадиган иллюминатор ойнаси; 5—фокусловчи линза дастаси; 6—ойнача; 7—кўриш трубасининг окуляри; 8—горизонтал доира саноқ олиш микроскопининг окуляри; 9—цилиндрик адилак; 10—оптикаий марказлаштиргич.

Зенит-прибор билан 9,2 м дан 100 метр тик текисликда координаталарни 1 мм хато билан узатиш мумкин.

XII боb

ЙЎЛ ҚУРИЛИШИДА БАЖАРИЛАДИГАН ГЕОДЕЗИК ИШЛАР

ХII.1. ЛОЙИҲАЛАШ БОСҚИЧИ ВА ҚИДИРУВ ИШЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

Йўл қурилишида геодезик режалаш ишлари асосий ишлар бўлиб, унда ер иншоотлари қурилиши, йўл устки қисми лойиҳавий баландлик белгилари, ўлчам ва нишабларни тўғри олиб борилаётганини узлуксиз текшириб боради. Геодезик ишларни тўғри, ўз вақтида олиб бориш, йўл сифатини оширади, қийматини эса камайтиради — меҳнат қам сарфланади.

Йўл қурилишида бажариладиган геодезик режалаш ишлари бўйлама, кўндаланг кесим лойиҳавий ўлчамларини жойда қозиқлар билан белгилашдан иборат. Бу ишлар иншоот қурилишини олиб бориш билан узлуксиз боелик бўлиб, қўйидаги даврларни ўз ичига олади:

1. Қидирув даври. Бу давр чизиқли иншоот ўқ чизигини жойта кўчиришни таъминлайди. Бу ишлар қидирув гурӯҳлари ходимлари томонидан бажарилади. Жойда маҳкамданган ўн чизиқ нуқталари ва тегишли хужжатлар қурилиш ташкилотига акт билан топширилади. Топширилган хужжатлар келгусида режалаш ишлари учун асос ҳисобланади.

2. Тайёрлов даври — ер ишлари бошланиши олдидан бажарилади. Бу даврда ўқ чизиқ бўйлаб геодезик пунктлар тўлдирилади, қўшимча реперлар ўрнатилади ва баландлик белгилари ҳисобланади. Бу ишлар батафсил ер ишларини режалаш билан бирга олиб борилади. Кўшимча барпо этилган пункт ва реперлар йўлнинг остки ва устки қисмларини режалаш учун етарли бўлишлари шарт.

3. Қуриш даврида доимий геодезик режалаш ва текшириш ишлари олиб борилади. Бу даврда қурилаётган ер иншоотларини, ер устки қисми ўлчамларининг ўқ чизиқقا нисбатан тўғри жойланиши текшириб борилади. Кўтарма ва қазилма нишабларининг, уларни текислаш ишла-

ри, қоплама ўлчамларининг, темир йўл пўлат изларининг ўзаро жойланishi тўғрилиги ва ҳ.к. лар кузатиб турилади.

XII.2. ЧИЗИҚЛИ ИНШООТЛАРНИНГ ЎҚ ЧИЗИФИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ

Одатда темир йўл ва автомобиль йўллари, каналлар, ўтказгич қувурлари, электр ва алоқа тармоқлари қурилиши қидирув ишларидан бирмунча вақт ўтгандан кейин бошланади. Шу боисдан чизиқли иншоотларнинг ўқ чизифини жойда белгиловчи нуқталарининг (пикет, бурилиш учи, эгри чизиқ бош ва охирги нуқталари, ўқдаги нуқта (створ) ва ҳ.к.лар) баъзилари йўқолиб кетади. Шунинг учун қурилиш олдидан қидирув ишлари олиб борилади ва буни ўқ чизиқ нуқталарини жойда тиклаш дейилади. Бунда қуйидаги геодезик ишлар бажарилади:

а) пикет нуқталари асбоб билан тикланади ва қайтадан ўлчанган масофалар ва бурилиш бурчаклари текширилади. Эгри чизиқлар батафсил режаланади;

б) тикланган ўқ чизиқ бўйлаб нивелирлаш текширилади ва қўшимча реперлар ўрнатилади;

в) ўқ чизиқ нуқталари кўтарма ва қазима чегараларидан ташқарига чиқарилиб маҳкамланади;


г) имкон бор жойларда ўқ чизифи тарҳий ва баландлик бўйича яхшиланади ва айрим тузатишлар киритилади. Бунда эгри чизиқ радиусларини катталаштириш, лойиҳавий чизиқ ўрнини ўзгартириб, ишлов баландлигини камайтириш ва ҳ.к. лар кўзда тутилади.

Чизиқли иншоотлар ўқ чизигини тиклашда техник қидирув ишлари натижасида жойда ўтказилган ва маҳкамланган трассанинг тарҳи, кесими тўғри ва эгри чизиқлар журнали ва ўқ чизиқ нуқталарини маҳкамлаш чизмаси асос қилиб олинади.

Ўқ чизиқни тиклаш бурилиш учидан бошланади. Айрим бурилиш учи нуқталари йўқолган бўлса, бу нуқталар абрис асосида жойдаги нарса ва нуқталардан ўлчаб топилади. Агар бурилиш учларидан бир нечтаси йўқолган бўлса, у ҳолда бу участка қайтадан лойиҳа маълумотларига кўра жойда тикланади. Ўқ чизиқни тиклашда теодолит бурилиш учига ўрнатилади ва у кейинги бурилиш учига қаратилади. Икки нуқта орасида чизиқ олиниб, қайтадан пикетланади. Бурилиш учida бурчак ўлчанади ва кесимдагиси билан таққосланади.

Агар пикетлашда катта фарқ бўлса (масалан 20 м лента хатоси) кейинги пикетлар ўрнини сурмаслик учун икки пикет орасида кесилган пикет қилиб қолдириб кетилади. Бурчак ўлчашда фарқ чиқса, у ҳолда эгри чизиқ элементлари қайтадан топилади, эгри чизиқ бош ва охирги нуқталари қайтадан ҳисобланади. Тикланган эгри чизиқ бош нуқталари асосида у батафсил режаланади. (XII.4-§ га қаралсин). Эгри чизиқ ўрнини жойда ёй бўйича 10 м да (эгри чизиқ радиуси 500 м дан кичик) ва 20 м да (эгри чизиқ радиуси 500 м дан катта) белгилаб чиқилади.

Чизиқли иншоотлар ўқ чизиги пикетланиб ва батафсил жойда режалангандан сўнг маҳкамланади. Бунда бурилиш учлари, эгри чизиқ бош ва охирги нуқталари, кўприк ва лойиҳаланган турли иншоот ўқ чизиқлари, нуқталар жойда ёғоч ва темир қозиклар билан белгиланиб, келгусида уларни топиш осон бўлиш учун қазиб қўйилади. Бу нуқталар кўтарма ёки қазилма чегарасидан ташқарига чиқарилиб белгилаб қўйилади (XII.1-шакллар). Нуқталарнинг ўқ чизиқдан бўлган масофаси қазилма ва



XII.1-шакл

күттарма күндаланг кесимининг катта-кичиклигига ва күттарма учун тупроқ оладиган жойга боғлиқ бўлади. Бу маълумотлар ҳаммаси “нуқталарни ташқарига чиқариш” деган маҳсус жадвалга ёзилади (16-жадвал).

16-жадвал

Нуқталарни ташқарига чиқариш жадвали

Нуқталар номи	Нуқталар номи		Ташқарига чиқариш масофаси ва йўналиши		Нуқталар баландлик белгилари, м
	пикет	қўшиловчи	чапга	ўнгта	
Пикет	10		$\frac{12}{16}$	$\frac{13}{15}$	413.71
Кўшиловчи	10	84.0		15	
Этри чизиқ боши	15	22.40	$\frac{18}{24}$		
Кўприк ўқи	20	24.13	$\frac{30}{35,12}$	$\frac{20,10}{27,0}$	

Эслатма: Суратдаги сон яқиндаги, маҳраждагиси эса, узоқдаги қозиқча бўлган масофани кўрсатади.

Ўқ чизиқ нуқталарини маҳкамлашда қўшимча реперлар (4–5 пикет орасига) қўйиб кетилади. Кейин ҳамма нуқталар қайтадан нивелиранади. Баландлик белгилари ҳисобланади. Агар ҳисобланган ва кесимдаги баландлик белгилар фарқи 4–5 сантиметрдан ошса, унда бўйлама кесимдагилари тузатилади.


XII.3. ЙЎЛЛАР ОСТКИ ҚИСМИ ҚУРИЛИШИДА ЕР ИШЛАРИНИ РЕЖАЛАШ

XII.3.1. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Чизиқли иншоотлардан (автомобил ва темир йўллар, электр ва алоқа узаттич тармоқлари ва ҳ. қ. лар) шаҳар, қишлоқ, туман ва ҳ.қ.лар орасида транспорт қатнови

электр узатиши ва алоқа воситаси сифатида фойдаланилади. Шунинг учун бу иншоотлар йўналиши тўғри ва баландлик бўйича маълум текислика жойланиши шарт. Аммо бу жойлар орасидаги тўсиқлар — баландлик ва пастликлар (тоғ, тизма тоғ, эгарсимон жойлар, чукурлик, сой, жарлик, дарёлар ва ҳ.к.) йўлни бир баландликда лойиҳалашга имкон бермайди. Шунинг учун бу тўсиқлар турли иншоотлар кўтарма (йўлни пасайган жойларни кўтариш учун), қазилма (баландликларни ўйиб ўтишда) кўприклар (дарё, каналлардан), тонеллар (тоғ, эгарсимон жойлардан ўтишда) ва ҳ.к. лар қурилиши билан ўтилади. Йўл қурилишда кўтарма ва қазилма ер иншооти, қолгандари эса, сунъий иншоотлар деб юритилади.

Ер иншоотлари — қазилма ва кўтарма йўлнинг остки қисми ҳисобланади. Йўлнинг устки қисмида автомобиль йўллар учун сунъий қоплама (асфальт, бетон, шағал), (XII.2а-шакл), темир йўллар учун эса балласт, унинг устига ётқизилган шпал, шпаллар устига эса иккита махсус шаклдаги пўлат из ётқизилади (XII.2б-шакл). Йўлнинг бўйлами узунлиги бўйича атрофдан йигилган сувларни оқизиб юбриш учун кичик ариқча — хандақ қазилади.



XII.2-шакл

Юқорида қайд қилинган ҳамма иншоотлар қурилиши ва ишлатилиши даврида доимий геодезик кузатишлар олиб борилади. Йўл қурилиши даврида қуйидаги геодезик ишлар бажарилади.

Иншоотлар ўқ чизифи тикланади;

— йўл остки қисми қурилиш учун ер ишлари режаланади;

— ер ишлари (қазилма ва кўтарма, резерв, хандақ ва ҳ.к.ларнинг) лойиҳавий ўлчамларини тўғрилигини бажарилиши текшириб борилади.

— тайёр йўл остки қисмида ўқ чизиқ тикланади;

— йўл остки қисми текисланади;


— йўл устки қисми қурилишига тайёрланади ва қурилишнинг бориши кузатилади.

— битган йўл учун ижро этиш тасвирлови бажарилади.

Ер ишларини режалаш лойиҳаланган тарҳ, бўйлама ва кўндаланг кесимлар асосида бажарилади. Бу ҳужжатлар асосида иш чизмалари тузилиб, уларда кўтарма ва қазилма хандақларнинг ҳамма ўлчамлари киритилади. Режалаш ишлари асосан шу ўлчамларни тикланган ўқ чизиқка нисбатан жойга кўчиришдан иборат. Бунинг учун йинност ўқ чизигига (эгри чизиқ чегараларида эса, тантенс чизигига перпендикуляр ўтказилади. Қозиқлар перпендикуляр чизиқларда кўтарма, қазилма ва тупроқ олинадиган жойнинг (резерв) чети ва тагига қоқилади. Темир, автомобиль йўллари бўйича йифиладиган сувларни оқизиб юбориш учун қазиладиган ариқ (хандақ) ўқларига ҳам қозиқлар қоқилади. Бу қозиқлар йўл кенглиги “B”, кўтарманинг баландлиги ва қазилманинг чуқурлиги — h (ишлов баланлиги) ҳамда кўтарма ёнбафиридининг лойиҳавий нишаби $1:m$, ариқча ва резерв кенглиги (l_1 l_2) га қараб белгиланади (XII.2-шакллар).

XII.3.2. КЎТАРМА ВА ҚАЗИЛМАНИ РЕЖАЛАШ

Кўтармани режалашда ўқ чизифидаги нуқталарга олатаёқлар қоқилад (ГК, қўшилўвчи, эгри чизиқ ва ўқ чизиқ нуқталар). Бу олатаёқларга кўтарма баландлиги, яъни тупроқ тўкиши қийматига тенг қилиб тахтачалар маддамланади (XII.3а-шакл).



XII.3a, 6-шакл


Кейин олатаёқ марказидан (1 нүқта) — $\frac{B}{2}$ масофа икки томонга ўлчанади ва қозиқлар (2—3 нүқталар) қоқилади. Сўнг d масофа қуийдаги ифодадан топилади.

$$d = h \cdot m, \quad (\text{XII.1})$$

бунда m — ёнбағирнинг лойиҳавий нишаби; d — масофа ҳам икки томонга (2 ва 3 нүқталардан) ўлчаб қўйилиб 4 ва 5 нүқталар топилади. Бу нүқталарга ёнбағир кўрсаттич қўйилса, кўтарма ёнбағри қиялигининг икки томонидаги йўналиши ҳосил бўлади.

Қазилмани режалашда ҳам ўқ чизиқлардаги нүқталарга қозиқлар (қозиққа қазилма чуқурлиги минус ишора билан ёзилади) қоқилади (XII.3б-шакл). Бунда 6 — ўқ қозиқдан ҳар иккала томонга l ва d масофалар ўлчаб қўйилиб, 7, 8, 9, 10, 11, 12 нүқталар ўрни жойда қозиқлар билан белгиланади. 9 ва 12 нүқталарга ёнбағир кўрсаттич

8)



XII.3в-шакл

қўйилса қазилма ёнбағир қиялигининг икки томонидан йўналиш топилади.

Қазилма лойиҳа баландлик белгисигача қазилгач (7 ва 10 нуқталар лойиҳавий баландлик белгиси), ариқча маълум ўлчамда қазилади. Кўндаланг кесими қия бўлган кўтарма ёйи қазилма ва ватерпаслаш усули билан ёки теодолит ёрдамида режаланиши мумкин. Ватерпаслаш усулида (XII.3в-шакл) 1 нуқта юқорида кўрсатилганидек жойда белгиланади. Кейин иккита адилак ўрнатилган рейка ёрдамида 1 нуқтадан чап томонга ватерпасовка усулида 1—2, 2—4; 4—5 нуқталар орасидаги 1—2¹; 2—4¹; 4—5¹ масофалар ва нисбий баландлик h_1 , h_2 лар топилади. Горизонтал рейкани 1 нуқтадан чап томонга қўйиб $B/2$ масофа ўлчанади ва кўтарма четининг жойдаги ўрни 3 нуқта белгиланади. Энди ёнбағрнинг лойиҳавий қиялик йўналишини ер билан кесишган нуқта — 6 ни топиш керак бўлади. Бунинг учун $d_1 - d = d_1^1$, масофа 4—5¹ йўналишида ўлчанади, d_1 — қуйидаги ифода билан ҳисобланади.

$$d_1 = B + (h + h_1 + h_2) \cdot m. \quad (\text{XII.2})$$

Сўнгра d_1^1 масофа 4—5¹ чизиги йўналишида қозиқ билан белгиланади. (6 нуқта) d — рейка билан ўлчанган 1—2¹, 2—4¹ ва 4¹—5¹ нуқталар оралиги.

Энди биз 6 нуқтага ёнбағир кўрсаттич қўйсак, унда кўтарма ёнбағри лойиҳавий қиялигининг ер юзаси қиялиги

йўналиши билан кесишган 7 нуқтасини топамиз. Ўнг томондаги 12 (XII.3в-шакл) нуқта ҳам шу тарзда жойда белгиланади.

7 ва 12 нуқталарни 1 нуқтадан d_1 ва d_2 масофаларини ўлчаб қўйиш билан ҳам топиш мумкин.

d_1 ва d_2 масофалар қўйидаги ифодалар билан топилади.


$$d_1 = \frac{\left(\frac{B}{2}\right) + m \cdot h}{1 - (m:n)}, \quad (\text{XII.3})$$

$$d_2 = \frac{\left(\frac{B}{2}\right) + m \cdot h}{1 + (m:n)}. \quad (\text{XII.4})$$


Бунда n — жойнинг кўндаланг кесим бўйича қиялиги;

Баланд кўтартмани ва чукур қазилмаларни теодолит ёрдамида режалаш мумкин.

Кўтартмани режалашда l_k чизиқ узунлиги кўндаланг кесим йўналишининг баланд тарафига қараб қўйилади ва бу нуқта — E_1 га теодолит ўрнатилади (XII.3г-шакл). Асбобнинг визирлаш ўқини ν — бурчагига тўғрилаб йўналтирилади ($i = 1:m = \tan \nu$, бундан $\arctan \frac{1}{m}$, бу қиймат ён бағирнинг лойиҳавий нишабидир). $O^1 E_1$ йўналишида рейкадан ($h_1^1 + i_1$) саноги олингунча уни силжитиб, K_1 нуқта жойда белгиланади. Бунда h_1^1 O_1 ва E_1 оралиғидаги нис-



XII.3г-шакл



XII.3д-шакл

бий баландлик, i — асбоб баландлиги. Топилган K_1 нүкта күттарма туби бўлади. l_k чизик узунлигини кўндаланг кесим йўналишининг пастки томонига қўйиб K^1 нүкта белгиланади ва ундан пастроқقا теодолит ўрнатилиди ва K^1 нүкгадаги рейкадан “ a ” санофи олинади. q ҳисоблаб топилади, яъни $q = a - b_1$. Сўнгра рейканни q санофи олингунча силжитиб K нүкта күттарма туби жойда белгиланади.

Чукур қазилмани режалашда l_k ва l'_k лар қуйидаги ифодалар билан аниқланади (XII.3д-шакл).

$$l_k = O^1C^1 = \left(\frac{B}{2} + D + mh_k \right) \sin\beta / \sin(\beta + \nu)$$

$$l'_k = O^1C^1 = \left(\frac{B}{2} + D + mh_k \right) \sin\beta / \sin(\beta - \nu)$$

Агар кўндаланг йўналишидаги нишаб $1:n$ маълум бўлса, юқоридаги ифодаларни қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\begin{aligned} l_k &= \left(\frac{B}{2} + D + m h_k \right) \sqrt{n^2 + 1} / n + m \approx \\ &\approx \left(\frac{B}{2} + D + m h_k \right) \frac{n}{n + m}, \end{aligned}$$

бунда $\nu < 6^\circ$, ва

$$\begin{aligned} l'_k &= \left(\frac{B}{2} + D + m h_k \right) \sqrt{n^2 + 1} / n - m \approx \\ &\approx \left(\frac{B}{2} + D + m h_k \right) \frac{n}{n - m}, \end{aligned}$$

бунда $\nu < 6^\circ$, $1:m$ — ёнбағир тиқлиги; $1:n$ — күндаланг кесим нишаби.

Топилган I_k ва I_k^1 жойда ўлчаб қўйилиб C , C нуқталар билан белгиланади. Бу нуқталарга ёнбағир кўрсаткич қўйилиб, қазилма ёнбағри йўналиши аниқланади. Маълум ҳажмдаги тупроқ олингандан сўнг O_1 , A_1^1 , A^1 нуқталар қайтадан режаланиб, қазилмани қолган қазиладиган қисми аниқланади. A ва A_1 нуқталар лойиҳа баландлик белгисигача қазилгандан сўнг ҳандақ ва бошқа қазилма элементлари режаланади.

ХII.4. ТИК ЭГРИ ЧИЗИҚЛАРНИ БАТАФСИЛ РЕЖАЛАШ

Маълумки, чизиқли иншоотлар қурилаётганда турли транспортнинг текис ва равон ҳаракатини таъминлаш мақсадида бўйлама кесим лойиҳа чизифи бир нишабдан иккинчи нишабга ўтади. Шунга кўра бу ўтиш жойларида тик эгри чизиқлар лойиҳаланади. Тик эгри чизиқлар ботиқ ва қавариқ бўлади. Йўлда кетаётган транспортнинг ўзаро кўринишини эътиборга олиб, қавариқ эгри чизиқлар радиуси катта танланади. Иншоот тури, аҳамияти ва ҳ.к.ларга қараб қавариқ эгри чизиқлар радиуси 2500–25000 м ва ботиқ эгри чизиқларники эса, 1500–1000 м гача бўлиши мумкин.


Тик эгри чизиқлар кесимдаги икки лойиҳа чизифи нишабининг алгебраик айирмаси $\Delta i = 0,003$ дан катта бўлганда ўтказилади. Тик эгри чизиқлар радиуси катта бўлганилиги учун улар фақат доиравий эгри чизиқ билан режаланади. Тик эгри чизиқ элементлари қўйидаги тақрибий ифодалардан топилади (ХII.4 – 7-шакллар):

$$K_b = R \cdot \Delta i = R (i_1 - i_2), \quad (\text{ХII.5})$$

$$T_b = \frac{K}{2} = \frac{R(i_1 - i_2)}{2}, \quad (\text{ХII.6})$$

$$B_b = \frac{T^2}{2R}, \quad (\text{ХII.7})$$


$$Y = \frac{X^2}{2R}. \quad (\text{ХII.8})$$




XII.4-шакл



XII.5-шакл



XII.6-шакл



XII.7-шакл

Тенгламаларда K_b — тик эгри чизиқ узунлиги; Δi — кесимдаги икки лойиха чизиги нишаблигининг айрмаси; i_1 , i_2 — ёнма-ён турувчи лойиха чизиқларининг нишаби, T_b — тик эгри чизиқ тангенси, B_b — тик эгри чизиқ биссектрисаси; X , Y — тик эгри чизиқ ўрнини ёй бүйича белгилайдын нүкта координаталари.

(XII.5—XII.7) ифодаларда тик эгри чизиқ узунлиги унинг проекцияси узунлигига тенг деб олинган.

Одатда нишаб күтариленгенде — плюс, пасайгенде эса, минус ишора билан олинади. Бунда алгебраик айрма $\Delta i = i_1 - (-i_2) = i_1 + i_2$ бўлади. Агар икки лойиха чизиги нишаби бир хил ишорада бўлса, (иккиси ҳам плюс ёки минус) у ҳолда улар бир-бираидан айрилади, яъни


$$\left. \begin{aligned} \Delta i &= -i_1 - (-i_2) = -i_1 + i_2, \\ \Delta i &= +i_1 - (+i_2) = i_1 - i_2. \end{aligned} \right\} \quad (\text{XII.9})$$

Тик эгри чизиқдаги нүкта баландлик белгилари қуидагича ҳисобланади (XII.6—7-шакллар):

$$H^p = H_A + X \cdot i \pm y. \quad (\text{XII.10})$$

(XII.10) ифодадаги “у” қиймати қавариқ эгри чизиқлар учун минус (XII.6-шакл) ботиқ эгри чизиқлар учун плюс (XII.7-шакл) ишора билан олинади.

Эгри чизиқларни лойиҳалаш турли усуллар билан бажарилади. Тангенс чизифи билан лойиҳалаш. Бунда бўйлама кесим одатдагидек лойиҳаланади. Нуқталарнинг лойиҳа ва ишлов баландликлари XII.8-ѓа кўрсатилгандек ҳисобланади. Икки нишаб чизигининг алгебраик айирмаси ҳисобланаб, эгри чизиқ радиуси танланади ва элементлари ҳисобланади. Лойиҳаланган эгри чизиқ бўйича нуқталарнинг лойиҳа ва ишлов баландликлари ҳисобланади. Сўнгра бўйлама кесимда олдин ҳисобланган ишлов баландликлари ёзилади. (XII.8-шакл). Шаклдаги лойиҳаланган тик чизиқни кўриб чиқайлик.



Тик эгри чизиқ элементларини (XII.5—XII.8) ифодалардан фойдаланиб топайлик. Кесимда лойиҳа чизиги икки хил нишабда ўтказилган. Биринчи нишаб (10,040) лойиҳа баландлик белгиси 612,00 м бўлган ГК23 дан бошлиниб, лойиҳа баландлик белгиси 624,00 м бўлган ГК26 да тутгайди; худди шунга ўхшаш иккинчи нишаб қиймати ҳам 0,030 га тенг бўлиб, тегишилича 624,00 м — (ГК26) га тенг ва 612,00 (ГК 30) белгилари орасида лойиҳаланган. Ҳар икки нишаб алгебраик айирмаси (XII.9) ифодага асоссан $\Delta i = +i - (-i_2) = i_1 + i_2 = +0,040 - (-0,030) = +0,070$ чиқади.

Эгри чизиқ: узунлиги $K_b = R \cdot \Delta i = 5000 - 0,070 = 350$ м;
 тангенси $T_6^b = \frac{K_b}{2} = \frac{360 \text{ м}}{2} = 175 \text{ м}$; биссектрисаси
 $B_b = \frac{Tb^2}{2} = \frac{175^2}{2 \cdot 5000} = 3,06 \text{ м}$.

Демак, тик эгри чизиқ боши $\Gamma K 6 - \frac{K_b}{2} = \Gamma K 4 + 25$ да,
 охири эса $\Gamma K 6 + \frac{K}{2} = \Gamma K 7 + 75$ да бўлади. Энди шу оралиқ-
 да жойлашган ГК ва қўшилувчи нуқта баландлик белги-
 ларини топайлик.

$$H_{ns}^b = H_{ns} - Y_1 = 620.00 - \frac{75^2}{2 \cdot 5000} = 619.44 \text{ м}$$

$$H_{ns+30}^b = H_{ns+30} - Y_2 = 621.00 - \frac{105^2}{2 \cdot 5000} = 620.10 \text{ м}$$

$$H_{ns}^b = H_{ns} - Y_1 = 624.00 - \frac{175^2}{2 \cdot 5000} = 620.94 \text{ м}$$

$$H_{ns}^b = H_{ns} - Y_4 = 621.00 - \frac{75^2}{2 \cdot 5000} = 620.44 \text{ м}$$

$$H_{ns+50}^b = H_{ns+50} - Y_5 = 619.50 - \frac{25^2}{2 \cdot 5000} = 619.44 \text{ м.}$$

Y_1, Y_2, Y_3, Y_4, Y_5 — эгри чизиқ боши ва охирдан тегишли пикет ва қўшилувчи нуқталаргача бўлган оралиқ.

Тик эгри чизиқдаги пикет ва қўшилувчи нуқталарнинг ишлов баландлик белгилари қўйидагича ҳисобланади.

$$h_b = H_e - H^b,$$

бунда H_e — ер баландлик белгиси, H^b тик чизиқ баландлик белгиси, Масалан, ГК 5 нинг ишлов баландлиги $h_{ns} = H_{ns} - H_{ns}^b = 626,10 - 619,44 = 5,66 \text{ м}$ бўлади.

Худди шу тарзда ҳисобланган нуқталарнинг ишлов баландликлари кесимда қавс ичидаги кўрсатилади (XII.8-шаклга қаранг).

Махсус андоза ёрдамида лойиҳалаш. Бунда тик чизиқлар учун тури радиусли шаблонлар тайёрланади. Бу андозаларни икки нишаб чизигининг орасига ер чизигига имкон борича яқин қилиб қўйилади ва эгри чизиқ бош ва охирги нуқталари топилади. Сўнг махсус [1] жадвалда ПК ва қўшилувчи нуқталар учун масофа ва


нисбий баландлик олинади, сүнгра лойиҳавий ишлов баландликлари ҳисобланади. Тик эгри чизиқда жойлашган ГКва кўшилувчи нуқталарнинг баландлик белгилари жойга нивелир ёрдамида кўчирилади. Бу баландлик белгилар махсус қозиқ ёки горизонтал тахтacha қоқилган олатаёқларга асбоб горизонти орқали кўчирилади. Бунда рейкандан олинадиган саноқ асбоб горизонти ва нуқталар баландлик белгисининг фарқига тенгdir.

XII.5. ЙЎЛНИНГ УСТКИ ҚИСМИНИ ҚУРИШДАГИ ГЕОДЕЗИК ИШЛАР

Йўлнинг остки қисми тайёр бўлгандан сўнг унинг устки қисмини қуришга киришилади.

Автомобиль йўллари қурилишида кўтарма ва қазилма устки қисмida ўқ чизиқдан ҳар иккала томонга маълум “в” — масофада ва чуқурлиқда ер ўйиб олинади. Бунга чуқурча — (корито) дейилади. Келгусида бу чуқурчага шағал тўкиб устига қоплама (асфальт, бетон) ётқизилади.

Йўлнинг тўғри жойларида чуқурча қазиш йўл ўқ чизиғини тиклаш пикет ва кўшилувчи нуқталарни нивелирлаш, уларнинг баландлик белгиларини ҳисоблашдан бош-



XII.9-шакл

ланади. (XII.9-шакл). Пикет ва кўшилувчи нуқта баландлик белгилари қуидаги ифодалардан топилади.

$$H_k = H + i_o b_o,$$

$$H_o = H_k + i b,$$

$$H_q = H_o - h_q.$$


Бунда: H — йўл ёқаси четининг баландлик белгиси, H_k — йўл устки қисми четининг баландлик белгиси, H —

кесимдан олинади, i_o — йўл ёқаси нишаби, b_o — йўл ёқасининг узунлиги, H_o , i , b — йўл устки қисмидаги тегишлича ўқ чизик баландлик белгиси, нишаби ва узунлиги. h_k — чукурча чукурлиги, H_k — чукурча баландлик белгиси.

H_o , H_k баландлик белгилари ҳисоблангандан сўнг, чукурчани режалашга ўтилади. Бунинг учун ҳамма пикетларга йўл устки қисми баландлик белгиси H_o га тенг қилиб қозиқлар қоқилади. Қозиқлар ёнига чукурча баландлик белгисига тенг қилиб иккинчи қозиқ қоқилади. Эккер ёрдамида йўл ўқидан иккала томонга аввал “в” (йўл устки қисмий узунлигининг ярми) сўнгра масофалар ўлчаб қозиқлар қоқилади (2 ва 1 нуқталар). Қозиқ усти тегишлича H_k ва H баландлик белгиларига тенг бўлиши керак. Бу баландлик белгиларни пикетларда нивелир билан қўшилувчиларда эса, нишончалар ёрдамида батафсил режаланади. У қозиқлар ёнига чукурчанинг тубига тенг қилиб иккинчи қозиқ қоқилади (5 нуқта). Бу қозиқни усти 2 нуқтадан сунъий қоплама қалинлигига фарқ қилиши керак.

Чукурча 20 ёки 10 м оралиқда эккер ва рулетка билан нишончалар ёрдамида батафсил режаланади. Чукурчанинг кўндаланг нишаби i_2 нишаб кўрсатгичлар билан текширилади.


Ер иншоотларини кўндаланг кесим ўлчамларини лойиҳа қийматларига етказилгандан, сўнг чукурча қазиш ортиқча иш бўлади. Шу сабабли баъзи бир ҳолларда кўтарма четлари қўшимча тупроқ тўкиш билан ҳам тўлдирилади (XII.10-шакл).



XII.10-шакл

XII.5.1. ЙЎЛНИНГ ЭГРИ ҚИСМЛАРИДА КЎТАРИЛИШНИ ЯСАШ

Ер иншоотлари кенглиги йўлнинг эгри қисмларида оширилади. Бунда кўндаланг кесим бўйича икки томонга йўналган нишаб чизиги (тўғри қисмида) бир томонла ма йўналган нишаб чизигига ўтиши ўтиш эгри чизик чегарасида бажарилади. Бу ўзгариш йўлни ташқари томонини аста-секин ўтиш эгри чизик чегарасида кўтариш ёрдамида бажарилади ва бу кўтарилиш вираж дейилади ва уни ясаш қўйидагича бажарилади. Ўтиш чизик бошлинишига 10 м қолганда йўл ости қисми ташқариси четининг нишаби транспорт қатнов қисми нишабига тўғриланади, яъни $i_o = i_1$ (XII.11-шакл, II кўндаланг кесим). Ўтиш эгри чизик чегарасида йўл қатнов қисмининг ташқи чети (2 нуқта ва кўтарма ёки қазилманинг чети (I нуқта) $h_1 = a(i_o - i_1)$ ифода билан топилган қийматга кўтарилади. Бунда йўл қатнов қисмининг ўнг томони, яъни ички чети (4) ва кўтарма ёки қазилманинг ҳам ички чети (5) ўзгармайди. Бу билан йўлнинг ички ва ташқи қисми бир нишаб i_1 — га тенг бўлиб, йўлнинг ташқи томонига (чап томон) қараб кўтарилиш ҳосил бўлади. (III — кўнда-



XII.11-шакл

ланг кесим) Сўнг кўндаланг кесим 4^1 нуқтаси атрофида то доиравий эгри чизиқ бошланишигача бўлган масофа-да берилган вираж нишаби (i_b) га қадар кўтарилади. Бунда ҳамма нуқта баландлик белгилари ўзгаради. Доиравий эгри чизиқ охиригача кўндаланг кесим ўзгармайди. Йўлнинг кейинги ўзгариши доиравий эгри чизикдан ўтиш эгри чизиқ охиригача тескари равишда бўлади.

Кўндаланг кесим ўзгаришидаги нисбий баландликлар (I—I кесимини IV—IV кесимига нисбатан, бўйлама нишабни ҳисобга олмаган ҳолда) куйидаги ифодалардан то-пилади.

Ўқ нуқта учун

$$h = \left(\frac{b}{2} + \Delta b \right) i_3 - \frac{b}{2} i_1, \quad (\text{XII.11})$$

Йўл қатнов қисмининг ташқи чети учун

$$h_3 = (b + \Delta b) i_3, \quad (\text{XII.12})$$

кўтарма ёки қазилманинг ташқи чети учун

$$h_2 = (a + b + \Delta b) i_3 + a i_1, \quad (\text{XII.13})$$

кўтарма ёки қазилманинг ички чети учун

$$h' = \Delta b i_o. \quad (\text{XII.14})$$

Кўтарманинг 4^1 нуқта атрофида кўтарилишида (айла-нишида) унинг ички чети баландлик белгиси $h'' = (a - \Delta b)(i_1 - i_1)$ га камаяди. Кўтарма ички четининг умумий ўзгариши куйидаги ифодадан аниқланади:

$$h' = a(i_o - i_1) + \Delta b i_o - (a - \Delta b)(i_1 - i_1). \quad (\text{XII.15})$$

(I—I), (IV—IV) кесими оралиғида жойлашган кўндаланг кесим нуқталарининг ($1 \div 5$ нуқталар) баландлик белгилари шу кесимида XII.11—XII.15 ифодалар орқали ҳисобланган нисбий баландликлар ёрдамида масофага пропорционал қилиб интерполяциялаш йўли билан то-пилади. Кўтарилиш нишаби i_b эгри чизик радиусига қараб 20%—60% бўлиши мумкин.

Темир йўллар курилишида чукурча ясалмайди. Кўтарма ёки қазиманинг устига балласт тўкилиб, шпаллар ва пўлат из ётқизилади. Эгри участкаларда балласт ҳисобига ташқи пўлат из кўтарилади ва ер иншооти кенглиги оширилади.

XII.6. ЙЎЛЛАРНИНГ УСТКИ ҚИСМИНИ РЕЖАЛАШ

Йўлда ўйилган чуқурчага қум ёки шағал тўкиб, унишиббалаб текисланади. Сўнг ўқ чизиқ нуқталари тикланади ва бу нуқталардан қоплама чети ўлчаб қўйилади. Ўқ нуқталаридаги қозиклар лойиҳа баландлик белгиларига тенг қилиб қоқилади. Улар қопламани ётқазишида асос нуқталари ҳисобланади. Қоплама ётқазиши, шағаллар тўкиб шиббалаш, механизация ёрдамида олиб борилади. Қопламанинг текислиги, бўйлама ва кўндаланг нишабнинг тўғрилигини текшириш ишлари, турли геодезик асбоблар билан бажарилади.

Темир йўл устки қисмининг қурилиши бошланишидан аввал текисланган кўтарма ёки қазилмада ўқ чизиқ тикланади. Эгри чизиқлар батафсил режаланади. Бу қозикларда лойиҳалangan баландлик белгилари нивелир ва рейка ёрдамида 1—2 мм аниқликда бўлгиланади. Пўлат издаги баландлик белгиларни ҳисоблашда кетидаги лойиҳавий баландлик белтига, тўкиладиган призма балласт қатлами, рельс-пўлат из баландлиги, темир ва резина таглик қалинлиги қўшилади. Ётқизилган пўлат из баландлик белгилари кўндаланг кесим бўйича ва ташки изнинг кўтарилишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳа баландлик белгилардан фарқи 4 мм дан ошмаслиги шарт. Иккита из кенглигининг фарқи +4—2 мм бўлиши шарт.


XII.7. ЕР ИШЛАРИ БАЖАРИЛИШНИ ТЕКШИРИШ

Ер ишлари бажарилишини текшириб боришда вақти вақти билан ўқ чизиқни тиклаб турилади ва ўқ чизиқда нисбатан ер иншооти ўлчамларининг тўғрилиги текшириб борилади. Бунда кўтарма, қазилманинг икки чети, усти ва остининг нишаблари, кўндаланг кесим ўлчами ва баландлик белгилари, тўкилган ва қазиб олинган тупроқ ҳажмининг тўғрилигини текширилади.

Кўтарма қурилишини текширишда унинг тарҳдаги ҳолати тикланган ўқ чизиқдан, баландлик белгилари эса, реперларга боғлаб топилади.

Баландлиги 2 м гача бўлган кўтарма ишлов баландлиги сурилма веха-нишонча, рейка, нивелир ва ёнбағир кўрсаткичлар ёрдамида текширилади. (XII.12-шакл). Бунда кўтарманинг иккала тагига ёнбағир кўрсатгич ва су-

Сурилма веха-нишонча



XII.12-шакл

рилма веха-нишон қўйилади. Кўтарма устки қисмига сурилма веха-нишон қўйиб, масофа ўлчанади. Кўтарманинг ишлов баландлигигача етказиш учун тўкиладиган тупроқ баландлиги қуидаги ифодалардан топилади.


$$\left. \begin{array}{l} b = a + h_1 - h, \\ h_1 = h + b - a, \\ h^1 = h - h_1 = a - b. \end{array} \right\} \quad (\text{XII.16})$$

Кўтармага тўкилган тупроқ тўғрилигини текширишда унинг (XII.13-шакл) иккала тагига ёнбагир кўрсатгич қўйилади. Ташқарига чиқарилган қозикқа рейка ва кўтарма устига асбоб (нивелир ёки теодолит) ўрнатилиб, рейкадан “ a ” саноги олинади, асбоб баландлиги i — ўлчанади. Кўтарманинг ишлов баландлиги белгигача етказиш учун тўкилладиган тупроқ, баландлиги ушбу ифода:


$$h^1 = a - i - h_k \quad (\text{XII.17})$$

билин топилади.

Бунда: h_k ўқ чизикқа қоқилган (А нуқта) ва ташқарига чиқарилган нуқталар (В нуқта) орасидаги нисбий баландлик. Бу нисбий баландлик режалаш журналидан олинади.



XII.13-шакл



XII.14-шакл

Баландлиги 2 м дан ортиқ бўлган кўтармалар турли усууллар (тригонометрик нивелирлаш, нишонча ёрдами) билан текширилади.

Қазилмани ковлашда қазилма ўқ чизигининг ҳолати, кенглиги, чукурлиги, нишаблари текширилади.


XII.14-шаклда ёнбағир кўрсатгич ёки андоза ёрдамида қазилма ковланишини текшириш кўрсатилган. Бунда ёнбағир кўрсатгич қазилманинг ҳақиқий четига қўйилади. Сўнгра қазилманинг ҳақиқий четидан лойиҳавий четигача бўлган l — масофа ўлчанади. Ёнбағир кўрсатгич йўналиши бўйича лойиҳавий нишабга параллел чизиқ бўйлаб рейка ётқизилади ва “к” нуқтага қозик қоқилади. a — масофа ўлчанади. Бунда яна қазиладиган тупроқ чукурлиги $b = l - a$ га тенгдир. Қазилма чукурлиги қўйида-ги тенглама билан ҳисобланади.

$$h = \frac{l_{\text{ниш}}}{\sqrt{1 + m^2}}, \quad (\text{XII.18})$$

$l_{\text{ниш}}$ — ҳақиқий нишаб узунлиги. У лента ёки рулетка билан ўлчанади. h — ни андозага чизилган номограммалардан ҳам олса бўлади.

Қазилма ўлчамлари қия нур ёрдамида асбобни унинг пастки ёки устки қисмига ўрнатган ҳолда ҳам текширилиши мумкин.

Ҳозирги вақтда ер иншотларини қурилишини текширишда турли автоматик аппаратлар ишлатилмоқда. Бунда асосан механизмлар иш органларининг (экскаваторни ковши, скрепер ва бульдозерни кесувчи қисми, автогрей-



XII.15-шакл

дерни ағдарма тиши ва ҳ.к.) Ҳаракатини автоматлаштириш, яни уни лойиҳа баландлик белги, нишаб ва йўналишлар бўйича олиб бориш кўзда тутилади. Булар жумласига “Профиль-1”, “Профиль-2”, “Автоплан-1”, “Автоплан-2”, “Стабилоплан-1”, “ПУЛ системаси” ва ҳ.к.лар киради.

Йўл остики қисмини ва кўндаланг нишаб ясаш асосан веха-нишончалар ёрдамида автогрейдерлар билан олиб борилади. (XII.15-шакл). Бунинг учун кўтарма икки томонидан нишаб чизигида ва ўқ чизиқда веха-нишонча 1,5 м баланд қилиб ўрнатилади. Сўнг нишабдаги вехалар баландлиги “ b ” га камайтирилади. Бу қиймат қуйидаги ифода билан ҳисоблаб топилади.

$$b = i \left(\frac{b}{2} + \varsigma \right) \quad (\text{XII.19})$$

Бунда ς — кўтарма четидан нишабга қўйилган веха-нишонгача бўлган масофа. Текисланишни автогрейдер билан бажарилганда уни ағдарма тиши у нишаб кўрсатгич ёрдамида маълум нишабга йўналтирилади. Автогрейдерни қайта ўтиши иккита силжувчи рейкалар (биттаси ўқдаги нуқтада, иккинчиси эса, текширилаётган нуқтада) билан текширилади. Ер иншоотини бўйлама профиль бўйлаб текислаш ҳам “ПУЛ” системаси ёрдамида олиб борилади.

XII.8. ТЕМИР ЙЎЛ УСТКИ ҚИСМИНИ ЁТҚИЗИШДАГИ ГЕОДЕЗИК ИШЛАР

Йўл устки қисмини ётқизишдан аввал *тайёр ер иншоотлари* ўқ чизигини жойда маҳкамланганлиги текширилади. Бунинг учун бурилиш учларида теодолит билан горизонтал бурчаклар ўлчанади ва бурилиш бурчаги θ

аниқланади. Агар θ лойиҳа қийматидан 2^1 дан ортиқ фарқ қылса, эгри чизик элементлари ва бош нұқталари ҳисоблааб чиқылади.

Йўл устки қисмини ётқизишдан аввал қуйидаги ишлар бажарилади:

а) йўл ўқи, тўғри жойларда 100 м оралиқда, эгри чизик радиуси 600 м дан катта бўлганда 20 м оралиқда ва радиус 600 м дан кичик бўлса 10 м да маҳкамланади;

б) бош йўлдаги милли ўтказгичлар маркази маҳкамланади;

в) ер иншоотлари устки майдончасини лойиҳа ўлчамларига тўғрилиги, текислаш ва шиббалаш ишларининг сифати текширилади;

г) ер иншоотининг сифати ва унинг йўл устки қисми ни қўйишга тайёрлиги акт билан қайд қилинади.

Тайёр ер иншоотлари устига пўлат излар ётқизилгандан сўнг, унинг сифати текширилади. Бунда кўзга кўринадиган излар тўғри чизикдан 2 см чиқиб кетмаслиги зарур.

Йўл ётқизишдаги хатолар СНиП III—38—75 да батафсил келтирилган.

XII.9. ТЕМИР ЙЎЛ АИРИШ ПУНКТЛАРИДАГИ РЕЖАЛАШ ИШЛАРИ


XII.9.1. МИЛЛИ ЎТКАЗГИЧНИ РЕЖАЛАШ

Темир йўлларда транспортни бир йўлдан иккинчи йўлга милли ўтказгичлар ёрдамида ўтказилади. Милли ўтказгичлар рельс хили, йўл категориясига қараб турли маркалар $\left(\frac{1}{N}\right)$ да бўлади. XII.16-шаклда милли ўтказгич келтирилган. Бунда α — крестовина бурчаги, 1 — ўтказгич механизми, 2 — учли рельслар, 3 — ўтказувчи эгри чизик, 4 — крестовинанинг реёзий маркази.

Милли ўтказгич маркаси $\frac{1}{N} = 2 \operatorname{tg} \frac{\alpha}{2} \approx \operatorname{tg} \alpha$ бўлиб, у

$N = 9$ бўлганда $\alpha = 6^\circ 20' 25''$ ва $N = 11$ да $\alpha = 5^\circ 11' 40''$ га бўлади.


Милли ўтказгични режалашда жойда унинг маркази (М.Ў.М) белгиланади. Теодолит ва пўлат ленталар билан қолган ҳамма элементлари (XII.16-шакл) жойга кўчирилади.



XII.16-шакл

XII.9.2. ТЕМИР ЙҮЛ ҚҰШИЛИШИНИ РЕЖАЛАШ

BD йұналишидаги қуриладиган йүлни мавжуд AC' йүлиға құшилишини режалаш учун жойда $\dot{y}\dot{k}$ чизиклар кесишгандың B нүктасы анықланиб, β бурчаги үлчамады. Иккі йүлнинг құшилиши учун милли үтказгичнинг марказини B нүктеге эмес, бу нүктадан X масофадаги A нүктеге жойлаштириш керак (XII.17-шакл).



XII.17-шакл

ΔABC дан

$$\frac{X}{\sin(\beta - \alpha)} = \frac{b + q + T}{\sin(180^\circ - \beta)},$$

бундан $X = \frac{\sin(\beta - \alpha)}{\sin(180^\circ - \beta)} \cdot (b + q + T)$ бўлади, бунда: α ва b

ўтказгич маркасига қараб, q тўғри чизиқ СНиП дан, тангенс T эса, $\beta - \alpha$ ва R лар орқали жадвалдан олинади.

β бурчак жойда ўлчанади. B нуқтадан йўл ўқи бўйича X масофа ўлчаб қўйилиб милли ўтказгичнинг маркази (МЎМ) аниқланади.

ΔABC дан BC ҳисоблаб топилади:

$$\frac{BC}{\sin \alpha} = \frac{b + q + T}{\sin(180^\circ - \beta)}, \quad \text{бундан} \quad BC = \frac{\sin \alpha}{\sin(180^\circ - \beta)} (b + q + T).$$


С нуқтани кўчириш учун МЎМ ва α бурчагини жойга кўчирилади ва бу йўналишда $b + q + T$ оралиқ белгиланади.

Параллел йўллар ўзаро бирлашишида МЎМ дан бурчак уни С нуқтагача бўлган оралиқ X қўйидаги ифодадан топилади (XII.18-шакл).

$$X = \frac{l}{\operatorname{tg} \alpha} = lN,$$

бу ерда: l — йўллар ўқи оралиғи, масалан $l = 5,30$ м ва $\frac{1}{N} = \frac{1}{9}$ бўлса, $X = 5,30 \times 9 = 47,70$ м бўлади.

Тўғри чизиқ $q = \frac{l}{\sin \alpha} - (b + T)$ ифодадан аниқланади.




XII.18-шакл

XII.9.3. ЙЎЛНИНГ ЎТИШ ЖОЙЛАРИНИ РЕЖАЛАШ

Транспортни бир йўлдан иккинчи йўлга ўтиши съездлар орқали бажарилади. (XII.19-шакл).

Милли ўтказгичлар маркаси ва эгри чизик радиуси R бир хил бўлганда МўМ оралиғи $AA^1 = d$ съездни “У” ўқига проекцияси бўлиб, қўйидагича ҳисобланади:



XII.19-шакл

$$d = 2(b + q + T)\cos \alpha + (2T + a)\cos \beta.$$

Тўғри чизик “а” съездни “Х” ўқига проекциялаб топилади:

$$l = 2(b + q + T)\sin \alpha + (2T + a)\sin \beta,$$

бундан

$$a = \frac{l - 2(b + q + T)\sin \alpha}{\sin \beta} - 2T.$$

a ва d масофаларни юқоридаги ифодалар билан ҳисоблашда икки йўл оралиғи l ва қўшилиш бурчаги β жойда ўлчанади ёки тарҳдан олинади. Тангенс узунлиги $T = R \operatorname{tg} \frac{\beta - \alpha}{2}$ ифодадан топилади. Крестовина бурчаги α

милли ўтказгичнинг маркасига қараб олинади, тўғри чизик q узунлиги эса, жой шароитига қараб танланади.


Съездни режалашда жойда МўМлари, яъни A ва A^1 нуқталар белгиланади (биттаси пикетаждан, иккинчиси X , Y координаталари асосида).

A ва A' нүкталарда а бурчаги йўналишида $b + q + T$ оралық кўйилади ва C, C' нүкталар (бурилиш учлари) белгиланади. C ва C' оралиқ $2T + d$ га тенг бўлса, режалаш тўғрилигидан далолат беради. Фарқ 1:2000 бўлиши керак.

Милли кўчалар

Бош йўлга параллел йўллар ўтказиш учун қатор жойлашган бир-неча милли ўтказгичларни милли темир йўллардан иборат “кўчалар” деб юритилади.

Милли кўча бош йўлга нисбатан турли бурчак билан жойланishi мумкин. Одатда, параллел жойлаштириладиган йўллар сони кўп бўлмаса, милли кўча бурчаги крестовина бурчаги α га тенг қилиб олинади (XII.20-шакл).



XII.20-шакл

Параллел йўллар оралиғи l бир хил бўлса, МЎМ орасидаги масофа S қўйидагича аниқланади:

$$S = \frac{l}{\sin \alpha}.$$

МЎМ нинг координаталари қўйидаги

$$1\text{-йўл учун } X_1 = \frac{l}{\operatorname{tg} \alpha} = lN; \quad Y_1 = l.$$

$$2\text{-йўл учун } X_2 = \frac{2l}{\operatorname{tg} \alpha} = 2lN; \quad Y_2 = 2l.$$

.....

.....

n — йўл учун эса, $X_n = \frac{nl}{\operatorname{tg} \alpha} = nlN; \quad Y_n = nl$. ифодалардан аниқланади.

ХII.10. МУҲАНДИСЛИК ИНШООТЛАРИДАГИ ДАВРИЙ ЎЗГАРИШ ВА ЎПИРИЛИШНИ АНИҚЛАШ

Иншоотлар қурилиши даврида ва қурилгандан сўнг вақт ўтиши билан турли сабабларга кўра тик ёки горизонтал текислик бўйича чўкиши ёки оғиши мумкин. Буни иншоот даврий ўзгариши дейилади.

Даврий ўзгаришни кузатиш вақти-вақти билан олиб борилиб, унинг қиймати иншоот тури, тупроқ таркиби ва шунга ўхшаш сабабларга боғлиқ бўлади. Даврий ўзгаришни кузатиш СНиП III—2—75 га биноан техник топшириқ асосида бажарилади. Бунда:

- а) иншоотни кузатадиган қисмлари, жойлари кўрсатилади;
- б) таянч ва назорат қиласидаги реперлар жойлашиши аниқланади;
- в) кузатиш даврийлиги белгиланади;
- г) даврий ўзгаришни кузатиш аниқлиги топилади;
- д) топширадиган ҳужжатлар рўйхати белгиланади.

Даврий ўзгаришни кузатиш аниқлиги СНиП III—2—75 га биноан қўйидагича:

Тик даврий ўзгариш

- 1 мм — тошлоқ жойларда қурилган иншоотлар учун;
- 2 мм — қум, тупроқ ерларда;
- 5 мм — кўтармада қурилган иншоотлар учун.

Горизонтал даврий ўзгариш

- 1 мм — тошлоқ жойларда;
- 3 мм — қум, тупроқ ерларда;
- 10 мм — кўтармада;
- 15 мм — кўтарма, қазилмалар учун.

Горизонтал даврий ўзгаришни аниқлашда ўқ чизик бўйича ўлчаш, кестирма, триангуляция ва фотограмметрик усуllардан фойдаланилади.

Тик даврий ўзгариш асосан геометрик, тригонометрик, гидростатистик ва гидродинамик нивелирлаш, ҳамда фотограмметрик усуllар билан аниқланади.


Ўпирилиш — катта ҳажмдаги тупроқнинг баъзи сабабларга биноан қиялик бўйича силжишидир.

Ўпирилишни геодезик усуllар билан аниқлаш ўқ бўйича, ўлчаш створ усули билан ва тарам нурлари ёрдамида

бажарилади. Бу усулларда ўпирлиш күзғалмайдыган, ўпирлиш чегарасидан ташқарида жойлашган нұқталарга нисбатан аниқланади.

Ўпирлишни ўқ бүйича ўлчаб аниқлашда (XII.21-а шакл) P ва q пунктларга нисбатан 1, 2, 3, 4, 5 нұқталар ўрни ўзгариши ўлчаб аниқланади.

Створ усулида (XII.21б-шакл) створ чизигінде нисбатан 1, 2, 3, 4, 5 нұқталар ўрни ўзгариши ўлчаб топилади. 1, 2, 3, 4 нұқталар (XII.21в-шакл) нине AB чизикқа нисбатан тарам нурлар ёрдамида топилади.




XII.21-шакл

XII.10.1. КҮТАРМА ВА ҚАЗИЛМАЛARDА ДАВРИЙ ЎЗГАРИШНИ АНИҚЛАШ


Күтарма ва қазилмаларда даврий ўзгаришни аниқлаш — бу иншоотларнинг бузилиб кетмаслигига ва вақтида баъзи бир чораларни күришга имкон беради.

Даврий ўзгаришни аниқлаш асосан вақти-вақти билан ер иншоотларида ўрнатылған деформацион нұқталарни нивелирлашдан иборатдир. (XII.22-шакл). Бунда: I—VII таянч нұқталари; 1—6-лар даврий ўзгаришни аниқловчи нұқталар.

Ер иншоотларини эгри жойларыда даврий ўзгаришни аниқлашда AB чизиги-базис ўтказилади ва базис (XII.23-шакл) камидә 1:3000 хато билан ўлчанади. Сүнгра таянч нұқталари C , B , D ўрнатылып, жойда ёпик полигон ясалади. Уларга нисбатан даврий ўзгаришни аниқловчи



XII.22-шакл



XII.23-шакл

нүқталар ўрнатиласы да бу нүқталарнинг силжиши нивелирлаб аниқланади.

XII.2. РАЗЪЕЗД ВА СТАНЦИЯЛАРНИ ТАСВИРЛОВИ ҲАҚИДА

Разъезд ва станциялар тарғини бўйлама ва кўндаланг кесимларини тузиш, станциядаги тафсилот элементлари координаталарини ҳисоблаш, милли ўтказгич, иншоот ва ҳ.к.ларни журналини тузиш, ҳамда разъезд ва станцияларни қайта қуриш лойиҳасини тузиш учун улар тасвир-


лов қилинади. Тасвирлов билан боғлиқ бўлган барча геодезик ишлар норматив ва кўрсатма маълумотларига таяниб бажарилади.

Тасвирлов бошлишдан аввал станция бошлифидан станция чизмасининг нусхаси ва йўл дистанциясидан йўл ўйжалиги бўйича маълумотлар олинади.

Тасвирловда иш тартиби:

- жой рекогносцировка қилиниб, асос шохобча пунктлари ўрни белгиланади ва улар жойда маҳкамланади;
- асос шохобча пунктлари ўзаро тарҳдаги ўрни ва баладлиги бўйича боғланади;
- бош йўл пикетланади ва нивелирланади;
- кўндаланг кесимлар тасвирлов қилинади;
- мавжуд иншоотлар, милли ўтказгичлар, йўллар журналини тузиш, тафсилот элементлари координаталарини ҳисоблаш учун геодезик ўлчашлар бажарилади;
- керак бўлган ҳолларда эгри чизиқ тасвирлов қилинади.

Асос шохобча пунктлари ўрни мавжуд станция ёки разъезд рекогносцировкаси асосида белгиланади. Бунда йўллар сони, станция ёки разъезднинг чизмаси, йўловчилар уйининг жойланиши ва ҳ.к.лар эътиборга олинади. Масалан, станция ва разъезд йўллари сони бештагача бўлган ҳолларда биргина полинометрик йўл сифатида (XII.24-шакл), бештадан ортиқ ҳолларда эса, асос шохобчалари бош йўлга параллел ёки параллел бўлмаган бир неча полинометрик йўллар тарзида барпо этилади.



XII.24-шакл

Катта станцияларда асос шохобчалари давлат геодезик пунктларига таянган ҳолда 1 ва 2-разрядли полинометрик, теодолит йўллари, триангуляция усули асосида барпо этилади (XI.3 ва XI.4-шаклларга қаранг).

Асос шохобча пунктларини ўзаро тарҳдаги ўрни бўйича боғлашда горизонтал бурчак ва улар орасидаги масофалар

тегишли аниқликда ўлчанади. Масалан, давлат шохобча пунктларига таянган 1-разрядли теодолит йўлларида бурчак 15 сек. аниқликда, масофа ўлчаш нисбий хатоси эса 1:3000 дан ошмаслиги лозим. Ўлчаш натижалари ишлаб чиқилиб, пунктларининг координаталари ҳисобланади. Пунктларни баландлик бўйича боғлашда геометрик усул билан нивелиранади ва баландлик белгилари ҳисобланади.

Бош йўл бўйича пикетлашда йўловчилар уйи, сунъий иншоот ўқларининг пикет қиймати ёки бўлмаса километрлар белгиланган столбалар асос қилиб олинади. Пикетлаш пўлат лента билан олиб борилади. Ўлчаш натижаларини текшириш учун масофалар қайта ўлчанади. Бунда нисбий хато 1:2000 дан катта бўлмаслиги лозим. Пикетлашда ҳар бир пикет ўнг томондаги пўлат рельснинг ён томонида чизиқ билан белгиланади. Мавжуд репер ва маркалар, сунъий иншоот ўқлари, ўтиш жойлари (переезд), йўловчи уйлари, доимий сигналлар ўрни, ерости ва усти коммуникациялар, кесим лойиха чизифи ўзгарган ва кўндаланг кесим тасвирлов қиласидан нуқталар, милли ўтказгич реэзий маркази ва ўтказгич бошланиши, қазилма ва кўтарма боши ва охирги нуқталари ва ҳ.к.лар пикетлаш журналида белгиланади. Ўнгга бурилган эгри чизиқда пикет ва қўшилувчилар ташқи рельеда 50 метр эгри чизиққа етмасдан ва унинг охиридан ҳам 50 м олдинда белгиланади.

Пикетлар бўйлаб геометрик нивелирлаш репер ва маркалардан бошланиб, уларда тутатилади. Нивелирлашда рейкани рельс устига қўйиб кейин саноқ олинади. Нивелирлаш турли усуллар билан бажарилиши мумкин. Бунда йўл қўярли хато $f_{\text{н.х.}} \leq 20\sqrt{L}$ мм бўлади.

Кўндаланг кесимлар тасвирлоқ қилишида бош йўлга перпендикуляр чиқазилиб, оралиқ 1 см аниқликда ўлчанади. Бунда техника хавфсизлигига юқори даражада эътибор берилиши шарт. Кўндаланг кесим характерли нуқталарга қисқартиб ёзилади, масалан: (XII.25-шакл).

рельс усти — РУ


балластли призманинг чети — БЧ

балластли призманинг таги — БТ

кўтарма чети — КЧ

кўтарма ёки қазилманинг ён бағри ўзгарган нуқтаси — Ё

кўтарма таги — КТ ва ҳ.к.



XII.25-шакл

Нивелирлашда бош йўлдаги ПКдан саноқ, сўнгра кўндаланг кесим нуқталаридан оралиқ саноқ олинади.

Мавжуд иншоотлар журнали ўлчаш ва кузатиш натижаларида тузилади. Бунда албаттa иншоотнинг ҳолати, девор ва том материаллари, унинг асосий ўлчамлари кўрсатилади.

Станция ва разъездлар эгри чизиқда жойлашган бўлса, унда эгри чизиқ тасвирлов қилинади. Тасвирловда инж. И. В. Геникберг, проф. А. Ф. Лютц усулидан, асос нуқталари билан тасвирлов қилиш каби усуллардан фойдаланилади.

Дала ўлчаш ишлари асосида станция ёки разъезд тарҳи, бош йўл бўйича бўйлама ва кўндаланг кесимлар, турли журналлар тузилиб, керакли ташкилотларга топширилади.

XII.12. ҚУРИЛИШДА БАЪЗИ БИР ГЕОДЕЗИК МАСАЛАЛАРНИ ЕЧИШ

Иншоот қурилишида унинг тури, вазифаси, катта-кичиклиги ва ҳ.к. ларга қараб баъзи бир геодезик масалаларни ечишга тўғри келади. Масалан: чизиқли иншоотлар қурилишида маълум нишабдаги чизиқни ва текисликни жойга кўчирилади. Унда ташқари ўқ чизиқ кесиб ўтган турли тўсиқ (дарё, чукур, жар, турли узаттич симлари) жойларда бевосита ўлчаб бўлмас масофани, узаттич симларининг ўқ чизиқдан баландлигини аниqlаш каби геодезик масалалар ечилади.

Үй-жой, саноат иншоотлари қурилишида эса, лойиҳа баландлиқ белгиларини юқори қаватлар ва пойдеворга уза-

тиш, пойдевор учун қазилған чуқур таги баландлик белгисини аниқлаш, ўрнатылған устуңларнинг тиклигини текшириш, иншоот баландлыгини аниқлаш каби геодезик масалаларни ечишга тұғри келади.


Юқорида қайд қылинған баъзи бир геодезик масалалар VI-4, XI-6 бобларда баён этилған. Куйида улардан баъзи бирларни ечишни күриб чиқамиз.

Иншоот, электр узатгич симларининг ердан баландлыгини аниқлаш.


Бунда *B* нүктега теодолит-таксиметр ўрнатылған, у иш ҳолатига келтириләди. *d* — масофа пўлат лента билан икки марта ўлчанади. Кейин *C* ва *D* нүкталарга қараб тик доирадан икки марта (асбобнинг ДУ ва ДЧ ҳолатларида) саноқлар олинади. Сўнгра оғиш бурчак ν_1 , ν_2 лар ҳисобланади. (XII.26-шакл). Иншоот баландлыги *H* қўйидагича топилади:

$$H = h_1 + h_2 = d \operatorname{tg} \nu_1 + d \operatorname{tg} \nu_2 = d(\operatorname{tg} \nu_1 + \operatorname{tg} \nu_2) = d \frac{\sin (\nu_1 + \nu_2)}{\cos \nu_1 + \cos \nu_2},$$

Иншоот юқори нүктаси *C* баландлыгини масофани тұғри бурчакли кестирма усулида топиб, тригонометрик нивелирлаш ва тик кесиштирма усуллари билан аниқлаш ҳам мумкин. (XII.27-шакллар). XII.27a-шаклда иншоотнинг юқориси кўринадиган *A* ва *B* базис нүкталарига тен



XII.26-шакл



XII.27-шакл

одолит ўрнатилади ва асбоб баландлиги ўлчанади. Сўнгра базис чизиги — d , β_A , β_B горизонтал ва иншоотни юқори нуқтасига қаратиш ўқини қаратиб, ν_B , ν_A — тик бурчаклар ўлчанади.

Иншоот баландлиги қўйидаги ифодадан аниқланади:
A базис нуқтасида

$$H_c = H_A + i_A + d_A \operatorname{tg} \nu_A$$

B базис нуқтасида

$$H_c = H_B + i_B + d_B \operatorname{tg} \nu_B$$

Бунда:

H_A , H_B — базис нуқталарининг баландлик белгилари.

Натижа сифатида икки базис нуқтасидан топилган баландлик белгиларининг ўртачаси олинади.

d_A ва d_B масофалар ўлчанган d , β_A , β_B лар ёрдамида синуслар теоремаси орқали ҳисоблаб топилади.

Яъни

$$d_A = \frac{B \sin \beta_B}{\sin (\beta_A + \beta_B)},$$

$$d_B = \frac{B \sin \beta_A}{\sin (\beta_A + \beta_B)}.$$

Тик кестирма усули (XII.276-шакл) билан иншоот юқори нуқтаси С баландлигини топишда иншоот билан

бир чизиқда баландлиги ҳар хил A ва B нүқталар танланыб, уларга асбоб ўрнатилиади. HA ва HB лар ва улар орасыдаги масофа d аниқланади. A ва B нүқталарда асбоб баландлиги i_A , i_B ва тик бурчак ν_B , ν_B лар үлчанади. H_c күйидаги ифодадан топилади:

$$H_c = H_A + i_A + \frac{d \sin \nu_A \sin \nu_B + l \sin \nu_A \cos \nu_B}{\sin (\nu_B - \nu_A)}.$$


Бунда l — икки асбоб горизонти фарқи, яъни:

$$l = H_A + i_A - H_B - i_B.$$


C нүқта баландлинини аниқлашда ер-фотограмметрик усулдардан ҳам фойдаланилади.

2. Пойдевор учун қазилган чуқур таги баландлик белгисини аниқлаш учун (XII.28-шакл) аввал нивелир A нүқтага ўрнатилиб, репердан “ a ”, сўнгра чуқур четига маҳкамланган таянч ва унга юқ осилган рулеткадан “ b ” саноқлари олинади. Сўнгра нивелир чуқур тагидаги B нүқтага ўргатилиб юқ осилган рулеткадан C саноғи ва чуқур тагидаги рейкадан d саноқлари олинади.

Чуқур таги баландлик белгиси H_2 күйидаги ифодадан аниқланади:



XII.28-шакл



XII.29-шакл

$$H_q = H_p + a - (b - c) - d.$$

3. Баландлик белгиси бинонинг юқори қаватларига узатиша ҳам (XII.29-шакл) аввал нивелир *A* ва *B* нуқталар орасига ўрнатилиб, репердаги рейкадан *a*, юқ осилган рулеткадан *c* саноқлари олинади. Сўнгра нивелир бинонинг юқори қаватига ўрнатилиб, юқ осилган рулеткадан “*b*” ва қаватдаги рейкадан *d* саноқлари олинади. Юқори қават баландлик белгиси қўйидагича топилади:

$$H_{\text{ю}} = H_A + a + (b - c) - d.$$

XIII б о б

КЎПРИК ВА ҚУВУРЛАР ҚУРИЛИШИ ЖОЙНИ РЕЖАЛАШ

XIII.I. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Кўприк ва трубалар қурилишида қўйидаги геодезик ишлар бажарилади:

1) кўприк бўйлама ўқи жойида режаланади ва қозиқлар билан маҳкамланади; (кўприк боши — КБ ва кўприк охири — КО)

2) икки қирғоқда бўйлама ўқ бўйича қоқилган қозиқлар оралиғи ўлчанади:

3) тарҳий ва баландлик асос шохобчалари яратилади;

4) кўприк устунларининг маркази жойга кўчирилади ва қозиқлар билан маҳкамланади;

5) нивелиглаш шохобчалари яратилади;

6) кўприк равофини ўрнатиш, устунни қуриш учун уларнинг тарҳдаги ўрни ва баландлиги (*H*) батафсил режаланади.

7) қурилиш вақтида даврий геодезик текшириш ишлари олиб борилади, кўприкнинг айрим қисмлари (ўйилма, пойдевор, таянч, қурилма ва ҳ.к.лар) маълум вақт (давр) ичida қуриб битирилади, шунда улар битиши билан тўғрилиги текширилади.

Юқорида қайд қилинган геодезик ишларнинг аниқлиги ва керакли асбобларни танлаш, геодезик ишларнинг мукаммаллиги қурилаётган кўприкнинг узунлиги ва ма-

териали, гидролик ва бошқа шароитларга боғлиқ бўлади. Улар маҳсус СНиП лардан олинади.

Одатда кўприклар кичик (узунлиги 25 м гача) ўртacha (25 м 100) ва катта (500 м гача) бўлади. Кўприк узунлиги 500 м дан ошса унда геодезик ишлар маҳсус дастур асосида олиб борилади.

Кўприк қурилишида геодезик режалаш ишларини олиб бориш учун куйидаги ҳужжатлардан фойдаланилади:


— мавжуд қидирув даврида барпо этилган геодезик пунктлар жойлашув чизмаси ва координаталар каталоги;

— кўприк ва кўприк боши ва охиридаги қирғоқларга қуриладиган сув йўналтирувчи иншоотлар лойиҳаси; бу лойиҳада ҳамма ўлчамлар ва ўлчаш учун йўл қўярли қийматлар кўрсатилиши лозим;

— масштаби 1:2000 м ва кесим баландлиги 0,5 м га тенг бўлган жойнинг топографик тарҳи;

Одатда кўприкнинг бўйлама ўқи ва таянчларнинг кўндаланг ўқлари режалаш чизмасида кўрсатилади.

Кўприк қуришни бошлашдан аввал геодезик режалаш ишлари унинг бўйлама ўқини (КБ, КО) жойда топишдан бошланади (XIII.1-шакл)



XIII.1-шакл

Кўприк қуриш чизмаси:

1 — қирғоқдаги таянчлар; 2 — ўртадаги таянчлар; 3 — кўприк қурилмаси; 4 — қурилиш чегараси.

L_o — икки қирғоққа бўйлама ўқ бўйича қоқилган қозиклар оралиғи;

l — кўприк узунлиги;

l — қурилма узунлиги;


p — четки таянчлар шкафли деворидан четки қурилма ўқыгача бўлган масофа;

q — ёнма-ён турувчи қурилмалар орасидаги масофа.







XIII.2. КЎПРИК БОШИ ВА ОХИРИНИ ЖОЙГА КЎЧИРИШ

Бўйлама ўқда ётувчи A ва B нуқталарнинг жойга кўчириш кичик кўприклар учун топографик тарҳдан чизма усул билан олиниб, бажарилади. Бунинг учун A ва B нуқталардан тарҳдаги камида 3 та мавжуд нарса ёки маҳкам ўрнатилган нуқталаргача бўлган оралиғи кўндаланг масштаб билан ўлчаб олинади. Бу оралиқ ўлчаш асбоби (пўлат лента, рулетка ва ҳ.к.) узунлигидан кам ва ўзаро кесишиш бурчаги 30° — 150° бўлиши керак, A ва B нуқталарни жойга кўчириш чизиқли ва бурчак кестирма, ҳамда бошқа усуллар билан бажарилади. Чизиқли кестирма усулида тарҳдаги белгиланган нарса — нуқта жойда топилиб, бу нуқтадан ўлчангандан узунлик радиус ёй қилиб жойга чизилади. Учта ёйларнинг ўзаро кесишиши ҳосил бўлган нуқта кўприк бўйлама ўқида ётувчи A ёки B нуқталар ҳисобланади.

Узунлиги ўртача кўприкларда A ва B нуқталарни жойга кўчириш чизма таҳлилий усулда бажарилади. Бунда A ва B нуқта координаталари тарҳдан, (бу ҳолда кўприк қурилиш жойини режалаш учун асос шохобча сифатида диагоналли тўртбурчаклик 1, 2, 3, 4 барпо этилган, 1, 2, 3, 4 пунктлар координаталари эса, каталогдан олинади (XIII.2-шакл). Бу координаталар билан тескари геодезик масалалар ечиб, оралиқ d_1, d_2, d_3, d_4 ва бурчак $\beta_1, \beta_2, \beta_3, \beta_4$ лар топилади.



XIII.2-шакл



XIII.3-шакл

Лойиҳани жойга қўчиришда теодолит 1, 2, 3, 4 пунктларга ўрнатилади. Пўлат ленталар ёрдамида икки мартадан d — масофа ва β — бурчаклар ёрдамида A ва B нуқталар жойда топилади. AB ўқ чизиқ жойда қўшимча DC ва EF нуқталар билан маҳкамланади.

AB масофани ўлчаш СНиП III.43.75 га асосан узунлиги кичик ва ўртача кўприклар, трубалар учун 1:5000 аниқликда ўлчаниши керак. Кўприк қурилиши учун барпо этилган ҳамма геодезик асос шохобчалари аниқлиги AB масофани юқорида қайд қилинган аниқликда ўлчашни таъмин этиши керак. Шунга кўра пунктларнинг тарҳдаги ўрни ўртача 1 см да аниқланиши лозим.

Кўприк қурилиши учун асос шохобчаларини кўпинча триангуляция ва трилатерация усули билан барпо этилади (ХIII.3-шакллар). Бунда базис чизиғи кўприк ўқига перпендикуляр ва барпо этиладиган шохобчага кўприк ўқида ётувчи A ва B нуқталар киритилади. Триангуляция усулида базис чизиқлари ёруғлик дальномери ёки инвар симлар, трилатерация томонлари эса ёруғлик дальномери, радиодальномерлар билан ўлчаниши мумкин.

Кўприк қурилиши учун режалаш ишларида чизиқли-бурчакли шохобчалар ҳам кўп ишлатилиши мумкин (ХIII.3.d-шакл).

Бунда томон узунлиги (S_1, S_2, \dots, S_7) ёруғлик дальномерлари билан, бурчаклар (1, 2, ..., 8) эса, теодолитлар билан ўлчанади.

Агар қурилаётган жойда аввал қурилган кўприк бўлса, режалаш дублёр ўқлар ёрдамида бажарилиши мумкин (ХIII.3e-шакл). Сўнгги йилларда режалаш учун алоҳида станциялардан кенг кўламда фойдаланилмоқда (ХIII.5ға қаранг).

Одатда кўприк узунлиги L қўйидаги ифодадан топилади (ХIII.1-шакл).

$$L = nl + (n - 1)q + 2p. \quad (\text{ХIII.1})$$

Бу тенгламани дифференциаллаб, сўнг дифференциаллардан ўрта квадратик хатоларга ўтилса, кўприк узунлигини ўлчаш хатоси келиб чиқади.

$$m_L = \sqrt{nm_l^2 + (n-1)m_q^2 + 2m_p^2} \quad (\text{ХIII.2})$$

Бунда m_L — кўприк узунлигини ўлчаш ўрта квадратик хатоси; n — қурилмалар сони; m_l — қурилма узунлигини заводда тайёрлаш ва монтаж қилишдаги ўрта квадратик хатоси; m_q — ёнма-ён турувчи равоғ ўқлари орасидаги масофани ўлчаш ўрта квадратик хатоси; m_p — четки таянчлар шкафли деворидан четки равоғ ўқигача бўлган масофани ўлчаш ўрта квадратик хатоси. Кўприклар қурилишида $m_l = 1:6000$, $m_q = +7$ мм ва $m_p = m_q = 7$ мм га тенг олинади.

Мисол: Кўприк XIII.1-шаклда кўрсатилгандек лойиҳаланган, яъни $l = 63,500$ м, $q = 0,500$ м, $p = 0,450$ мм AB масофани ўлчаш ўрта квадратик хатоси аниқлансин.

Ечиш XIII.2 ифодага асосан $L = 4.63,500 + 3,500 + 2 \cdot 0,450 = 256,400$ м. Кўприк узунлигини улчаш ўрта квадратик хатоси эса, $m_L = \sqrt{4 \left(\frac{64}{6}\right)^2 + 3 \cdot 7^2 + 2 \cdot 7^2} = 26$ мм


чиқади. Нисбий хато $\frac{m_L}{L} = \frac{0,026}{25600} \approx \frac{1}{10,000}$ га тенг. Шундай қилиб, AB масофа $1:10000$ аниқликда ўлчаниши керак экан.

XIII.3. КЎПРИК ТЯЯНЧ МАРКАЗЛАРИНИ РЕЖАЛАШ

Кўприк таянчларининг марказини жойга кўчиришда иш чизмаси тузилиб унга: кўприкнинг бўйлама ўқи ва бу ўқни жойда кўрсатувчи пунктлар (XIII.2-шаклда A, B, D, C, E, F нуқталар) ва улар орасидаги масофа, A ва B нуқталардан қирроқдаги устунлар ўқигача ёки шкафли деворигача бўлган масофа, таянчлар оралифи ва таянч ўқларини бўйлама ўқ билан ташкил қилган бурчаклари кўрсатилади (XIII.1-шакл).

Таянчлар ўрнини топишдан аввал трасса тикланади, пикетлаш текширилади, кўприк қурилиши учун барпо этилган асос шохобчалари пунктларининг тарҳдаги ўрни ва баландлиги текширилади ва ҳ.к.

Кўприкни жойда жойланиши равоқлар узунлигига қараб таянчлар марказини жойда топиш турли геодезик усуллар билан бажарилади. Кўприк сувсиз қуруқ жойга қурилаётган бўлса ёргулик дальномерлари, параллактик ва ҳ.к. усуллар билан ўлчанади. Баъзи бир ҳолларда бур-




XIII.4-шакл

чак кестирма, қутбий координаталар усули ва бошқа турли усулларни бирлаштирилген қолда устунлар маркази жойга күчирилади. Таянчлар маркази XIII.4-шаклда күрсатылғандек жойда қозықтар билан маҳкамланади.

Таянчлар марказини жойга күчиришда ишлатиладиган баъзи бир геодезик усулларни күриб чиқамиз.

Кутбий координаталар усулида топилган оралиқ S бурчак α лар ёруғлик дальномери ва теодолит билан ёки электрон тахеометр ёрдамида таянч маркази жойга күчирилади. (XIII.5а-шакл).



XIII.5-шакл

S ва α лар қуидаги тенгламалардан аниқланади:

$$\left. \begin{aligned} \alpha_{01} &= \arctg \frac{Y_1 - Y_0}{X_1 - X_0}, & S_{01} &= \sqrt{(X_1 - X_0)^2 + (Y_1 - Y_0)^2}, \\ \alpha_{02} &= \arctg \frac{Y_2 - Y_0}{X_2 - X_0}, & S_{02} &= \sqrt{(X_2 - X_0)^2 + (Y_2 - Y_0)^2}. \end{aligned} \right\} \text{(XIII.3)}$$

Бурчак кестирма усулида теодолитлар икки базис нүктасига ўрнатилади ва ҳисобланған α_{01} , α_{02} бурчаклар жойга күчирилиб, кесишгән нүктаси — таянч маркази белгиланади (XIII.5б-шакл).

Күприк қурилишда нивелирлаш шохобчалари III ва IV класс нивелирлаш йўли ўтказиш орқали яратилади.

Бунда ҳар бир қирғоқда 2 та репер 50—100 м масофада қурилиш чегарасидан ташқари ва 1 та репер қирғоқ таянчи ўқида 50 м масофада қўйилади. Күприк қурилиши даврида қўшимча таянчларга ердан 0,4—0,6 м баландликда реперлар ўрнатилади. Ҳамма ҳолларда ўрнатилған репер-

ларнинг нивелирлашдаги йўл қўярли хатоси $f_h \leq 20\sqrt{L}$, мм бўлиши керак, L — нивелирлаш йўли узунлиги, км да.

Курилиш даврида текшириш учун бажариладиган геодезик ишлар кўприкнинг лойиҳа асосида қурилишини, унинг техникавий шартларга мослиги ва ҳ.к. ларни таъминлашга қаратилиши керак.

Кувурлар қурилишида ҳам бажариладиган геодезик ишларнинг ҳаммаси юқорида қайд қилинган ишлар каби бажарилиб, қувурнинг лойиҳа бўйича қурилишини таъминлаши зарур.

XIII.4. КЎПРИК РАВОГИНИ РЕЖАЛАШ

Кўприк равогини режалаш асосан равоғ бош тўсинини (балка) тўғри чизиқдалиги ва қурилиш кўттармасини тўғрилигини аниқлашдан иборат. Бу ишлар кўприк равогини йиғиш ва тайёр равоғни жойига, таянчлар оралиғи устига қўйиш усулларига боғлиқ.

Равоғни таянчлар оралиғи устига қўйиш равоғни қирғоқда йиғиб, сузиш воситалари билан жойига олиб бориб қўйиш, бутунлай осма йиғиш ва ярим осма йиғиш усуллари билан бажарилади. Шу боисдан равоғни режалаш ишлари ҳам турлича бўлади.

Равоғни қирғоқда тайёрлаб, сўнгра жойига олиб бориб қўйиш усулида қурилиш майдонида равоғ ўқи ёки унга параллел чизиқ — створ маҳкамланади. Бу ўқдан ён томондаги ферма ўқлари ва ферманинг остки тугунлари жойланиши режаланади. Нивелирлаш натижасида ҳар бир тугун баландлик белгилари ва унинг тагига қўйиладиган пона қалинлиги аниқланади. Пона қалинлиги қурилиш кўттармаси қийматларига биноан топилади.

Кейин геодезик ўлчаш ишлари асосан ферма тарҳини ва қурилиш кўттармаси тўғрилигига қаратилади.

Ферманинг тарҳи теодолит ва рейка ёрдамида текширилади. Бунда ферманинг бир бошидаги ўқ чизиғига теодолит ўрнатилади ва рейканни горизонтал ҳолатида ҳар бир тугун устунининг осткини ва устки қисмига қўйиб саноқлар олинади. Олинган саноқлар ёрдамида ферма тарҳи тузилади ва бундан ферма белбоғи тарҳининг тўғри чизиқдалиги, осткини ва остки белбоғи тарҳларини таққослашда эса, ферманинг тикилиги аниқланади.

Курилиш кўттармаси нивелирлаш натижасида аниқланади. Бунда асосан унинг чизмаси тузилиб ва ундан қурилиш кўттармасининг қиймати топилади.

XIII.5. АЛОХИДА СТАНЦИЯЛАР УСУЛИДА КҮПРИК КУРИШ ЖОЙИННИ РЕЖАЛАШ


Янгидан-янги замонавий электрон-оптикалы, автоматик геодезик асбобларнинг ишлаб чиқилиши, дастурли ЭХМ дан тез ва ишлатишга қулай тарзда маълумотларни олиш, күпrik курилишида режалаш ишларини алоҳида станциялар ёрдамида бажариш имкониятини туғдирди. Бу усулда күпrik куриш жойини режалаш учун шохобчалари яратилмасдан, қулай жойда алоҳида станция танланади. Албатта, бу станциядан камида учта күпrik таянч пойдевори марказлари кўриниши керак. Алоҳида станция координатаси далада маҳсус тайёрланган дастур орқали ҳисобланади. Бу усулда режалаш ишлари қўйидагича бажарилади:

1. Күпrik қуриладиган майдонда уни режалаш учун қулай ерда алоҳида станция — 1 танланади ва электрон тахеометр ўрнатилади. Уни иш ҳолатига келтирилади.

2. Алоҳида станция — 1 ни жойдаги мавжуд күпrik бошланиши (КБ) ва күпrik охири (КО) нуқталарига тарҳ бўйича боғланади, яъни йўналиш α_1, α_2 ва масофа d_1, d_2 лар ўлчанади (XIII.6-шакл). α_1, α_2 ларни тахеометрда йўналишини аниқлаб ёки аниқланмасдан ўлчаш мумкин.

3. Шартли координата бошланиши сифатида, алоҳида станция 1 координаталари ($X_1=0, Y_1=0$) ўлчангандан йўналиш α_1, α_2 ларни эса, шартли дирекцион бурчаклар деб қабул қилинади.

4. Қуйидаги ифодалар билан КБ, КО нинг шартли координата



XIII.6-шакл

$$\left. \begin{array}{l} X_{\text{кб}} = d_1 \cos \alpha_1; \quad Y_{\text{кб}} = d_1 \sin \alpha_1 \\ X_{\text{ко}} = d_2 \cos \alpha_2; \quad Y_{\text{ко}} = d_2 \sin \alpha_2 \end{array} \right\} \quad (\text{XIII.5})$$

ёки

$$\left. \begin{array}{l} X_{\text{кб}} = d_1 \cos \alpha_1; \quad Y_{\text{кб}} = 0, \\ X_{\text{ко}} = d_2 \cos \alpha_2; \quad Y_{\text{ко}} = d_2 \sin \alpha_2 \end{array} \right\} \quad (\text{XIII.6})$$

лари ҳисобланади. XIII.5 – ифодада тахеометр лимби йўналтирилмаган, XIII.6 ифодада эса, тахеометр лимби Ст1 – КБ чизиги бўйича йўналтирилган.

5. Тескари геодезик масала қуидаги тенглама билан ечилиб, кўприк узунлиги L ва дирекцион бурчак а текширилади, яъни


$$\left. \begin{array}{l} \alpha = \arctg \frac{Y_{\text{ко}} - Y_{\text{кб}}}{X_{\text{ко}} - X_{\text{кб}}} \\ L = \frac{X_{\text{ко}} - X_{\text{кб}}}{\cos \alpha} = \frac{Y_{\text{ко}} - Y_{\text{кб}}}{\sin \alpha} \end{array} \right\} \quad (\text{XIII.7})$$

6. Шартли дирекцион бурчак α ва лойиха оралиғи S_1, S_2, \dots, S_n лар билан кўприк таянчи марказининг шартли координата X_2, X_3, \dots, X_n^1 ва Y_2, Y_3, \dots, Y_n^1 лари ҳисобланади.

7. Таянч марказининг ва Ст1 нинг шартли координаталари орқали тескари геодезик масала ечилади. Сўнгра Ст1 дан таянч маркагача бўлган масофа $d_2^1, d_3^1, \dots, d_n^1$ лар ва дирекцион бурчак $a_2^1, a_3^1, \dots, a_n^1$ лар аниқланади.

8. Электрон тахеометр холис 1 станцияга ўрнатилиб, йўналиши аниқланади, топилган дирекцион бурчак йўналишида тегишли масофалар қўйилиб, кўприк таянчи маркази жойда белгиланади. Жойда топилган нуқталар аниқлигини ошириш ва ишончли бўлиши учун бу ишни яна бошқа (иккита алоҳида станция) станцияда туриб ҳам бажариш мумкин.

БЛОК-СХЕМА



XIII.7-шакл

**ЭХМ МК – 85 ДА РЕЖАЛАШ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ
ХИСОБЛАШ ДАСТУРИ (БЕЙСИК ДАСТУРЛАШ ТИЛИ)**

10. INPUT "d1=,"P, ="d2=", E, "AL-O=", A
20. C=INTA:W=(A-C)*100:L=INTW:G=W-L:
$$A=C+L \mid 60+G \mid 36$$
30. A=9Φ-A:X=Δ:q=0
40. V=E*cosA
50. Z=E*sinA
60. N=Z-X
70. K=SQR(N↑Z+V↑Z)
80. SET7:PRINT"K=":K
90. S=156:J=206205:H=SQR(S*(Z/E)-Z+12*
$$(V/J)-Z+S)$$
100. W=SQR(S*(V/E)↑2+12*(Z/J↑2))
110. PRINT "MX="; Z", V2="; V
120. PRINT "X2="; H:PRINT"MV="; W
130. INPUT "LЖ=", L
140. G=X+N*L/k
150. F=V*L/k
160. R=SQR(G↑2+F↑2)
170. A=ATN(F/G)
180. C=INTA:D=(A-C)+60:L=INTD:G=(D-L)*
$$60:A=C+L/1---+G/10000$$
190. PRINT"D="; R:PRINT"A="; A
200. GOTO 130

XIII.8-шакл


Алоҳида станция усули билан кўприк қурилишини режалаш блок чизмаси ва дастури XIII.7-, XIII.8-шаклларда кёлтирилган.

Кўприк қурилишида режалаш ишларини электрон тахеометр ва дастурли ЭҲМ лар билан холис станция ёрдамида бажариш ишга унумдорлик, пухталик беради ва кам вақт сарфланади. Дала шароитида барча ҳисоблаш, режалаш ишлари бажарилиб, автоматик равишда режалаш элементлари олинади.

XIII.6. СҮНГИЙ ИНШООТЛАР ҚУРИЛИШИДА ЛАЗЕРЛИ ГЕОДЕЗИК АСБОБЛАРНИ ИШЛАТИШ

Кўприк қурилишида уни равофини икки таянч орасига жойлаштириш (монтаж қилиш) да лазерли асбоблар (лазерли теодолит, нишон) кўл келади. Осма ва ярим осма усулида жойда йифилган равоқни жойлаштиришда уни айрим-айрим блокларга бўлиб, бир таянчдан иккинчи таянч томон йифиб жойига қўйилади.

Лазерли асбоблар кўллаб монтаж қилишда кўприк таянчлари марказлари белгиланади. Сўнгра марказдан 0,3—0,5 м масофада бош ўқса параллел қўшимча ўқ белгиланади (XIII.9-шакл). Таянч устидаги қўшимча ўқда лазерли асбоб марказлаштирилади ва кейинги қўшни устунда шу ўқ йўналишида марка — экран ўрнатилади. Монтаж




XIII.9-шакл

қилиш күшимча ўқса йўналтирилган лазер тарами ёрдамда бажарилади. Бунда равоқнинг блоклари тўғри ўрнатилиши горизонтал, баландлиги эса тик рейка билан аниқланади.

Кўприкни тайёр равофини қирғоқдан суринг ўрнатишда иккита рейка горизонтал ўрнатилади (бўйлама ўқни кўрсатувчи белги рейкада маҳкамланади). Олдингі устун ўқида лазерли асбоб иш ҳолатига келтирилади ва нур тарами мунтазам кўприк ўқини йўналишини кўрсатиб турди (XIII.10-шакл). Равоқнинг тўғри суримиши рейкалардан саноқ олиб аниқланади.

Лазерли асбоблар билан таянч баландлигини аниқлаш, баландлик белгиларни бир қирғоқдан кейинги қирғоқка узатиш мумкин.



XIII.10-шакл

XIV б о б

ТОННЕЛЬ ВА МЕТРОЛАР ҚУРИЛИШИДАГИ ГЕОДЕЗИК ИШЛАР

XIV.1. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Тоннель бирмунча ер юзасидан чуқурликда жойлашган иншоот бўлиб, унда асосан маълум юк ташилади. Тоннеллар қурилиши асосан икки томондан, чиқиш ва кириш жойи-пештоқдан бошланади. Тоннеллар кенг миқёсда қурилаётганлиги сабабли уларни умумий турлари куйидагилардан иборат дейиш мумкин.

а) вазифаси бўйича:

- йўл қурилишидаги тоннеллар — темир йўл ва автомобиль йўлларида, метрополитенда, шаҳар кўчаларини

кесиб ўтган жойларда, сув йўлларида (кўприк ўрнига сув остида қурилади ва ҳ.к.).

— гидротехник тоннеллар — гидроэлектростанция иншоотларини ирригация ва турли муассасаларни сув билан таъминлаш учун қуриладиган тоннеллар ва ҳ.к.

— коммунал тоннеллар — иссиқлик ва ахлат қувурлари, ер ости кабеллари, телефон симлари ва ҳ.к. ларни ўtkазиш учун қуриладиган тоннеллар;

— маҳсус тоннеллар

б) ер юзасида жойланиши бўйича:

1) Тоғда қуриладиган тоннеллар;

2) сув остида қуриладиган тоннеллар;

3) шаҳар ичидаги қуриладиган тоннеллар.

Тоннеллар қурилиш усули бўйича қуйидаги турларга бўлинади.

1) Тоғли усул билан қазиш;

2) Шит ёрдамида қазиш (думалоқ шаклда металлдан ишланган, олд томонида тишлари ва кавлаш механизми, орқа томонида эса домкратлари бор маҳсус ускуна);

3) очиқ усул билан қазиш;

4) маҳсус усул билан қазиш.

Тоннеллар ноёб иншоот ҳисобланади. Шунга кўра, лойиҳани жойга аниқ кўчириш, тоннел қурилишида унинг кесими ўлчамларини тўла тўқис ижро этиш, тарҳдаги ўрни, кесимдаги баландлигини ўзгартмасдан қуриш асосий омилларидандир. Бунга маҳсус геодезик асос шохобчаларни барпо этиш билан эришилади. Бу ишлар маҳсус кўрсатма (“Инструкция по геодезическим и маркшейдерским работам при строительстве транспортный тоннелей. ВСН-160-69. Минтранстрой, М. 1970 й.) кўрсатмалар асосида бажарилади.

XIV.2. ТОННЕЛЛАР ҚУРИЛИШИДАГИ АСОСИЙ ИШЛАР

Тоннеллар қурилишидаги асосий геодезик ишлар қуйидагилардан иборат:

а) Ер юзаси ва остида асос шохобчаларини барпо этиб, пунктларнинг тарҳдаги ўрни ва баландлигини топиш;

б) пештоқ яқинида жойлашган шохобча томонларининг дирекцион бурчагини аниқлаш ва уни ер ости шохобча томонларига узатиш;

в) тоннель қуриладиган жойни юқори аниқлиқда тас-
вирлов қилиш;

г) тоннель трассасини таҳлилий усул билан режалаш,
яъни жойга кўчиришга тайёрлаш;

а) тоннель трассасини жойга кўчириш;

е) асос шохобча пунктларини ва жойга кўчирилган
трассани тарҳдаги ўрнини ва баландлигини узлуксиз гео-
дезик усуллар билан кузатиб бориш;


д) ижроия чизмаларини чизиб бориш;

г) тоннелнинг айрим қисмларида деформацияни (ин-
шоот шаклини ўзгаришини) кузатиш ва ҳ.к. лар.


Тоннеллар қурилишида лойиҳани жойга кўчириш учун
ер юзаси ва остида асос шохобчалари яратилади. Ер юза-
сида асосан асос шохобчалари тоннель-триангюляцияси,
трилатерацияси, полиногометрияси, триангюляцияси ва
полиногометрияни ўзаро бирлаштириш каби усуллари би-
лан ясалади. Бунда тоннель узунлиги, унинг жойлани-
ши, қуриш усули ва ҳ.к. лар эътиборга олинади.

Тоннель қурилиши учун барпо этиладиган барча гео-
дезик шохобчаларнинг асосий вазифаси ер остида қара-
ма-қарши келаётган тоннель ўқининг тўқнашишидаги йўл
кўярли хатосини таъмин этишdir.

Тоннель ўқининг тўқнашиш жойидаги (Т.Ж) йўл кўяр-
ли хатони d десак, чекли хатони $2d = Q_T$ деб олиш мум-
кин (ХIV.1-шакл) Бу йўл кўярли хато маҳсус кўрсатмада
50 мм деб қабул қилинган. Тоғли жойларда автомобиль
йўллари учун қуриладиган тоннелларда чекли хато шун-
дай қабул қилинадики, бунда қурилиш ишларига, авто-
мобиль ҳаракатига ҳеч қандай зиён етказмасдан тўқна-
шиш олди масофасида иккита қарама-қарши катта ради-
усдаги эгри чизиқлар лойиҳаланиб, тоннель ўқлари



XIV.1-шакл



XIV.2-шакл

бирлаштириләди (XIV.2-шакл). Чекли хато қуйидаги ифодадан аниқланады:

$$Q_t = \frac{l_{T.M.}^2}{2R},$$

бунда: $l_{T.M.}$ — түкнашиш олди масофаси;


R — эгри чизик радиуси;

Q_t — түкнашиш жойидаги чекли хатоси.


$l_{T.M.}$ — ни ўртачасини 70 м, ва I, II категорияли йўллар учун R ни тегишлича 3000 м, 2000 м деб қабул қилинганда Q_t , I-категорияли йўл учун 40 см, II категорияли йўл учун эса, 60 см чиқади.

Түкнашишдаги хатони камайтириш шохобчалардаги геометрик шаклларни камайтириш, пункктларни пештоқлар яқинига жойлаштириш, эгри чизиқли тоннелларда тоннель ўқи чизиги түкнашиши мўлжалланган нуқтани триангуляция томонларига перпендикуляр белгилаш ва ҳ.к.лар билан эришилади.

Баъзи ҳолларда икки пештоқ оралиғи узун тоннеллар курилишида амалий Q_t чекли хатодан ошиб кетиши мумкин. Бу ҳолларда тоннель ўқи бўйича тик тешик ўйилиб ўқ нуқталари ер юзасидаги шохобчаларга боғланади ёки бўлмаса ер остида маҳсус полиногометрия ўtkазилиб, хато камайтирилади. Бу маҳсус полиногометриядаги йўналишни муҳтор аниқланадиган томонлар оралиғида ҳисоблаб чиқилади. Бу дирекцион бурчаклар (α) гиротеодолит билан аниқланади. (XIV.3-шакл).



XIV.3-шакл



XIV.4-шакл

Ер юзасидаги шохобчалар XIV.4-шаклларда күрсатилғандек барпо этилиши мумкин.

Ер юзасидаги шохобчалар полиногометрия усули билан барпо этилса, унда бу пунктларнинг аниқдиги ҳар хил ва томонларининг узунлиги турлича қилиб барпо этилади, яъни:

- бош полиногометрик шохобчаларни бирлаштирувчи пунктлар 3–5 км оралиқда бўлади;
- бир-биридан узоклиқда жойлашган пунктлар 400–800 м бўлади;
- режалаш учун яратилган шохобча пунктлари 200–300 м оралиқда бўлади;
- ишчи полиногометрия шохобчалари 5–100 м оралиқда бўлади.

Тоннель қурилишида ер остки асос шохобчалари асосан полигонометрия, чўзиқ учбурчаклар билан ясалган геометрик шакллар ёрдамида барпо этилади.

Дирекцион бурчакларни ер юзасидан ер ости шохобча томонларига узатишда йўналишни аниқлашнинг гео-


метрик ва физик усуллари қўлланилади. Биринчи усулда ер юзаси ва ер остидаги шохобчалар бир-бiri билан геометрик шакллар ясалиб ва бу шакллар элементлари ўлчаниб (томони, бурчаклари) дирекцион бурчаклар ер ости пункт томонларига узатилади. Иккинчи усулда йўналишни аниқлаш гироскопик теодолитлар, буссоллар, магнитавий деклинометрлар ёрдамида бажарилади.

Тоннеллар қурилишидаги қолган асосий геодезик ишлар маҳсус кўрсатмаларига асосан бошқа иншоотлар қурилишида бажариладиган ишлар каби бажарилади.

Тоннель шит билан қурилганда лазерлик нишонлар кенг қўлланилади.

Полигонометрия усулида яратилган ер ости пунктлари хатосини пештоқдан узоқлашган сари ошиб боришини камайтириш учун уларни узунлиги ва ўлчаш аниқлиги турлича бўлган ҳолда барпо этилади. Яқинлашиш полигонометрияси, томонлар узунлиги 10–50 м, ишчи (қазиш ишларини, тоннель деворлари элементлари-тюбинглар, плиталарини ўрнатишни кузатиб боради) полигонометрияси 25–50 м, ишчи (қазиш ишларини, тоннель деворлари элементлари-тюбинглар, плиталарини ўрнатишни кузатиб боради) полигонометрияси 25–50 м (1) асосий 50–100 м (2) ва бош полигонометрияси 50–800 м (3) (XIV.5-шакл) каби усуллар билан барпо этилади.

Ишчи ва асосий полигонометрияси томонлари рулеткалар бурчаклари эса, техникавий теодолитлар билан ўлчанади. Бош полигонометрия томонлари эса инвар симлар, ёруғлик дальномерлари, бурчаклари юқори аниқликдаги теодолитлар билан ўлчанади. Чўзиқ учбурчаклар




XIV.5-шакл

билин ясалған шохобчаларда ҳам пунктлар оралиғи 25—50 м бўлиши мумкин. Чўзиқ учбурчаклар билан ер ости шохобчасини барпо этишда дальномер ёки пўлат рулеткалар ёрдамида учбурчак томонлари ва маҳсус геодезик асбоб ёрдамида учбурчак баландлиги һ ўлчанади. Учбурчак бурчаклари ўлчанганд томонлар орқали ҳисоблаб тошилади. (XIV.56-шакл). Шаклда 1 — асосий полигонометрия томони; 2 — ишчи полигонометрия томони.

XIV.3. ЕР ОСТИ ИНШООТЛАРИ ҚУРИЛИШИДА ЛАЗЕРИЙ АСБОБЛАРНИ ИШЛАТИШ

Сўнгти йилларда тоннеллар қурилишида шит билан қазиш усули кенг қўлланилмоқда. Москва, Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги метрополитен қурилишида бу усул билан ойига 400 метрдан зиёд жойда тупроқ қазиб чиқазилди. Шу сабабли шитни силжишини узлуксиз кузатиб бориш муҳим омиллардандир. Бу ишда, албатта, лазерли геодезик асбоблар жуда қўл келмоқда, чунончи:

- бевосита лазер нурини шитда йўналтириб, маҳсус мослама-экранлар ёрдамида шитнинг тарҳдаги ўрни ва баландлигини кузатиб бориш (XIV.6-шакл).
- шитни ишлашини автоматик равишда лазер нури билан бошқариш:
- тоннель ўқини полигонометрик пунктларининг силжишига нисбатан режалаш.



XIV.6-шакл

XV б о б

ГЕОДЕЗИК ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ, ХАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИ ВА ГЕОДЕЗИЯГА ОИД БАЪЗИ БИР МАЪЛУМОТЛАР

XV.1. МДҲ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕОДЕЗИК ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

МДҲ ва геодезик ишларни ташкил қилишни бошқарувчи ташкилот Геодезия ва картография бош бошқармаси (ГУГК) ҳисобланади. Бу бошқарма МДҲ ва бажариладиган топографик-геодезик, картографик, аэротасвирлов ишларига раҳбарлик қилиш билан бир қаторда, уларни бажараётган ташкилот, корхона, илмий текшириш олийгоҳлари устидан назорат қилиб туради.

ГУГК нинг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат:

- а) МДҲ майдонида давлат геодезик шохобчаларини яратиш ва тасвирлов қилиш, унинг энг аниқ ўлчаш ишларини олиб бориш;
- б) турли харита, тарҳ ва атласларни тузиш ва уларни нашрдан чиқариш;
- в) турли вазирликлар томонидан бажариладиган геодезик ва топографик ишларни режалаш ва назорат қилиш;
- г) техникавий кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш.

Давлат геодезик хизмат системасида. Госгеокартфонд ташкилоти борки, у геодезик ва картографик ишлар натижаларини ўзининг фондида сақлайди (масалан, турли масштабдаги топографик хариталар, геодезик пунктлар координаталарининг каталоги ва ҳ.к.)

Госгеонадзор ташкилоти бўлиб, у геодезик ва топографик тасвирлов қилиш учун рухсатнома беради, қилинган ишларни техникавий талаблар асосида олиб борилганлигини назорат қиласди. Чунки бу ишлар келгусида давлат миқёсида хариталар тузиш учун қўлланилиши мўлжалланмоқда.

Айрим вазирликларда, корхоналарда маҳсус бўлимлар борки, улар ҳам геодезик ва топографик тавсирлов ишларини бажаради. Бу ишлар техникавий кўрсатма ва тавсияномалар асосида бажарилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида геодезия ва картография бошқармаси (Ўзгеодезия) ташкил қилинди (ХIV.1-шакл).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги геодезия ва картография бошқармасидаги корхоналарнинг вазифалари қўйидагилардан иборат:


— Ўзбекистон Республикаси геодезия назорати давлат инспекцияси корхоналарида тасвирлов қилиш учун рухсатномалар бериш, техникавий топшириқда кўрсатилган геодезия ишларини мукаммал назорат қилиш ва барпо этилган шоҳобча пунктларини қабул қилиш ва уларга тегишли маълумотларни сақлаш ва шу каби ишларни бажаришдан иборатdir.

— Ўзбекистон, Самарқанд аэрогеодезик корхоналарнинг бир неча экспедициялари бўлиб, улар республикада геодезик пунктлар ўрнатиш ва геодезияга оид барча ишларни тавсияномалар асосида бажарадилар ва керакли ташкилотларга топширадилар.

— Тошкент картфабрикаси асосан тарҳ ва хариталар тузиш, уларни босмадан чиқариб, кўпайтириш ишлари билан шуғулланади.

— Табиатни муҳофаза қилиш давлат маркази (госцентр природы) қидирув ва қурилишда табиат, ўрмон ва қишлоқ хўжалигига, табиат ва сунъий сув иншоотларига зиён етказмаслик ва шу каби ишлар билан шуғулланади.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида геодезия ва картография бошқармаси томонидан яқин кунларда маълумотлар тўпламини (кадастр) илмий асосда тузадиган марказ, корхоналар ташкил қилиш мўлжалланилмоқда. Фикримизча, бунда Республикамиздаги иншоот, бино, йўллари ва шу каби ҳар қандай муассаса, корхоналардан маълумотлар қофозсиз йиғилиб, магнит ленталарда компьютерга мос қилиб мужассамлаштирилади ва марказга топширилади. Ҳар қандай ташкилотлар керакли маълумотларни бир неча дақиқада марказ орқали ойнаи жаҳон ёки ЭҲМ орқали олишлари мумкин бўлади.



XIV.1-шакл

XV.2. ГЕОДЕЗИК ИШЛАРДА ХАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИ ВА ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Ҳар бир иш маълум тартиб ва қоидалар асосида олиб борилиши шарт. Геодезик ишларда асбоблардан оқилона фойдаланиш, уларни сақлаш, бажарувчи шахсларнинг соғлиғини сақлашга доир тадбирлар асосида бажарилади. Шунга кўра геодезик ишни бошқарувчи ташкилот раҳбари иш бошлашдан аввал жойдаги ишнинг моҳияти, жойнинг шароити, ишлаш тартиби ва қоидаси ҳақида батафсил тушунтириш ўтказиш лозим.

Йўл қуриш ишларида асбоб ва геодезистларни транспорт хавфидан сақланиши таъминланади. Бунинг учун жойда турли масофада назоратчилар қўйиладики, булар транспорт яқинлашаётганини олдиндан огоҳлантирадилар.

Темир йўлни тасвирлов қилишда ишловчилар маҳсус кийимда бўлиши, сигнал беришнинг қабул қилинган қоидаларини, ундан фойдаланишни, огоҳлантиришнинг аҳамиятини билишлари ва уларга риоя қилишлари зарур. Асбоб рельсдан камида 2 м узоқда ўрнатилиши керак. Иш даврида рельс устида юриш тақиқланади. Иссиқ кунларда асбобни зонт билан қуёшдан сақлаш, кўриш трубасини қуёшга қаратмаслик, керак бўлган ҳолларда биринчи тиббий ёрдам кўрсата олишни ва бошқа шу каби тадбирларни билиши зарур.

Иншоот ўқи ўтадиган жойни қидирав ишларида, уни қурилиши даврида инсонни сақлаш, табиат, ўрмон ва қишлоқ хўжалигига, табиий ва сунъий сув иншоотларига, ўтлоқ ва яйловларга зиён етказмаслик, асрлар давомида сақланиб келинаётган табиат мувозанатини бузмаслик муҳим омиллардан ҳисобланади.

Асос шохобча-пунктларини ўрнатишда уларни экин экишда ярамайдиган жойларга мўлжаллаш, пикет ва нивелир йўллари нуқталарини маҳкамлаш учун ёғоч қозиклар ишлатиш лозим.

Ёз кунларида гулхан ёқишида жуда ҳам хушёрлик талаб қилинади. Гулхан ёқсан жойни тарк этганда, албатта, гулханни ўчириб кетиш керак.

Катта-катта ноёб иншоотлар, тоннеллар, кўприклар, ойнаи жаҳон бинолари қурилишида ва уларнинг ишла-

тилишида даврий ўзгариш ва ўтирилишни доимий геодезик усуллар билан кузатиб бориладики, натижада ўз вақтида иншоотни сақлаб қолиш ва бехатар, кўп йиллар давомида ишлатиш учун тегишли чоралар кўрилади.

XV.3. ГЕОДЕЗИЯДА ИШЛАТИЛАДИГАН ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ

Маълумки геодезик асбоблар ёрдамида бурчак, чизиқ узунлиги каби катталиклар олинади. Ўлчашни бир хил таъминлаш учун ўлчангандан катталиклар қабул қилинган бирликда бажарилиши шарт. 1971 йил ўлчов ва оғирлик бўйича “XIV Бош конференциясида бирлик системаси — СИ” (System International) қабул қилиндики, бу СИ БМХ да 01.01.1980 йилда расмий хужжат деб ишга туширилди.

Бурчак ўлчашда бирлик сифатида радиан қабул қилинади. Радиан икки радиус орасидаги ёй бўлиб, унинг узунлиги радиусга тенгdir. 1 радианнинг радиус ўлчовидаги қиймати $57^{\circ}17'44'',8$ га тенг. (1 рад. = $57^{\circ}17'44'',8$).

ГОСТ 8016–81 га кўра БМХ да бурчак бирлигини текшириш тартиби келтирилган. Бунда биринчи давлат эталони бўйича ўлчангандан бирлик асос қилиб олинган. Биринчи давлат эталони 36 қиррали кварцдан ясалган призма, бурчак ўлчовчи автоколлимацион ускуна; сонли саноқ оладиган ва кўп қиррали призма турадиган хонтахталардан иборат. Бу эталонда ўлчаш бирлиги 0,02 сек ўрта квадратик хато билан ўлчанади.

Радиан ўлчови риезий ҳисоблаш ишларида қўлланилади. Бунда бурчак қиймати ёй узунлигининг радиусга бўлган нисбати билан ифодаланади. Айланана узунлигининг радиусга нисбати 2π деб олинганда $360^{\circ} = 2\pi$, $180^{\circ} = \pi$,

$90^{\circ} = \frac{\pi}{2}$ деб ёзиш мумкин. Бир радианнинг градус ўлчовидаги қийматини ρ деб белгиласак $\rho = \frac{180^{\circ}}{\pi}$ бўлади. Унинг

градус тизимидағи қиймати $\rho^0 = 57,29578^{\circ} = 34377,7468' = 206264'',81$ бўлади. Радианнинг град қиймати

$\rho^{\circ} = \frac{400}{\pi} = 63,6620$; $\rho^c = 6366,20^c$; $\rho^{cc} = 636620^{cc}$ ларга тенг.

Градус ўлчови. ГОСТ 23543—78 (геодезик асбобалар) га кўра саноатимизда ишлаб чиқарилаётган бурчак ўлчаш асбоблари ва ҳисоблаш жадваллари градус ўлчовига мослашган. Градус ўлчовида айланга 360 градус, 1 градус = 60 дақиқа, 1 дақиқа = 60 сек. Бурчак қиймати $\beta = 122^{\circ}19'22''$ каби ёзилади.

Радиан ва градус ўлчовлари орасидаги муносабатни куйидагича ёзиш мумкин;

$$\beta' = \frac{180^\circ}{\pi} \alpha = \rho' \cdot \alpha;$$

$$\beta' = \frac{180^\circ \cdot 60'}{\pi} \cdot \alpha = \rho' \cdot \alpha;$$

$$\beta'' = \frac{180^\circ \cdot 60' \cdot 60''}{\pi} \cdot \alpha = \rho'' \cdot \alpha.$$

Бунда: α — бурчакнинг радиан қиймати; β — бурчакнинг градус қиймати.

Масалан, бурчакнинг градус қиймати $\beta = 25^{\circ}20'$ ёки 1520^1 бўлса, радиан қиймати $\alpha = \frac{1520}{3438} = 4,4212^1$ бўлади.

Бурчакнинг радиан қиймати $\alpha = 3,45$ бўлса, градус қиймати $\beta = 3,45 \cdot 57,3 = 197,68^\circ$ бўлади.

Град ўлчови. Бу ўлчов чет мамлакатларда чиқарилаётган асбобларда ишлатилган. Бунда айланга 400 град (${}^\circ$)га, 1 град = 100 дақиқа = 100 с, 1 дақиқа = 100 сек = 100 cc . Бурчак қиймати $120^{\circ}19'33''$ шаклида ёзилади.

Градус ва град ўлчовлари орасидаги муносабат куйидагича ифодаланади:

$$\begin{array}{ll} 1^Q = 0,9^\circ; & 1^\circ = 1,11111^Q; \\ 1^c = 0,54^1; & 1^1 = 1,85185^c; \\ 1^{cc} = 0,244''; & 1'' = 3,08642^{cc}. \end{array}$$

Узунлик ўлчаш бирлик тизими СИ бўйича метр қабул қилинган. Метр — криптон 86 атомининг $2P_{10}$ ва $5d_5$ да-

ражаси оралиғидаги вакуумда нурланған тұлқынларнинг үзүнлиги 1.650.763,73 га тенг бўлған ҳолати деб қабул қилинган.

ГОСТ 8.020—75 га кўра метр бирлигини текшириш тартиби келтирилган. Биринчи давлат текшириш эталони: К — 86 биринчи нурланувчи манба, иккинчи эталон узунлигини ўлчашда ишлатиладиган эталон интерферометр, биринчи ва иккинчи нурланувчи манбаларни текширувчи эталон интерферометрлардан иборат. Бу эталон билан 0 дан 1 м гача оралиқни ўрта квадратик хато $5 \cdot 10^{-9}$ билан ўлчаш мумкин. Келгусида биринчи нурланувчи манба сифатида газ лезари қўлланиши мўлжалланмоқда.

Астрономик-геодезик ишларда (азимут йўналишини Куёш ва Кутб юлдузлари орқали, давлат геодезик шохобча пунктлари координаталарини аниқлаш каби ишлар) вақт бирлиги сифатида — дақиқа ва у билан бирга — тұлқынларнинг содир бўлиш тезлиги — герц (1 КГц = 1) қабул қилинган. СИ бўйича вақт бирлиги-дақиқа вақти, у 9.192631. 770 та нурланиш даврига тенг бўлиб, бунда атом цезий --- 133 нинг асосий ҳолатида икки тола орасидан ўтган даъридир.

ГОСТ 8.129—77 га кўра вақт бирлиги ва тұлқынларнинг содир булиш тезлигини текшириш тартиби келтирилган. Биринчи давлат вақт эталони водородли ва кварцли генераторлар, тұлқынларнинг содир бўлиш тезлигини 100 КГц дан 1 Гц гача бўлувчи ва уларни ажратувчи ускуна, вақт шкаласини сақловчи квант соатлар, ҳамда таъмин қилувчи ускуналардан иборат.

Биринчи давлат вақт эталони вақтни ва тұлқынларнинг содир бўлиш тезлигини $1 \cdot 10^{-13}$ ўрта квадратик хато билан аниқлаб беради. Унда систематик хато $1 \cdot 10^{-12}$ га тенг.

Ҳаво босимини ўтчашда бирлик сифатида бир атмосфера қўлланилади. Бир атмосфера баландлиги 760 миллиметрли симоб устунининг 0°C даги босимига тенг. Атмосфера сўзи атм. деб белгиланиб, у 1 квадрат сантиметрга таъсир этадиган 1.033 кг оғирлик кучига тенг, яъни 1 атм-1.033 кг/см².

Ҳаво ҳароратини ўлчаш бирлиги Цельсий термометри устуннинг бир бўлагига тенг бўлиб, у 1 даража деб олинида ва даражада қиймати ёнига С ҳарфи қўшиб ёзилади, масалан — 12°C.

Майдон юзини аниқлашда бирлик ўрнида квадрат километр (км^2), гектар (га) = 10.000 m^2 , квадрат метр (м^2) лар қўлланилади.


Сўнгги йилларда турли дальномерлар билан масофа ўлчашда электромагнит, радиотўлқинлар ҳамда лазер нурининг тезлигини ўлчаш бирлиги қилиб $\text{км}/\text{сек}$, $\text{км}/\text{с}$ қўлланилмоқда. Масалан, (ёруғлик) электромагнит тўлқиннинг бўшлиқдаги тезлиги 299792,5 $\text{км}/\text{сек}$ га тенг.

XV.4. ГЕОДЕЗИК АСБОБЛАР ТАСНИФИ

Геодезик ишлар асосан жойда турли катталикларни (чизиқ узунлиги, йўналиши, горизонтал ва тик бурчаклар ва ҳ.к.) ўлчашдан иборат. Бу ўлчаш ишлари геодезик асбоблар (пўлат лента, теодолит ва шунга ўхшашлар) ёрдамида бажарилади. Асбобларнинг ҳозирги замон талабларига жавоб бериши, ишлаш учун қулайлиги, давлат стандартларига риоя қилиниши ва шунга ўхшашиб омиллар ўлчаш ишларини осонлаштиради, аниқлиги етарли даражада бўлади ва ҳ.к. Ундан ташқари ўлчовчи-геодезист асбоблар таснифи билан танишиши унинг ҳар бир ишга керакли асбоб танлашига имкон беради.

ГОСТ 23543—79 (геодезик асбоблар) га кўра МДҲ да чиқариладиган геодезик асбоблар таснифи 16-жадвалда, уларни чиқаришда ишлатиладиган стандартлар 18-жадвалда келтирилган.

ГЕОДЕЗИК АССОЦИАЛЛАР ТАСИФИ



№№	Стандарт номери ва категорияси	Стандарт номи	Ишга туширилган йили
1.	ГОСТ 300—69 (Давлат стандарты)	Куривметлар	01.01.79
2.	ГОСТ 2386—73	Адилак ампулалари	01.01.74
3.	ГОСТ 7502—80	Үлчайдиган мегалл рулеткалар	01.01.82
4.	ГОСТ 10528—91	Нивелирлар. Умумий техникавий шартлар.	01.01.92
5.	ГОСТ 10529—91	Теодолитлар. Типлари. Асосий ўлчамлари ва техникавий талаблар	01.01.91
6.	ГОСТ 11897—78	Геодезик асбоблар учун штативлар	01.01.79
7.	ГОСТ 13494—80	Геодезик транспортирлар. Умумий техникавий шартлар.	01.01.81
8.	ГОСТ 16740—79	Геодезик асбоблар учун тагликлар. Асосий ўлчамлари ва типлари. Техникавий шартлар.	01.01.81
9.	ГОСТ 19923—90	Еруэлик дальномерлари	
10.	ГОСТ 10812—82	Номограммали геодезик асбоблар. Умумий техникавий шартлар.	01.01.84
11.	ГОСТ 22549—77	Кўп тасвирии дальномерлари	01.07.79
12.	ГОСТ 22550—77	Оптикали марказлаштиргичлар. Типлари. Асосий ўлчамлари ва техникавий талаблар	01.07.79
13.	ГОСТ 21830—76	Геодезик асбоблар. Термин ва таърифлар	01.01.80
14.	ГОСТ 23543—79	Геодезик асбоблар. Умумий техник талаблар	01.01.80
15.	ГОСТ 68—2—82	Геодезик ўлчашни математикавий ишлаш. Термин ва таърифлар	01.01.84
16.	РТМ 68—4—78 (Бошқарувчи техникавий материал)	ГУГК даги асбоб-ускуналарни синашни ташкил қилиш ва унинг тартиби	01.01.79
17.	РТМ 68—8.1—80	ГУГК даги ишлатиладиган ўлчов бирликлари	01.10.80

XV.5. ЯНГИ ГЕОДЕЗИК АСБОБЛАР ВА УСУЛЛАР БҮЙИЧА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТЛАР

Кейинги вактларда геодезик ўлчаш ишларини енгиллаштириш, ўлчаш аниқлигини ошириш ва автоматлаштириш борасида замонавий асбоблар ва янги усууллар топилди.

Урал оптика заводида СП—2, Ст5, Ст10 типидаги ёруғлик дальномерлари ишлаб чиқарилмоқда. Булар тегишлича 2:5 км ва 10 км масофани 1,5 мм, 5 мм аниқликда ўлчайди.

Еревандаги политехника илмгоҳида ДВСД—1200, ВСД типидаги ишлаб чиқарилган ёруғлик дальномерлари 200—300 м масофани 0,2 мм аниқликда ўлчайди.

ЦНИИГАиК илмий текшириш институти ишлаб чиқарилган СГР—М СВГ типидаги лазерли ва ёруғлик дальномерлари. Тегишлича 200 км, 10 км масофани 5 мм, 0,5 мм аниқликда ўлчайди.

Чет эл фирмалари ишлаб чиқсан дальномерлардан геоменсор “Ком-Ред” (Буюк Британия) 10 км масофани 0,1 мм, геодиметр 600 “АГА Геотроникс” (Швеция) 30 км масофани 5 мм, Мекометр 5000 “Керн” (Швецария) 10 км масофани 0,2 мм аниқликда ўлчайдиган асбоблар мавжуд.

Электрон тахеометр “Geodimeter 460”, “Geotronics” (Швеция) фирмаси ишлаб чиқсан 0,2 м дан — 4 км гача масофани 3 мм $+10^{-5}$ Д хато билан ва горизонтал бурчакни эса 2 сек аниқликда ўлчайди. Бутун ўлчаш ишлари, трубани нишонга олиш, зенит орқали айлантириш ва ҳ.к. каби ишлар автоматлаштирилган.

Юқорида келтирилган тахеометрларни яна бир тури мавжуд. У билан 5 км масофани $2-3 \text{ mm} +2 \cdot 10^{-6}$ Д хато билан ва бурчакни $0'',5 1'',0$ аниқликда ўлчайди.

Саноқ олиш ва ўлчаш натижаларини ишлаб чиқишида автоматлаштирилган микропроцессор мосламали теодолитлар мавжуд.

Автомат нивелир NA 2000 да “Wild” (Швеция) рейкадаги саноқ маҳсус кодировка (бар-код) орқали 4 сек давомида олинади. 1 км даги хато 1,5 мм ни ташкил этади. Нивелирлаш унумдорлиги 2 баробар ошади.

Кичик автобусга ўрнатилган инерциональ топосистема “SAGEM” ни Франция фирмаларидан бири ишлаб

чиқарған. Бу система билан жойдаги нұқталарнинг 3 та координаталари 10 км гача 10 см, 20 км гача 20 см ва 50 км гача 50 см аниқликда тасвирлов қилинади. Бу системада блокплатформа, 3 та аксельромерт, 2 та гироскоп, бошқарув блоки, индикатор, компьютер, принтер ва электрон тахеометрлар ўрнатылған.

Свердловскәдеги оптика-механика заводыда Тахеометр автомат Та3М ва ёруғлик дальномери 2СТ10 чиқарылғанда. Бу икки асбоб билан келгусида кичик топографик ишлар олиб борилады — унда маълумотлар түплами (кадастры) тасвирлови қофозсиз бажарилади. 2СТ10 ёруғлик дальномери $5 + 3 \cdot 10^{-6}$ Д аниқликда масофани ўлчаш имконига эга.

Та3М электрон тахеометри билан горизонтал ва тик бурчаклар ($m_p \leq 4''$), чизик узунлиги $5 + 3 \cdot 10^{-6}$ Д хато билан ўлчанади. Асбобда нисбий баландлик ҳамда орттирилмалар ёки тасвирлов қилинаётган нұқтанинг координатарини аниқлаш мүмкін. Асбобни түрттә режимда ишлатиш мүмкін: айрим, яримавтоматик, автоматик ва кузатиш режимида. Турли геодезик масалаларни ечишда натижә, ер эгрилиги, рефракция, ҳаво ҳарорати ва босым, асбоб ва қаратиш баландлости ва ҳ.к. каби кузатмаларни эътиборга олган ҳолда ҳисобланади. Бурчак қийматлари ган ёки градусда олинади. Бу қийматлар кодлы бўлиб, магнит лентасига ҳам ёзилади.

Wild (Швецария) фирмаси томонидан чиқарылаётган ҳар бир геодезик ишга ярайдиган тахеометр Wild T1000 диққатга сазовордир. Wild T1000 теодолити Wild дальномери билан унумли тахеометр сифатида хизмат қиласи. Rlc — Modul номли маълумотларни ўзида сақладыгандыкта оладиган, ҳар қандай геодезик ишга ярайдиган станцияси мавжуд. COGO ЭХМ ҳам тахеометр камплемектида бор. Барча ҳисоблаш ишлари автоматлашган.

Сүнгги йилларда МДҲ электрон теодолитлар T5Э оптик электрон нивелирлар чиқарылыш мүлжалланилмоқда.

Киевдаги қурилишни автоматик системалар билан бошқариш ва режалаш илмий-текшириш институты (НИИАСС) да ишланган ИНВЕРНТГРАД ерларни рўйхатта олиш учун бажарилған топографик-геодезик ишлар нағиасини автоматик равищда ишлаб чиқади. Бу асбобнинг риезий таъминланғанлиги геодезик тармоқларни тенглаш, тўққизта усул билан жойни тасвирлов қилишга имкон беради.

Версия 1,2 системасида топографик ва бош тарҳлар автоматик тарзда тузилади. У икки қисмдан иборат бўлиб, биринчиси TOPOPLAN топографик тарҳ тузиш, иккинчиси GENNPLAN — эса бош тарҳ тузиш учун ишчизмаларини тайёрлаш, унинг элементларини лойиҳалаш ва тузиш ишларини олиб боради.

Геодезик-йўлдоший тизим WILD GPS — System 200

Бу тизимни МИИГАиК нинг илмий-қидирув маркази “Геодинамика” Лейка фирмаси шартномасига асосан ишлаб чиққан. Бу тизим билан юқори аниқликда илмий-қидирув ишлари, геодезик давлат шохобчаларни кенгайтириш, тасвирлов учун асос шохобчаларини яратиш, топографик тасвирлов қилиш каби геодезик ўлчаш ишларини олиб бориш мумкин. Тизим билан анъанавий ердаги геодезик ўлчаш ишлари энг унумли, янги геодезик усул яъни сунъий йўлдошлардан фойдаланиб бажарилади.

Тизим икки ёки ундан ортиқ станциялардан иборат бўлиб, ҳар бир станция икки асосий қисм — “сенсор” ва “назоратчи” дан иборат.

Сенсор — икки частотали антеннали қабул қилувчи — приемникдан иборат. У билан йўлдош ҳаракати кузатилади. Назоратчи приемник ишини бошқариб, маълумотларни электрон харитага ёзиб натижаларни ишлаб чиқади.

Аналитик стереофотограмметрик Альфа 2000 ва РА — 200 асблоблари. 1 — хилдаги ҳар ёқлама Альфа 200 (АҚШ) аналитик стереоасбоб фототопографик ва фотограмметрик ишларида кўлланилади. У билан сонли картографик, фототриангюляция, жойнинг сонли андозаси (ЖСА) тузиш ишларини олиб бориш мумкин.

РА 2000 (Япония) билан стерео-андозаларни ясаш ва уларни сонли кўрсатиш, чизма натижа бериш ва сонли натижани файл ASC|| ва Auto САД ларда автоматик лойиҳалаш учун узатишда ишлатилади.

ДАРСЛИКДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ЎЗБЕКЧА-РУСЧА АТАМАЛАР

автомат	автомат
аниқ ҳаракатланувчи ушлагич	прецессионный рычаг
аэроускуна	аэроаппарат
аэрогасвирлов	аэросъемка
андоза, қолип	шаблон, модель
аэрофотогасвирлов	аэрофотосъемка
чиқинди қувурлари	канализация
алоқа тармоғи	линия связи
чиқинди қувури тармоқлари	канализационные сети
асбоб турадиган нұқта	станция (стоянка инструмента)
(үрнатадиган) станция	
баландлик бүйіча	высотная
бұлакли тахта, нивелирлаш	рейка, нивелирная рейка
рекаси	
буразма	гайка
белгиланган йўл	маршрут
банд, “а” “в” бандлар	пункт, пункты “а” “в”
бурчакка оид	угловая
бурчак кестирмаси	угловая заческа
бурама мих, шуруп	шуруп
винт, бурама мих	винт
ватерпаслаш усули	способ ватерпасовки
вираж	вираж
вариант	вариант
горизонталь	горизонталь
горизонталларда тасвирлаш	изображение горизонтальными
дальномер	дальномер
диаметр	диаметр
денгизга доир	морская
дешифрлаш	дешифрирование
жой билан дастлабки	рекогноцировка
танишиш	
даврий ўзгариш	деформация
донадор	структурная
ер полотноси чети	бровка земляного полотна
ёргулик (ёрдамида масофа	
ўлчаш) дальномери	светодальномер
ёнбагир кўрсатгич	откосник
Жой андозаси	модель местности
илмоқ (мензула илмоғи)	вилка (мензульная вилка)
иссиқлик қувурлари	теплофикация
из, чегара	контур
ифода, тенглама	формула
ишлов баландлиги	рабочая отметка
иншоотнинг даврий ўзгарishi	деформация сооружений
икки маълум қийматда фойдала-	
ниб, улар орасидаги номаъ-	
лум қийматларни топиш	интерполяция

йифиш	монтаж
йўловчилар уйи	пассажирское здание (ПЗ)
йўналиш	ориентир
йўлнинг айрим жойлари	участки дороги
йўналишни аниқлаш	ориентирование
катақ, хона	графа
компенсация	компенсация
координата	координата
камерал	камерал
коэффициент (эмсол)	коэффициент
кўтарма	насыпъ
кесим	профиль
кўприк таянчи	опора места
комбинация	комбинация
картограмма	картограмма
лазерли дальномерлар	лазерные дальномеры
лазерли	лазерное
лавҳа	табло
миллиметровка катакли қофоз	миллиметровка
миллиметри қофоз	автоном
мухтор	зона
минтақа	материал
материал	перспективный
манзарали	механический
механикавий	микротелефон
микротелефон	нерегулярное
мунтазамсиз	оптимальный
мақбул	стрелка
мил	стрелочный
милли, учили	
амалий хона, (махсус жиҳозлантган хона)	
мунтазам	лаборатория
меъёрловчи асобоб	регулярное, системическое
меъёр	стабилизатор
марка	норма
масштаб (кичрайтириш нисбати)	марка
майдон, жой	масштаб
марказлаштиргич	участка
меъёрий	центр
меъёрий нуқталар	нормальный
нишонча	нормативные точки
нишонга олиш, қаратиш	визирка
ўқи нуқтали	визирная ось
нефть ўтқазувчи қувурлари	пунктирный
нуқтали чизиқ	нефтированные трубы
нусха, тасвир	пунктирные линии
нол нуқта	модель
нишаб ўлчагич	нолевая точка
веха	уклонометр
оптикали нишон	веха
оптика	оптический визир
оралиқ	оптика
	интервал

оралиқ қурилма	пролетное строение
оралиқ равоқ	промежуточное пролётное строение
пойдевор уйилмаси, қазилмаси	катлован
қүшилувчи нұқта	плосовка
пештоқ	портал
пункт (геодезик пункт)	пункт (геодезический пункт)
пұлут тахта	пластиинка
риёсий андоза	математическая мерка
рейка (бұлакли тахта)	рейка
репер, абсолют баландлик	репер
белгиси маълум бўлган, жойда маҳкамланган геодезик белги)	юстировка
созлаш	юстировка прибора
(ассобни созлаш)	
(ассоб турадиган нұқта)	
станция	станция
тик доира	вертикальный круг
тик тасвирлов	вертикальная съёмка
тизим	система
тахлилий (аналитик)	аналитический
тарҳ	план
тархий	плановая
тартиб	режим
тахта	планшет
тугун	узел
тик бурчак	вертикальный угол
қўшимча тупроқ оладиган жойи, ер	резерв
тасвирлов	съёмка
трассалаш	траассирование
тўплам	комплект
тасниф	классификация
тавсиф	характеристика
таянч	устой, опора
ускуна	аппарат
үфқий бурчак	горизонтальный угол
үфқий	горизонтальный
үфқ	горизонталь
фокуслаш	фокусировка
фотокамера	фотокамера
фалакиёт	астрономия
фотогеодолит	фотогеодолит
фотосхема, фоточизма	фотосхема
фойдаланиш	эксплуатация
хандақ	кувет
харита	карта
хил, туркум, даража	класс
хонаки чизма	схема
цикл	цикл
чизма тасвирлов	чертёжное изображение
чизиқли-бурчакка оид	линейно-угловая
чизма-тахлилий, чизув	графо-аналитический

чизиқли	линейные
чизиқли ишоотлар	линейные сооружения
четки таянч	устой
четки таянч, кўприкнинг	устой моста
четки таянчи	
фотонусха	фотокопия
чукурча	шурф, корыто
ўйилма қазилма	выемка
ўқни белгиловчи нуқта	створ
ўтказгич, бир ҳолатдан	
иккинчи ҳолатга ўтказгич	переноситель
ўқ	ось
ўтиш	переход
ўқ чизиқ	осевая линия
ўзгармас сон	константа
қайтаргич	отражатель
қоплама йигим	накидной монтаж
қайишувчан, эгилувчан	пружинистный
ўтиш жойлари	переезды
кувур	труба

АДЛБИЕТЛАР

1. Ганышин В. Н., Хренов Л. С. Таблицы для разбивки круговых и переходных кривых. Москва, Недра, 1985.
2. Булгаков Н. П. ва бошқалар. Прикладная геодезия. Москва, Недра, 1990.
3. Дўстмуҳамедов М. Й., Акчурин Р. А., Каюмова Х. Т. Съемка железнодорожных станций и узлов. Тошкент, ТошТИМО, 1984.
4. Дўстмуҳамедов М. Й., Аҳадов А. А. Геодезик ўлчаш натижаларини ишлаш. Методик қўлланма. Тошкент, ТошТИМО, 1992.
5. Дўстмуҳамедов М. Й., Вахидов А. В. Трассалаш ва нивелирлаш ишлари бўйича методик кўрсатма. Тошкент, ТошТИМО, 1985.
6. Дўстмуҳамедов М. Й. Каюмова Х. Т. Инженерлик геодезияси масалаларини ечиш учун методик кўрсатмалар. Тошкент, ТошТИМО, 1985.
7. Дўстмуҳамедов М. Й. Ризкиев Т. Р. Геодезик массалаларни номограммалар билан ечиш. Тошкент, Ўқитувчи, 1978.
8. Дўстмуҳамедов М. Й., Аҳадов А. А., МК-52 микрокалькуляторда теодолит съемкаси натижаларини ишлаш. Методик қўлланма. Тошкент, ТошТИМО, 1992.
9. Норхўжаев К. Н. Инженерлик геодезия. Тошкент, Ўқитувчи, 1983.
10. Федоров В. И., Шилов П. И. Инженерная геодезия. Москва, Недра, 1982.
11. Инструкция по топографической съемке в масштабах 1:5000, 1:2000, 1:1000, 1:500. Москва, Недра. 1985.
12. Условные знаки для топографических планов масштабов 1:5000, 1:2000, 1:1000, 1:500. Москва, Недра, 1989.
13. Хренов Л. С. таҳрири остида. Инженерная геодезия. Москва, Высшая школа, 1985.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
БИРИНЧИ БЎЛИМ	4
I б о б . Муқаддима	4
I.1. Геодезия фани	4
II б о б . Ер юзасини тарҳ ва харитада тасвирлаш	7
II.1. Ернинг шакли ва ўлчамлари	7
II.2. Ер юзасини сфера ва текисликда тасвирлаш	8
II.3. Ер эгрилигининг горизонтал ва тик масофага таъсири	9
II.4. Координаталар тизими ҳақида умумий тушунча	10
II.5. Нисбий, шартли ва абсолют баландликлар	12
II.6. Чизиқларнинг йўналишини аниқлаш	13
III б о б . Топографик тарҳ ва хариталар	17
III.1. Жойнинг тарҳи, харитаси ва кесими	17
III.2. Тарҳ, харита ва кесим масштаблари	18
III.3. Топографик харита ва унинг номенклатуроси	20
III.4. Рельеф турлари ва унинг тарҳ харитадаги тасвирлари	23
III.5. Жой андозалари	24
III.6. Топографик тарҳ ёки харитада масалалар ечиш	27
III.7. Тарҳ ёки хариталарда майдон юзини ҳисоблаш	28
IV б о б . Ўлчаш хатолари вазарияси ҳақида тушунча	32
IV.1. Тент аниқли ўлчаш. Умумий маълумотлар	32
IV.2. Ўлчаш хатолари ва турлари	32
IV.3. Арифметик ўрта миқдор	34
IV.4. Ўлчаш аниқлигини баъзолаш	35
IV.5. Ўлчанган миқдорлар функциясининг хатоси	37
V б о б . Жойда бурчакларни ўлчаш	39
V.1. Горизонтал бурчак ўлчаш моҳияти	39
V.2. Теодолит ва унинг бўлаклари	41
V.3. Теодолитни синаш ва уни текшириши	44
V.4. Горизонтал ва тик бурчакларни ўлчаш	46
V.4.1. Тик бурчакларни ўлчаш	48
V.5. Бурчак ўлчаш аниқлиги	50
V.6. Горизонтал бурчакларни такрорлап усули билан ўлчаш	51
V.7. 3T5КП, 3T2КП 3T2КА теодолитлари	52
V.8. Лазерли теодолитлар	54
V.9. Махсус бурчак ўлчаш асбоблари	56
VI б о б . Жойда чизиқ олиш ва ўлчаш	59
VI.1. Чизиқ олиш	59
VI.2. Чизиқ ўлчаш асбоблари, уларнинг аниқлиги	60
VI.2.1. Чизиқ ўлчаш асбоблари	60
VI.2.2. Пўлат лента билан чизиқ ўлчаш	61
VI.2.3. Оптик ва қўш тасвири дальномерлар	63
VI.2.4. Ёруғлик, лазерли ва радиодальномерлар	67
VI.3. Ст. 5 “Блеск” ёруғлик дальномери ва у билан масофа ўлчаш	69
VI.4. Бевосита ўлчаб бўлмас чизиқ узунлигини аниқлаш	73
VII. боб. Тик тасвирлов	74
VII.1. Нивелираш моҳияти ва усуллари	74

VII.2. Геометрик нивелирлаш.	75
VII.3. Нивелирлаща ер эгрилиги ва рефракциянинг таъсири.	76
VII.4. Нивелирлар ва уларнинг турлари.	76
VII.5. Н-3 нивелирини текшириш.	79
VII.6. Лазерли ва рентгенли нивелирлар.	82
VII.7. Тригонометрик нивелирлаш.	85
VIII. боб. Геодезик ишлар, уларни ташкил қилиш.	86
VIII.1. Геодезик ишлар ҳақида умумий маълумотлар.	86
VIII.2. Тасвирлов турлари ва асослари.	87
VIII.3. Давлат геодезик тармоқлари.	90
VIII.3.1. Геодезик тармоқларни зичлаш.	92
VIII.3.2. Геодезик тармоқ пунктларини маҳкамлаш.	92
VIII.3.3. Тармоқ пункт координаталари ва баландлиги рўйхати.	92
И К К И Н Ч И Б Ў Л И М	
IX. боб. Топографик тасвирлов. Умумий маълумотлар.	93
IX.1. Топографик тарҳ мазмуни ва аниқдиги.	93
IX.2. Горизонтал тасвирлов ва унинг моҳияти.	96
IX.3. Горизонтал тасвирловдаги камерал ишлар.	98
IX.3.1. Горизонтал тасвирлов тарҳини чизиш.	101
IX.3.2. Тўғри ва тескари геодезик масалалар.	103
IX.4. Тахеометрик тасвирлов ва унинг моҳияти.	104
IX.4.1. Тахеометр турлари. Доиравий ва автомат тахеометрлар.	106
IX.4.2. Тахеометрик тасвирловда дала ишлари.	107
IX.5. Тасвирлов натижаларини ишлаш ва тарҳ тузиш.	112
IX.5.1. Тахеометрик тасвирловнинг афзаликлари ва камчиликлари.	114
IX.6. Мензула тасвирлов моҳияти.	115
IX.6.1. Мензула ва кипрегелни текшириш.	117
IX.6.2. Мензула тасвирловини бажариш.	119
IX.7. Юзани нивелирлаш, унинг моҳияти ва ишлаш тартиби.	123
IX.7.1. Квадрат катаклар бўйича нивелирлаш.	126
IX.7.2. Баландлик белгилари бўйича горизонталлар ўтказиши.	129
IX.7.3. Тарҳда лойиҳалаш ишларини бажариш.	132
IX.8. Фотографик тасвирлов. Умумий маълумотлар.	133
IX.8.1. Аэротасвирлов ва унинг турлари.	133
IX.8.2. Аэротасвирлов ишлари.	134
IX.8.3. Аэросурат ва унинг масштаби.	136
IX.8.4. Аэросуратнинг бузилиши.	138
IX.8.5. Фоточизмалар.	138
IX.8.6. Аэросуратни дешифрлаш.	138
IX.8.7. Аэросуратлар билан жойни тасвирлаш.	139
IX.8.8. Суратлар бўйича нисбий баландликни аниқлаш.	140
IX.8.9. Харита тайёрлаш усуллари.	141
IX.8.10. Фотогеоделит тасвирлови ҳақида тушунча.	142
У Ч И Н Ч И Б Ў Л И М	
X боб. Чизиқли иншоотларни қидирув ва лойиҳалашда бажариладиган геодезик ишлар.	145
X.1. Техникавий нивелирлашдаги геодезик ишлар.	145
X.2. Трассани жойда белгилаш. Бурилиш бурчакларини аниқлаш.	145
X.3. Трассада пикетлаш. Пикетлаш дафттарчаси.	147
X.4. Эгри чизиқ элементлари. Эгри чизиқ бош нуқталари пикет ўрнини аниқлаш.	150

X.4.1.	Доиравий эгри чизиқни батафсил режалаш.	152
X.4.2.	Үтиш эгри чизиқлари.	154
X.4.3.	Пикет нұқталарни тангенсдан эгри чизиққа үтказиш.	156
X.5.	Трассада бўйлама ва кўндаланг нивелирлаш.	157
X.5.1.	Нивелирлаш йўлини текшириш.	162
X.6.	Турли тўсиқлар орқали нивелирлаш.	164
X.7.	Нивелирлашнинг камерал ишлари.	166
X.7.1.	Бўйлама ва кўндаланг кесимлар чизиш.	168
X.8.	Кесимни лойиҳалаш. Баландлик белгисини ҳисоблаш.	172
X.9.	Полигон ёки трасса нұқталарини давлат геодезик пунктларига тархий ва баландлик бўйича боғлаш.	174
X.10.	Трассалаш ишларини автоматлаштириш.	175
X.11.	Трассани пикетсиз нивелирлаш.	176
X.12.	Гидрометрик ишлар.	177
ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ		
XI б о б .	Иншоотларни жойга қўчиришдаги геодезик ишлар.	180
XI.1.	Умумий маълумотлар.	180
XI.2.	Режалаш аниқлиги.	181
XI.3.	Режалашдаги асос шохобчалари.	182
XI.3.1.	Курилиш тўри ва уни жойда режалаш.	184
XI.4.	Режалаш элементлари.	185
XI.5.	Иншоотни режалаш усууллари ва уларнинг аниқлиги.	188
XI.6.	Асбоб-ускуналар ўқини тик ўрнатиш ва тик текисликка координаталарни узатиш.	191
БЕШИНЧИ – МАХСУС БЎЛИМ .		
XII б о б .	Йўл қурилишида бажариладиган геодезик ишлар.	194
XII.1.	Лойиҳалаш босқичи ва қидирув ишларининг турлари	194
XII.2.	Чизиқди иншоотларнинг ўқ чизигини қайта тиклаш.	195
XII.3.	Йўллар остиқ қисми қурилишида ер ишларини режалаш.	197
XII.3.1.	Умумий маълумотлар.	197
XII.3.2.	Қўтарма ва қазилмани режалаш.	199
XII.4.	Тик эгри чизиқларни батафсил режалаш.	204
XII.5.	Йўлнинг устки қисмини қуришдаги геодезик ишлар.	208
XII.5.1.	Йўлнинг эгри қисмларида кўтарилишни ясаш.	210
XII.6.	Йўлларнинг устки қисмини режалаш.	212
XII.7.	Ер ишлари бажарилишини текшириш.	212
XII.8.	Темир йўл устки қисмини ётқизишдаги геодезик ишлар.	215
XII.9.	Темир йўл айириш пунктларида режалаш ишлари.	216
XII.9.1.	Милли ўтказгични режалаш.	216
XII.9.2.	Темир йўл қурилишини режалаш.	217
XII.9.3.	Йўлнинг ўтиш жойларини режалаш.	219
XII.10.	Мұхандислик иншоотларидаги даврий ўзгариш ва ўпирлишини аниқлаш.	221
XII.10.1.	Кўтарма ва қазилмаларда даврий ўзгаришни аниқлаш.	222
XII.11.	Разъезд ва станцияларнинг тасвирлови ҳақида.	223
XII.12.	Қурилишда баъзи бир геодезик масалаларни счиш.	226
XIII б о б .	Кўприк ва қувурлар қурилиши жойини режалаш.	230
XIII.1.	Умумий маълумотлар.	230
XIII.2.	Кўприк боши ва охирини жойга қўчириш.	232
XIII.3.	Кўприк таянч марказларини режалаш.	235

XIII.4. Кўприк равогини режалаш.....	238
XIII.5. Алоҳида станциялар усулида кўприк қуриш жойини режалаш.....	239
XIII.6. Сунъий иншоотлар қурилишида лазерли геодезик асбобларни ишлатиш.....	243
XIV боб. Тоннель ва метролар қурилишидаги геодезик ишлар.....	244
XIV.1. Умумий маълумотлар.....	244
XIV.2. Тоннеллар қурилишидаги асосий ишлар.....	245
XIV.3. Ер ости иншоотлари қурилишида лазерли асбобларни ишлатиш.....	250
ОЛТИНЧИ БЎЛИМ	
XV боб. Геодезик ишларни ташкил қилиш, хавфсизлик техникаси ва геодезияга оид баъзи бир маълумотлар	251
XV.1. МДҲ ва Ўзбекистонда геодезик ишларни ташкил қилиш	251
XV.2. Геодезик ишларда хавфсизлик техникаси ва табиатни муҳофаза қилиш	254
XV.3. Геодезияда ишлатиладиган ўлчов бирликлари	255
XV.4. Геодезик асбоблар таснифи	258
XV.5. Янги геодезик асбоблар ва усуллар бўйича қисқача маълумотлар	261
ДАРСЛИКДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ЎЗБЕКЧА-РУСЧА АТАМАЛАР	264
АДАБИЁТЛАР	268
МУНДАРИЖА	269

Маҳкам Дўстмуҳамедов

ИНЖЕНЕРНАЯ ГЕОДЕЗИЯ

На узбекском языке

Издательство “ЎЗБЕКИСТОН” — 1998, Ташкент, 700129,
ул. Навои, 30.

Бадиий муҳаррир *T. Каноатов*
Техник муҳаррир *T. Харитонова*
Мусаҳҳиҳ *Б. Қорабоеев*
Компьютерда тайёрловчи *Э. Ким*

Теришга берилди 24.10.97 Босишга рухсат этилди 18.03.98
Қоғоз ўлчами $84x108\frac{1}{32}$, Таймс гарнитурада оффсет босма
усулида босилди. Шартли босма т. 14.28 Нашр т. 15.0 Ада-
ди 1000. нусха. Буюртма № 88

“Ўзбекистон” нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўча-
си, 30. Нашр № 57-96.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Тош-
кент китоб-журнал фабрикасида босилди. 700194, Тошкент,
Юнусобод даҳаси. Муродов кўчаси, 1.